

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

МУҚАДДИМА

Бизларни Ўзига иймон келтиришга мушарраф қилган ва неъматини батамом қилиб, Ислонни дин деб рози бўлган Аллоҳ таолога У Зотнинг улуғлигига муносиб ҳамду санолар бўлсин!

Бизларга оламларнинг Роббисидан Ислон ва Иймон ҳақидаги таълимотларни етказган ва шахсий намуна бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога саловоту саломлар бўлсин!

«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг иккинчи китоби «Ислон ва Иймон китоби» деб номланади. Биз шарҳ қилаётган «ат-Тож ал-жомеъ лил-усул фи аҳадийсур Росул», яъни, «Расулнинг ҳадисларидан аслларини жам қилувчи тож» деб аталган китобнинг муаллифи Мансур Али Носиф ал-Ҳусайний раҳматуллоҳи алайҳи аввал динимизнинг асоси Ислон ва Иймондан иборат экани ҳақида шу мавзуга боғлиқ ҳадислардан жамлаб, бир «китоб» қилганлар.

Динимиз билан батафсил ошно бўлмокни истаган ҳар бир киши учун аввало, Ислон ва Иймонга оид маълумотлар билан танишиб олгани яхши. Албатта, мазкур танишиш илмий асосда, оят ва ҳадислардан келтирилган далиллар билан бўлса, яна ҳам яхши бўлади. Илмсиз равишда, узук-юлуқ ва асоссиз маълумотлар асосида олинган тасаввур нотўғри бўлиши ҳаммага маълум. Хусусан, баъзи ғаразгўйларнинг уринишлари кўпайган пайтларда эҳтиёт бўлишимиз керак.

Мазкур эътиборлардан сиз билан биз бошлаётган бу китобимиз Аллоҳ таолонинг ёрдами ила ҳаммамиз учун яхши ёрдамчи бўлар, деган умиддамиз. Зотан, бу китобнинг боблари Ислон ва иймон ҳақида ҳар бир мўмин-

мусулмон билиши лозим бўлган асосий мавзуларни қамраб олган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

«Ислом ва иймоннинг баёни ҳақида» деб номланиб, у Ислом ва иймоннинг луғат ва уламолар истилоҳидаги маънолари ҳамда улар ҳақида умумий баёнотлар келган ҳадиси шарифларнинг шарҳи билан бошланади.

Иккинчи боб «Комил иймон сифатлари ҳақида» деб аталади. Ҳар бир нарсанинг камолот сифатлари бўлгани каби иймоннинг ҳам камолот сифатлари бўлади. Ана ўша сифатлар нимадан иборат эканини ушбу бобда ўрганамиз.

«Иймон зиёда ва ноқис бўлади. Унга васваса зиён қилмайди» деган сарлавҳа остида ақоид уламолари орасида икки хил фикр чиққанлиги мутахассисларга яхши маълум. Ашъарийлар иймон зиёда ва ноқис бўлади, дейдилар. Мотуридийлар иймон зиёда ва ноқис бўлмайди, дейдилар.

Бу тортишувларга уларнинг иймонни турлича таъриф қилганлари сабаб бўлган. Иймон тасдиқ, иқрор ва амалдан иборат деганлар иймон зиёда ва ноқис бўлади, деган.

Иймон тасдиқ ва иқрордир деганлар, иймон зиёда ёки ноқис бўлмайди, лекин амал зиёда ва ноқис бўлади, деган.

Икки тараф бу ҳақдаги оятларни ўз таърифларига биноан тафсир қилиб, бирлари зоҳирий маънони олса, иккинчилари амалга таъвил қилади. Аммо уларнинг тортишувлари таърифда холос эканини, моҳиятда эмаслигини далиллар билан ажратиб оламиз.

Учинчи боб «Диннинг фазилатлари ҳақида» бўлиб, унда динимизнинг сиз билан бизга фойда келтирадиган фазллари ҳақида сўз юритилади.

Тўртинчи боб «Қадарга иймон келтириш ҳақида» бўлиб, унда ақийдамиздаги рукн масалаларидан бири бўлмиш қазои қадар ҳақида илмий маълумотлар тақдим қилинади. Ундан бу борадаги саволларимизга жавоб

топамиз, иншааллоҳ.

Шунингдек, адашган ақийдавий тоифалардан бўлмиш Қадария ва Муржиага ўхшаш бидъат соҳиблари кимлиги ва уларнинг бузук ақийдалари нимадан иборатлигини англаб етамиз.

Бешинчи боб аввалги мусулмонлар авлодининг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қилган байъати ҳақида, яъни, мусулмон бўлганларида у зотга қўл бериб, қабул қилиб олган топишириқлари тўғрисида сўз кетади. У зот барчага фақат яхшиликни топшириқ қилиб берганларини билиб оламиз.

Олтинчи бобда Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш ҳақидаги маълумотлар билан танишамиз. Динимизнинг асосий масдарлари Аллоҳ таолонинг Китоби ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг Суннатлари эканини кўпчилик яхши билади. Энди ушбу икки асосий масдарни маҳкам тутиш ҳақидаги илмий далилларни ҳам билиб олсак, кўп яхши бўлади.

Динда ҳаддан ошиб кетиш доимо мақсадга мувофиқ нарсга ҳисобланмаган. Ушбу китобимизнинг еттинчи боби «Амалда тежамкорлик ва бардавомлик Аллоҳ учун маҳбубдир» деб аталган бўлиб, унда динда мўътадил бўлиш ва ҳаддан ошмаслик асосларини оят ва ҳадислар асосида пухта ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Аллоҳ таоло яхши ният билан бошлаётган бу ишимизда Ўзи мададкор бўлсин ва уни барчамизга баракотли қилсин!

*Шайх
Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф.*

كتاب الإسلام والإيمان

ИСЛОМ ВА ИЙМОН КИТОБИ

وفيه سبعة أبواب

ЕТТИБОБДАНИБОРАТ

Шарҳ: «Китоб» сўзи «ёзиш» ўзагидан олинган бўлиб, «ёзилган» маъносини англатади. Бир тўп ёзилган варақларни муқова орасига олингани «китоб» деб ишлатиб келинган. Аслида эса, у кенгроқ маънони англатади. Қуръони Каримнинг номларидан бири ҳам «Китоб»дир. Исломда «Аллоҳнинг Китобида», «Китоб ва Суннатда» каби иборалардаги «Китоб»–«Қуръон» дегани бўлади. Шунингдек, Ислом адабиётида бир неча фасл ва бобларни ўз ичига олган бир мавзу ҳақидаги маълумотлар тўпламини ҳам «китоб» деб аташ одат бўлиб қолган. «Ҳаж китоби», «Рўза китоби» кабилар шу жумладандир. Шу боис Ислом ва иймон ҳақидаги ҳадислар тўплами ҳам «китоб» деб аталмоқда.

الباب الأول في بيانهما

БИРИНЧИБОБ

ИСЛОМ ВА ИЙМОННИНГ БАЁНИ ҲАҚИДА

1- عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ τ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ρ : بِيَّ
الإِسْلَامِ عَلَى خَمْسٍ شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ
وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَالْحَجِّ وَصَوْمِ رَمَضَانَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ
وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

1. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Ислоm беш нарсага бино қилингандир: «Лаа илаҳа иллalloҳу Муҳаммадур Расулulloҳ», деб шаҳодат келтириш, намозни тўкис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насайй ривоят қилишган.

Шарҳ: Аввало, ушбу ҳадиснинг ровийи Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг қисқача таржимаи ҳоллари билан танишиб чиқайлик.

Исмлари Абдуллоҳ, кунялари Абу Абдурахмон, оталари Умар ибн Хаттоб, оналари Зайнаб бинти Мазъундир. Абдуллоҳ ибн Умар ҳали балоғат ёшига етмай, оталари билан Маккада Исломга кирдилар. Бадр ва Уҳуд жангларига қатнашиш учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан рухсат сўраганларида, ёшлари кичкина бўлгани сабабли рухсат бермадилар. Лекин Хандақ

жангига чиққанлар. Ана шу вақтда Ибн Умарнинг ёшлари ҳали ўн бешдан ўтмаган эди. Оталари билан бирга Мадийнага ҳижрат қилдилар. Ёшлари йигирмага етганда Маккани фатҳ этишда иштирок этдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар ёшлик вақтларидан тақводор, ифбатли эдилар, у кишини Қурайш ёшлари ичида, нафсига молик кишилардан, деб танишарди. Кишилар орасида сахийлик ва ростгўйлик билан ҳам машхур эдилар. Аллоҳ йўлида ҳақдорлар учун бир кунда юзта туяни инъом этганлари ривоятларда келади. Доимо етим ва мискинлар билан бирга овқатланиб юрар эдилар. Агар бирор маърака қиладиган бўлсалар, ана шу маъракага фақат етим ва камбағалларни таклиф қилар эдилар. Албатта, бу сахийликлари фахр ёки мактов учун эмас, балки Аллоҳ йўлида бўлар эди. Абдуллоҳ ибн Умар зоҳидлардан эдилар. Дунёга мойил ҳам бўлмас ва унга ортиқча ҳаракат ҳам қилмас эдилар, балки ундан баданларини тўсгудек кийимни, эгилган беллари тўғри бўлгудек таомни умид қилар эдилар, холос.

Ибн Умар кечалари кўп намоз ўқиб, доим Қуръон тиловат қилиб, Аллоҳни кўп зикр қилардилар. Агар огоҳлантирувчи, кўркитувчи оят эшитсалар, кўзларига ёш ёмғир каби қуйилиб келарди. Ибн Умар кечасининг кўп қисмида намоз ўқиб чиқар эдилар. Тонг саҳарларда эса, истиғфор айтиб, йиғлаб чиқар эдилар.

Улуғ зотлардан Товус раҳматуллоҳи алайҳи: «Ибн Умардан кўра тақволи, Ибн Аббосдан кўра билувчирик кишини кўрмадим», дейди.

«Лан танолул бирра хатто тунфикуу мимма туҳиббун» («Яхши кўрган нарсаларингиздан инфоқ қилмагунингизча яхшиликка эриша олмайсизлар») ояти каримаси нозил бўлганида Ибн Умар Румайса исмли чўриларини Аллоҳ йўлида озод қилдилар ва: «Аллоҳга қасамки, дунёда энг яхши кўрган кишим сенсан, озодсан, кетавер», деб

айтдилар.

Улуғ зотлардан Нофёь айтадилар: «Ибн Умарга агар дунё ишларида бирор нарса қаттиқ бўлиб қолса, Роббиларига яқин бўлар эдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анху айтадилар:

«Абдуллоҳ ибн Умардан бошқа молу дунёга мойил бўлиб кетмаган бирор кишини кўрмадик».

Кишилар айтишар эди: «Абдуллоҳ ибн Умарнинг зоҳидликлари оталаридан мерос эди. Шунинг сингари дин таълимотларини ҳам оталаридек касб қилган эдилар. Ҳар бир ишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва оталарига эргашар эдилар. У зотнинг қалблари беҳожатлик билан тўлган эди. Ақллари олий даражада, руҳлари эса, пок эдилар. Агар ҳузурларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр қилинса, у зотга бўлган муҳаббатларидан кўзлари ёшга тўлар эди».

Ибн Умарда уламоларга хос бўлган бир хислат бор эди. Агар инсонлар бирор нарсада жоҳиллик қилсалар, уларга адоватларини зоҳир қилмас ёки жавобни узиб қўймас эдилар. Агар билмайдиган нарсалари тўғрисида сўралса, дархол билмайман, деб айтар эдилар.

Ибн Умар ҳаммаси бўлиб, 2630 та ҳадис тўплаб, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан кейинги ўринни эгалладилар. Ибн Умар ҳадисларни Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Абдуллоҳ ибн Масъуд каби улуғ саҳобалардан ва Оиша ҳамда Ҳафса оналаримиздан ривоят қилдилар. У зотдан Саид ибн Мусаййиб, Ҳасан Басрий, Ибн Шихоб Зухрий, Ибн Сийрин, Нофёь, Мужоҳид, Товус, Икрима каби тобеъийнлар ривоят қилишди.

Абдуллоҳ ибн Умар ҳижратнинг 73-йили 84ёшларида Макка шаҳрида бу фоний дунёдан дорулбақога риҳлат қилдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифни истиёора ишлатиб баён қилмоқдалар.

Яъни, у зот Ислом динини бир бинога ўхшатмоқдалар. «Бино қилинди» деб бино қилувчини мажҳул қолдирмоқдалар. Чунки арабларда ишнинг бажарувчиси жуда аниқ-равшан бўлса, шундоқ услуб ишлатилади. Исломнинг бино қилувчиси Аллоҳ таоло бўлиб, бу маълум ва машҳур эканидан «Ислом бино қилинди» дейилмоқда. Лекин бу ҳадисда тўлиқ, мукамал бино ҳақида эмас, бинонинг асосини ташкил қилувчи беш рукн ҳақида сўз кетмоқда. Шунинг учун ҳам:

«Ислом беш нарсага бино қилинди», дейилмоқда. Демак, Ислом биносининг қаддини кўтариб турадиган асосий рукнлар ушбу ҳадисда зикр қилинаётган беш нарсадир:

1. Аллоҳ таолонинг ибодатга сазовар ягона Зотлиги ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг Пайғамбари экани ҳақида шаҳодат бериш.

2. Фарз қилинган беш вақт намозни ўз вақтида тўлатиш.

3. Моли нисобга етса, закотини бериш.

4. Қодир бўлганда Байтуллоҳни ҳаж қилиш.

5. Рамазон ойи рўзасини тутиш.

Ушбу беш рукннинг ҳар бири ҳақида китобимизда алоҳида ҳадислар тўплами келиши туфайли улар ҳақидаги батафсил сўзни кейинга сураимиз.

Мазкур нарсалар Ислом биносининг асосий рукнлари бўлгани учун Ислом ўша беш нарсага бино қилинган дедик. Аммо бу дегани, Ислом фақат беш нарсадан иборат, дегани эмас. Улар асос ва устундир. Ҳар бир бинонинг асоси ва устуни унинг ўзагини ташкил қилганидек, бу беш нарса ҳам Исломнинг ўзагини ташкил қилади. Бино мукамал бўлиши учун асос устига, устун атрофига девор урсак, шифт қилиш ва бошқа зарур ишларни бажариш лозим бўлади. Исломнинг бошқа фарз ва вожиблари ҳам шунга ўхшайди.

«Лаа илаҳа иллаллоху Муҳаммадур Расулуллох» иймон рукнининг ўзаги бўлса, фаришталарга, пайғамбарларга, илоҳий китобларга, яхшию ёмон қадар Аллоҳдан эканига ва бошқа лозим бўлган нарсаларга иймон келтириш унга тобеъ бўлади.

«Намоз» амалий, баданий-жисмоний, рухий ибодатларнинг рукнидир. Бошқа шунга ўхшаш ибодатлар эса, унга тобеъ бўлади.

«Закот» молиявий ибодатларнинг рукнидир. Бошқа молиявий ибодатлар унга тобеъ бўлади.

«Ҳаж» ҳам молиявий, ҳам жисмоний ибодатларнинг рукнидир. Бошқа молиявий, жисмоний ибодатлар унга тобеъ бўлади.

«Рўза» тарқ қилиш (ўзини тийиш) ибодатлари рукнидир. Бошқа ўзини тийиш ибодатлари унга тобеъ бўлади.

Буларнинг ҳаммаси қўшилганда Ислом биноти мукамал ҳолатга келади.

Ушбу ҳадисдан олинган фойдалар:

Ҳадисда мусулмон инсон учун ушбу беш нарсани рукн ибодат экани аниқ кўриниб турибди.

1. Ушбу беш нарсани руқна фарзи айналди, яъни, ҳар бир шахсга алоҳида, бевосита фарзидир. Мусулмонман, деган одам бу ибодатларни шахсан ўзи адо қилиши фарз. Бу ибодатларни биров адо қилса, бошқадан соқит бўлмайди. Ота адо қилгани билан, боладан соқит бўлмайди. Она адо қилгани билан, қиздан соқит бўлмайди.

2. Бу ҳадисдан Ислом айнан ушбу беш нарсани руқна биноти қилинганини билиб олмақдамиз. Демак, Ислом бу беш нарсани руқна биноти қилиниши мумкин эмас.

Хулласи калом, ушбу беш нарсани руқна биноти қилиниши асосий руқналардан бошқа нарсани руқна биноти қилиниши учун руқна бўла олмайди.

Ҳадиси шарифдан чиқадиган ҳикматлар:

Ўзида буюк маъноларни мужассам қилган ушбу ҳадиси шарифдан, унда зикр этилган рукнлардан келиб чиқадиган ҳикматлар ҳақида жилд-жилд китоблар ёзилган, кўплаб ваъз-насиҳатлар қилинган. Улар шунчалик кўпки, санаб адоғига етиш ҳам қийин.

Аллоҳ таоло ҳақимдир. У Зот беҳикмат иш қилмайди. Инсониятга Исломни қиёмат кунигача икки дунё саодат йўлини кўрсатувчи Ўзининг охирги дини қилиши ҳам бир олам ҳикматдир. Инсоният босиб ўтган йўл, қилиб кўрган тажрибалар Исломсиз мақсадга етиб бўлмаслигини кун сайин кўрсатмоқда.

Инсониятнинг якка илоҳий маъбудга эътиқод қилишга муҳтож эканини ҳам тажриба кўрсатди. Худосизлик нима экани, қандоқ балоларга гирифторм қилиши синаб-татиб кўрилди. Кўпхудолик ҳам фойда бермаслигини ҳамма тушуниб бормоқда. «Аллоҳнинг ўғли бор, Аллоҳ уч шахс, ота-ўғил ва муқаддас руҳларнинг қўшилишидир», деб даъво қилганлар ҳам ҳозирда ўзларининг ақийдалари нотўғри эканини тушуниб етмоқдалар.

«Муҳаммадур Расулуллоҳ» эса, ўзининг инсон ҳаёти учун нақадар зарурлигини аниқ аён этди. Инсоният учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдек ўрнак бўларли зот, йўлбошчи қайтиб туғилмади. Бу ҳозирги кунда ҳар дамда, ҳар қадамда сезилиб турибди. Инсон ўзи ўрнак олиш учун ихтиёр қилган шахслари фойда бермаяпти. Хаёлда тўқиб олинган сохта ибратлар ҳам иш бермай кўйди. Бугунги кунда айниқса, Муҳаммад алайҳиссаломга душман бўлган ғарб юртларида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларига эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Аввалроқ буюк инглиз ёзувчиси Бернард Шоу: «Агар Муҳаммад пайғамбар тирик бўлганида, бизнинг ҳаётий муаммоларимизни бир пиёла қаҳва ичиб ўтириб ҳал қилиб берар эди», деган бўлса, яқинда ғарблик мутахассислар

кишилик тарихида инсониятга энг кўп фойда келтирган юз киши рўйхатини тузиб чиқиб, унда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни биринчи ўринга қўйдилар. Бу ерда гап моддий фойдалар ҳақида кетмоқда. Шундоқ экан, мусулмонман, деб юрганлар ўзларининг Пайғамбарлари билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. У кишидан ҳар нарсада ўрнак олишлари, ҳар ишда у зотнинг суннатларига амал қилмоқлари зарур.

«Намоз» инсоннинг кундалик ҳаёти учун ҳар томонлама зарур амал экани илмий равишда ҳам исботланмоқда. Намоз ўзининг сон-саноксиз фойдалари билан инсон ҳаётини ҳамма соҳаларда тартибга солиб турувчи восита экани тобора аён бўлмоқда. Ҳозирги кунда илмий йўл билан ҳаёт кечириш услубини излаган моддий тараққий этган юртлар аҳолисининг кўпчилиги намоз туфайли Исломга кирмоқдалар. Кишининг ҳар тарафлама поклигини, соғлигини таъминловчи, уни Аллоҳ билан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан, мўмин биродарлари билан доимий алоқада ушлаб турувчи намознинг аҳамиятини энди ким инкор қила олади.

«Поклик» сўздан олинган «Закот» асосида қурилган иқтисодий алоқаларгина инсониятнинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиши мумкинлигига ишончимиз комил.

«Ҳаж» «зиёрат» маъносини англатади. Уни адо этиш учун сафар қилиш лозим бўлади. Ҳажда дунёнинг турли бурчакларидан келган одамлар учрашиб, турли муаммоларини ҳал этишга уринадилар. Дунёда кундан-кунга саёҳат ширкатлари кўпайиб, турли халқаро учрашувлар сони ортиб бораётганининг ўзиёқ ҳажнинг инсоният ҳаётида қанчалик зарур нарса эканини кўрсатиб турибди. Мазкур саёҳат ширкатлари ва учрашувлар одамлар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун бир уриниш, холос. Уни инсоннинг ўзи ўйлаб топгани учун

хам камчиликлардан холи эмас.

Исломий зиёрат ва учрашувларда эса хамма нарса ҳалоллик-поклик билан ҳалоллик-поклик йўлида бўлади.

Бугунги кунда «Рўза»нинг фойдасини рўза нималигини билмайдиган халқлардан сўраш керак. Улар асрлар давомида ўзлари учун руҳий, жисмоний соғлиқ манбаини излаб, сон-саноксиз тажрибалар ўтказиб, бу нарса «ихтиёрий очлик»да эканини эндигина милодий йигирманчи асрнинг охирига келибгина тушуниб етдилар. Ислом эса, бу нарсани мусулмонларга бундан ўн беш аср муқаддам исботлаб қўйган ва ибодат сифатида буюрган эди.

Аввал айтганимиздек, Аллоҳ хоҳласа, бу рукнлар ҳақида ўз ўрнида алоҳида сўз юритамиз. Ушбу айтилганлар уммондан томчи, холос.

2- عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ τ قَالَ: بَيْنَمَا نَحْنُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ρ

ذَاتَ يَوْمٍ إِذْ طَلَعَ عَلَيْنَا رَجُلٌ شَدِيدُ بَيَاضِ الثِّيَابِ شَدِيدُ سَوَادِ الشَّعْرِ، لَا يُرَى عَلَيْهِ أَثَرُ السَّفَرِ وَلَا يَعْرِفُهُ مِنَّا أَحَدٌ حَتَّى جَلَسَ إِلَى النَّبِيِّ ρ فَأَسْنَدَ رُكْبَتَيْهِ إِلَى رُكْبَتَيْهِ وَوَضَعَ كَفَّيْهِ عَلَى فَخْذَيْهِ وَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ أَخْبِرْنِي عَنِ الْإِسْلَامِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ρ : الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَتُعْتِمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ وَتَحُجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا. قَالَ: صَدَقْتَ قَالَ: فَعَجَبْنَا لَهُ يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِيمَانِ قَالَ: أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ خَيْرِهِ

وَشَرِّهِ قَالَ: صَدَقْتَ، قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ قَالَ: أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ
كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ قَالَ: مَا
الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنْ أَمَارَاتِهَا قَالَ: أَنْ
تَلِدَ الْأُمُّ رَبَّتَهَا وَأَنْ تَرَى الْخُفَاءَ الْعُرَاةَ الْعَالَةَ رِعَاءَ الشَّيْءِ يَتَطَاوَلُونَ فِي
الْبُنْيَانِ، قَالَ: ثُمَّ انْطَلَقَ فَلَبِثْتُ مَلِيًّا ثُمَّ قَالَ لِي: يَا عُمَرُ أَتَدْرِي مَنْ
السَّائِلُ؟ قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: فَإِنَّهُ جِبْرِيلُ أَتَاكُمْ يُعَلِّمُكُمْ
دِينَكُمْ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ وَزَيْدٌ فِي رِوَايَةٍ فِي خُمْسٍ لَا يَعْلَمُهُنَّ إِلَّا اللَّهُ، ثُمَّ
تَلَا النَّبِيُّ ﷺ { إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ } الْآيَةَ ثُمَّ أَذْبَرَ فَقَالَ: رُدُّوهُ
فَلَمْ يَرَوْا شَيْئًا، فَقَالَ: هَذَا جِبْرِيلُ جَاءَ يُعَلِّمُ النَّاسَ دِينَهُمْ.

2. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам хузурларида эдик. Бирдан устимизда оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни бирортамиз танимас ҳам эдик. У келиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг тўғриларига ўтирди. Икки тиззасини у зотнинг икки тиззаларига тиради. Икки кафтини сонлари устига қўйди ва:

«Эй Мухаммад, менга Ислому ҳақида хабар бер», деди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ислому: «Лаа илаҳа иллаллоху Мухаммадур Расулulloх» деб шаҳодат келтирмоғинг, намозини тўқис адо қилмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон

рўзасини тутмоғинг, агар йўлга кодир бўлсанг, Байтни хаж қилмоғинг», дедилар.

«Тўғри айтдинг», деди у.

Биз ундан ажабландик. Ўзи сўрайди, ўзи тасдиқлайди.

«Менга иймон ҳақида хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг», дедилар.

«Тўғри айтдинг», деб тасдиқлади ва:

«Менга эҳсон ҳақида хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», дедилар.

«Менга (қиёмат) соатидан хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас», дедилар.

«Унинг аломатларидан хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Чўри ўз хожасини туғмоғлиги, ялангоёк, яланғоч, камбағал чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўрмоғинг», дедилар.

Сўнгра у қайтиб кетди. Бас, мен бирмунча вақт ғойиб бўлдим. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?» дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчирок», дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у Жаброилдир. Сизларга динларингиздан

таълим бергани келибди», дедилар».

Яна бир ривоятда:

«У Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган беш нарсанинг ичидадир», дедилар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида (киёмат) соати илми бор» оятини тиловат қилдилар. Сўнгра у қайтиб кетди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни қайтаринглар», дедилар.

Одамлар ҳеч нарсани кўрмадилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу Жаброилдир. Одамларга динларини ўргатгани келибди», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиснинг ровийи буюк саҳобий, Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг таржимаи ҳоллари тўғрисида неча-неча китоблар битилган. Биз эса, баъзи қисқача маълумотларни келтириб ўтамиз:

Умар ибн Хаттоб тўрт халифанинг иккинчиси, ҳақ билан ботилни ажратиб, «Форуқ» лақабини олган, жаннатга киришликка башорат берилган ўн саҳобанинг бири. Биринчи бўлиб «Амирал муминин» лақабини олган халифа. Исломга Расулуллоҳ пайғамбар қилиб юборилишининг олтинчи йили кирдилар. Олдин бу динга қарши бўлиб, бир-икки бор Расулуллоҳни ўлдирिशга ҳам қасд қилдилар. Лекин Аллоҳ бу кишини Ислом динига ҳидоят қилиб қўйди. Бу зот Исломга киришларидан бир-икки кун олдин Расулуллоҳ:

«Аллоҳим, Исломни Умар билан қувватлагин», деб дуо қилдилар. Аллоҳ пайғамбарининг дуосини қабул қилиб, ҳазрати Умарни Исломга ҳидоят қилиб қўйди. Бу ҳодиса тарих китобларида қуйидагича келтирилади:

«Бир куни Умар ибн Хаттоб қиличини яланғочлаб, Расулуллоҳни ўлдирмоқни қасд қилиб кетаётганида, тўсатдан Наъим ибн Абдуллоҳ учраб қолади. Умарнинг

холини кўриб, қаерга кетаяпсан, деб сўрайди. Умар ибн Хаттоб:

«Қурайшнинг олихаларини сўккан, илохни ягона деб, пайғамбарликни даъво қилаётган Муҳаммадни ўлдириш учун кетяпман», деб жавоб беради. Наъим:

«Аввал синглинг ва куёвингга қарасанг-чи, улар Муҳаммаднинг динига киришди-ку!» дейди. Умар йўлидан қайтиб, синглисининг уйи томон юради. Умар синглисининг уйига келганида Хаббооб ибн Арт розияллоху анху Фотима ва унинг эрига Қуръон ўқиб бераётган эди. Умар эшикни тақиллатади. Фотима эшикни очади. Умар уйга кирмасдан олдин синглисидан Исломга киргани хақидаги хабар рост ёки ёлғонлигини суриштиради. Кейин у куёвини уриб кетади. Буни кўрган синглиси у кишига ёпишади. Умар синглисини туртиб, уни ҳам қонга белади. Шунда синглиси йиғлаб:

«Бизни уриб ўлдириб юбор, лекин бу диндан қайтмаймиз» деб, қатъий туриб олади. Шунда Умарнинг қалби юмшаб, қилган ишидан афсусланади. Синглисидан Қуръон оятлари битилган варақни тортиб олмоқчи бўлганида, у:

«Сен нопоксан, ғусл қилмагунингча буни ушлашинг мумкин эмас», дейди. Ғусл қилиб келиб, варақни кўлига олади. Унда Тоҳа сурасининг қуйидаги оятлари бор эди:

«Сенга Қуръонни бахтсиз бўлишинг учун нозил қилганимиз йўқ. Фақат (Роббисидан) кўрқувчи кимсаларга эслатма қилиб туширдик. (Бу Қуръон) ер ва буюк осмонларни яратган Зот тарафидан нозил қилингандир...»

Умарнинг қалбида бир нарса шуълаланди. Бу шуъла Ислом нурининг учқуни эди. Бу учқун келажақда оловга айланиб, бутун дунёни забт этиши керак эди.

Шунда Хаббооб беркиниб ётган жойидан чиқиб, эй Умар, хурсанд бўл, мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи

васаллам сени хақингда «Аллоҳим, Исломни Умар билан қувватлагин», деб дуо қилаётганларини эшитдим», деди.

Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришиш нияти борлигини айтганидан сўнг, Хаббоб у кишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига бошлаб борди. Шу кундан бошлаб, мусулмонларга бўлаётган таъзйику азоб-уқубатлар сезиларли даражада камайди.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ айтади:

«Умар Исломга кирганларидан кейин мушрикларнинг зулмидан анча халос бўлди».

Ҳижратга рухсат берилганида, мусулмонларнинг кўпчилиги беркиниб, кечаси ҳижрат қилишни танлашди. Лекин Умар кундузи Каъба олдига келиб, тавоф қилдилар, сўнгра ҳижрат қилишларини эълон қилдилар. Ва Қурайшга қарата: «Кимнинг онаси боласиз, хотини бева, болалари етим қолишини хоҳласа, менга шу тоғнинг орқасида учрасин» деб айтдилар. Лекин ҳеч ким у кишига қарши чиқишга журъат қила олмади.

Умар ибн Хаттоб Бадр, Уҳуд, Хандақ ва бундан бошқа ҳамма жангу фатҳларда иштирок этдилар.

Умар ибн Хаттоб Абу Бакр Сиддикдан сўнг Ислом умматининг иккинчи халифаси бўлдилар. Бу вақт ичида катта ҳаракат қилиб, Форс, Миср, Шом, Ироқ ва бошқа жойлар фатҳ этилди. Ҳазрат Умар даврларида Исломнинг 12 минг минбари барпо этилди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтадилар:

«Умар ибн Хаттобнинг Исломга киришлари ғалаба бўлса, ҳижрат қилишлари ёрдам, халифа бўлишлари эса, раҳмат эди».

Ҳазрати Умар ўз халифаликлари даврида кўплаб ислохотлар, янгиликлар қилдилар. Мусулмонларнинг Байтулмолларини таъсис этдилар. Басра ва Куфа шаҳарларини қурдилар. Катта ободончилик ишларини олиб бордилар, халифаликни юритиш ишларида катта янгиликларни амалга оширдилар. Бу зот халифаликни

ниҳоятда адолат билан юргиздилар, Ислом динининг равнақи йўлида ниҳоятда катта хизмат қилдилар.

Ҳазрати Умар олим, тадбирли, доно, такволи, дунёда зоҳид, аччиқ бўлса-да, ҳақ сўз сўзловчи киши эдилар. У киши ҳаммаси бўлиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 539 та ҳадис ривоят қилдилар. Бу зотдан бир нечта саҳобалар ривоят қилишди. У зот ривоят қилган ҳадислардан учта «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Умар ибн Хаттоб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берганларидек, шаҳид бўлдилар. У зот масжидда мусулмонларга имомлик қилиб турганларида, мушриклар ёллаган қотил томонидан ҳижратнинг 23-йили, суиқасд туфайли қатл этилдилар. Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам равзаларига, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ёнларига дафн қилинганлар.

Ушбу ҳадиси шариф инсон сўзи васфига ожиз бўлган улкан ҳақиқатларни ўз ичига олган. Чунки унда Ислом, иймон, эҳсон нималиги, Қиёмат куни ҳақида маълумотлар берилмоқда. Ҳадиснинг охирида эса, ушбу нарсаларнинг жами «дин» деб аталмоқда.

Бу ҳадисда диний таълим беришда амалий-кўрғазмали дарс кўриниши баён қилинмоқда. Имом Муслим Аммор ибн ал-Қаъқоъдан ривоят қилишларича, бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ичида ўтириб:

«Мендан сўрайдиган нарсангизни сўраб олинглар», дедилар. Одамларни ҳайбат босиб, бирор нарсани сўрай олмай қолдилар. Шунда, ҳадисда васф қилинган, оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора, ўзида сафарнинг асари йўқ, ҳеч кимга таниш бўлмаган бир одам кириб келган ва васф қилинган ҳайъатда ўтириб олиб, ҳамма учун ўта муҳим бўлган саволларни бера бошлаган.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам савол берувчининг,

«Эй Мухаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер», деган саволига жавобан,

«Ислом; «Лаа илаҳа иллаллоху Мухаммадур Расулуллоҳ» деб шаҳодат келтирмоғинг, намозини тўқис адо қилмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилмоғинг», дедилар».

Демак, унинг Ислом ҳақидаги саволига жавобан биринчи ҳадисда келган нарсаларни зикр қилганлар. Фақат рўза билан ҳажнинг ўрни алмашиб, ҳаж бешинчи бўлиб зикр қилинган.

Сўровчининг:

«Менга иймон ҳақида хабар бер», деган сўровига Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг», деб жавоб бердилар.

Бу савол иймоннинг шаръий маъносида, яъни шариат бўйича «Иймон деб нимага айтилади?» маъносидаги саволдир.

Жавобда эса, шариат бўйича иймоннинг бош масалалари бўлган нарсалар умумий кўринишда айтилмоқда.

«Аллоҳга иймон келтириш» дейилгани, умумий гап. Лекин шариатга кўра, «Аллоҳнинг борлигига ишонаман», дейиш билан иш битмайди. Аллоҳга иймон келтиришни тафсилоти билан билиш лозим. Аллоҳ таоло Ўзи айтганидек, У Зотнинг Пайғамбари Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам васф этганларидек иймон келтирмоқ лозим. Аллоҳнинг борлигига, қадимийлиги, азалийлиги ва абадийлигига, исмларига, сифатларига ва ишларига тўғри равишда иймон келтирмоқ лозим.

Шунингдек, Аллоҳнинг фаришталарига иймон келтириш уларнинг борлигига иймон келтириш билан тугал бўлмайди. Фаришталарга тугал иймон Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек бўлиши керак. Уларнинг васфларига, хизматларига ва хусусиятларига иймон келтириш лозим.

Шунингдек, Аллоҳнинг китобларига, пайғамбарларига иймон келтириш ҳам Қуръон ва Суннат кўрсатмаларига мувофиқ бўлиши лозим. Охират кунига бўлган иймон ҳам, яхшию ёмон қадарга иймон ҳам шариат кўрсатмаси бўйича бўлиши лозим. Бу ишда бировга тақлид қилиш билан иш битмайди. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ақийда масалаларини биладиган тақводор уламолардан ўрганиб олмоғи зарур. Иложи бўлса, ақийда китобларидан бирортасини ўрганиш, мухтасар матнлардан бирини ёдлаб олиш лозим.

Савол берувчининг учинчи саволи:

«Менга эҳсон ҳақида хабар бер», дейиш бўлди. «Эҳсон» лугатда «яхшилиқ, гўзал иш» маъносини англатади. Унинг бу ҳадисдаги маъноси эса, уламолар айтишларича «ихлос» маъносидадир. Жавобда эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг оз иборалар билан кўп маънони ифода эта олиш қобилиятларини кўрсатдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳсон таърифида:

«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг», дедилар.

Ушбу таърифни ва у орқали «эҳсон»ни тўлиқ ва тўғри тушуниш учун аввало «ибодат» сўзи маъносини батафсил англаб олмоғимиз лозим. Бизда «ибодат» деганда намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш каби нарсалар тушунилади. Албатта, бу нарсалар улкан ибодатлардир. Лекин ибодат маъноси фақат ушбу нарсалар билан чегараланмайди. Бу

сўз «абада» феълидан олинган бўлиб, «куллик қилди – кул бўлди» маъносини билдиради. Абдуллоҳ Аллоҳнинг қули, деганидир. Демак, ибодат куллик қилиш маъносидадир. Бу маъно форсчасига «бандалик» дейилади. Агар намоз, рўза ва ҳажнигина ибодат дейдиган бўлсак, ўша ибодатларни адо этиш пайтида Аллоҳга куллик қилинади-ю, ундан кейин Аллоҳга куллик тўхтайдими? Унда инсон намоз, рўза ва ҳаждан бошқа вақтда кимга куллик қилади? Инсон намоз ўқиб, рўза тутиб, ҳаж қилинаётганда Аллоҳни кўриб тургандек бўлишга ҳаракат қилиши лозим-у, бошқа вақтда лозим эмасми? Ёки ўша ибодатлар пайтида Аллоҳ мени кўриб турибди, деб тасаввур қилиши кераг-у, бошқа вақтларда кўрмапти, деб, ўз билганини қилавериши керакми?

Йўқ, асло ундоқ эмас! Аллоҳ таолога инсоннинг бандалиги-қуллиги доимийдир. Намоз ўқиётган инсон ҳам, ухлаётган инсон ҳам Аллоҳнинг бандаси. Рўза тутаяётгани ҳам, рўза тутмаётгани ҳам Аллоҳ таолонинг бандаси. Ҳаж қилаётгани ҳам, иложини қила олмай ҳаждан қолгани ҳам Аллоҳ таолонинг бандаси. Гап фақат ўша банда томонидан ўзининг бандалигини тан олишида! Яъни, «Аллоҳнинг қулиман» деган одамнинг Аллоҳга куллик қилишида! Бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Аллоҳнинг айтганини қилиб яшашида! Бир хўжайиннинг хожалигини бўйнига олиб, унга хизматкор бўлган киши хўжайиннинг айтганларини қилмаса, хизматкорлиги қолмайди. Хожасидан қилмишига яраша жазо олишга тўғри келади. Аллоҳга кул бўлгандан кейин ана шу кулликни ўрнига қўйиб яшамоқ керак. Шунинг учун ҳам уламоларимиз: «Аллоҳнинг розилигига етказадиган ҳар бир иш ибодатдир», дейдилар. Шундан келиб чиқиб, мусулмон одам ҳар лаҳзада Аллоҳ таолони кўриб тургандек ихлос билан яшамоғи, У Зотнинг розилигини олишга ҳаракат қилмоғи керак. Агар бу олий мақомга

эришишга ожизлик қилса, ҳар лаҳзасини Аллоҳ таоло мени кўриб турибди, деган эътиқод билан ўтказиб, ўшанга яраша ҳаракатда бўлмоғи лозим. Ана ўшандагина эҳсоннинг куйи даражасига эришади.

Агар бу даражага эриша олмаса, намоз вақтида Аллоҳга, касби-кор пайтида эса, молу дунёга бандалик қилади. Рўза пайтида Аллоҳга, овқатланиш пайтида қорнига бандалик қилади. Ҳаж пайтида Аллоҳга, бошқа пайтда эса, турли урф-одатларга ёки бошқа нарсаларга куллик қилади.

Юқорида ўтган уч ўта муҳим саволдан кейин, сўровчининг:

«Менга (қиёмат) соатидан хабар бер», дейиши, қиёмат кунига бўлган иймон ҳам ғоятда зарур эканини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, одамлар орасида, айниқса, қиёматга ишонмовчилар орасида учрайдиган «қиёмат соати» ҳақидаги саволга узил-кесил жавоб беришни тақозо қилмоқда.

Дарҳақиқат, қиёмат соати қачон экани ҳақидаги савол қадимда ҳам бериларди, ҳозирда ҳам тез-тез такрорланиб турибди. Айни вақтда ушбу савол сохта башоратчилар билан ҳақиқий Пайғамбарлар орасидаги фарқни аниқлаб берадиган савол ҳамдир. Сохта башоратчилар ўз атрофидаги жоҳилларнинг кўтар-кўтарига берилиб кетиб, кўпинча қиёмат куни ва соатини олдиндан белгилаб қўйиб шарманда бўлганлар ва бўлмоқдалар.

«Қиёмат соати қачон бўлади?» деган саволга бирдан-бир тўғри жавоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифда берган жавобларидир. Бу жавоб жуда содда ва ўта камтарона жавобдир.

«Сўралувчи у ҳақда сўровчидан билимдонроқ эмас».

Яъни, сен бу нарсани билмасдан мендан сўраяпсан, аммо мен ҳам сен каби қиёмат соатини билмайман.

Сўровчи аввалги саволларнинг жавобини билиб туриб сўраган. Шунинг учун ҳам жавобни эшитгандан сўнг «**Тўғри айтдинг!**» деб тасдиқлаган. Аммо, қиёмат соати қачон бўлишини билмай туриб сўраган. Сўралган одам ҳам жавоб бера олмаслигини билган.

Ушбу мақомда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улуғворликлари алоҳида намоён бўлмоқда. Ўзларига эргашган, у зотни инсониятнинг энг афзали деб билган ва Аллоҳнинг Расули, деб чин ихлос қилган кишилар ҳузурда бегона одамнинг саволига очикчасига «билмайман», деб жавоб бермоқдалар. Ўзларининг ҳадларини очик тан олмоқдалар. Ҳозирги кунимизда баъзи бир кишилар ўзларини кўрсатиш ва билмаган нарсаларини ҳам биладигандек кўриниш учун турли хийла-найранглар қиладилар, ёлғон-яшиқ гапирадилар. Аслида эса, бу ишлари ўз камчиликларининг боши эканини тушунишни ҳам хоҳламайдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, ўзларига тегишли нарсага очик-ойдин жавоб берганлар. Билмайдиган нарсаларини ҳам очик-ойдин «билмайман» деб айтганлар. Чунки мутлақ ҳамма нарсани билиш Аллоҳ таолога хос. Бир қанча нарсалар борки, уларни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Ўша нарсалардан бири қиёмат соатининг қачон бўлишидир. Шунинг учун ҳам Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган бошқа бир ривоятда юкоридаги саволга жавоб бера туриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У (яъни, қиёмат соати) Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган беш нарсанинг ичидадир», дедилар ва: **«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурда қиёмат соати илми бор...»** оятини тиловат қилдилар.

Яъни, бу масала фақат Аллоҳнинг Ўзигина биладиган ишлардан бири эканини баён қилдилар ва унга оятдан далил келтирдилар. Ушбу нарса ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳнинг ҳақиқий пайғамбари-

элчиси эканликларига ёрқин далилдир. У киши Аллоҳнинг билдирган нарсаларини умматларига етказганлар. Билдирмаган нарсаларини «билмайман», деб айтганлар. Фақат сохта даъвогарларгина, ҳамма нарсани биламан, деб чиранадилар.

Ҳа, қиёмат соати қачон бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Агар биров билиши мумкин бўлганида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билар эдилар. Аммо Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга қиёматнинг аломатларини билдирган. Шунинг учун ҳам сўровчи:

«Унинг аломатларидан хабар бер», деганида қиёмат соати яқинлашганига аломат бўлувчи нарсалардан иккитасини зикр қилиб:

«Чўри ўз хожасини туғмоғлиги. Ялангоёк, яланғоч, камбағал чўпонларни бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўрмоғинг», дедилар.

«Чўри ўз хожасини» деганда саййид ва саййидасини, деб икки хил ривоятда икки жинсга ишорат бўлган экан. Яъни, чўри аёлнинг ўзи тукқан ўғли ёки қизи ўзига хўжайин бўлишини кўрасиз, шу нарсалар юзага чиқади деганлар.

«Чўри ўз хожасини туғмоғлиги» деган гапни қандок тушуниш керак, деган масалада уламоларимиз бир неча хил фикр айтганлар. Шу фикрлардан бирида: «Бунинг маъноси болалар орасида оқпадарлик, онабезорилик кўпайиб кетиб, ўғил-қизлар ўз оналарини беҳурмат қилиб, худди чўриларга муомала қилгандек муомалада бўлишларига ишорадир», деганлар. Аллоҳ таоло уларни раҳмат қилсин, худди ҳозирги кунни назарда тутиб гапирганга ўхшайдилар. Агар шу маънони оладиган бўлсак, қиёмат қоимнинг яна бир аломати юзага чиқиб, унинг қоим бўлиши яқинлашганини англаймиз.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган қиёматнинг иккинчи

аломати, яъни, ялангоёқ, яланғоч, камбағал чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларидир. Қадимги уламоларимиз мазкур сахро аҳли – уй нималигини билмай, чодирда яшаб юрган одамлар ҳақида улар аҳвол ўзгариши билан уй-жойга эга бўлиб, фахр учун бир-бирларидан ҳашаматлироқ уй қуришга уриниб кетадилар, деб айтганлар. Бунга ўз замонларидан мисол келтирганлар. Аммо ҳозирги бизнинг замонимизда, айниқса, Арабистон яриморолининг турли жойларида мазкур васфга эга бўлганлар ва уларнинг авлодлари ҳашамга, зебу зийнатга, ном чиқаришга, хусусан уй қуришга берилганларини кўрсалар, қиёмат қоим бўлишига жуда оз қолибди, дейишлари турган гап эди. Албатта, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисни айтган вақтларида бундоқ гаплар йўқ эди, кейин пайдо бўлди. Бу ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар эканликларига ёрқин далилдир.

Қиёматнинг ушбу икки аломатидан бошқа яна бир қанча аломатлари борки, уларни ўз ўрни келганда ўрганамиз.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ислом асослари – шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаждан иборатлиги. Улар Ислом биноси рунлари экани ҳақида биринчи ҳадисда гапириб ўтдик.

2. Иймоннинг асослари – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшию ёмон қадар Аллоҳдан эканига ишониш ва уларни тасдиқлашдан иборатлиги.

Уламоларимиз Ислом билан Иймон орасидаги алоқа, фарқ ва «қайси бири умумий», деганга ўхшаш саволлар ҳақида узундан-узоқ баҳслар қилганлар. Уларнинг бу ҳақда алоҳида китоб ёзганлари ҳам бор. Лекин гапнинг хулосаси шуки, Ислом ва Иймон тушунчалари умумий тарзда бир-бирига қовушиб кетаверадиган, бири

иккинчисини ифода этаверадиган тушунчалардир. Аммо иккисини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, Иймон-эътикод назарий масалаларга, Ислом эса, бўйсунуш-амалий масалаларга хосдир.

3. Эҳсон банданинг Аллоҳни кўриб тургандек ихлос билан Унга ибодат қилмоғи, ишонмоғи, ҳаёт кечирмоғидир. Жуда бўлмаса, «Аллоҳ мени кўриб турибди», деган ишонч билан, ўшанга яраша амал қилмоғи, яшамоғидир. Бу даражага етмаган шахс эҳсон-ихлос даражасига етмаган ҳисобланади.

4. Қиёмат соати қачон бўлишини Аллоҳ таологина билади. Бошқалар эса, қиёматнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам баён қилган аломатларинигина биладилар.

5. Буларнинг ҳаммаси кўшилиб, дин дейилади. Чунки ушбу нарсаларни сўраган шахс қайтиб кетганидан сўнг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга:

«Уни қайтаринглар», дедилар. Саҳобаи киромлар қараб, ҳеч кимни кўрмадилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

«Бу Жаброилдир. Одамларга динларини ўргатгани келибди», дедилар. Яъни, унинг саволлари одамларга динларини ўргатиш мақсадида берилган эди, дедилар. Шундан, бу саволларда зикр қилинган масалаларнинг мажмуаси «дин» экани тушунилади.

Биз ўрганаётган ривоятнинг шу жойи ҳазрати Умарнинг билганлари асосида баён қилинган. Яъни, ҳалиги сўровчи саволларни бериб, жавобларни эшитиб ўрнидан туриб кетгач, Ҳазрати Умар ҳам туриб кетганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Уни қайтаринглар» деганларидан бошлаб охиригача бўлган гаплардан у киши хабардор бўлмаганлар. Балки, ўзларига тегишли бошқача давомнинг гувоҳи бўлганлар. Ҳазрати Умар ўз гувоҳликларини қуйидагича баён қиладилар:

«Сўнгра у қайтиб кетди», яъни, савол берувчи туриб кетди.

«Бас, мен бирмунча вақт ғойиб бўлдим».

Бошқа бир ривоятда, уч кун ғойиб бўлдим, деганлар. Кейин яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришганлар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уч кун олдин бўлиб ўтган ҳодисани эслаб:

«Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?» дедилар.

Ҳазрати Умар:

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчирок», деб жавоб бердилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у Жаброилдир. Сизларга динларингиздан таълим бергани келибди», дедилар.

6. Фаришта турли инсонлар шакли-қиёфасига кириб кўриниши мумкин экан. Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига одам шаклида келганларида кўпроқ Дихятул Калбий исмли саҳобий сувратларида келганлар. Аммо, бу ҳадисда биров танимайдиган одам шаклида келганлари таъкидланмоқда. Демак, у зот Дихятул Калбий розияллоҳу анҳунинг сувратларидан бошқа сувратда ҳам келганлари чиқади.

7. Ушбу ҳадисда тилга олинган нарсаларга иймон келтириш вожиблиги.

8. Одамларга ўргатиш мақсадида билган нарсасини ҳам кўпчилик олдида сўраш мумкинлиги.

9. Икки билган одам бири сўраб, иккинчиси жавоб қайтариб, кўпчиликка диний таълим беришлари жоиз экани.

10. Қиёмат қачон қоим бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳатто Пайғамбарларнинг улуғи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, фаришталарнинг улуғи Жаброил

алайҳиссалом ҳам билмасликлари.

11. Қиёматнинг баъзи аломатларинигина билиш мумкинлиги.

12. Бошлиқ ва устозлар ҳузурида одоб билан туриш. Саҳобалар ана шундоқ одоб ўрнақларини кўрсатиб, ўзлари танимайдиган бегона шахс келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саволлар берганида индамай жим турдилар. У кетганидан кейин ҳам у ким эди, деб сўрамадилар.

13. Бошлиқ ва устозлар кўпчилик билмай қолган, лекин билишлари лозим нарсаларни савол кутмай баён қилиб беришлари лозимлиги. Чунки Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ қилдилар.

14. Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида чўккалаб, қўлларини сонларига қўйиб ўтиришларидан толиби илм одобларини ўрганиб оламиз.

15. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат савол бериш билан кифояланган Жаброил аслайҳиссаломни таълим бергани келибди, деганларидан, яхши ва ўринли савол таълим ўрнига ўтишини билиб оламиз.

16. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас», деганларидан, билмаган нарсасини «билмайман», дейиш ҳам илм экани тушунилади.

17. Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавобларидан ке-йин: «Тўғри айтдинг», деб тасдиқлашларидан, билган одам жавобдан қониққанлигини шу йўл билан ифода қилиши мумкинлиги келиб чиқади.

Ҳадиси шарифдан чиқадиган ҳикматлар:

Ушбу ҳадиси шарифдан жуда кўп ҳикматлар чиқишини у билан танишиш давомдаёқ тушуниб етдик.

Бу ҳадис ўз ичига олган маънолар ҳикмати, унинг инсониятга етказадиган фойдалари ҳақида сон-саноксиз китоблар битилиб, талай гаплар айтилган. Биз эса, ўз одатимиз бўйича қисқа ва умумий мулоҳазалар билан кифояланамиз.

Сўзни ушбу ҳадисдаги иймон ва унинг рукнлари ҳақидаги маънолардан бошлаймиз. Иймон-эътиқоднинг инсон ҳаётидаги аҳамияти чексиз эканини инсоният иймонсизлик жафосини тортиб кўрганидан кейингина тушуниб-етиб турибди. Қадимдан иймонсизликнинг турли кўринишлари зоҳир бўлиб келса ҳам у бор ҳақиқат сифатида ўртага чиққан эмас эди. Ҳамма у ёки бу тарзда иймонга юзланар эди. Кўпчиликнинг хатоси Аллоҳ баён қилган тарздаги иймонга юзланмасликда эди. Ҳеч ким Аллоҳ таолони йўқ демас, аммо кўплари унга ширк келтирар, исмлари, сифатлари ва амалларининг баъзиларини инкор қилар ёки нотўғри тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам қадимги ақийда китобларимизда Аллоҳнинг борлиги ҳақида эмас, У Зот таолонинг тавҳиди, сифатлари, исмлари ва амаллари ҳақида сўз юритилган. Ақоид уламолари Аллоҳнинг борлигини озгина эътиборсизлардан бошқа ҳамма эътироф қилгани учун бу масалада баҳс юритиб ўтирмаганлар.

Исломда иймон Аллоҳ таолодан бандаларга берилган неъматларнинг энг улуғи сифатида қадрланади. Ислом инсоннинг қадрини иймон билан ўлчайди. Иймонсиз одам икки дунёда ҳам ҳеч бир нарсага эриша олмаслигини қаттиқ таъкидлайди. Ислом ҳамма нарса иймон асосида олиб борилишига алоҳида аҳамият беради.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломнинг «Менга Иймон ҳақида хабар бер», деган сўровларига жавобан, биринчи бўлиб, «Аллоҳга бўлган иймон»ни зикр қилдилар.

Дарҳақиқат, Аллоҳга бўлган иймон бу масалада бош

рукн ҳисобланади. Аллоҳга иймон бўлмаса, бошқа нарсага иймон бўлиши мумкин эмас. Шундоқ экан, иймон масаласининг бош рукини бўлмиш Аллоҳга иймон келтириш нима ўзи?

Исломий нуқтаи назардаги Аллоҳга бўлган иймон Аллоҳ таолонинг борлигига, ягоналигига, холиқлигига, мудаббирлигига, розиқлигига ҳамда бошқа сифатлари ва исму амалларига тил билан иймон келтириш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилишдир. Бу иймон Аллоҳ таолонинг Ўзи ва Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам баён қилганларидек бўлиши зарур.

Тўғри, баъзи бир уламолар иймоннинг истилоҳий маъносига амал қўшилмайди, деганлар. Лекин бу лафзий хилоф бўлиб, амал иймоннинг ажралмас қисми эканига ҳамма иттифоқ қилган. Гап иймон амал қилинмаган вақтида ботил бўладими, йўқми, деган савол юзасидан пайдо бўлган хилоф ҳақида кетмоқда. Баъзилар мўмин киши иймонга хилоф иш қилиши билан кофирга айланади, деганлар. Бошқалар эса, бу ҳолатда дарҳол иймондан чиқиб, кофирга айланмайди, яъни иймонга хилоф амал қилиши мўминни дарҳол иймондан чиқармайди, ундок одам катта гуноҳ қилган бўлади, қилган гуноҳи учун жавобгар бўлади. Бордию «ўша гуноҳни қилса бўлаверади», деган эътиқодда бўлса, кофир бўлади. Лекин гуноҳ қилганига афсусланиб, қайта қилмаслик аҳди бўлса, гуноҳига яраша шаръий жазо оладию мўминлиги бўйича қолади, деганлар. Бу баҳс ўтмишдаги уламоларимиз ораларида жуда қизиган. Лекин улардан бирортаси ҳам иймон тақозо қилган амалларни қилмаслик жоиз, деб айтмаган.

Ҳа, Аллоҳга бўлган иймон ўз эгасини ҳар бир нарсада Аллоҳнинг амри билан яшашга чорлайди. Аллоҳга иймони бор одам: «Ҳар бир ишим-қилмишимни Аллоҳ кўриб турибди», деган ишонч ила яшайди. Шунинг учун, у фақат

Аллоҳга хуш келадиган ишларни қилиб яшайди.

Аллоҳга иймони бор одам: «Ҳар бир гапимни Аллоҳ эшитиб турибди», деган ишонч билан яшайди. Шунинг учун, доимо ўзидан яхши овоз, гап, сўз ва маънолар чиқишига ҳаракат қилади.

Аллоҳга иймони бор одам: «Ҳар бир нарсамни Аллоҳ ҳисоблаб турибди, қиёмат куни сўроқ-савол қилади», деган ишонч билан яшайди. Шунинг учун, доимо яхшилик қилиб, ёмонликдан қочади.

Аллоҳга иймони бор одам: «Тавбани фақат Аллоҳ қабул қилади», деган ишонч билан яшайди. Шунинг учун ҳам, ўзидан хато ўтса, дарҳол тавба қилишга, чин қалбдан афсус чекишга, ўша хатони такрор қилмасликка шошилади.

Аллоҳга иймони бор одам барча яхши фазилатларни ўзида жамлашга, барча разолатлардан четда бўлишга ҳаракат қилади. Бу эса, ҳар бир инсон учун, ҳар бир оила учун, ҳар бир жамият учун ва бутун инсоният учун ўта муҳим нарсалар эканини одамлар кўриб-билиб турибдилар.

Ҳа, бошқа масалалар қатори иймон масаласида ҳам ҳамма нарса Аллоҳнинг Ўзи кўрсатганидек бўлиши керак. Инсон ўзича: «Унга иймон келтираману, бунга иймон келтирмайман», дейиши кулгили. Бунда иймон-эътиқод, дину диёнат масаласини Аллоҳ эмас, банда жорий қилган бўлади.

Аллоҳга иймон қандоқ бўлиши кераклигини Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб бериши фақат Исломдагина собитдир. Шунингдек, Аллоҳдан бошқа иймон келтириш лозим бўлган нарсаларни Аллоҳ баён қилиб бериши ҳам фақат Исломда собитдир. Жумладан, ушбу биз ўрганаётган ҳадисда бу ҳақиқатнинг баёни қисман келгани айтиб ўтилди.

Аллоҳнинг фаришталарига бўлган иймон ҳам катта

хикматларга моликдир. Фаришталарга бўлган иймон ҳар бир шахс, жамият ва барча инсоният учун кони фойдадир. Аллоҳнинг инсон кўзига кўринмайдиган, чарчамайдиган, ғафлатда қолмайдиган, гуноҳ қилмайдиган, ўзларига берилган амрни сўзсиз бажарадиган ва яна бир қанча олий сифатларга эга бўлган ва «фаришталар» деб номланган аскарлари борлигига иймон келтириш қачон, кимга зарар келтирибди?

Мўмин-мусулмон инсон ўзига икки фаришта бириктирилганига ишонади. Агар ўзи тўғри юриб, тўғри турса, ўша икки фаришта Аллоҳнинг изни ила уни муҳофаза қилишига иймон келтиради. Ўша фаришталарнинг бири яхши амалларни, иккинчиси ёмон амалларни заррача бўлса ҳам номаи аъмолига ёзиб бораётганига, қиёмат куни шу ёзилган нарсалар асосида ҳисоб-китоб бўлишига иймон келтиради. Бу эса, ҳар бир инсонни доимо яхшилик қилиб, ёмонликдан қочишга ундовчи жуда кучли омилдир. Бу омил ҳар бир инсон, жамият ва барча инсоният учун ўта зарурдир.

Фаришталарга иймон бўлмаган жамиятда эса, одамлар хоҳлаган ёмонлигини хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойда қиладиган бўлади. Иймонсиз жамият мафкурачилари тўқиб чиқарган виждон азоби каби нарсалар фойда бермади. Чунки иймонсизда виждон бўлиши умуман мумкин эмас.

Иймонсизлик натижасида инсон табиати ҳам бузилади. Баъзи инсонлар ўзларига бўлган ишончни йўқотиб, кўрқоқ, шахсиятсиз бўлиб қоладилар. Бошқалари эса, ҳар қандай ёмонликдан тап тортмайдиган нобакор махлуққа айланадилар.

Шунингдек, фаришталарга иймони бузуқ бўлган юртлар ва халқларда ҳам турли муаммолар келиб чиқади. Уларнинг баъзилари фаришталарни Аллоҳга ширк келтирсалар, бошқалари дев, пари ва ўзга хурофий

нарсаларга аралаштириб юборадилар. Оқибатда турли зарарли урф-одатлар ва тасарруфотлар келиб чиқади. Демак, биз мусулмонлар бошқа нарсалардаги каби, фаришталар ҳақида ҳам энг тўғри иймонга эга эканимиз билан фахрланишимиз ва ундан фойдаланишимиз лозим.

Аллоҳнинг Китобларига иймон келтириш ҳам улкан ҳикматларга молик ишдир. Бу Аллоҳ таоло вақти-вақти билан бандаларига ўз Китоблари, яъни кўрсатмалари тўпламини тушириб, уларни икки дунё саодатига эриштирадиган йўлга ҳидоят қилиб турганига иймон келтиришдир. Бу Аллоҳ ҳар замонни ўзига яраша китоб билан таъминлаб, аста-секин инсониятни тайёрлаб боргани ва вояга етказганига иймон келтиришдир. Бу инсоният ўз камолига етганида Аллоҳ унга баркамол Китоб, қиёматгача мўъжиза бўлиб қолувчи Қуръони Каримни нозил қилганига иймон келтиришдир. Бу инсоният бундан буён фақат Қуръонга амал қилгандагина мақсадга эришиши мумкинлигига иймон келтиришдир.

Аллоҳнинг Китобларига иймон келтирмайдиганлар эса, ушбу эзгуликларнинг барчасига, инсоннинг асли бир эканига куфр келтирувчилардир. Улар Аллоҳ инсонни улуғлаб, унга Ўз таълимотларини берганига, бошқа махлуқотлардан устун эканини исбот қилганига куфр келтирувчилардир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳнинг Китобларига ёки уларнинг баъзисига иймон келтирмаганлардан фақат ёмонлик чиқади, холос.

Аллоҳнинг пайғамбарларига иймон келтириш ҳам ғоятда пурҳикмат ишдир. Аллоҳ таоло инсонлар ичидан Ўзига пайғамбар танлаб олишининг ўзи, инсоният учун улкан шарафдир. Одам Атодан бошлаб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган пайғамбарлар силсиласи эса, инсониятнинг шараф силсиласидир. Пайғамбар алайҳиссаломлар инсоният учун шону шараф, фахр бўлган шахслардир. Улар Роббил оламнинг

кўрсатмаларини одамларга етказиб берган шахслардир. Уларнинг ҳаммалари бир Аллоҳнинг бандалари, бир Аллоҳнинг пайғамбарларидир. Улар бир-бирлари билан биродардирлар. Улар бир-бирларини тўлдириб, бир-бирларини тасдиқлаб келганлар. Улар орқали инсониятнинг асли бир экани, бир Аллоҳга сиғингани, бир динга амал қилгани тушунилади. Шунинг учун ҳам, Исломда уларнинг орасини фарқламай, ҳаммаларига бирдек иймон келтириш фарздир. Пайғамбар алайҳиссаломлардан бирорталарини инкор қилган кимса, гўёки, ҳамма пайғамбарларни инкор қилган каби кофир бўлади.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ҳар бирлари яхшилик, фазилат бобида инсоният учун ўрнак ва намунадирлар. Уларнинг ҳар бири ҳидоят маёғидир. Уларнинг охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қиёматгача ҳаммага ўрнақдирлар. Инсоният бугунги кунда пайғамбарлардан ўрнак олишга ўта муҳтож бир ҳолга келгандир. Бунинг учун уларнинг эҳтиромини ўрнига қўйиш, улар ҳақида Ислом кўрсатгандек иймон келтириш лозим. Чунки Исломдан бошқа дин ва мафкураларда бу нарса йўқ.

Иймонсизлар инсоният тарихининг гултожи бўлмиш Пайғамбар алайҳиссаломларни ҳийлагар, ёлғончи, бузук, каззоблар, деб эълон қилдилар ва бу билан инсоният кадрини яна бир бор ерга урдилар. Иймонсизлар инсониятни пайғамбарлардан эмас, ўзларининг нафси бузук, арокхўр, маймунсифат бошлиқларидан ўрнак олишга чақирдилар. Улар мазкур нобакорларни пайғамбарлардан устун қўйиб, афзал кўрсатишга уриндилар. Аммо вақти-соати келиб, улар сиғиниб юрган шахслар шайтондан баттар, тубан махлуқлар экани маълум бўлди.

Исломдан бошқа айрим динларда Пайғамбар

алайхиссаломларнинг баъзиларини ўз қизи билан зино қилишда айблаб, баъзиларини умуман тан олишмайди. Бошқа бир динда эса, ғулувга кетиб, улар илоҳийлаштириб юборилади. Худонинг ўғли ёки худо, деб эътиқод қилинади. Бунга ўхшаган хатолар тўлиб ётибди. Демак, бу масалада ҳамма нарса ўз ўрнига тушиши учун ҳам, Ислом керак.

Ислом охират кунига иймон келтиришни ҳам иймондаги рукн масалаларидан қилган. Иймон келтириш лозим нарсалар ичида бу масалага алоҳида эътибор берилади. Нима учун бундай қилинганини бугунги кунда яхши тушуниб турибмиз.

Охират кунига иймон бўлмаса ёки мазкур кунга иймон заиф бўлганида инсоният таназулга юз тутишини тажриба кўрсатди. Охират кунда ҳамма одамлар қайта тирилишига, бу дунёда қилган амалларининг зарра-заррасигача мукофот ёки жазо олишига иймони йўқ одамдан яхшилик чиқиши амримаҳол. Агар охират кунига иймон-ишонч қолмаса, ер юзида эзгулик ва адолатга эришиб бўлмайди. Охират кунига иймон йўқолиб, «Одам ўлгандан кейин чириб йўқ бўлади, қайта тирилмайди», деган фикр ҳоким бўлса, ер юзида кучли кучсизни еб битирадиган «ўрмон қонунлари» жорий бўлади. Ҳа, агар золим зулмига жавоб бермаса, ёлғончи-фирибгар ўз ёлғони, фириби билан давр суриб қолиш пайдан бўлаверса, хулласи, ҳамма бу фоний дунё матоҳи учун ҳар қандай ёмонликдан, ифлосликдан қайтмаса бу дунё қандай дунё бўлади? Кучсизлар, мазлумлар, бечораларнинг ҳоли нима кечади? Ҳаёт кечириш ўз-ўзидан чексиз азобга айланиб, жамиятда ноумидлик, лоқайдлик ва ўзини-ўзи ўлдиришлар кўпаймайдими?

Мазкур бало-офотлардан кутулиш учун кишилар инсофли, диёнатли, тўғрисиўз бўлишлари, барча ёмонликлардан қайтишлари, лозим. Ёмонликдан қайтиш

учун эса, охират кунига иймон албатта лозим.

Биз ўрганаётган ҳадисда таъриф қилинган эҳсон-ихлосга инсоният бугунги кунда қанчалик муҳтож эканини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб турганидек ибодат қилмоғинг».

Бугунги дунёмизнинг асосий мусибати, унда Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қиладиганларнинг йўқлигидандир. Бугунги оламимизнинг мушукули унда «Аллоҳ мени кўриб турибди», деган ишонч билан ибодат қилиб яшовчиларнинг йўқлиги ёки камёблигидандир. Шунинг учун, ҳеч бир нарсада ихлос йўқ. Ҳеч бир нарсани яхшилаб бажариш йўқ. Оқибати эса, ҳаммага маълум.

Ислом эса, бу мақомни ўн беш аср илгари Ислом ва Иймоннинг олий мақомига айлантиргандир. Эҳсон-ихлос мақомини юқори кўтаргандир. Дарҳақиқат, мўмин-мусулмонлар ичида ушбу мақомга эришганлар кўп бўлган даврларда улар дунёни бошқардилар. Бу мақомдагилар озайганда эса, оламда уларнинг тутган ўрни ҳам пастлади. Бу мақомдагилар йўқ бўлганда эса, мусулмонларнинг мавқеи тушиб, йўқ даражага келди.

الباب الثاني في أوصاف الإيمان الكامل

ИККИНЧИ БОБ

КОМИЛ ИЙМОН СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА

3- عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

3. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сиздан бирортангиз мен унга ота-онасидан, боласидан ва одамларнинг ҳаммасидан махбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди», дедилар».

Икки Шайх ва Насаий ривоят қилишган.

Шарҳ: Муаллифнинг «Комил иймон сифатлари ҳақида» боб очишининг ўзи, ғайри комил иймон ҳам борлигига далолат қилади. Чунки бу бобда келтирилган ҳадисларда лафзлар иймонни манфий қилса ҳам, маънолар бутунлай иймонни эмас, балки иймоннинг комиллигини манфий қилувчидир.

Бу бобдаги биринчи ҳадиснинг ровийи буюк саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудирлар. Аввал у зот билан танишиб олайлик:

Анас ибн Молик ибн Назр Ансорий Ҳазражий Наҷжорийнинг кунялари Абу Ҳамза бўлиб, оналари Умму Сулайм бинти Милҳондир. Ёшлари ўнга етганда оналари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларига

бердилар. Ўша кундан бошлаб, у зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларида бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Анас ибн Моликка муомалалари хўжайиннинг хизматчисига қилган муомаласидек бўлмай, отанинг боласига муомаласидек мулойим эди.

Анас ибн Молик розияллоҳу анху ўзлари айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор қилган ишимни нимага бундай қилдинг ёки буюрган ишимни нега қилмадинг, деб сўрамас эдилар. Балки «Аллоҳ хоҳлагани бўлади, хоҳламагани бўлмайди», дер эдилар».

Сайёр ибн Робийъадан ривоят қилинади:

«Анас ибн Молик айтди: «Бир куни онам билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига бордик. Онам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Ходимингизнинг ҳаққига дуо қилинг», деганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, бунинг молу дунёсини кўп қилиб, умрини узоқ қилгин ва гуноҳларни мағфират айлагин», дедилар».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху: «Анас ибн Моликдан бошқа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларига ўхшаш намоз ўқийдиган бирор бир кишини кўрмадим», дейдилар.

Сумома ибн Абдуллоҳ: «Анас ибн Молик намозда киёмни узоқ қилар эди, ҳатто оёқларидан қон чиқиб кетарди», дейдилар.

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анху Анасни Баҳраинга юбориш ҳақида ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан маслаҳат сўраганларида ҳазрати Умар Анаснинг таквосини ва узоқ вақт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга яшаганини эътиборга олиб, «У оқил йигитлардан эди», деб мақтаганлар.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Бадр жангидан ташқари барча жангларда иштирок

этдилар. Бадр жангида ёшлари кичкина бўлгани сабабли қатнаша олмаганлар.

Анас ибн Молик ҳаммаси бўлиб, 2286 та ҳадис ривоят қилиб, Абу Ҳурайра ва Ибн Умарлардан кейинги ўринларни эгалладилар. Бу зотдан Ибн Сийрин, Собит ал-Буноний, Қатода, Ҳасан Басрий, Зухрий ва бошқалар ривоят қилишган.

Анас розияллоху анху ҳаётларининг охирида Басрага кўчиб ўтдилар ва ўша ерда ҳижратнинг 93-йилида вафот этдилар. У зотни Муҳаммад ибн Сийрин ювиб, Қатода ибн Мудрик жанозаларини ўқидилар. Анас ибн Моликда Расулulloх соллalloху алайҳи васалламдан қолган ҳассача бўлиб, васиятларига биноан, вафотларидан кейин у киши билан бирга кўмилди.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллalloху алайҳи васалламнинг «**мўмин бўла олмайди**» деганларидан мурод, комил иймонли мўмин бўла олмайди, деганларидир. Чунки, бу ерда гап эътиқод ҳақида эмас, майл ҳақида кетмоқда. Агар эътиқод бўйича бирор киши нафақат ота-она ёки болани, Расулulloхдан бошқа бирор шахсни афзал кўрса, кофир бўлиши турган гап. Ушбу ҳадисдаги муҳаббатдан мурод ота-она ёки болага бўладиган меҳр-шафқат ҳам эмас, бошқа инсонга бўладиган ишқ ҳам эмас. Балки, маҳбубга нисбатан фидокорлик ва ҳар бир нарсани қурбон қилишга тайёр туриш ҳамда муҳбубнинг амрини бажариб, унинг розилигини топишга уринишдир. Демак, мўмин банда учун Расули акрам соллalloху алайҳи васаллам ушбу масалада ўз ота-онасидан ҳам, боласидан ҳам, бошқа барча одамлардан ҳам устун туришлари керак.

Уламоларимиздан Абу Зинод муҳаббатни учга бўладилар:

1. Улуғлаш ва таъзим муҳаббати, асосан, ота-онага бўлади.

2. Раҳм-шафқат муҳаббати, асосан, фарзандларга бўлади.

3. Ўзаро гўзал хислатларни кадрлаш муҳаббати, ўзга одамларга нисбатан бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадисларида ўзларига нисбатан муҳаббатнинг уч тури ҳам, ҳаммага бўлган муҳаббатдан устун бўлгандагина инсоннинг иймони комил бўлишини қайд қилмоқдалар. Бу муҳаббат у зотнинг тириклик пайтларида шахсларига нисбатан бўлса, энди ҳам шахсларига, ҳам динларига, ҳам суннатларига нисбатан бўлиши керак.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ушбу ҳадиси шарифни эшитганлари замони унга амал қилишларини билдирмоқчи бўлиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра маҳбуброқсиз», деганлар.

Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ундок бўлса, бўлмапти. Ўзингдан кўра ҳам бўлиши керак», деганлар. Ҳазрати Умар дарҳол:

«Ўзимдан кўра ҳам!», деганларида у зот алайҳиссалом:

«Ана энди бўлди, эй Умар», деганлар. Яъни, ана энди иймонинг комил бўлди, деганлар.

Бу ҳадисдан олинадиган фойда кўриниб турибди: ҳар бир мўмин-мусулмон учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммадан кўра маҳбуброқ бўлишлари керак.

Ҳадиси шарифнинг ҳикмати жуда улугдир. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларнинг муҳаббатига муҳтож эмаслар, балки мўминлар у зотга муҳаббат қилишга муҳтожлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатлари доимо мўминларга яхшилик, бахт-саодат келтирган. Машҳур саҳобийлардан Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу:

«Мен учун ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламчалик маҳбуб эмас эди. Ҳеч ким кўз ўнгимда у зотдек улуғвор эмас эди. У зотни ўта улуғлаганимдан, у зотга кўзим тўйиб қарай олмас эдим», дейдилар.

Саҳобаи киромларнинг Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари дунё тарихида учрамаган муҳаббатдир. У зотнинг амрларига бўйсуниб, қайтарганларидан қайтиш ва бошқа нарсалар у ёқда турсин, туфурган туфуклари ерга тушмас эди. Саҳобалар қўлларини тутиб, илиб олиб, юзларига суртар эдилар. Шунинг учун, бу улуғ инсонлар қисқа муддатда дунёнинг кўп жойларига Исломи динини тарқатишга муваффақ бўлдилар. Буюк Исломи маданиятининг пайдо бўлишига эришдилар. Мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатларини устун тутганларида у кишининг шариатларига тўлиқ амал қилдилар ва дунёда ҳаммадан устун бўлдилар. Улар қачонки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатидан молу дунёнинг, бола-чақанинг, турли маъшуқаларнинг муҳаббатини устун қўйганларида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларини қўйиб, бошқа, ердан чиққан «шариат»ларга амал қилганларида ҳаммадан орқада қолдилар.

4- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يَحِبُّ لِنَفْسِهِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

4. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам Анас ибн Молик

розияллоху анҳудан ривоят қилинмоқда. У улўғ зот билан ўтган ҳадис шарҳи муқаддимасида танишдик. Бу ҳадисда ҳам комил иймон ҳақида сўз кетмоқда. Ҳадиси шарифнинг ўзиданоқ Исломи инсониятга яхшилиқни қанчалик раво кўрганлини билиб олса бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир мўмин учун ўзидан бошқа кишиларга яхшилиқни раво кўришини иймон масаласи қилиб қўймоқдалар. Яъни, ҳеч ким ўзига яхши кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча, комил мўмин бўла олмаслигини таъкидламоқдалар.

Ҳа, мусулмон инсон ўзи учун яхши кўрган ҳар бир нарсани бошқа биродарларига ҳам раво кўради. У ўзининг жаннатга киришини яхши кўрса, бошқаларни ҳам жаннатга киришини ёқтиради. Ўзининг дўзахга кирмаслигини яхши кўрган мусулмон, ўзгаларга ҳам дўзахга кирмаслиқни раво кўради. Мусулмон инсон бунинг учун кўйиб-ёнади. У ўзи учун соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлиқни яхши кўрганидек, ўзгаларга ҳам шуни ва шунга ўхшаган нарсаларни раво кўради.

Шунинг учун бизнинг ушбу ҳадиси шарифдан оладиган фойдамиз ҳам улкан бўлади. Бундан олдин билмасак ҳам, энди бу улкан исломий ҳақиқатни тушуниб олдик. Энди бу ҳадисга қатъий амал қилишимиз лозим бўлади. Ўзимизга нимани яхши кўрсак, ўзгаларга ҳам ўша нарсаларни яхши кўришга ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Шу билан бирга, ушбу ҳадиси шарифдаги улкан ҳикматга инсоният бугунги кунда қанчалик муҳтож эканини тушуниб етамиз. Ислождан, Қуръондан ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг Суннатларидан узоқлашиш оқибатида, жумладан, ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган улкан ҳақиқатдан узоқлашиш оқибатида, аввало, мусулмонлар бошига, қолаверса, бутун инсоният бошига қанчалар мусибатлар

ёғилганлигини тушуниб етамиз. Бугунги кунда дунёда одамлар бир-бирларига яхшилиқни раво кўрмай қўйдилар. Ҳар ким ўзининг, фақат ўзининг манфаатини ўйлайдиган бўлди. Бунга эришиш учун эса, ўзгаларга керагича ёмонлик қилишга тайёрлар. Дунёни қамраб олган урушлар, қон тўкишлар, зулм-истибдодлар ва разолатлар шундан келиб чиқмоқда. Ҳамма нарса ўз ўрнига тушиши учун ушбу ҳадисга тўлиқ амал қилишга ўтишимиз керак.

5- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ حَلَاوَةً

الْإِيمَانِ: أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ تَعَالَى وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَدَّفَ فِي النَّارِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

5. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Иймон ҳаловатини топади; Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма нарсадан маҳбуб бўлмоқлари, бир кишига фақат Аллоҳ учунгина муҳаббат қилмоғи ва куфрга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши», дедилар».

Бешовларидан Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифни ҳам олдинги икки ҳадиснинг ровийи ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анху ривоят қилмоқдалар. Ушбу ҳадисда Исломнинг энг асл тушунчаларидан бири, комил иймон ҳаловатини қайси йўл билан топиш мумкин экани баён қилинмоқда. Чунки иймон ҳаловатини топиш оддий ҳол эмас. «Ҳаловат» сўзи, «ҳолва»дан олинган бўлиб, «ширинлик» маъносини англатади. Асли моддий маънода ишлатиладиган бу сўз бу

ерда истиора ила маънавий маънода келмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сўз бошида:

«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Иймон ҳаловатини топади», деб эшитувчини қизиқтириб олмоқдалар. Иймон ҳаловати ҳаммани қизиқтирадиган нарса. Ҳамма «қандоқ қилиб, иймон ҳаловатини топса бўлар экан?» деб юради. Иймон ҳаловатини уч нарса билан топиш мумкинлигини эълон қилиш эса, ҳамманинг эътиборини ўзига тортиши турган гап. Эътиборни жалб қилиб олингандан сўнг эса, ўша уч нарсани баён қилиш бошланади:

1. «Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма нарсадан маҳбуб бўлмоқлари».

Комил иймонга эга бўламан, иймон ҳаловатини топаман, деган одам Аллоҳ таолони ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳаммадан кўп севмоғи лозим. Зотан, бусиз иймон бўлиши ҳам мумкин эмас. Хўш, Аллоҳ ва Унинг Расулини севиш нима билан бўлади? Бу борадаги муҳаббатни қандоқ тушунмоқ керак? Уламоларимизнинг бу саволга берган жавобларидаги иборалари турлича бўлса ҳам маъноси бирдир. У ҳам бўлса, Аллоҳга муҳаббат унинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтишдир. Аллоҳ яхши кўрган нарсани яхши кўриб, Аллоҳ ёмон кўрган нарсани ёмон кўришдир. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат ҳам у зотнинг шариатлари ва суннатларини лозим тутмоқдан иборатдир.

2. «Бир кишига фақат Аллоҳ учунгина муҳаббат қилмоғи».

Мўмин-мусулмонлар орасидаги муҳаббат Аллоҳ учун бўлгандагина улар комил иймон ҳаловатини топадилар. Бу муҳаббат икки томоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббатидан

келиб чиққан муборак муҳаббатдир. Чунки уларни биродар қилган, дўстлаштирган Зот Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Шунинг учун ҳам мўминларнинг ўзаро муҳаббатлари Аллоҳ учун бўлмоғи лозим. Дунё ва унинг матоҳлари учун бўлган муҳаббат орқали ҳеч қачон иймон ҳаловатини топиб бўлмайди.

3. «Куфрга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши».

Зотан, куфрга қайтиш оловга ташланиш демакдир. Демак, иймон ҳаловатини топиш учун фақат бир тарафлама ҳаракат кифоя қилмас экан. Муҳаббат қилиш билан бир қаторда, нафрат қилишни ҳам, ўзини тийишни ҳам жойига қўйиш керак экан. Куфр ва унга олиб борувчи нарсалар мўмин киши учун унга яқинлашганда куйдирадиган олов каби кўрқинчли ва ёқимсиз нарса бўлиши керак. Мўмин киши катта-кичик куфрга тегишли ҳар бир нарсадан худди ёниб турган даҳшатли оловдан кўрққандек кўрқиши, унга тушишдан сақланганидек сақланиши лозим.

Ушбу ҳадиси шарифдан оладиган фойдаларимиз аниқ. Бир ўйлаб кўрайлик. Дарҳақиқат, Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлган муҳаббатимиз улардан бошқага бўлган муҳаббатимиздан устунми? Доимо Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтаяпмизми? Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига, суннатларига қанчалик амал қилаяпмиз? Ёки молу дунёга муҳаббат қўйиб, унинг домига тушганча, халос бўлолмай юрибмизми? Ёхуд мансаб поғанасида кўтарилишга восита бўлувчи ўзимизга ўхшаш ожиз бандага кўпроқ эгилиб-букилиб, қуллуқ қилмоқдамизми? Эҳтимол, шунинг учун Иймон ҳаловатини эмас, дунё матоҳи ҳаловатини топаётгандирмиз?! Аввал нима бўлган бўлса, бўлиб ўтди. Энди иймон ҳаловатини топишга уринайлик! Бунинг учун Аллоҳга ва Унинг Расулига улардан бошқа ҳамма нарсадан

кўпроқ муҳаббат кўйишга ҳаракат қилайлик! Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтайлик! Маҳбуб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари асосида яшаб, суннатларига тўлиқ амал қилишга ўтайлик! Мўмин-мусулмонларга бўлган муҳаббатимизга ҳам қайта бир назар солайлик. Шояд, бу соҳада ҳам ушбу ҳадиси шарифдан фойда олсак!

Келинг, очикчасига гаплашиб олайлик: нега кишиларни фақат Аллоҳ учун севмаймиз? Уларга бўлган муҳаббатимизда ғаразсизмизми? Бу муҳаббатнинг ортидан дунё матоҳини, иззат-икромни ва яна қандайдир манфаатни кутмаяпмизми? Бунақалар йўқ, бўлса ҳам оз, дейсизми? Ундай бўлса, ўрганган ҳадисимиздан фойда олишга ўтайлик, Аллоҳнинг мухлис, тақводор бандаларини Аллоҳ учун севишни бошлайлик! Ҳа, бу муҳаббатимиз мансаб, дунёвий ғараз, турли манфаатлар учун эмас, фақат Аллоҳ учун бўлсин! Фақатгина ёлғиз Аллоҳ учун бўлсин! Ана шунда иймон ҳаловатини топамиз.

Шунингдек, куфрга ва унга тегишли нарсаларга бўлган муносабатимизни ҳам қайта кўриб чиқайлик. Дарҳақиқат, куфрдан ва унга тегишли нарсалардан оловга ташланишдан кўрққандек кўрқамизми ёки бепарворқимизми? «Қандоқ қилайлик, замон шу экан, одамлар қилаяпти-ку», деб яна ғафлатда юрган бўлмайлик! Агар, Аллоҳ кўрсатмасин, шундоқ бепарволик қилаётган бўлсак, унда дарҳол ўзимизни ўнглаб, иймон ҳаловатини топишга ҳаракат қилайлик.

Бу улуғ маъноларни ўзида акс эттирган ҳадиснинг ҳикматларига бугунги кунда инсон қанчалик муҳтож эканини англаб ета олармиканмиз? Ўн бешинчи ҳижрий асрнинг бошларида инсоният иймон ҳаловатини қандай тотишини англай оляпмизми? Ушбу ҳадиси шарифни

ўрганганимиздан кейин, албатта, англаймиз.

Бошқаларни қўйиб, мусулмонлик даъвосини қилаётганларни, ушбу ҳадисни айтган зот – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматлик даъвосини қилаётганларни олиб кўрайлик.

Кишиларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлган муҳаббатлари қай даражада? Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиши қай даражада? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига, суннатларига амал қилиш қай даражада? Катта масалаларни қўятурайлик, энг осон, кўп ҳаракат талаб қилмайдиган калимаи шаҳодатни қанча одам тушунган ҳолда, тўғри нутқ қила олади? Бу саволлар жавобсиз қолаётган экан, иймон ҳаловатига биз муҳтож бўлмай, ким муҳтож бўлсин?

Бугунги кунда инсоният ўзаро муҳаббат Аллоҳ учун бўлишига жуда муҳтож! Аллоҳ учун муҳаббат йўқлигидан якка шахслар, уруғлар, қабилалар, жамиятлар орасида ўзаро ишончсизлик, бир-бирига хиёнат қилиш, душманлик кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу бало-офатлардан қутулиш учун ушбу ҳадисга амал қилиш керак.

Куфрдан қўрқмаслик, ундан тап тортмаслик, бугунги кунимиз одатларидан биридир. Билмасдан куфрга юриш ёки куфрга оид фикрни, гапни ёки ишни амалга ошириш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Гап кўра-билиб туриб, қасддан шу йўлга юриш ҳақида кетмоқда.

Фақат иймон ва Ислому даъвосини қилаётганларни олайлик: Улар куфрдан қанчалик ҳазар қиладилар? Куфрга тегишли ишлардан қанчалик сақланадилар?

6- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: آيَةُ الْإِيمَانِ حُبُّ الْأَنْصَارِ وَآيَةُ

النِّفَاقِ بُغْضُ الْأَنْصَارِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

б. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Иймоннинг белгиси, ансорийларга муҳаббат қилишдир. Мунофиқликнинг белгиси, ансорийларни ёмон кўришдир», дедилар».

Икки Шайх ва Насаий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда.

Ансорийлар асли мадиналик мусулмонлардир. Улар, асосан, Хазраж ва Авс қабиласидан бўлиб, оғир пайтларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёрдам берганлари учун «Ансорийлар»— «ёрдам берувчилар» номини олганлар. Улар Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожир биродарларини инсоният тарихида мисли кўрилмаган бағрикенглик билан кутиб олишган. Уларга уй-жойларини, мол-мулкларини тақсимлаб беришган. Ҳатто баъзи кўпхотинликлар, муҳожирлар уйланиши мумкин, деб, айрим хотинларини талоқ қилишган. Макка кофирлари Исломга ва мусулмонларга қаттиқ душманлик қилиб турган бир пайтда улар Исломга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга кўлларида келган барча ёрдам-нусратни беришган. Аллоҳ таоло ансорийларни Исломнинг ер юзида сақланиб қолишига сабабчи қилган ва уларнинг бу ишларини муносиб тақдирлаб, Қуръони Каримда мадҳ қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда ансорийларга муҳаббат қилишни комил иймон аломати деб таърифламоқдалар. Бундан ҳам буюк шараф бўлиши мумкинми?! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу билан кифояланиб қолмасдан ансорийларни ёмон кўриш мунофиқлик аломати эканини ҳам баён қилмоқдалар. Демак, ҳар бир мусулмон ансорийларга муҳаббат қилиши ва уларни ёмон кўришдан сақланиши лозим.

Агар бунга қиёс қиладиган бўлсак, мўмин-мусулмон киши учун Ислом динига хизмат қилган ҳар бир одамни яхши кўриш, ҳурмат қилиш лозим бўлади. Ислом динига хизмат қилган одамни ёмон кўрганлар эса, мунофиқ бўладилар. Чунки Исломга қилинаётган хизматни ёмон кўриши, Исломни ёмон кўриш демакдир.

7- عَنْ عَلِيٍّ ط قَالَ: وَالَّذِي فَلَقَ الْجَنَّةَ وَبَرَأَ النَّسَمَةَ إِنَّهُ لَعَهْدُ النَّبِيِّ ρ إِلَيَّ أَلَا يُحِبُّنِي إِلَّا مُؤْمِنٌ وَلَا يُبْغِضُنِي إِلَّا مُنَافِقٌ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ.

7. *Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Донни ёрган ва жонни халқ қилган Зот билан қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга, мени фақат мўмингина яхши кўришини ва фақат мунофиқгина ёмон кўришини аҳд қилганлар».

Муслим, Термизий ва Насаийлар ривоят қилишган.

Шарҳ: Аввало, ровий амирул мўминин Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоллари билан танишиб олайлик:

Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ал-Курайший, хулафои рошидинларнинг тўртинчиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларининг ўғиллари, оналари Фотима бинти Асад ибн Ҳошим ибн Абдуманоф, кунялари Абул Ҳасан, милодий 600-йилда Маккаи Мукаррамада таваллуд топдилар. Бирор марта ҳам бутларга сиғинмагани ва жоҳилият ифлосликлари билан хулқланмаганликлари сабабли «Каррамаллоҳу важҳаҳу» деб сифатландилар.

Ҳазрати Али ёшлик пайтларида доимо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлиб, бирга овқатланар эдилар. Бунга сабаб шуки, Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг фарзандлари кўп эди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам амакилари Аббосга қарата, эй амаки, акангиз Абу Толиб болалари кўп кишидир. Ҳозир кўриб турганимиздек ризқда, яшашда кўп қийинчиликлар бўлиб турибди. Абу Толибнинг ҳузурига бориб, болаларидан келадиган ташвишини бир оз енгиллатайлик, деб айтдилар. Шунда улар бориб, Аббос Жаъфарни, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам эса Алини олдилар. Мана шундан кейин Али Расулulloх билан бирга яшай бошладилар.

Ҳазрати Али Расулulloх набий қилиб юборилгандан кейин ёш болалардан биринчи иймон келтириб, Исломни қабул қилган эдилар. Ана шу вақтда ёшлари ҳам саккиздан ўтмаган эди. Анас ибн Молик айтадилар: «Душанба куни нубувват келган, сешанба куни Али Исломга кирган».

Али ибн Абу Толиб ҳамма жанглarda иштирок этдилар, фақат Табук жангида Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бу зотни аҳли байтларига бошлиқ қилиб кетганлари сабабли иштирок эта олмадилар.

Али шижоатли, сўзда фасоҳатли, илмли, ахлоқли, сабрли, адолатли, ҳилмли, ифбатли, такводор, дунёда зоҳид, тавозуъли ва мусулмон йигитлар орасида Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга энг яқин киши эдилар. Шунинг учун Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Мен илмнинг шаҳри бўлсам, Али эшигидир», деб айтдилар.

Али каррамаллоху важҳаху араблар орасида шижоатли, ботир паҳлавонлардан эдилар. Бадр жангида мушриклар бошлиғи бўлган Валид ибн Утбани ер тишлатдилар. Уҳуд жанги куни байроқ кўтарган саҳоба Мусъаб ибн Умайр ўлдирилганда, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам байроқни ҳазрати Алига топширдилар. У киши Хайбарни фатҳ этишда ҳам жуда кўп жонбозликлар

кўрсатганлар. Мана шу вақтда ёшлари ҳали йигирмадан ўтмаган эди.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эртага жангда байроқни бир кишига бераман, Аллоҳ ва Расули уни яхши кўради ва у ҳам Аллоҳ ва Расулини яхши кўради», деб айтдилар. Эртасига ҳамма саҳобалар ўша киши ўзлари бўлишини умид қилишганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Алини сўраб қолдилар. Саҳобалар Алининг кўзлари оғриётгани ҳақида хабар беришди. Расулуллоҳ у кишининг ҳузурларига борганларида ҳақиқатда кўзлари оғриган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак кўллари Алининг кўзларига тегизиб дуо қилдилар ва кўзлари шифо топди.

Кўп саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидаги Алининг манзилларида бўлишликни орзу қилишар эди. Аллоҳ Расулуллоҳ билан Алининг манзилларини худди Мусо алайҳиссалом билан Ҳорун манзилидек қилди. Али каррамаллоҳу важҳахунинг жуда бир чиройли сўзлари борки, у бизларга ўрناк бўларлидир: «Менинг кўрқадиган нарсам ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ва узун орзулар қилишдир. Ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ҳақдан қайтаради. Узун орзулар эса охиратни эсдан чиқартиради. Огоҳ бўлинглар, бу дунё орқада қолиб кетади. Охират эса, олдингизга чиқиб кутиб олади. Сизлар охиратнинг боласи бўлинглар, дунёнинг боласи бўлиб қолманглар. Бу кунда амал бору ҳисоб йўқдир, эртага эса, ҳисоб бору амал йўқдир».

Али каррамаллоҳу важҳаху ҳижратнинг иккинчи йилида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима онамизга уйландилар. Ҳазрати Али Фотима онамиздан ва бошқа хотинларидан ҳаммаси бўлиб, ўн тўрт ўғил, ўн тўққизта қиз фарзанд кўрдилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху 586 та ҳадис

ривоят қилганлар. У кишидан кўп кишилар, жумладан, ўғиллари Ҳасан, Ҳусайн, Муҳаммад, Умар ҳамда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Мусо Ашъарий, Абу Саид Худрий, Абу Рофиъ, Сухайб, Зайд ибн Арқам, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳурайра, Жобир ибн Самура, Баро ибн Озиб, Жарир ибн Абдуллоҳ ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Тобеъийнлардан Саъийд ибн Мусаййиб, Қайс ибн Ҳозим, Алқама ибн Қайс, Абу Асвад Жаулий, Аҳнаф ибн Қайс, Шурайх ибн Ҳоний ва бошқалар ривоят қилишди.

Мўминларнинг амири Али ибн Абу Толиб масжидда имом бўлиб турганларида хаворижлар кишиси бўлган Абдурахмон ибн Мулжам томонидан қилич билан уриб, шаҳид қилинди. Бу ҳодиса ҳижратнинг 40-йили, Рамазон ойининг 23- куни, жума кунида содир бўлди. Бу пайтда у зот 63 ёшда эдилар.

Бу ҳадис, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўчирма гап шаклида эмас, балки, у зотнинг гапларини ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг иборалари билан ифода этиш орқали ривоят қилинмоқда.

Албатта, саҳобаи киромларнинг ҳар бирлари улуғ инсонлардир. Уларнинг саҳобалик шарафларининг ўзи қанчалик катта мартаба, қолаверса, уларнинг ҳар бирлари Ислом учун қанчадан-қанча хизмат қилган зот ҳисобланадилар. Шу билан бирга, уларнинг ичида алоҳида мақомга эга бўлганлари ҳам бор. Шулардан ўн кишига Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатнинг башоратини берганлар. Ўша саодатманд зотлардан бири ҳазрати Алидирлар. Мазкур ўнликдан тўрт халифа яна алоҳида ажралиб турадилар. Тўрт халифанинг бири ҳам ҳазрати Алидирлар. Ҳазрати Алининг Ислом учун қилган хизматлари жуда катта. Бунинг устига у киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли

байтларидан: амакиларининг ўғиллари, куёв ўғиллари, яъни аҳли жаннатнинг саййидаси Фотимаи Заҳронинг эрлари, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг оталаридир. Шунинг учун ҳам у кишини фақат мўмингина севиши ва фақат мунофикгина ёмон кўриши ажабланарли эмас.

Ушбу ҳадиси шарифдан кўришиб турибдики, муайян бир шахсга муҳаббат қилишнинг ҳам иймон ва мунофиқликка дахли бор экан. Ҳа, ҳамма нарса иймон ўлчови билан ўлчанганда шундоқ бўлади. Кишини мансаби, пули, моли ёки бошқа нарсалари учун эмас, иймони учун, динга қилган хизматлари учунгина севилади.

8 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ: وَالْمُؤْمِنُ مَنْ أَمِنَهُ النَّاسُ عَلَى دِمَائِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ.

8. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мусулмон, мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир. Муҳожир, Аллоҳ қайтарган нарсадан (ҳижратда) узоқда бўлган одамдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Термизий ва Насайлар:

«Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир» жумласини зиёда қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийлари Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анху билан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс тақво ва зуҳдлари билан

машҳур саҳобалардан эдилар. У киши оталари Амр ибн Оссдан аввал Исломога кирдилар. Абдуллоҳ ибн Амр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида бардавом бўлиб, у зотга нозил бўлаётган оятларни ёдлабгина қолмай, ёзиб ҳам олар эдилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абдуллоҳ ибн Амрга: «Сени кундузларни рўзадор, кечаларни намоз ўқиб ва Қуръонни хатм қилиб ўтказишингдан хабарим бор. Умринг узайиб, ёшинг улғайиб, буларга тоқат қилолмай қолишингдан кўрқаман. Ойда уч кун рўза тут, бир марта Қуръонни хатм қил», дедилар. Абдуллоҳ:

«Эй Расулуллоҳ, бундан ҳам кўпроғига қудратим етади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бўлмаса, ҳафтада икки кун рўза тутиб, ўн кун-да бир Қуръонни хатм қил», дедилар. Абдуллоҳ:

«Бундан ҳам зиёдасига қурбим етади», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Рўзадорларнинг саййиди Довуд алайҳиссалом рўза тутганидек, рўза тут. У киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмасдилар. Ҳар уч кунда Қуръонни хатм қил», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ёшлари ўтиб қолганига қарамай бу амалларида бардавом қолдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мингга яқин ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ривоят қилган ҳадислардан учта «Саҳих» соҳиблари ўз китобларига киритганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилишда мендан Абдуллоҳ ибн Амр ўзиб кетди», дер эдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ҳижратнинг 93-йили вафот этдилар.

Ушбу ҳадисда ҳамда унга Термизий ва Насайлар ривоятидаги қўшимчада учта муҳим масала, учта муҳим таъриф келмоқда. Яъни, ҳақиқий афзал мусулмон, афзал

муҳожир ва афзал мўмин ҳақида баҳс юритилмоқда. Ушбу ҳадисда келган мусулмон, муҳожир ва мўмин таърифи афзаллик таърифидир. Мисол учун,

«Мусулмон мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир» деган жумладан «мусулмонларга тили ва қўли билан озор етказган одам мусулмон бўлмайди» деган маъно чиқмайди. Бу таърифлардаги гаплар, «фалончини одам деса бўлади», «фалончи ҳақиқий одам» қабилдаги гапга ўхшайди. Ислоннинг беш рукнларига амал қилган одам мусулмон ҳисобланаверади. Аммо мусулмонларга озор бермаган, уларга тили ва қўли билан зарар етказмаган одам афзал мусулмон бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг афзал мусулмонни бундоқ таърифлашларида оз сўз билан улкан маънони англатиш, луғат бойликларидан усталик билан фойдаланишнинг олий мақомлари ўз аксини топгандир.

Ислон, мусулмон сўзлари «саломатлик» «тинчлик» маъноларини ифода этади. Шунинг учун мусулмон–ўзга одамлар унинг ёмонликларидан тинч ва саломат бўлган шахс, дейилмоқда.

«Тилидан ва қўлидан» дейилганда фақат шу икки аъзони кўзда тутилган эмас. Одатда, кўпроқ одамларга тил ва қўлдан зарар, озор етади. Аммо бундан бошқа услуб ва йўллар билан ҳам озор бериш яхши эмас. Ким бу ишни қилса, мусулмонлик фазлини йўқотади.

«Муҳожир» ҳижрат қилувчи (бошқа жойга кўчувчи) деганидир. Ҳижрат Аллоҳнинг йўлида, дину диёнат йўлида элу юртининг фироқига учрашдир. Бу улуғ мақом Ислонда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар мушриклар тазйиқи туфайли она юртлари–Маккаи Мукаррамани ташлаб, Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан бошланган.

«Муҳожир Аллоҳ қайтарган нарсдан (ҳижратда) узоқда бўлган одамдир», демоқдалар. Бу таъриф ҳам худди аввалги таърифда зикр қилинган нарсаларни ўзида мужассам қилгандир. Луғавий маъноси ватан, элу юрт ҳижронидан иборат бўлган ҳижрат Аллоҳ қайтарган нарсалардан узоқда бўлишда ҳам собит бўлиши мумкинлиги айтилмоқда. Дину диёнат учун ватанидан, яқин қариндошларидан узоқда бўлиш муҳожирлик, деб аталади. Шу боис, Аллоҳ қайтарган ишлар-гуноҳлардан узоқда бўлишлик ҳам дин-диёнатга амал қилиш учун бўлгани туфайли муҳожирлик, деб аталмоқда.

Энди, Термизий ва Насаий ривоятларида келган:

«Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир» деган таърифга тўхталайлик. Иймон, мўмин сўзлари «омонлик», «ишончли» маъноларини англатади. «Мўмин» сўзи бизда «хушфёъл» маъносида ишлатилиши ҳам шундан. Мўмин одам доимо тинчлик, омонлик тарафдори бўлганидан одамлар унга ўта ишониб қоладилар. Яъни, ўз жонлари ва молу мулкларига мўминдан ёмонлик етмаслигига ишончлари ҳамиша комил бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмонларга озор ва ёмонлик етказмасликка ҳаракат қилиш. Чунки, ким мусулмонларга хоҳ тили билан, хоҳ қўли билан, хоҳ бошқа йўл билан озор етказса, ёмонлик қилса, у мусулмонлик фазлидан маҳрум бўлади.

2. Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ўзини тийишга қаттиқ уриниш. Чунки гуноҳ ишларнинг ҳижрони ила муҳожирлик мақомига эришиш мумкин экан.

3. Одамларнинг жонига, қонига ва молу мулкига кўз олайтирмаслик. Ким бошқаларнинг ўзига бўлган ишончини йўқотса, одамлар ундан жонлари учун, моллари учун хавфсирай бошласа, мўминлик фазилатини йўқотган бўлади.

Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳикматлари бугунги кунимиз

учун қанчалик муҳим эканини гапириб ўтиришга ҳожат бормикан? Ҳозирги кунда жамиятлар тили ва қўли билан ёмонлик етказмайдиган мусулмонларга қанчалар муҳтож. Якка шахслар орасидаги муомалаларга қарасангиз, мусулмон мусулмонга турли йўллар билан озор бераётганини кўрасиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожирлик мақомига эришиш йўлини осонлаштириб, Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан қайтган одам–муҳожир эканини эълон қилиб қўйибдилар. Ўзи шундоқ ҳам Аллоҳ қайтарган ҳар бир нарсадан қайтиш–мусулмон банданинг бурчи. Аммо меҳр ила, шафқат ила, бурчни бажарган одамга мукофот–муҳожирлик мақоми эълон қилинибди. Хўш, бу мукофотга мусулмонлар қанчалик интилмоқдалар?! Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан қанчалик қайтмоқдалар? Аллоҳ таоло мусулмонларни ёлғондан, ҳаромдан, ароқдан, зинодан, зулмдан, ўғрилиқдан, алдамчиликдан ва бошқа кўпгина нарсалардан қайтарган. Агар ушбу ҳадисга амал қилганимизда, ушбу разолатлар жамиятимизда мутлақо бўлмас эди.

Мўминлик ана қандоқ яхши нарса! Мўминни кўрган одам ундан хурсанд бўлади, унга ҳавас қилади. Мўминлиги учун унга жонини, молини ишонади. Чунки мўминлик омонлик тимсолидир. Афсуски, ҳозирда мўминлик даъвосини қилиб юрган айрим кишиларнинг қилмишларидан динга янги юзланганлар нафратланиб, ҳатто диндан қайтиб кетган ҳоллари содир бўлмоқда. Исломот таълимотларидан, Пайғамбар алайҳиссалом суннатларидан узоқлашишнинг оқибати–шу!

9- وَعَنْهُ أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ ﷺ أَيُّ الْإِسْلَامِ خَيْرٌ؟ قَالَ: تُطْعِمُ
الطَّعَامَ وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا

9. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламдан:
«Исломнинг нимаси яхши?» деб сўради.**

**«Таом бермоғинг ҳамда таниган ва танимаганга
салом бермоғинг», дедилар».**

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шариф ҳам Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳудан ривоят қилинмоқда. Бир киши Пайғамбаримиздан Исломнинг энг яхши фазилатлари ҳақида сўради. Ислом ўзи яхши нарса, лекин сўровчи ўша яхши нарсанинг ҳам энг афзали ҳақида сўраган. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам эса, Исломнинг энг яхши фазилатларидан иккитасини айтиб берганлар. Нима учун айнан шу икки нарсани зикр қилганлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уламоларимизнинг айтишларича, бировга яхшилик қилиш, асосан, икки хил бўлади:

Биринчиси, моддий яхшилик бўлиб, унинг энг боши бошқаларни таомлантириш.

Иккинчиси, баданий яхшилик бўлиб, унинг боши салом беришдир, деганлар.

Шу билан бирга, савол берилган жой, вақт ва одамларнинг ҳолати ҳам эътиборга олинган. Айниқса, Пайғамбаримиз бошчиликларида саҳобалар янги ҳижрат қилиб келганларида Мадинаи Мунавварада очлик ҳукм сураар эди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўша вақтда бировга овқат бериш, очнинг қорнини тўйдиришга жуда кўп тарғиб қилганлар. Шунингдек, танигану танимаган одамга салом беришни ҳам лозим санаганлар.

Ислом динининг ушбу икки фазилати ҳақида қанча кўп

гапирилса, шунча оз. Чунки бу икки нарса инсониятга кўплаб хайр-барака келтиради.

Оч кишиларга таом беришни диннинг энг афзал амалларидан қилган яна бошқа қайси дин ёки мафкура бор?! Фақат Қуръони Карим ўз оятларида очларга таом беришни энг яхши амаллардан бири ҳисоблаган, ўзи муҳтож бўлса-да, таомини мискин, етим ва асирларга бериш мусулмонликнинг олиймақом сифатларидан эканини таъкидлаган.

Фақат Исломи дини иймон комиллигини очларга таом беришга боғлаган. Ҳа, фақат Исломига–Аллоҳнинг охирги ва мукамал динигина шундай қилиши мумкин. Бу ишни иймон даражасига кўтарган, Исломи тарбиясини топган ҳақиқий мусулмонларгина дунё халқлари тарихида мисли кўрилмаган даражада саҳий бўлишлари ҳам шундан. Фақат Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дорулфунунларида таҳсил кўрганларгина бу ишни қойилмақом қилиб адо этишлари мумкин.

Очарчилик пайти. Мадинаи Мунавварага ҳазрати Усмомига тегишли озиқ-овқат қарвони етиб келди. Бозор чакқонлигидан хабардор савдогарлар эрталабдан қарвонни ўраб олдилар. Ким ошди савдоси бошланди. Бир савдогар бир нархни айтди. Мол эгаси ҳазрати Усмоми:

«Менга бу нархдан юқори нарх ваъда қилинган», дедилар.

Савдогарлар бирин-кетин ўз имконлари етадиган нархларни айтиб чиқдилар. Ҳаммасига ҳам ҳазрати Усмоми розияллоҳу анҳу:

«Менга бу нархдан юқори нарх ваъда қилинган», дедилар.

Охири савдогарлар:

«Мадинада биздан бошқа савдогар қолмади, ким сенга бундоқ юқори нарх ваъда қилди, ахир?» деб сўрашди.

Ҳазрати Усмоми:

«Аллоҳ таоло, ким очларга таом берса, ўн баробар қилиб савоб бераман, деган. Ҳамма молим Мадина фуқаро ва мискинларига садақа бўлсин», дедилар.

Қани, ҳазрати Усмондан бошқа бу ишни ким ҳам қила олади?

Халифа Умари Одил кечаси ҳеч кимга билдирмай одамлар ҳолидан хабар олиб юрарди. Бир аёл овқат топа олмаганидан қозонга қуруқ сув қўйиб, тагига олов ёқаркан: «Сабр қилинглар, ҳозир таом пишади», деб болаларни ухлатишга уринаётганини кўрди.

Халифа дарҳол ортга қайтиб Байтулмолдан бир қоп таомни ажратиб, ҳамроҳидан қопни орқалатиб қўйишда ёрдам сўради. Ҳамроҳи:

«Эй мўминларнинг амири, ижозат беринг, юкни мен кўтариб борай», деди. Шунда ҳазрати Умар розияллоху анху:

«Агар қиёмат куни ўша оиланинг оч қолгани гуноҳини ҳам менинг ўрнимга кўтарадиган бўлсанг, бу юкни кўтар, бўлмаса, ўзимга қўйиб бер, ўзим кўтарай», дедилар. Сўнгра қопни ўзлари кўтариб олиб бордилар.

Оддий мусулмонлар, ҳатто ўзи овқатга муҳтожлари ҳам кўлидаги таомини ўзгага тутиши фақат Ислом тарбиясидандир.

«Ассалому алайкум» исломий сўрашиш, исломий табриқдир. Турли халқ, миллат ва элатлар турлича сўрашадилар. Бир-бири билан кўришган одамлар «хайрли эрта», «яқшимисиз», «саодатли бўлинг», каби иборалар орқали ўзаро истак билдирадилар. Лекин ҳеч ким, ҳеч бир тузум, ҳеч бир жамият ёки фалсафа «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу», яъни, «Сизга тинчлик, саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракалари бўлсин», деб сўрашишни ўзининг энг афзал ишларидан қилмаган, ибодат даражасига кўтармаган. Таниса-танимаса, кўрган одамига салом берсин, демаган. Салом бериш—суннат, алик

олиш–вожиб, демаган. Кўринишидан оддийгина бу нарса оламшумул аҳамият кашф этишини мусулмонларгина биладилар.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Муҳтож кишиларни таом билан таъминлаш энг фазилатли иш экани ва бунга тарғиб.

2. Танигану танимаган мусулмонларга салом беришни йўлга қўйиш зарурлиги.

3. Энг яхши нарсаларни билганлардан сўраб ўрганиш кераклиги.

4. Исломдаги амаллар бир-биридан афзал бўлиши.

Ислом дини ушбу ҳадисда кўтарган икки масаланинг ҳикмати қанчалик катта экани бугунги кунимизда яққол намоён бўлмоқда. Дунёда ҳар дақиқада бир қанча гўдаклар, кекса кишилар, эркак ва аёллар очликдан ўлмоқда. Ҳа, айнан таом етишмаганидан ўлмоқдалар. Аслида эса, улар таом танқислигидан эмас, Ислом етишмаганидан ўлмоқдалар. Чунки Исломдан беҳабарлар, Исломга амал қилмайдиганлар шунча одам очдан ўлаётган бир пайтда, уларга ўхшаганлардан бир неча марта кўп одамга етиб-ортадиган таомни исроф қилиб, ташлаб юбормоқдалар. Савдогарлар нарх тушмасин, деб ортиб қолган таомларини камбағалларга бермай, бошқа йўл билан йўқ қилмоқдалар.

Очларга таом бериш ҳақидаги хабарларнинг кўпи сохта, риё учун қилинаётган ташвиқот, холос. Исломсиз бу муаммони ҳал қилиш қийинлиги кундан-кунга ойдинлашиб бормоқда.

Салом бериш ва ундан кўзланган мақсадлар ҳам бугунги кунимизнинг жуда муҳим масаласидир. Кишилар бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари зарур. Бир-бирлари билан ҳар кўрганда саломлашиб, бир-бирларига тинчлик-омонлик, саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракасини сўраб турмоқлари, тинч-тотув,

дўст-биродар бўлиб яшамоқлари лозим.

10- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: الْإِيمَانُ بِضْعٌ وَسَبْعُونَ
أَوْ بِضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً، فَأَفْضَلُهَا قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَدْنَاهَا إِمَاطَةُ
الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ.

10. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шуъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа лаҳа иллаллоҳ» демоқ ва энг кичиги, йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё, иймоннинг шуъбасидир», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадис Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда. Аввало, у киши билан танишиб олайлик.

Абу Хурайра розияллоху анхунинг Исломдан олдинги исмлари Абдушшамс ибн Саҳр эди. Исломга кирганларидан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишининг исмларини Абдурраҳмон, деб ўзгартирдилар. Доимо кичик мушукчалари билан юрганликлари сабабли, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам томонидан Абу Хурайра деб куняланганлар. Абу Хурайра Яманнинг Давс қабиласидан эдилар.

Абу Хурайра розияллоху анху ҳижратнинг еттинчи, «Хайбар» санасида Исломни қабул қилган пайтларида ўттиз ёшда эдилар. У киши Хайбардан қайтаётган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Мадинага келдилар. Абу Хурайра розияллоху анху Асҳобус Суффа – Расулуллоҳнинг масжидларидаги суффада яшаб, у кишидан ҳадис эшитиш билан машғул бўлган саҳобаларнинг бири эдилар. Шу сабабли Исломга кеч кирганларига қарамай, саҳобалар орасида энг кўп

ҳадис ривоят қилган киши ҳисобланадилар. У киши 5374 та ҳадис ривоят қилганлар ва бу ҳадислар Тақий ибн Муҳаммаднинг муснадларида келтирилган.

Абу Ҳурайра кенг елкали, қорамтир рангли, икки олдинги тишларининг ораси очик, юмшоқ табиат, ҳазилкаш киши эдилар. Ёш болаларни кўрсалар, уларни кулдириб, бозордаги кишиларни қиссалар айтиб, кўнглини хушлантириб юрар, лекин ўзлари якка қолсалар, кечаларини ибодат билан бедор ўтказадиган киши эдилар.

Абу Ҳурайра кўп вақтларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида ўтказар эдилар. Бирор ҳадисни эшита олмай қолишдан кўрқиб, кўп пайтларида очликдан букчайиб қолар эдилар.

Абу Ҳурайра саҳобаларнинг ичида энг зехни ўткири эдилар. Бу ҳақда Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар у кишидан келтирган ривоятда:

«Эй Расулуллоҳ, сиздан кўп нарсани эшитаману ёдлаб қололмайман», дедим. У киши:

«Ридойингни ерга ёз», дедилар. Ридойимни ёзим. Менга кўп ҳадис айтдилар. Айтган ҳадисларидан бирор нарсани эсимдан чиқармадим», дейдилар.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ: «Абу Ҳурайранинг Расулуллоҳдан биз эшитмаганимизни ҳам эшитганларига ҳеч шак йўқ», дейдилар.

Ибн Умар: «Абу Ҳурайра ҳадисни мендан кўра яхши биладилар», дейдилар.

Убай ибн Каъб: «Абу Ҳурайра Расулуллоҳдан бошқа киши сўрай олмайдиган нарсаларни сўрашга журъат этарди», дейдилар.

Бир киши Зайд ибн Собитдан бир масалани сўраб келганда, у киши: «Абу Ҳурайрага бор. Бир куни мен, Абу Ҳурайра ва фалончи масжидда Аллоҳнинг зикри ва дуо билан машғул эдик. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқиб ўтирдилар ва:

«Нимани дуо қилаётган бўлсангиз, шунда давом этинг», дедилар. Мен ва ҳамроҳим дуо қилдик, Расулуллоҳ, «омийн», деб турдилар. Абу Ҳурайра:

«Эй бор Аллоҳ, сендан икки ҳамроҳим сўраганлари ва эсдан чиқмайдиган илмни сўрайман», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «омийн», дедилар.

«Биз ҳам эсдан чиқмайдиган илм сўраймиз, эй Расулуллоҳ», дедик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Буни сизлардан олдин давслик ғулом (Абу Ҳурайра) сўради», дедилар.

Марвон ибн Ҳакамнинг волииси ва котиблари Солим Абу Заъзаъа ривоят қиладилар: «Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайрани чакириб, у кишидан ҳадис сўрай бошладилар. Мен ҳадисларни ёзиб олдим. Бир йил ўтгач, яна Абу Ҳурайрани чакирган Марвон у кишидан мен ёзиб олган ҳадисларни сўрадилар. Абу Ҳурайра бирон бир ҳарфни ёки сўзни ортиқча ёки ноқис, олдин ёки кейин айтмадилар».

Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилганларнинг сони саккиз юз кишидан ортади. Жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Фазл ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Усома ибн Зайд, Оиша, Ибн Умар, Ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик; тобеъийлардан: Саъийд ибн ал-Мусаййиб, Ибн Сийрин, Абдуллоҳ ибн Саълаба, Урва ибн аз-Зубайр, Салмон ибн Ясир, Ирок ибн Молик, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Амра, Атоъ ибн Абу Руббоҳ, Атоъ ибн Ясар ва бошқалар.

Абу Ҳурайра оғир касал бўлиб қолганларида у кишини кўргани Марвон ибн Ҳакам келадилар. Марвон Абу Ҳурайрага:

«Аллоҳ сизга шифо берсин», деганларида, Абу Ҳурайра:

«Аллоҳим, Сенга йўлиқишимни севдим, Сен ҳам Сенга йўлиқишимни сев», дедилар.

Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайрининг ҳузурларидан чиқиб, бозорнинг ўртасига етмасларидан Абу Ҳурайрининг жонлари узилди.

Абу Ҳурайра 57-ҳижрий санада вафот этдилар. Жанозаларини Валийд ибн Уқба ибн Абу Суфён ўқидилар.

Бу ҳадиси шарифда келган:

«**Етмиш нечта ёки олтмиш нечта**»даги шак ровийдандир. Ҳадисни эшитаётганда аниқ эшита олмай қолган. Нима етса, шуни ривоят қилиш зарур бўлганидан бошқалардан сўраб аниқлаб олган бўлса ҳам ўзи эшитгандаги ҳолатни аниқ ифода этишни омонат билганидан шу ҳолда ривоят қилган.

«Етмиш нечта» дегани, етмишдан ортиқ, саксондан кам дегани. Бу ҳадиси шарифда Иймоннинг шуъбалари борлиги таъкидланмоқда.

Бу «Муржиъа» мазҳабидагиларга қарши ҳужжатдир. Шу билан бирга, Иймоннинг юқори ва пастки қисми борлиги таъкидланмоқда. Етмиш нечта шуъбанинг энг юқориси калимаи шаҳодатни айтиш бўлса, энг пасти йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Икковлари орасида яна етмишдан ортиқ шуъбалар бор. Бу ҳам иймон ягона, бир бутун нарсадир, унинг катта-кичиги бўлмайди, деган «Муржиъа» мазҳабидагиларга қарши ҳужжатдир. Ўша шуъбалар ичида «ҳаё» алоҳида эътиборга сазовор бўлгани учун «ҳаё иймоннинг шуъбасидир», деб алоҳида таъкидланади. Шунингдек, иймон нафақат сўздан, эътиқоддан, балки амалдан ҳам иборат экани тушунилмоқда. Чунки йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлашга гапни ҳам ва дилдаги тасдиқни ҳам нисбат бериб бўлмайди. Бу соф амалдан иборат. «Муржиъа» мазҳабидагилар эса, иймон фақат гапдан иборат, дейдилар.

Умуман, ушбу ҳадис уламоларимизни кенг ва чуқур илмий изланишларга чорлаган ҳадисдир. Чунки, унда Исломдан олдин ҳам, Исломда ҳам энг кўп баҳс юритилган

масала–иймон ва унинг шуъбалари ҳақида сўз кетмоқда. Иймон ҳамма нарсанинг асли бўлганидан унга алоҳида эътибор бериш зарур. Айни шу масала бўйича алоҳида китоб тасниф қилган уламолар ҳам бор. Имом Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалиймийнинг «Фавоидул минҳож», Имом Байҳақийнинг «Шуъбул Иймон», Исҳоқ ибн ал-Қуртубийнинг «Китобун-Насих», Имом Ибн Ҳиббон Бустийнинг «Васфул Иймон ва шуъабиҳи» китоблари шулар жумласидандир.

«Иймон» луғатда «ишонч», «тасдиқ» маъноларини билдиради. Шариатда эса, бир нарсани тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва амал билан тамомлаб, камолга етказишдир. Иймоннинг етмиш нечта шуъбаси бор, дейишлик, иймонни етмишдан ортиқ шоҳи бор дарахтга ўхшатишдир. Дарахтнинг асли иймон бўлса, унинг шохлари иймоннинг шуъбаларидир. Аҳли сунна ва жамоанинг барчалари–муҳаддислар ҳам, фуқоҳолар ҳам, ақийда илми уламолари ҳам иттифоқ қилишиб: «Дўзахда абадий қолмайдиган, аҳли қибла ҳисобланган мўмин–Ислом динига ҳеч қандай шак-шубҳасиз жазм ила эътиқод қилган ва шаҳодат калимасини нутқ қилган одамдир», дейдилар. Тили билан айтиб қўйса, кифоя, деганлар адашган «Муржиъа» мазҳабидагилардир.

Ушбу ҳадисда иймон етмиш ёки олтмишдан ортиқ шуъбага эга экани ва ўша шуъбаларнинг энг юқориси, энг пасти ва яна биттасининг номи айтилмоқда. Бошқа ҳадисларда етмишдан ортиқлиги ва яна баъзи бошқа шуъбалар ҳақида сўз кетган. Лекин бирорта ҳадисда етмиш нечта шуъбани ҳисоблаб чиқилмаган. Бу эса, ўз навбатида уламоларимизни баҳсга, илмий изланишга чорлаган.

Имом Ибн Ҳиббон Бустий «Васфул Иймон ва шуъабиҳи» китобида қуйидагиларни ёзган эканлар: «Ушбу ҳадиснинг маъносини бир қанча муддат ўргандим. Тоатларни санасам, бу ададдан бирмунча кўп чиқди.

Суннатга қайтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иймон, деб номлаган тоатларни ҳисобладим. Қарасам, улар етмиш нечтадан кам. Қуръонга қайтдим. Аллоҳ таоло ўз китобида иймон, деб номланган амалларни ҳисобладим. Қарасам, улар ҳам етмиш нечтадан кам. Сўнгра такрор бўлганларини қолдириб, Қуръон билан Суннатда иймон, деб номланган амалларни кўшиб санасам, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, етмиш нечта чиқди. Ана шундагина, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисдаги ададдан Қуръон ва Суннатда иймон, деб номланган амалларни кўзда тутганларини англадим».

Имом Бадриддин Маҳмуд ибн Аҳмад Айний эса, куйидагиларни ёзадилар:

«Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи ила қисқа қилиб куйидаги шеърни айтамин:

«Иймоннинг асли қалб ила тасдиқ, тил ила иқроп қилмоқ бўлса ҳам,

Комил ва тугал иймон уч қисмдан: тасдиқ, иқроп ва амалдан иборатдир».

Биринчи қисм, эътиқодиётлардан иборат бўлиб, ўттиз шуъбага бўлинади:

1. Аллоҳга иймон келтириш. Бунга Аллоҳнинг Зотиға, сифатларига, тавҳидига ва ўхшаши йўқлигига иймон келтиришлар қиради.

2. Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса кейин пайдо бўлганига эътиқод қилиш.

3. У Зотнинг фаришталарига иймон келтириш.

4. У Зотнинг китобларига иймон келтириш.

5. У Зотнинг пайғамбарларига иймон келтириш.

6. Яхши-ёмон қадарга иймон келтириш.

7. Охират кунига иймон келтириш. Бунга қабр савол-жавоби ва азоби, қайта тирилиш, маҳшарга тўпланиш, ҳисоб-китоб, Мезон ва Сиротлар ҳам қиради.

8. Жаннат ваъдасига ва унда абадий қолишга ишонмоқ.

9. Дўзах кўрқинчлари, азоби ва унинг фоний бўлмаслигига қатъият ила ишонмоқ.

10. Аллоҳ таолонинг муҳаббати.

11. Аллоҳ учун муҳаббат қилиб, Аллоҳ учун ёмон кўрмоқ.

Бунга муҳожир ва ансорий саҳобаларга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтларига муҳаббат қилиш ҳам қиради.

12. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қилиш. Бунга у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтиш ва суннатларига эргашиш ҳам қиради.

13. Ихлос. Бунга риекорликни ва мунофиқликни тарк қилиш ҳам қиради.

14. Тавба–надомат.

15. Хавф.

16. Ражо–умидворлик.

17. Ноумидлик ва ишончсизликни тарк қилиш.

18. Шукр.

19. Вафо.

20. Сабр.

21. Тавозуълик бўлиш. Бунга катталарни хурмат қилиш ҳам қиради.

22. Раҳмли ва шафқатли бўлиш. Бунга кичикларга шафқат кўрсатиш ҳам қиради.

23. Қазога рози бўлиш.

24. Таваккул (ҳар бир нарсада Аллоҳга суяниш).

25. Мақтончоқлик ва кибрни тарк қилиш. Бунга ўзини мақташ ва покиза қилиб кўрсатиш ҳам қиради.

26. Ҳасадни тарк қилиш.

27. Ҳикд ва гинани тарк қилиш.

28. Ғазабни тарк қилиш.

29. Алдамчиликни тарк қилиш. Бунга ёмон гумон ва макр-хийла ҳам қиради.

30. Дунё муҳаббатини тарк қилиш. Бунга молу мулк ва

мансаб муҳаббати ҳам киради.

Агар, қалб амалларига фазилат ва разилатларнинг булардан бошқаси топилса, ушбу шуъбалардан бирортасига дохил бўлади. Ўйлаб кўрилса, дарҳол зоҳир бўлади.

Иккинчи қисм–тил амалларидан иборат бўлиб, етти шуъбага бўлинади:

1. Тавҳидни талаффуз қилмоқ.
2. Қуръон тиловати.
3. Илм ўрганиш.
4. Илм ўргатиш.
5. Дуо қилиш.
6. Зикр қилиш. Бунга истиғфор айтиш ҳам киради.
7. Беҳуда гаплардан четланиш.

Учинчи қисм–бадан амалларидан иборат бўлиб, қирқ шуъбага бўлинади. Бу қисм уч навлидир.

Биринчи нав ҳар бир шахснинг ўзига хос нарсаларда бўлиб, бу ўн олти шуъбадан иборатдир:

1. Пок бўлмоқ. Бунга баданнинг, кийимнинг ва маконнинг поклиги киради. Баданнинг поклигига таҳорат кетказадиган нарсалардан таҳорат қилиш ҳамда жунубликдан, хайз ва нифосдан ғусл қилиш орқали покланиш киради.

2. Намоз ўқиш. Фарз, нафл ва қазо намозлар киради.

3. Закот бериш. Бунга садақа, закот, садақаи фитр, таом бериш, меҳмонни икром қилиш, сахийлик киради.

4. Рўза тутиш. Фарз ёки нафл рўза киради.

5. Ҳаж қилиш. Бунга Умра ҳам киради.

6. Ўятикоф ўтириш. Бунга Қадр кечасини кутиш ҳам киради.

7. Динни қутқариш. Бунга ширк диёридан ҳижрат қилиш ҳам киради

8. Назрга вафо қилиш.

9. Қасамларга эҳтиёт бўлиш.

10. Каффоратни адо қилиш.
11. Намозда ва ундан ташқарида авратни беркитиш.
12. Қурбонлик сўйиш.
13. Жанозага тегишли ишларни қилиш.
14. Қарзни адо қилиш.
15. Муомалада содиқ бўлишлик. Риёдан сақланиш.
16. Ҳақ ила гувоҳлик бериш. Гувоҳликни беркитмаслик.

Иккинчи нав тобеъларга хос бўлиб, олти шуъбадан иборат:

1. Никоҳ ила иффатли бўлмоқ.
 2. Аҳли аёлининг ҳаққини адо қилмоқ. Бунга ходимларга мулоим муомала қилиш ҳам киради.
 3. Ота-онага яхшилик қилмоқ. Бунга оқ бўлишдан сақланиш ҳам киради.
 4. Фарзандлар тарбияси.
 5. Қариндошлик алоқаларини йўлга қўйиш.
 6. Раҳбарларга итоат қилиш.
- Учинчи нав оммага тааллуқли бўлиб, ўн саккиз шуъбадан иборат.

1. Адолат билан раҳбарлик қилиш.
2. Жамоатга тобеъ бўлиш.
3. Ишбошиларга итоат қилиш.
4. Одамлар орасини ислоҳ қилиш. Бунга хавориж ва боғий (жамоатга қарши чиқиш)ларга қарши уруш қилиш ҳам киради.
5. Яхшилик йўлида кўмаклашиш.
6. Амри маъруф, наҳйи мункар.
7. Ҳаддларни қоим қилиш.
8. Аскарлик ишлари ҳам шунга киради.
9. Омонатни адо қилиш.
10. Қарз ва унга вафо қилиш.
11. Қўшнини икром қилиш.
12. Яхши муомалали бўлиш. Бунга ҳалол мол топиш

ҳам киради.

13. Могу мулкни тўғри сарфлаш. Бунга исроф ва беҳуда сарф-харажатни тарк қилиш ҳам киради.

14. Саломга алиқ олиш.

15. Акса урган кишига «Ярҳамукаллоҳу» – «Сенга Аллоҳ раҳм қилсин» дейиш.

16. Одамлардан зарарни қайтариш.

17. Беҳуда ишлардан четда бўлиш.

18. Йўлдаги озор берадиган нарсаларни олиб ташлаш.

Жами бўлиб, етмиш етти шуъбадир.

Бу аллома Маҳмуд ибн Аҳмад Айний раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодлари. Бу илмий ижтиҳоддан кўплаб фойда олдик. Аллоҳ таоло у кишига манфаатли илм қолдирганлари учун мукофотларини тўлиқ қилиб берган бўлсин!

Аммо бир мулоҳазамиз борки, Айний раҳматуллоҳи алайҳининг етмиш еттилик рўйхатларига ушбу ҳадисда очик-ойдин айтилган «Ҳаё» шуъбаси кирмай қолибди. Албатта, у киши айтганларидек «Ҳаё»ни ҳам бирорта бобга қўшиб юборса бўлади. Аммо ҳадиси шарифда, энг олий ва энг қуйи шуъбалардан кейин «Ҳаё»ни алоҳида таъкидлаб, «Ҳаё иймоннинг шуъбасидир», дейилиши бежиз бўлмаса керак. Чунки ҳаё иймоннинг энг ажойиб кўринишларидан биридир. Ҳаё инсонни доимо яхшилик қилишга, ёмонликдан четланишга чорловчи ажойиб сифатдир.

Энди ушбу ҳадисдан оладиган фойдалар ҳақида сўз юритайлик:

1. Иймоннинг шуъбалари борлиги.

2. «Лаа илаҳа иллаллоҳ» иймоннинг олий шуъбаси экани.

3. Йўлдан озор берувчи нарсани олиб ташлаш иймондан экани.

4. Ҳаё иймондан экани.

Уламоларимиз Иймон ва унинг шуъбаларини дарахт ва унинг шохларига ўхшатадилар. Агар Имом ал-Айнийнинг ижтиҳоди ила тасаввур қилсак, иймон етмиш етти шохи бор бир гўзал дарахтдир. Ўша кўркам дарахт ҳамма шохлари билан гўзалдир. Аллоҳ кўрсатмасин, бирор шохи, ҳатто бирор баргига футур етса, дарахтнинг гўзаллигига футур етади. Кўрган одам: «Ушбу барги ҳам бут бўлганда ажойиб дарахт бўлар экан», деб афсусланади. Қани, инсоф билан бир ўйлаб кўрайлик-чи, иймон дарахтимизнинг ҳамма барглари, шохлари, танаси бутми? Нечта шохи кесилган, нечтаси қуриган? Уларни ўрнига келтириш учун нималар қилмоқдамиз?

Дунё бугунги кунда бу ҳадисдан чиқадиган ҳикматларга қанчалик муҳтож? Дунёга етмиш нечта шуъбаси бор иймон жуда керак, дунё ва инсоният иймонга жуда муҳтож.

Бутун дунё, барча инсоният «Лаа илаҳа иллаллоҳ»га муҳтож, иймоннинг муҳим шуъбаларидан бўлган ҳаёга муҳтож.

Улар йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлашни иймон шуъбаси даражасига кўтарган Ислом динига муҳтожлар. Бу эҳтиёж кундан-кунга ўсиб бормоқда. Чунки дунёда, инсонлар ичида кундан-кунга иймонсизлар, иймони заифлар кўпаймоқда, ҳаёсизлар кўпаймоқда. Инсоният йўлига озор берувчи нарсаларни ташловчилар кўпаймоқда.

11 - عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ τ عَنْ النَّبِيِّ ρ قَالَ: الدِّينُ النَّصِيحَةُ

قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَالْأئِمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ.

رَوَاهُمَا الْحَمْسَةُ.

11. Тамийм Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят

қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

«Аллоҳ учун, У Зотнинг китоби учун, У Зотнинг Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».

Аввалги ва бу ҳадисни бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Аввало, одатимиз бўйича ҳадиснинг ровийлари Тамийм Дорий розияллоҳу анҳу билан танишиб чиқайлик.

Тамийм ибн Авс ибн Хорижа Дорий, кунялари Абу Рукия, нисбатлари Дор ибн Ҳонийга. Бу зот олдин насроний динида бўлиб, ҳижратнинг тўққизинчи йилида Исломга кирдилар. Шундан кейин Фаластин аҳлининг обиди, Куръонни кўп тиловат қилувчи, кечаларини таҳажжуд намози билан бедор ўтказувчи ва масжидга биринчи бўлиб чироқ олиб кирган сифатлари ила улуғ саҳобалардан бирига айландилар.

Тамийм Дорий розияллоҳу анҳу ҳаммаси бўлиб, 18 та ҳадис ривоят қилганлар. Бу ҳадисларни Имом Бухорий ва Муслим «Саҳиҳ» китобларига киритишган. У зотдан Абдуллоҳ ибн Ваҳб, Сулаймон ибн Омир, Шурахбил ибн Муслим, Қубайса ибн Зуайб ва бошқалар ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу зотга Фаластиндаги Айнун қишлоғини алоҳида ажратиб бердилар. Бу қишлоқ ҳозир ҳам Байтул Мақдисда машҳурдир. Сўнгра Мадинада истиқомат қилдилар. Усмон розияллоҳу анҳу ўлдирилгандан кейин, Шомга кўчиб кетдилар ва ҳижратни 37-йили Фаластинда вафот этдилар.

Ушбу ҳадисда ҳам комил иймон учун зарур нарсалар ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ҳузурида сўзлаб:

«Дин насиҳатдир», дедилар.

«Насихат» луғатда «холис», «покиза», «содиқ» маъноларини билдиради. Урфда эса, бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтишидир. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг «**Дин насихатдир**» деганлари, диннинг асосий мадори насихатдан иборатдир, деганларидир. Бу «Ҳаж арафадир» деганларига ўхшайди. Яъни, ҳажнинг мадори, асосий рукни Арафотда туришдир, деганларидир.

Саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан бу умумий гапни эшитиб, унинг тафсилотини билмоқчи бўлдилар ва:

«**Ким учун?**» деб сўрадилар.

Яъни, «насихат қилсак, ким учун қиламиз?» дедилар. Шунда Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам диннинг мадори бўлмиш насихат беш нарсада эканини баён қилиб бердилар:

1. «**Аллоҳ учун**», яъни, Аллоҳга иймон келтириш, унга шукр қилиш, амрларини бажариб, қайтарганларидан қайтишга ундаб насихат қилишдир.

2. «**У Зотнинг китоби учун**», яъни, Аллоҳнинг Китоби–Қуръони Каримни ўрганиш, унга амал қилиш ва одамларни ҳам шу ишга ундаб, насихат қилиш.

3. «**У Зотнинг Расули учун**», яъни, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга эргашиш, у кишининг шариатига, суннатига тобеъ бўлиш, бошқаларни шунга чақириш.

4. «**Мусулмонларнинг имомлари учун**».

Улар учун насихат қилиш, уларга итоат қилиш, одамларни ҳам шунга чақириш билан бўлади.

5. «**Мусулмонларнинг оммаси учун**».

Барча мусулмонларга икки дунё саодати, яъни Ислом йўлини кўрсатиб, насихат қилиш бўлади.

Ушбу вазифаларни қилган одам диннинг энг муҳим

ишини амалга оширган бўлади. Аммо бу осон иш эмас. Шунинг учун ҳам у диннинг мадори ҳисобланади. Чунки одамлар насихатни ёқтирмайдилар. Айниқса, ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсалар учун қилинган насихат кўпчиликка хуш келмайди.

Бекорга бу ҳадиси шариф комил иймон сифатлари бобида келмаяпти. Қачон комил иймон бўлгандагина шундоқ насихат бўлади. Бундоқ насихатлар эса ўз навбатида самара беради. Аллоҳ учун, Аллоҳнинг Китоби ва Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун, оммаси учун насихат қилишни дин деб тушунган жамиятгина олдинга кетади, кўзлаган мақсадига етади.

Агар биз ушбу ҳадиси шарифдан фойда олмоқчи бўлсак, ана ўша тушунчани қайта тирилтироғимиз лозим бўлади. Аллоҳ учун, У Зотнинг китоби учун, У Зотнинг Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун, оммаси учун насихат қилишга ўтишимиз лозим бўлади.

Бу ҳадиснинг ҳикматига бутун дунё жуда муҳтож. Энг аввало, мусулмон олами муҳтож. Мусулмон олами, деб ном олган олам Исломдан узоқлашгани учун, динни насихат, деб билмагани учун турли муаммо ва кулфатларга кўмилиб ётибди.

12 - عَنْ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: ذَاقَ

طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَالْأَبِيُّ دَاوُدَ: مَنْ أَحَبَّ لِلَّهِ وَأَبْغَضَ لِلَّهِ وَأَعْطَى لِلَّهِ وَمَنَعَ لِلَّهِ فَقَدْ اسْتَكْمَلَ الْإِيمَانَ.

12. Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллохни–Робб, Исломни–дин, Муҳаммадни–Расул, деб рози бўлса, Иймон таъмини тотган бўлади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган, Абу Довуд эса:

«Ким Аллоҳ учун муҳаббат қилса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун берса, Аллоҳ учун ман қилса, батаҳқиқ, иймонни мукамал қилган бўлади», деб келтирган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифни Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анху ривоят қилмоқдалар. Олдин у киши билан танишиб олайлик.

Аббос ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф, оналари Нутайла бинти Ҳаббоб ибн Кулайб, кунялари Абу Фазл, Аббосийлар халифалиги асосчиси, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг амакилари, жоҳилият даврида Қурайш қавмининг раиси ва Масжидул Ҳаромнинг бошлиғи бўлган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан ансорлар ўртасида бўлган «Ақаба» байъатида иштирок этган ва нутқ сўзлаган. «Ҳунайн» жангида мусулмонлар енгилиб турган пайтда, уларга тўғри йўлни кўрсатган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга қариндошлари ичида энг яқини бўлган улуғ саҳобалардан эдилар.

Аббос розияллоху анху Исломга ҳижратдан олдин кирдилар, аммо иймонларини мушриклардан сир тутар эдилар. Маккада бўлган пайтларида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни мушриклар хабаридан воқиф этардилар. Бадр жангида мушриклар томонида бўлиб, урушга мажбур ҳолда олиб чиқилган эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларга: «Ким амаким Аббосга йўликса, ўлдирмасин», деб айтдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам амакиларини жуда яхши кўрар эдилар. Ҳатто Бадр жанги тугаган куни

амакилари Аббос асирликда ётганлари сабабли ухлай олганлари йўқ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтар эдилар:

«Эй инсонлар, ким амаким Аббосга озор берса, менга озор берибди. Бу амаким отамнинг мен учун қолдирган кишисидир».

Аббос ибн Абдулмуттолиб Мадинага ҳижрат қилиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн сўрганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Маккадаги мақоминг сен учун яхшироқдир», деб айтдилар.

Бу зот хотинлари Умму Фазл билан ҳижратни 8-йили Рамазон ойида Маккадан Мадинага ҳижрат қилишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг пайғамбарлигим охириги пайғамбарлик бўлганидек, сизнинг ҳижратингиз охириги ҳижратдир», деб айтдилар.

Аббос ибн Абдулмуттолиб сахий кишилардан эдилар, бутун молларини урушга аскарларни жиҳозлаш учун сарф қилардилар. Ўз ҳисобларидан етмишта қул озод қилганлари ривоятларда келади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин Аббоснинг жону тани, молу дунёси Ислоом хизматида бўлди.

Умар розияллоҳу анҳу халифалик даврларида сув йўқлиги сабабли қаҳатчилик етди. Халифа бир неча марта дуо қилиб, сув талаб қилди. Лекин ёмғир ёғмади. Халифа Умар ҳазрати Аббоснинг ҳузурларига бориб, бирга чиқишини сўради. Ҳазрати Аббос мусулмонлар билан чиқиб, осмонга қўлларини чўзиб дуо қилганларидан кейин, Аллоҳ инсонларни бу қаҳатчиликдан халос этди.

Бу зот ҳадис ривоят қилувчи улуғ саҳобалардан эдилар. Аббос розияллоҳу анҳу 35 та ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан Абдуллоҳ ибн Ҳорис, Омир ибн Саъд, Аҳнаф ибн Қайс ва бошқалар ривоят қилишди.

Аббос розияллоҳу анҳунинг ўнта ўғли бўлиб, қизлари

йўқ эди. Умрларининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолади. У киши ҳижратнинг 32-йили, Ражаб ойининг 16-куни 88 ёшларида Мадинада вафот этдилар. Бу ҳодиса Усмон розияллоҳу анҳу ўлдирилишидан икки йил олдин бўлди. У кишига Усмон розияллоҳу анҳу жаноза намозини ўқидилар. Аббос розияллоҳу анҳу «Жаннатул-Бақийъ»га дафн этилдилар.

Ушбу ҳадисда ҳам улкан маъно баён этилмоқда. Унда иймон таъмини тотиш, иймон мукамаллигига эришиш қайси йўл билан амалга ошиши мумкинлиги баён қилинмоқда. Бунинг учун эса, қуйидагилар амалга ошиши керак:

«Аллоҳни – Робб» деб рози бўлиш.

Робб «тарбиячи» маъносини англатади. Урфда эса кўп маъноларни, жумладан «ризқ берувчи», «тадбирини қилувчи», «яратувчи», «эга» маъноларини ифода қилади. Робб Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Аллоҳ таоло бутун оламларнинг яратувчиси, уларга ризқ берувчи, тадбирини қилувчи, эгалик қилувчи ва тарбияловчиси бўлганидан шундоқ аталган. Аллоҳни Робб, деб рози бўлиш эса, Аллоҳ менинг яратувчим, тарбиякунандам, эгам, ризқ берувчим, тадбиримни қилувчим, деб чин дилдан рози бўлишни англатади. Рози бўлиш оғиздаги куруқ гап эмас, ёки кўнгилдаги гумон ҳам эмас. Балки, тўлиқ ишонч ва қаноатдир. Ким шу ишонч билан, шу қаноат билан яшаса, иймон таъмини тотиш йўлида катта қадам босган бўлади. Кейинги қадамлар эса,

2. **Исломи** – дин деб.

3. **Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни – Расул** деб, рози бўлиш билан бўлади.

«Дин» деганда ҳозирги бузуқ тушунча кўзда тутилмайди. Ҳозирда дин деганда, масжидни, намозни, қабристонни, ўлганларга маросим қилишни ва шунга ўхшаш нарсаларни тушуниб қолинган.

Аслида эса, дин Аллоҳ томонидан юборилган, инсоннинг икки дунё саодатига эришиши учун зарур бўлган кўрсатмалар тўпламидир. Демак, Иймон таъмини тотиш учун инсон Исломга тўлиқ амал қилиб яшашим керак, деган ишончга ва қаноатга эга бўлиши керак.

Бунинг учун эса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Расул яъни, Аллоҳнинг элчиси, деб рози бўлиш керак. Ислом таълимотларини, ҳукмларини Аллоҳдан қабул қилиб, бандаларга етказган, ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зотни Расул, деб рози бўлмагунча иймон таъмини тотиб бўлмайди. Ҳа, Аллоҳни Робб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Расул деб, рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиши мумкин. Шу мақсад йўлида машаққатларни кўтаришга рози бўлган одамгина иймон таъмини тотиб кўриши мумкин. Аммо, чин қалбдан розилик–ишонч ва қаноат бўлмаса, иймон таъми ҳам бўлмайди.

Имом Абу Довуд ривоятида келган, иймоннинг мукамал бўлиши учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилиш.

Кимга ёки нимага муҳаббат қиладиган бўлса, Аллоҳ учун муҳаббат қилган кишигина иймонини мукамал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировга муҳаббат қиладиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юргани учун, Аллоҳга иймони борлиги учун, Аллоҳга ибодат қилиб яшаётгани учун, Аллоҳ учун муҳаббат қилади. Бунга бошқа ғараз, мақсад аралашиб қолса, муҳаббат Аллоҳ учун бўлмай қолади. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни, жамоатни ва шунга ўхшаган нарсаларни яхши кўриш ҳам Аллоҳ учун бўлгандагина муҳаббат эгаси ўз иймонини мукамал бўлишидан умид қилса бўлади.

2. Аллоҳ учун ёмон кўриш.

Кимни ёки нимани ёмон кўрса, Аллоҳ учун ёмон

кўрадиган кишигина иймонини мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади. Бировни ёмон кўрадиган бўлса, ўша одам Аллоҳнинг амрида юрагани учун, Аллоҳнинг динига амал қилмагани учун, гуноҳ ишларни қилгани учун ёмон кўради. Бошқа сабабдан ёмон кўриш эса мумкин эмас. Шунингдек, бирор ишни, гуруҳни ёки шунга ўхшаш нарсаларни ҳам Аллоҳ учун, Аллоҳнинг таълимотларига тескари бўлгани учун ёмон кўрган одамгина иймони мукаммал бўлишидан умид қилса бўлади.

3. Аллоҳ учун бериш.

Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар киради. Бировга бир яхшилик қилса, Аллоҳ учун, ўша яхшиликдан манфаатдор одам ҳам Аллоҳнинг йўлида юргани учун қилсагина иймони мукаммал бўлиши учун ҳаракат қилган бўлади. Демак, мусулмон одам ўзгаларга моддий ва маънавий атолар бериш пайтида фақат Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб иш тутса, иймони комиллиги учун интиланган бўлади.

4. Аллоҳ учун ман қилиш.

Бунга моддий, маънавий ҳамма нарсалар дохилдир. Бировдан бир нарсани ман қилса, фақат Аллоҳ учун, ўша иш Аллоҳнинг амрига тўғри келмаслиги учун, ўша шахс Аллоҳнинг амрида юрагани учун бериладиган нарсани ман қилиши керак.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар матннинг ўзида очик-ойдин кўриниб турибди. Иймоннинг таъмини тотмоқ учун:

1. Аллоҳни–Робб деб, рози бўлмоқ.
2. Исломни –дин деб, рози бўлмоқ.
3. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни–Расул деб, рози бўлмоқ керак.

Иймоннинг мукаммал бўлмоғи учун:

1. Аллоҳ учун муҳаббат қилмоқ.
2. Аллоҳ учун ёмон кўрмоқ.

3. Аллоҳ учун бермоқ.

4. Аллоҳ учун ман қилмоқ керак.

13- وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا

أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا وَخَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِنِسَائِهِمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

13. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мўминларнинг иймони комилроғи, хулқи яхшироғидир. Сизларнинг яхшиларингиз, хотинларига яхшилик қиладиганларингиздир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровийлари Абу Хурайра розияллоху анху билан аввал танишганмиз. Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам чиройли хулқнинг комил иймонга сабаб бўлишини баён қилиш билан бирга, биз мусулмонларни яхши хулқли бўлишга тарғиб қилмоқдалар.

Ислом ҳусни хулққа катта эътибор берган. Бу ҳақда Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлар жуда кўп. Бунини ўз навбатида келадиган бобларда кўриб чиқамиз. Аммо, бу ерда—комил иймон бобида, ҳусни хулқ иймоннинг комил бўлишида ҳам муҳим омил эканини таъкидлаш учун бу ҳадиси шариф келтирилмоқда.

Яхши хулқ очик чеҳралик, кишиларга озор бермаслик, уларга яхшилик қилишдир. Яхши хулқли инсон икки дунё саодатига эгадир. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам иймоннинг камолини хулқнинг яхшилигига боғлиқ қилиб қўймоқдалар.

«Мўминларнинг иймони комилроғи, хулқи яхшироғидир», яъни, мўминнинг хулқи қанчалик яхши бўлиб бораверса, иймони шунча мукамал бўлиб бораверади. Яхши хулққа бундан ҳам ортиқ тарғиб қилиш

мумкинми? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўрганиш давомидаги хулосалардан бири шуки, бирор аҳамиятли мавзу омматан баён қилинганидан сўнг ортидан ўша мавзуга тегишли энг муҳим нарса алоҳида таъкидлаб қўйилади. Ушбу ҳадиси шарифда:

«Сизларнинг яхшиларингиз, хотинларингизга яхшилик қиладирганларингиздир», деб таъкидланмоқда.

Нима учун? Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, кўпчилик бошқалар билан яхши муомалада бўладилар-у, хотинлари билан муносабатда бадхулқ бўладилар. Бундайлар халқимиз ичида «кўча хандон, уй зиндон одамлар» дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ана ўша ҳолатни эътиборга олиб, яхши хулқ иймон камолоти сабаби эканини айтганларидан кейин, бунда фақат бегоналар билан муносабатгина эмас, балки, энг аввало, ўз хотинига нисбатан яхши хулқли бўлиш зарурлигини таъкидлаб қўйдилар.

Ҳусни хулқни иймон мукамаллиги учун шарт қилиб қўйиш Ислом учун, мусулмонлар учун ҳар қанча фахр қилса арзийдиган ишдир.

Хотинларига яхши муомалада бўлганлар мусулмонларнинг энг яхшилари, деб алоҳида таъкидлангани эса, Исломда аёлларнинг ҳақлари қанчалик устун қўйилишини кўрсатади.

Ушбу ҳадисдан оладиган фойдамиз икки улкан фойдадан иборатдир:

1. Ҳусни хулқли бўлиш.
2. Хотинга яхшилик қилишни йўлга қўйиш.

Ҳадиси шарифнинг ҳикматиға инсоният қанчалар муҳтож эканини ҳар онда, ҳар қадамда кўриб-билиб турибмиз. Чунки ушбу ҳадисда зикр этилган нарсалар орқали ҳар бир инсоннинг ижтимоий ва оилавий ҳаёти

қоим бўлади. Бунга инсоннинг ҳар лаҳзада иши тушади. Шу боис гўзал ахлоқли бўлишга ҳаракат қилайлик, мўминлар ичида энг мукамал иймонлиси бўламиз. Хотинларимизга яхшилик қилишга уринайлик, мусулмонларнинг энг яхшиларидан бўламиз.

14 - وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَزَكُّهُ مَا لَا يَغْنِيهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ فِي الرَّهْدِ وَابْنُ مَاجَةَ.

14. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Киши Исломининг хусни – беҳуда нарсаларни тарк қилишидадир», дедилар».

Термизий «Зухд»да ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам ўтган ҳадиснинг ровийлари Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам киши Исломининг хусни-чиройли бўлиши ҳақида сўз юритмоқдалар. Шариатда «фалончининг Исломи хусни-чиройли бўлди» деган ибора, фалончи Иломга ичидан ҳам, ташидан ҳам, ҳақиқий равишда кирди, деган маънони ифода қилади.

Ибн Баттои эса: «Фалончининг Исломи хусни бўлди, дегани: «Эҳсон ҳадиси, яъни, «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб турганидек ибодат қилишинг», деган ҳадис билан шарҳ қилинади, дейди.

Демак, кишининг Исломи хусни бўлар, ёки аксинча ҳам бўлиши мумкин экан. Унинг қандай бўлиши эса, Иломдаги кишининг ўзига боғлиқ. Агар инсон ўзи учун беҳуда бўлган нарсаларни тарк қилса, бу–унинг Исломи хусни бўлганига далил экан. Чунки бу ишни фақат

хақиқий мусулмон одамгина амалга оширади. Чин мусулмон одам ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасига ўта жиддийлик билан қарайди. Қиёматда ана шу ҳар бир лаҳза учун ҳисоб-китоб, савол-жавоб бўлишини зинҳор унутмайди. Чин мусулмон одам беҳуда сарфланган вақт, молу дунё, соғлиқ, куч-қувват, имконият ва бошқа нарсалар учун қиёмат кунини жавоб беришини тўла ҳис қилиб яшайди. Шунинг учун у беҳуда нарсага умуман яқинлашмайди. Бу эса, ўз навбатида унинг Исломининг хусни бўлади.

Чин мусулмон бўлишни ўйлаган одам беҳуда, фойдасиз ва маъносиз нарсаларга ўзини урмайди. Ундай нарсаларни эса, пасткаш кишилар қиладилар. Мусулмонлик эса, олий шарафдир, юқори мартаба ва юксак мақомдир. Ҳар биримиз Исломининг хусни бўлиши учун уринайлик, беҳуда нарсаларни тарк қилайлик.

15- عَنْ أَبِي سَعِيدٍ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَتَعَاهَدُ الْمَسْجِدَ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ □ {إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسَاجِدَ اللَّهِ مِنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَآتَى الزَّكَاةَ} الْآيَةُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

15. Абу Саъийд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Вақтики, бир кишини масжидга қатнашга аҳд қилганини кўрсангиз, унинг иймони ҳақида гувоҳлик берингиз. Чунки Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳнинг масжидларини ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, намозни тўқис адо қилса ва закотни берсагина, обод қилади», деган», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Абу Саъийд розияллоху анхудан ривоят қилинган. Аввало, у киши билан танишайлик.

Абу Саъийд розияллоху анхунинг исмлари Саъд ибн Молик ибн Синон, кунялари Абу Саъийд Ансорий Худрий, кунялари исмларидан ғолиб келган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан ўн иккита жангда иштирок этганлар. Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўркмасликка Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга байъат берган беш саҳобанинг бири, Хандақ урушида аввалгилардан бўлиб иштирок этган улуғ саҳобалардан. Ёшлари ўн учга етганда, оталари у кишини Ухуд жангида иштирок этишларини, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан сўраганларида, ёшлари кичкина бўлгани сабабли изн бермадилар.

Абу Саъийд Худрий 1170 та ҳадис тўплаб, кўп ҳадис ривоят қилувчи саҳобалар ўртасида еттинчи ўринни эгалладилар. У киши оталари Молик ибн Синон, тоғалари Қатода ибн Нуъмон, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилганлар.

Абу Саъийд Худрий тўплаган ҳадисдан Имом Бухорий 16 та, Имом Муслим эса 52 та ҳадисни ўз «Саҳих» китобларига киритдилар.

Абу Саъийд Худрийдан ривоят қилган зотлар ўғиллари Абдурахмон, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Туфайл, Абу Салама, Нофеъ, Икрима, тобеъийлардан Саъийд ибн Мусаййиб, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба, Торик, Ибн Шихоб ва бошқалардир. Агар кишилар у зотдан эшитган ҳадисларини ёзиб беришни сўрашганида, «Бу ҳадисни Қуръонга ўхшатиб ёзмаглар, лекин буни биз сақлагандек муҳофаза этинглар», деб айтар эдилар. У зот дунёда зоҳид, ибодатгўй, олим, олган илмига амал қилувчи зотлардан эдилар.

Бир куни Абу Саъийд Худрий ўғиллари

Абдурахмоннинг кўлидан ушлаб, «Бақийъ» деган жойга олиб бориб: «Эй ўғилчам, агар вафот этсам, шу ерга кўмгин, марсия ёзиб, оркамдан йиғлама, оркамдан ўт ёкиб юрма, мен сабабли бирор кишига озор бермагин», деб васият қилдилар. Ҳижратнинг 74-йили, жума кунида бу фоний дунёдан дорулбақога риҳлат қилдилар ва шу куни «Бақийъ»га дафн этилдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу муборак ҳадисларида масжидга доимий қатнашга, у ерда ибодат қилишга аҳд қилган, доимо ўз аҳдида турган одамнинг ҳам иймони комил бўлиши ҳақида хабар бермоқдалар. Масжид–Аллоҳнинг уйи. Унга доимий қатнаб ибодат қилиш улуғ ва муборак иш. Ушбу ҳадисда масжидга бориш, қатнаш ёки шунга ўхшаш иборалар эмас, **«масжидга қатнашга аҳд қилиш»** ибораси ишлатилгани эътиборга сазовордир. Чунки масжидга турли одамлар қатнайди. Уларнинг қатнаши ҳам турлича бўлади.

Кимдир риё учун қатнайди: унинг қатнаши риёга боғлиқ, риё ҳосил бўлмаган ондаёқ масжидга қатнашдан тўхтайдди.

Яна бири, мунофиқлик юзасидан қатнайди. Яъни, Ислом ривож топиб, мусулмонлар кўпайганда, ишлари юришиб, гаплари ўтиб турганида ўзини мусулмон кўрсатиш учун қатнайди. Ушбу омил йўқ бўлиб, мусулмонлар синовга учраган, қийинчиликда қолган куни, улар ҳам масжидга қатнашни йиғиштирадилар.

Учинчилари, жосуслик учун қатнайдилар ва жосуслик топшириғини адо этиб бўлганларидан сўнг, улар ҳам масжидга қатнашни йиғиштирадилар.

Чин қалбдан аҳд қилган одамгина холис ибодат учун доимий равишда масжидга қатнайди. Ана ўша одамнинг иймони ҳақида шоҳидлик беришга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилмоқдалар.

Сўнгра у зоти бобарокот соллаллоҳу алайҳи васаллам

бу ҳукмга Аллоҳ таолонинг Китобидан далил келтирмоқдалар. Аллоҳ таолонинг: «Албатта, Аллоҳнинг масжидларини ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, намозни тўқис адо қилса ва закотни берсагина обод қилади», деган оятини тиловат қилмоқдалар.

Ушбу оятдаги Аллоҳнинг масжидларини обод қилишдан мурод моддий ва маънавий обод қилишдир. Моддий обод қилишга масжидларни қуриш, чиройли ва озода тутиш киради. Маънавий обод қилишга эса, уларда намоз ўқиш, тиловат қилиш, зикр қилиш каби маънавий ишлар киради. Демак, масжидларни маънавий обод қилишга уринган одамда Аллоҳга ва охират кунига иймон бўлиши турган гаплиги оятда ҳам келган экан. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай одамнинг иймони ҳақида гувоҳлик беришга ишорат қилмоқдалар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Масжидларга чин қалбдан қатнашга одатланиш.
2. Масжидларга қатнаётган кишилар ҳақиқий иймонли кишилар эканини билиш.
3. Айтилган фикрни тасдиқлаш учун оятдан далил келтириш.

Бу ҳадиснинг ҳикмати жуда катта. Масжидга доимий қатнашга одатланишнинг фойдалари кўп: инсон савоб олади, мусулмонлар жамоасидан хабардор бўлиб туради, иймони камолга етади. Иншааллоҳ, «Жамоат намози боби»да бу ҳақда тўхталамиз.

يزيد الإيمان وينقص ولا تضره الوسوسة

**ИЙМОН ЗИЁДА ВА НОҚИС БЎЛАДИ ҲАМДА
УНГА ВАСВАСА ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИ**

Муаллиф иймон бобидаги энг муҳим бир масала ҳақида алоҳида фасл очди. Бу масала, иймоннинг зиёда ва кам бўлиши ҳақидаги масала бўлиб, уламоларимиз ўртасида кўпгина тортишувларга сабаб бўлган масаладир. Лекин аҳли сунна ва жамоа уламоларининг тортишувлари моҳиятда эмас, сувратдадир. Баъзилари тўғридан-тўғри иймон зиёда ва кам бўлади десалар, баъзилари иймоннинг асли бир, аммо унга тааллуқли ишлар, амаллар зиёда ёки кам бўлади, дейдилар.

Муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи ҳам таҳқиқ қилганларидан кейин иймон зиёда ва кам бўлишига, кучли ёки заиф бўлишига ишонч ҳосил қилганлари учун, ушбу фаслни очмоқдалар. Бу фикрни қувватлаш учун, аввало, Қуръони Каримдан оят келтирилмоқда:

قَالَ اللَّهُ جَلَّ شَأْنُهُ: طَطَّطْتُ قَفْقَفًا جَجَجًا جَجَجًا

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, мўминлар, Аллоҳ зикр қилинганда қалблари титрайдиган ва уларга У Зотнинг оятлари тиловат қилинганда иймонларини зиёда қиладиган ва Роббиларига таваккул қиладиганлардир» (Анфол, 2).

Шарҳ: Ушбу оятда Аллоҳ таоло Қуръон оятлари тилавотини эшитганда ҳақиқий мўминларнинг иймони зиёда бўлишини таъкидламоқда. Бу эса, ҳақиқий мўминнинг ушбу оятда зикр қилинган уч сифатидан бири ҳисобланмоқда.

Муҳаддисларимиз ўз фикрларини тасдиқлаш учун очган бобларига аввало, Қуръон оятини келтиришни, сўнгра эса, шу маънодаги ҳадисларни келтиришни одат қилганлар.

Имом Бухорий ҳам ўз «Саҳиҳ»ларида иймоннинг зиёда ва кам бўлиши ҳақида боб очганларидан кейин саккизта

оятни далил қилиб келтирганлар. Бизнинг муаллифимиз такрорни озайтиришни ўзларига шиор қилиб олганлари учун, биргина оятни зикр қилиш билан кифояландилар. Сўнгра ҳадислар келтиришни бошлайдилар.

16- عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: مَنْ رَأَى

مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ بِيَدِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ
فَبِقَلْبِهِ وَذَلِكَ أَضْعَفُ الْإِيمَانِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

16. Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сиздан ким бир мункар ишни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин, ана ўша энг заиф иймондир», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифни ҳам Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилган. У киши билан юкорида танишиб ўтдик.

Бошқа муҳаддислар бу ҳадиси шарифни кўпроқ амри маъруф ва наҳйи мункар бобида келтирадилар. Бизнинг муаллифимиз эса, иймоннинг зиёда ва кам бўлиши бобида келтирибдилар. Бунинг фарқи йўқ, иккиси ҳам баробар. Бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмин-мусулмон кишининг мункар, Исломи дини томонидан инкор қилинган ишларга нисбатан муносабатига қараб иймони кучли ёки заиф бўлишини баён қилмоқдалар.

«Мункар иш» деганимиз дин, шариат томонидан инкор қилинган ёмон ишни билдиради. Чин мўмин инсон ўз жамиятида бўлаётган мункар ишни кўриб-билиб туриб,

бефарқ қола олмайди. Мўмин киши мункар ишни кўрганида уч ҳолатдан бирида бўлиши мумкин, холос:

1. «Мункар ишни кўли билан қайтариш».

Бу куч ишлатиб, деган маънони билдиради. Яъни, бўлаётган ёмон ишни тўхтатиш, уни қайтариш учун куч сарфласин. Бу кўпроқ кўлида ҳукми бор, имкони бор мўминларга тегишли бўлади. Яна, мункарни қайтаришдан олдин, ҳолатга қаралади. Ҳар қандай шахс аралашса бўладиган, кучи етадиган иш бўлса, албатта, ўша одамга бу мункарни куч билан қайтариш вожиб бўлади.

2. Мункар ишни тили билан қайтариш.

Бу кўли билан қайтаришга қодир бўлмаганларнинг иши. Бу иш иккинчи навбатда, биринчисига қодир бўлмаган тақдирдагина жорий бўлади. У вақтда мўмин-мусулмон одам тили билан гапириб, мункар ишнинг ёмонлигини баён этади, уни қилмасликка чақиради. Бу иш ҳар бир имкони бор мўминга вожибдир. Иймони тақозо қилган бурчдир. Лекин гоҳи вақтларда зулм, тазйик ҳаддан ошиб, оғиз билан гапирган мўминга зарар етиши, унинг жонига, шахсига ва бошқа томонларига таҳдид солиниши мумкин. Бундай ноилож ҳолда қолган одам, сўнгги, учинчи даражага тушишга мажбур бўлади.

3. Мункар ишни дили билан қайтариш.

Чин дилдан «шу иш бўлмаслиги керак эди, аммо, минг афсуски, бўлди. Бу ишни кўлим билан ўзгартиришим керак эди, аммо қила олмадим. Бу ишни ҳеч бўлмаса тилим билан ўзгартиришим керак эди. Аммо буни ҳам қила олмадим. Энди, дилим билан инкор қилишдан бошқа чорам қолмади», дейилур. Бу эса, энг заиф иймон бўлади. Бундан ҳам заиф иймон бўлиши мумкин эмас. Буни ҳам қилмаса, ўша заиф иймон ҳам қолмайди. Иймони кучли мўминлар эса, ҳеч нарсадан кўркмай, мункар ишни ўз вақтида инкор қиладилар.

Аллоҳ хоҳласа, «Амри маъруф ва наҳйи мункар»

бобида бу ҳақида батафсил сўз юритамиз. Ушбу бобда эса, ёмонликни инкор қилиш иймонга тааллуқли иш эканини яхшилаб тушуниб олишимиз керак. Киши ёмонликни қанчалик кўп инкор қилса, қайтарса, шунчалик иймони зиёда ва бақувват бўлишини тушуниб олишимиз керак. Аксинча, ёмонликни инкор қилиши қанчалик оз ва кучсиз бўлса, иймони ҳам шунчалик заифлашиб боришини билмоғимиз керак. Ана ўшанда нима учун иймонсиз жамиятда иймон билан иши йўқ, иймон қадрланмайдиган жамиятда, ёмонлик кўпайиб кетишини англаб етамиз. Ана шундагина Аллоҳнинг охирги ва мукамал дини—Исломда мункар ишни ўзгартиришга, инкор қилишга бунчалар катта аҳамият берилганини тушуниб етамиз. Ана шундагина нима учун мусулмонлар ушбу ҳадиси шарифга тўлиқ амал қилган даврларида дунёдаги пешқадам миллат бўлганларини англаб етамиз. Ана ўшандагина, нима учун мусулмонлар бу ҳадисга амал қилмай кўйганларида тушкунлик томон юз тутганларини тўғри фаҳмлаймиз.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мункар ишларга нисбатан муросасиз бўлиш.
2. Имкони бўлса, мункар ишни қўл билан қайтариш-ўзгартириш.
3. Қўл билан қайтаришнинг имкони бўлмаганда, мункар ишни тил билан қайтариш.
4. Қўл билан ҳам, тил билан ҳам қайтаришнинг имкони бўлмаганда дил билан қайтариш.
5. Мункар ишни дил билан қайтариш энг заиф иймон эканини англаш.

Бу ҳадиснинг ҳикматлари ва инсониятнинг мазкур ҳикматларга эҳтиёжи ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча оз. Чунки, ёмонни ёмонлик қилишдан қайтармаслик ҳар қандай жамиятни, бора-бора бутун инсониятни ҳалокатга олиб бориши турган гап.

17- عَنِ ابْنِ عُمَرَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ

تَصَدَّقْنَ وَأَكْثِرْنَ الْإِسْتِعْفَارَ، فَإِنِّي رَأَيْتُكُنَّ أَكْثَرَ أَهْلِ النَّارِ فَقَالَتْ
امْرَأَةٌ مِنْهُنَّ جَزَلَةٌ: وَمَا لَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَكْثَرَ أَهْلِ النَّارِ؟ قَالَ: تُكْثِرْنَ
اللَّعْنَ وَتَكْفُرْنَ الْعَشِيرَ وَمَا رَأَيْتُ مِنْ نَاقِصَاتِ عَقْلِ وَدِينٍ أَغْلَبَ لِيذِي
لُبٍّ مِنْكُنَّ قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا نُقْصَانُ الْعَقْلِ وَالَّذِينَ؟ قَالَ: أَمَّا
نُقْصَانُ الْعَقْلِ فَشَهَادَةُ امْرَأَتَيْنِ تَعْدِلُ شَهَادَةَ رَجُلٍ فَهَذَا نُقْصَانُ
الْعَقْلِ، وَتَمَكُّنُ اللَّيَالِي مَا تُصَلِّي وَتُفْطِرُ فِي رَمَضَانَ فَهَذَا نُقْصَانُ
الَّذِينَ. وَعِبَارَةُ الْبُخَارِيِّ: أَلَيْسَ إِذَا حَاضَتْ لَمْ تُصَلِّ وَلَمْ تَصُمْ؟ قُلْنَ:
بَلَى قَالَ: فَذَلِكَ مِنْ نُقْصَانِ دِينِهَا؟ رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

17. Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Эй аёллар жамоаси, садақа қилинглар, истиғфorni кўпроқ айтинглар. Албатта, мен сизнинг дўзах аҳлининг кўпи эканингизни кўрдим», дедилар. Улардан бир гапга уста аёл:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга не бўлдики, дўзах аҳлининг кўпи эканмиз?» деди.

«Лаънатни кўпайтирасиз, эрга куфр келтирасиз. Сизга ўхшаган ақли ва дини ноқисларни ақл эгаси устидан ғолиб бўлишини кўрмадим», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ақл ва диннинг нуқсони нимадир?» деди.

«Ақлнинг нуқсони, икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тўғри келади. Бу ақлнинг нуқсонидир. Аёл бир неча кунларни намоз ўқимай

ўтказади ва Рамазонда рўза тутмайди. Бу диннинг нуқсонидир», дедилар».

Бухорийнинг иборасида:

«Хайз кўрган пайтида намоз ўқимай, рўза тутмай қўядими?» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишди.

«Бу диннинг нуқсонидир», дедилар» шаклида келган.

Бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровийлари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу билан юқорида танишганмиз. Қўшимча равишда айтаммизки, китобларимизда Ибн Умар, дейилса, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан бошқа одам назарда тутилмайди. Шунингдек, Ибн Масъуддан мурод, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудир.

Муаллиф бу ҳадиси шарифдаги аёл киши хайз пайтида намоз ўқимаслиги ва рўза тутмаслигини диндаги нуқсон экани ҳақидаги гапларни иймонда зиёдалиқ ва нуқсон бўлишига далил қилиб кетмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг исломий тарбиясига алоҳида эътибор берар эдилар. Доимо муслима аёлларни илм-маърифатга чорлар эдилар. Аёллар учун алоҳида илмий мажлислар ўтказар эдилар. Уларнинг ўзларига хос ваъз-насихатлар қилар эдилар. Ана шундоқ муносабатларнинг бирида У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмина-муслима аёлларга хитоб қилиб:

«Эй аёллар жамоаси, садақа қилинглар, истиғфorni кўпроқ айтинглар. Албатта, мен сизнинг дўзах аҳлининг кўпи эканингизни кўрдим», дедилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожга чиққанларида кўп нарсаларни, жумладан, дўзахни ҳам, дўзах аҳлининг кўпи хотин кишилар эканини ҳам кўрдилар. Бу ерда ўша сафар кўрганлари ҳақида

гапирмоқдалар. Аёлларни дўзахдан қутулиш учун садақа қилишга, кўпроқ истиғфор айтишга чорламоқдалар.

Ушбу вазиятда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий пайғамбарликлари, меҳрибон ва мушфиқ раҳнамо эканликлари намоён бўлмоқда. Чунки, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бор гапни очиқчасига айтиб, аёлларни тўғри йўлга солиш, саодатманд қилиш учун қайғурмоқдалар. Аччиқ бўлса ҳам ростини айтмоқдалар.

Ҳақиқий муршид эса, очиғини айтади. Муаммоларни тўғри йўл билан ҳал қилишга имкон қидиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг дўзахда кўп бўлиши ҳақида хабар бериш билан бирга, бу мусибатдан қутулиб қолиш йўлларида бири садақа бериб, кўпроқ истиғфор айтиш эканини ҳам баён қилмоқдалар.

Бу хабарни эшитган саҳобиялар ўзларини чин мўмина, фозила, оқила аёллар эканликларини исбот қилдилар. Норози бўлиб, бақир-чақир қилмадилар. Расули акрамнинг гапларини тасдиқ қилдилар, унга бутунлай таслим бўлдилар. Лекин илмий мажлис одобига риоя қилган ҳолда уларнинг вакиласи хабарда келган мусибатдан қутулиш, дўзахга тушишдан сақланиш йўлини билиш ниятида, аёлларнинг дўзахга кўп тушишлари нима сабабдан эканини сўради:

«Улардан бир гапга уста аёл:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга не бўлдики, дўзах аҳлининг кўпи эканмиз?» деди».

Берилган саволнинг одобини қаранг. «Нима учун биз дўзахга кўп тушар эканмиз?» ёки шунга ўхшаган гап билан эмас, «Бизга не бўлдики?» деб сўралмоқда. Бунда «ўзимизда бирор айб бордирки, шундоқ бўлган, ўша айб нима эканини билсак бўладими?» деган маъно бор. Шунинг учун ҳам,

У зот салоллоҳу алайҳи васаллам:

«Лаънатни кўпайтирасиз, эрга куфр келтирасиз», дедилар.

Яъни, қарғишни кўпайтирганингиз учун, эрларингизга нисбатан ёмон муомалада бўлганингиз учун шу аҳволга тушасиз, дедилар. Бунда, албатта, мўмина, муслима аёллар учун қарғишдан четланиш ва эрнинг розилигини олишга уринишга тарғиб бор. Айниқса, эр билан бўладиган муомаладаги хатолар кўп ва нозик бўлгани учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшимча қилиб:

«Сизга ўхшаган ақли ва дини ноқисларни ақл эгаси устидан ғолиб бўлишини кўрмадим», дедилар».

Яъни, ўзингиз ақли ва дини ноқис бўла туриб, ақл эгаси бўлган эркакдан ғолиб келиш учун уринганингиз кизиқ, дейилган. Бу жойда ҳам саҳобиялар олдинги одоб-ахлоқ намуналарини кўрсатдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган гапларига бутунлай таслим бўлдилар, уни чин дилдан қабул қилдилар. Шу билан бирга, билиб қўйиш учун савол ҳам бердилар:

Ҳалиги аёл:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ақл ва диннинг нуқсони нимадир?» деди».

Бу савол ҳам ўта юксак одоб доирасида туриб берилди. Ҳатто «аёллар ақли ва динининг нуқсони нимадан?» ҳам дейилмади. «Ақл ва диннинг нуқсони нимадир?» дейилди. Бу «аёлларнинг ақли ва динида нуқсон борлигига сизнинг гапингизни эшитиб таслим бўлдик, энди, ўша ақл ва дин нуқсони нимада намоён бўлишини билиб олсак бўладими?» деганидир.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам батафсил жавоб бердилар:

«Ақлнинг нуқсони, икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тўғри келади. Бу ақлнинг нуқсонидир», дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша

вақтда аёллар учун энг тушунарли шаръий мисолни келтирдилар. Аллоҳ таоло баъзи бир ишларга гувоҳлик беришда бир эр ва икки хотин бўлса, икки эр гувоҳнинг ўрнига ўтишини таъкидлаган. Бунда, албатта, аёл кишининг аёллиги эътиборга олинган. Чунки Исломдаги аёл ҳар хил ноқулай ҳолатларда иштирок этиши кам бўлади. Шунинг учун гувоҳлик пайтида адашиб қолиши мумкин. Икки киши бўлсалар, бир-бирларига эслатиб туришлари ояти каримада ҳам айтиб ўтилган.

Шу билан бирга, баъзи бир фақат аёлларга хос туғиш ва эмизигга ўхшаш ишларда бир аёлнинг гувоҳлиги қабулга ўтаверади. Кўп эркакнинг гувоҳлиги эса, ўтмайди. Шунинг ўзи ҳам юқоридаги гап вазиятни эътиборга олиб айтилганини кўрсатади.

Аёлларнинг эркакларга нисбатан ақли ноқислиги нозик масала бўлиб, Ислом душманлари бу ҳақдаги гапни динимизга қарши таъна тошини отиш учун кўп ишлатиб келмоқдалар. Улар бу масалада икки хотиннинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг келишини ва ушбу ҳадисни далил қилиб келтирадилар.

(Икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг қилиниши ҳақида юқорида қисман гапирилди, ким бу ҳақда муфассал маълумот истаса, «Тафсири Ҳилол» китобига мурожаат қилсин).

Биз бу ерда эса, ҳадиси шарифдаги гап ҳақида сўз юритамиз. Гувоҳлик масаласи шароитга қараб айтилган мисол экани айтиб ўтилди.

Энди аёлларни ақли ва дини ноқислар, деб васф қилингани ҳақида бир оз гаплашиб олайлик. Бу аёлларни қасддан камситиш учун айтилган ҳам эмас. Балки бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишдир. Келинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, бу масалада очиқча гаплашайлик.

Аввало, аёлларнинг ақли ноқис, дегани ҳар қандай аёлнинг ақли, ҳар қандай эркакнинг ақлидан паст, дегани

эмас. Бу гап нисбий, умуман олганда ақл нисбатида эркаклар аёллардан устун туриши ҳақидаги гапдир. Чунки, баъзи бир аёллар ақл жиҳатидан кўплаб эркаклардан устун туришини бошқалар эмас, Ислом дини олға сургандир. Бу ҳақиқат Қуръони Каримнинг Сабаъ маликаси ҳақидаги қиссасидан билинади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига келсак, ҳадисларини кўп ривоят қилишда Оиша онамиз иккинчи ўринда турадилар. Кўплаб машхур саҳоба эркаклар ўзлари ҳал қила олмаган масалаларни ҳал қилиб беришни Оиша онамиздан сўрар эдилар. Ҳеч ким «Аёл кишининг ақли паст бўлади, унинг ривоятини олмаймиз», деган эмас.

Лекин умумий ровийларни олганда, эркаклар устун турадилар. Энг кўп ривоят қилган шахс ҳам эркак киши, ровийлар сони ҳам улар ичида эркаклар аёллардан кўп эканини кўрсатади. Худди шу ҳолат бошқа иш ва соҳаларда ҳам яққол кўринади.

Қайси бир соҳани олиб кўрсак, аёллардан баъзиларининг ақли ўткир бўладилар, аммо асосий ўткир ақл эркакларда бўлади. Жисмоний лаёқатларни бир томонга қўйиб турайлик. Чунки, жисмоний тузилиш ва имкониятлар борасида эркаклар аёллардан устун эканини ҳозирга келиб ҳеч ким инкор қилмай қўйди. «Нима учун?» дейилганда, аёллик талаблари шуни тақозо қилади, деб жавоб берилади.

Чунки аёл киши хотин, она бўлиши керак. Бунинг учун унга алоҳида латиф тана, тузилиш, жисм ва аъзолар керак. Ҳатто баданидаги тўқималар, ҳужайралар ҳам эркакниқидан ўзгача, нафис, юмшоқ, нозик бўлади. Энди ўша нафис, юмшоқ ва нозик нарсалардан таркиб топган нозик аёлда кўпол, кучли, қаттиқ нарсалардан таркиб топган эркакнинг мияси-ақли бўлиши мумкинми? Ҳамма нарсаси ўзига хос бўлган аёлнинг ақли ҳам ўзига хос

бўлиши керак. Аёл кишига унинг аёллигига хос ақл керак. Шундоқ бўлган ҳам. Умуман олганда эркаклар аёллардан кучли, десак ҳеч ким ажабланмайди.

Энди соф ақлий соҳаларни олиб, солиштириб кўрайлик: қайси бир соҳани кўриш эса, сизнинг ихтиёрингизда: шоирликни, носирликни оласизми? Алжабр илмини оласизми? Ёки шахматни оласизми? Хоҳлаган соҳангизни олиб кўринг. Баъзи аёллар баъзи эркаклардан зўр бўлиши мумкин. Аммо, умуман олганда, эркаклар ақлий жиҳатдан ҳам худди жисмоний жиҳатга ўхшаб, юқори чиқаверадилар. Бу аёлларни камситиш эмас. Балки, уларни ўзига мос, ўзига хос тақдирлашдир. Аллоҳ таоло беҳикмат иш қилмайди. Эҳтимол, аёлнинг ушбу нозиклиги, латофати, юмшоқлиги билан унга эркакнинг ақли берилганда хато қилинган бўлармиди? Аёлнинг ақли ўзига хос бўлиши ўзи учун зийнатдир. Инсоният учун зийнатдир. Оила учун зийнатдир. Эркаклар учун зийнатдир. Агар икки бир хил ақл эгаси эру хотин бўлиб яшаса ҳам бўлмас эди. Қолаверса, мусулмон бўлмаган уламолар ҳам аёл ва эркакнинг мияларини таҳлил қилиб кўриб, ҳадиси шарифда келган маъно тўғри эканини тасдиқламоқдалар.

Энди ўзларича аёлларни «ҳимоя» қилиб, уларни «камситаётган» Исломга бўҳтон тоши отаётганларнинг ўзларига бир назар солайлик. Уларнинг ўзи ким? Аёллар учун нима иш қилиб қўйибдилар? Аёлларни Ислом «камситиши»дан ҳимоя қилаётганлар ғарбликларми ёки Исломга бўҳтон тошини отаётганлар худосизларми? Улар аёлларга нима қилиб бердилар? Улар ҳам, булар ҳам аёлни хўрлашдан нарига ўтмадилар. Икковлари ҳам ёлғондан аёлни мақтаб, алдаб кўчага олиб чиқишди, унинг ҳаё пардасини йиртиб, фаҳш ишларга судрашди. Иккови ҳам аёлларнинг шаънини ерга уришдан бошқа иш қилмади. Икковлари ҳам аёлга ишлаб чиқариш воситаси, деб энг

оғир ишларга солиб қўйишидан бошқа «эркинлик» беролмади.

Ислом бор ҳақиқатни очиқ айтгани учун айбдорми? Аёлларнинг аёллигини ўрнига қўйгани учун айбдорми?

Энди диннинг ноқислиги ҳақида сўз юритайлик. Ислом аёлларга ҳайз ва нифос даврида намоз ўқишни ва рўза тутишни ман қилган. Бугунги кунда аёл киши ҳайз ва нифос пайтида қандоқ ҳолатни бошидан кечиришини билмайдиган одам бўлмаса керак. Демак, ўша ҳолатни, ундаги қийинчиликларни эътиборга олиб, бу икки ўта аҳамиятли ибодатни вақтинчалик тўхтатиб туриш учун аёлларга алоҳида енгиллик берилган. Диний амаллардаги бу тўхташ, нуқсон ҳисобланмоқда. Яъни, намознинг сони нуқсонга учрайди. Рўза тутиш кунлари нуқсонга учрайди.

Аммо, зинҳор ва зинҳор бу иш учун аёлга гуноҳ ёзилмайди, мартабаси камайтирилмайди. Бу ҳам аввалги масала каби ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишдан бошқа нарса эмас. Ушбу маъноларни, аввало, биз мусулмонлар ўзимиз тўғри тушуниб олмоғимиз, кейин бошқаларга тушунтирмоғимиз керак.

Энди юқорида айтган гапларимиз қуруқ назариядан иборат бўлиб қолмаслиги учун, илмий далил ҳам келтирайлик. Биз келтирадиган далилларни юзага чиқарган одамлар мусулмон эмаслар. Уларнинг Аллоҳдан, Исломдан, ҳадисдан, Қуръондан ва Пайғамбардан умуман хабарлари йўқ. Улар Исломга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган одамлар. Ўз мутахассисликлари бўйича илмий баҳс олиб бориб, натижаларини эълон қилганлар, холос.

Қуйида эътиборингизга тақдим этиладиган маълумотлар «ал-Жамоҳийрийя» рўзномасининг 1999 милодий сана, 17 феврал сонидан олиниб, сўзма-сўз таржима қилинди.

ЭР ВА АЁЛ КИШИ АҚЛИ

ОРАСИДАГИ ФАРҚ НИМАДА?

«Эркак ва аёл кишилар фикрлаши орасидаги фарқни аниқлаш бўйича янги илмий иш олиб борган мия вазифаларини ўрганиш бўйича мутахассис жарроҳлар ўзлари эришган янги натижаларни эълон қилдилар.

Уларнинг таъкидлашларича, аёл кишининг мияси эркак кишининг миясига қараганда ўн олти фоизга кичик экан. Чунки аёл кишининг ҳажми ҳам эркак кишининг ҳажмидан худди шунча ҳажмда кичикдир. Шунингдек, икковларининг мияси ҳам бир хил вазифани бажарганда ҳам турли услубда бажаради.

Мазкур илмий кашфиётларнинг бошқа хулосалари куйидагилардан иборат:

1. ЭМ.ЭР.ЭЙ номли мияни сувратга олиш жиҳози баён қилишича, эркак киши фикр юритганда унинг миясининг муайян қисмигина ишлар экан. Бу жараён муайян қисмда магнит нурлари бўлиб кўринар экан.

Аёл кишининг миясини сувратга олганда эса, магнит нурлари миянинг ҳаммасида кўринар экан. Бу ҳолат ўз навбатида, эркак киши аёл кишига нисбатан фикрни жамлашга қудратли эканининг далилидир.

Эркак киши аёл кишига нисбатан кўнгилчанликда заифроқ экани ҳам илмий равишда собит бўлди. Кўнгилчанлик изҳор қилиш пайтида аёл кишининг мияси эркак кишининг миясига қараганда саккиз марта кўп ҳаракат қилишини ҳам асбоблар кўрсатди.

Шу соҳанинг табибларидан бири: «Мен рухий ҳолатлар табиби сифатида эркак кишининг кўнгилчанлиги аёл кишиникига нисбатан оз эканини яхши билар эдим. Аммо, бу нарса биринчи бор илмий равишда собит бўлди. Фақат бугина эмас, балки, бошқа илмий текширишларнинг натижасига қараганда, эркак киши аёл кишининг кўнгилчанликка оид ҳолатларини мулоҳаза ва таҳлил

қилишда ҳам, аёл киши эркак кишининг кўнгилчанликка оид ҳолатларини мулоҳаза ва таҳлил қилишдаги қувватига тенг кела олмаслиги собит бўлди.

Бу соҳада эркакларнинг биргина устунлиги бўлиши мумкин, у ҳам бўлса, кўнгилга оид изтиробларга ва хасталикларга оз чалинишлари, холос.

Шунингдек, эркак киши ғазабланганда кўполликка ўтиши, аёл киши эса, гапиришга ўтиши, яъни гап билан орани ислоҳ қилишга ўтиши ҳам собит бўлди.

Магнит тўлқинлари ўқувчи йигитлар ўқиш ва ёзиш даврида миянинг чап тарафини, ўқувчи қизлар эса, ҳам ўнг, ҳам чап тарафини ишлатишларини аён қилди. Миянинг чап тарафи мантиқ, ўнг тарафи кўнгилчанлик тарафи экани маълум ва машҳур.

Тажриба исбот қилишича, эркак кишининг мияси томонларни, масофаларни ва миқдорларни ҳисоблашга мос ва кучли экан.

Миядаги ёруғлик ва овозни қабул қилиб оладиган махсус бўлақлар фаолиятини таққослаб чиқилганда, мазкур икки нарсани қабул қилиб олишда эркак кишининг мияси аёл кишининг миясига қараганда секин ишлар экан. Шунинг учун жуда паст овозни эркак киши эшитмас, аёл киши эса, эшитар экан. Ёруғликка нисбатан ҳам худди шундоқ экан. Эркак кишининг мияси мантиқ ва ҳисоб билан машғул бўлгани учун ёруғликни қабул қилиб олишга унча аҳамият бермайди. Шунинг учун эркак киши қоронғиликда аёл кишига нисбатан кўпроқ қоқилади. У қадамларни санаш, томонларни аниқлашга уринади. Аёл киши бўлса, қоронғиликда эркак кишига нисбатан яхши кўради.

Ёш улғайиш билан эркак кишининг мияси аёл кишиникига қараганда кўпроқ кичраяди. Йигирма ёшда эркак кишининг мияси аёл кишиникидан катта бўлади. Қирқ ёшда эса, икковларининг миялари тенглашади.

Олтмиш ёшда аёл кишининг мияси эркак кишининг миясидан катта бўлиб қолади. Нима учун? Мутахассислар таққослаб кўрсалар, эркак кишининг ёши улғайиши билан унинг мияси кўпроқ қувват сарфлар экан ва шу туфайли кичрайиб кетар экан.

Аёл киши ўзининг аёллик хусусияти ила эркаклар кодир бўлмайдиган, ҳомила ва бувакнинг шикоятини англаб, уни таҳлил қилишга уста бўлади. Шунингдек, баъзи махфий нарсаларни ҳис қилиш, уларни мулоҳоза ва таҳлил қилишга қобилияти ўткир бўлади.

Эркак кишида эса, хавф-хатарни даф қилиш, қийинчиликларни енгиш, ишларни тартибга солиш ва шунга ўхшаш нарсаларга қобилияти кучли бўлар экан».

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Аёлларнинг ўзларига ваъз-насиҳат қилиб туриши кераклиги.

2. Садақа қилишга тарғиб этиш зарурлиги.

3. Истиффор айтишга тарғиб этиш яхшилиги.

4. Эшитувчига ёқмаса ҳам ҳақ гапни айтиш лозимлиги.

5. Мавжуд муаммонинг ҳал қилиш йўлларини айтиб бериш.

6. Саҳобия аёлларнинг одобларидан ўрнак олиш.

7. Ҳақ гапни, шариат ҳукмини эшитганда бутунлай таслим бўлиш, норози ёки хафа бўлмаслик.

8. Устоз, воъизга одоб билан савол бериш.

9. Гапга устароғи устоздан савол сўраши яхшилиги.

10. Қарғиш гапларни гапирмаслик.

11. Эрни беҳурмат қилмаслик.

12. Эридан ёлиб келишга уринмаслик.

13. Аёл кишининг ҳайз кўрган ҳолатда намоз ўқиб, рўза тутишни тарк қилиши.

14. Ибодатларни қилмай туришлик диннинг нуқсони экани.

Бу Аллоҳнинг Ўз буйруғи билан тарк қилингани ҳақида. Энди шаръий узри бўлмай туриб ўз ихтиёри билан ибодатни қилмаган, намоз ўқимаган, рўза тутмаган одамга нима бўлишини ҳар ким ўзи бўлиб олаверсин!

15. Аёл кишиларнинг илмий мажлислар қилиб, дину диёнат ва бошқа масалаларда илм олиб туришлари зарурлиги.

Ушбу ҳадиси шарифда келган маънолар татбиқига бугунги олам жуда муҳтож. Инсониятни латиф қисми бўлмиш аёллар олами йўл кўяётган нолатифлик туфайли келиб чиқаётган муаммоларнинг сон-саногии йўқ. Қарғиш, лаънатлаш, сўкиш оқибатида оила аъзолари, қўни-қўшни ва жамиятда қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлади. Аёлларнинг ўз эрларига итоат этмаганлари оқибатида келиб чиқаётган ноқулайликларни эса ҳамма кўриб билиб турибди.

Ислом дини ушбу икки муаммони аёлларнинг дўзахга кўп тушишига сабаб қилиб кўрсатди. Бу ишни иложи борича қилмасликка тарғиб қилди. Шу билан бирга, нима бўлса ҳам аёллик табиатидан келиб чиқиб, гоҳида хатога йўл қўйилганида уни тўғрилаш йўлини ҳам баён қилди. Аёлларга садақа қилиш ва истифборни кўпроқ айтишни йўлга қўйишни тавсия қилди. Бу кўрсатмаларга амал қилиш аввало, аёлларнинг ўзларига, қолаверса, эрларига, оилаларига, қариндош-уруғларига, жамиятларига ва бутун инсониятга фойда келтиради.

18 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: يَا أَيُّهَا الشَّيْطَانُ أَحَدِكُمْ

فَيَقُولُ مَنْ خَلَقَ كَذَا مَنْ خَلَقَ كَذَا حَتَّى يَقُولَ مَنْ خَلَقَ رَبَّكَ، فَإِذَا بَلَغَ ذَلِكَ فَلَيْسَتْ عِنْدَ اللَّهِ وَلِيَّتُهُ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

18. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шайтон бирингизга келиб: «Буни ким яратди? Уни ким яратди?» дейди. Ҳатто: «Роббингни ким яратди?» ҳам дейди. Қачон шунга етганда, у Аллоҳдан паноҳ сўрасин ва бас қилсин», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийлари Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу билан аввал танишганмиз.

Муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи бу ҳадиси шарифни мўмин кишига васваса зарар қилмаслиги ҳақидаги боб бошида айтилган гапни тасдиқлаш учун келтирмоқда.

Ушбу ҳадиси шарифда инсон хаёлидан кечадиган баъзи васвасалар шайтондан экани баён қилинмоқда. Шу билан бирга, ўша шайтон васвасасини қайтариш йўли ҳам кўрсатилмоқда. Шайтон Одам Ато билан ўзи орасида бўлиб ўтган машҳур можародан бери одам боласига душман. У Қиёмат кунигача одамзодни васваса қилишга қасам ичган. Шунинг учун ҳам, инсон ҳаргиз бу лаънатланган душманини унутмаслиги керак. Гоҳида хаёлига келиб қоладиган васвасали фикрлар, «уни ким яратган, буни ким яратган» каби саволлар бора-бора «Роббингни ким яратган?» каби телба фикрга олиб келиши ҳам турган гап. Шунинг учун мазкур ҳолат юзага келганда дарҳол: «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм» деб Аллоҳдан паноҳ сўрасин. Мазкур хаёлларни миясидан қувсин! Шу билан иш тугайди. Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади. Акс ҳолда оқибати чатоқ бўлиши мумкин.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шайтон васвасасининг ҳақлиги.
2. «Уни ким яратди, буни ким яратди?» деб бориб, «Роббингни ким яратди?» дейишгача бориш ҳам мумкинлиги.
3. Бундай ҳолатларда Аллоҳдан паноҳ сўраш лозимлиги.

4. Бундай саволларни дарҳол тўхтатиш лозимлиги.

Сиртдан содда кўрингани билан бу ҳадисда зикр қилинган масала ўта муҳимдир. Васваса кишилар учун энг нозик ва энг хатарли нарса, у ақийда бобида зарар етказади. У туфайли инсон диндан чиқиб, кофир бўлиши ҳеч гап эмас. Ушбу ҳадисда шундоқ катта муаммонинг ҳал этиш йўли тақдим этилмоқда. Ҳозирги кунда мусулмон оламида ҳам, ундан ташқарида ҳам васваса хасталигига учраганлар кун сайин кўпайиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Руҳий ва асабий касаллар сони тинимсиз ўсиб бормоқда. Бу эса, ушбу ҳадиси шариф ва кейинги келадиган ҳадисларнинг ҳикматига инсоният қанчалик муҳтож эканини кўрсатади.

19- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: يَا أَيُّهَا الشَّيْطَانُ أَحَدَكُمُ فَيَقُولُ مَنْ خَلَقَ السَّمَاءَ مَنْ خَلَقَ الْأَرْضَ فَيَقُولُ اللَّهُ، فَمَنْ وَجَدَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا فَلْيَقُلْ آمَنْتُ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ.

19. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Шайтон бирингизга келиб:

«Осмонни ким яратган? Ерни ким яратган?» дейди.

У:

«Аллох», дейди.

Ким шунга ўхшаш нарсани сезса, дарҳол «Аманту биллаҳи ва Русулиҳи» (Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирдим), десин», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ва ўтган ҳадисни тафсир қилиб келмоқда. Васвасани аввалги босқичидаёқ Аллоҳга ва У Зотнинг пайғамбарларига бўлган иймонни эълон қилиб, шайтонни қувиш ҳақида маслаҳат

берилмоқда.

20- عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ
-إِنَّ أُمَّتَكَ لَا يَزَالُونَ يَقُولُونَ مَا كَذَّبَا مَا كَذَّبَا حَتَّى يَقُولُوا هَذَا اللَّهُ خَلَقَ
الْحَلْقَ فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ- رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ.

20. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла: «Албатта, умматнинг: «Бу нима, бу нима?» дейишида давом эта бориб, хатто Аллоҳ халойиқни халқ қилди, бас, Аллоҳни ким халқ қилди?» ҳам дейдилар», дер», дедилар».

Икки ҳадисни икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифга ўхшаш ҳадислар, ҳадиси қудсий, деб номланади. Оддий ҳадисларнинг маъноси Аллоҳ таолодан, лафзи Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан бўлади. Ҳадиси қудсийда эса, маъно ҳам, лафз ҳам Аллоҳдан бўлиб, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам, кўчирма гап тарзида етказадилар.

Бу ҳадиси шарифда ҳам васваса борлиги исбот қилинмоқда.

21- عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ت قَالَ: سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ الْوَسْوَسَةِ
قَالَ: تِلْكَ مَخْضُ الْإِيمَانِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

21. Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга васваса ҳақида савол берилди.

«У айни иймондир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийи сифатида зикр қилинган Абдуллоҳдан мурод, Абдуллоҳ ибн Масъуддир. Қуйида у кишининг ҳаётлари билан қисқача танишиб ўтамиз:

Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Ғофил ал-Хузамий, кунялари Абу Абдурахмон, Исломига олтинчи бўлиб қирган, икки ҳижрат соҳиби—Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилувчи сафдошларидан, жаннатга киришликка башорат берилган ўнта саҳобаларнинг бири. Бадр урушида Абу Жаҳлни қатл этган. Ухуд, Хандак, Ризвон байъати, Ярмук маъракаси ва бундан бошқа ҳамма жангларда иштирок этган. Маккада биринчи бўлиб Қуръони Каримни баланд овоз билан ўқиган, Қуръони Каримни ёд олганлардан бири, тақводор, чиройли хулқли, фақиҳ саҳобалардан.

Бу зот ҳаммаси бўлиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 848 та ҳадис ривоят қиладилар. У зотдан Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Мусо Ашъарий, Имрон ибн Ҳусойн, Абу Ҳурайра, Ибн Зубайр, Жобир, Анас, Абу Саид, Абу Рофиъ ва бошқалар ривоят қилишган. Тобъийнлардан Алқама, Абу Воил, Асвад, Масруқ, Убайда, Ибн Ҳозим, Қайс ва бошқалар ривоят қилишган. У зот тўплаган ҳадислардан учта «Саҳих» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

«Қуръони Каримни тўрт кишидан олинглар».

Шуларнинг бири Абдуллоҳ ибн Масъуддир.

Ибн Масъуд бўйлари қисқа, аъзолари нозик киши эдилар. Бир куни саҳобалар, у кишини аъзолари нозиклиги учун мазах қилишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасамки, Ибн Масъуднинг аъзолари

киёмат кунининг тарозусида Ухуд тоғидан ҳам оғиррокдир», деб марҳамат қилганлар.

У киши хушбўй нарсаларни яхши кўриб, кўп истеъмол қилардилар. Агар уйларида чиксалар, кўшнилари бу йўлдан Ибн Масъуд юрганликларини билар эди.

Ибн Масъуд касал бўлиб ётганларида, халифа Усмон ибн Аффон розияллоху анху зиёратларига келиб, у кишидан нимадан шикоятинг бор, деб сўраганларида, гуноҳларимдан, деб жавоб бердилар.

Халифа: «Нима хоҳлайсан?» деб сўрадилар. Шунда у киши: «Роббимнинг раҳматини», дедилар.

Халифа: «Табиб буюрайми?» деганларида, «Мени табибнинг Ўзи касал қилди», дедилар. «Унда ҳожатингга керакли бирор нарса буюрайми?» деганларида, «Мени у нарсага ҳожатим йўқдир», дедилар.

Шунда халифа: «Қизларинг учун керак бўлиб қолар», дедилар. Ибн Масъуд: «Қизларим камбағал бўлиб қолишидан кўрқасанми? Мен уларга ҳар кечада Воқеъа сурасини ўқишликни буюрганман. Чунки, мен Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан эшитдим: «Қайси бир киши ҳар кечада Воқеъа сурасини ўқиса, унга абадий камбағаллик етмайди», деб айтдилар.

У киши Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам вафотларидан кейин, Куфадаги Байтулмолга волий бўлдилар. Усмон ибн Аффоннинг халифалик даврларида, Мадинага келдилар. Шу ерда, ҳижратнинг 32-йили вафот этдилар. Усмон ибн Аффон розияллоху анху жаноза намозини ўқидилар ва «Бақийъ»га дафн этилди.

Ушбу ҳадиси шарифнинг маъноси, бошқача қилиб айтганимизда «Васваса айни иймондир» бўлади. Бу қанақаси? Ахир васваса шайтондан, иймон Раҳмондан-ку! Васваса иймоннинг кушандаси-ку! У қандоқ қилиб, айни иймон бўлиши мумкин? Бу гап, олов сувдир, деганга ўхшамайдими?

Ушбу ҳадиси шариф билан дастлаб танишган одамда шунга ўхшаш саволлар пайдо бўлиши мумкин. Аммо, каминада бу саволлар пайдо бўлмади. Чунки, ушбу сатрлар ёзилишидан йигирма бир йил олдин ўтган тажриба бу маънони тушунишга ёрдам берди. Умумжаҳон Исломга чақириниш куллиясига янги ўқишга келган пайтим эди. Бирдан қалбга васваса тушиб, бўлмағур фикрлар хаёлга ўралашиб қолди. Дунё кўзимга тор кўриниб, ҳеч нарса татимайди. Бировга айтишнинг иложи ҳам йўқ. Бу ҳолат бир неча кун давом этди. Сиқилиш, ташвиш юқори чўққисига етди.

Ана шундай оғир дамда кўзим Ҳаким Термизийнинг араб тилидаги «Муридлар одоби» китобига тушди. Муаллифи Термизий бўлгани учун, ўз ватандошимиз экан, деб китоб дўконидан харид қилувдим. Китобни қўлга олдим. Тўғри келган жойини очиб ўқий бошладим. Васваса ҳақида гап борар эди. «Мурид қалбига васваса тушса, яхшилик аломати, деб билсин. Чунки шайтон уни йўқлаб қолибди. Одатда, шайтон обод бўлаётган қалбларни васваса қилишга уринади. Хароба қалблар шундоқ ҳам унинг мулки ҳисобланади, овора бўлиб уларни васваса қилиб ҳам ўтирмайди. Шайтон обод қалбларни хароба қилиш умидида уларга васваса қилади. Уриниб-уриниб, ниятига эриша олмагач, ташлаб кетади», дейилган эди.

Қалбимга «ялт» этиб ёруғлик тушди. Хурсанд бўлиб кетдим. Ориз бўлган нарса, васваса эканини тушундим. Унинг нима учун бўлаётганини ҳам англадим. Мана бугун эса, Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васваса ҳақида «У айни иймондир», деб айтган ҳадисларини ҳеч қийинчиликсиз тушуниб турибман.

Демак, киши вақтида англаб етиб, Аллоҳ таолодан дарҳол паноҳ сўраса, қалбига тушган васваса унга зарар етказа олмас экан. Бу эса ақийдавий, руҳий-маънавий

соғломлик учун ниҳоятда зарурдир.

الباب الثالث في فضائل الدين

УЧИНЧИ БОБ ДИННИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Муаллиф бу бобда Ислом динининг икки дунёда берадиган фойдаларини баён қилувчи ҳадисларни келтирмоқчи. Аммо таомилга кўра, аввал Куръони Каримдан оят келтириш билан бошламоқда.

قَالَ اللَّهُ جَلَّ شَأْنُهُ: يَدْتَدُّ.

Аллоҳ таоло айтади:

«Ва сизларга Исломни дин, деб рози бўлдим» (Моида, 3).

Бу жумла Моида сурасидаги оятдан бир бўлакдир. Айни ушбу жумлани «Диннинг фазилатлари» ҳақидаги бобда келтирилиши боисини англаб етишимиз учун уни мазкур оятдаги яна бошқа баъзи жумлалар билан бирга ўрганишимизга тўғри келади.

Мазкур оятда Аллоҳ таоло айтади:

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим».

Бу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида тушган. У нозил бўлганида ҳамма саҳобалар, динимиз мукамал бўлди, Аллоҳ бизга неъматини батамом қилиб берди, Исломни дин деб рози бўлди, деб чексиз қувондилар.

Диннинг мукамал қилингани, неъматнинг батамом этиб берилгани ва Исломни дин деб рози бўлингани тўғрисидаги хабар фақат ўша замон мусулмонлари ёки умуман мусулмонлар учунгина эмас, балки бутун инсоният учун катта хурсандчилик ва башорат эди.

Бу улкан шодлик хабари инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида саодат излаб қилган ҳаракат ва уринишларига тож кийдириб, гўзал натижа берган эди. Инсониятнинг яратган холиқи Аллоҳ таоло уни аста-секин тарбия қилиб келди. Ҳамма авлодларга Исломни дин қилиб берган бўлса ҳам, ҳар замон ва маконга ўзига хос шариат берди.

Биринчи Пайғамбар Одам Атога берилган шариат ўша даврдаги содда ҳаётга мос ва ўша вақт воқеълигини ҳисобга олган содда шариат эди. Кейинги даврларда ҳам Аллоҳ таоло худди шу қоида асосида ҳар замоннинг, маконнинг ва жамяятнинг ўзига хос ҳолатларини

этиборга олиб шариатлар юбориб турди. Табиийки, кейин келган шариат ўзидан аввалгисидан кўра мукамалроқ бўлар эди. Аввалги Пайғамбарлар ўз қавмларигагина юборилар эдилар. Уларнинг Пайғамбарликлари, шариатлари маълум муддатга, маълум маконга ва маълум жамият ёки қавмга хос эди. Шу тарика кўплаб Пайғамбарлар, шариатлар юборилди.

Ниҳоят, инсоният ўз камолига етган пайтида, Аллоҳ таоло Пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломга самовий китобларининг сўнггиси Қуръони Каримни нозил қилди ва у орқали жами инсоният учун, ҳар замон ва ҳар маконга салоҳияти бор Ислому шариатини жорий этди. Бу эса, инсониятга улуг шараф эди. Ана шу охирги шариатнинг мукамал таълими ва татбиқи йигирма уч йил давом этди.

Бошланиши Маккаи Мукаррама яқинидаги Хиро ғорида бўлган бўлса, давоми Мадинаи Мунаввара ва атрофларида, мукамал бўлиши видолашув ҳажида–ушбу биз ўрганаётган оятнинг нозил қилиниши биландир. Ва ниҳоят, Оламларнинг Робби Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига:

«Бугунги кунда Мен сизга динингизни мукамал қилиб бердим», деб хитоб қилди.

Кимки Ислому шариатини ҳаётига дастур қилиб олса, илоҳий дастурни олади, баркамол дастурни олади. Унинг ақийдаси баркамол бўлади. Маънавий ҳаёти баркамол бўлади. Таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, турли алоқалари, тузумлари баркамол бўлади. Икки дунёдаги бахт-саодати баркамол бўлади.

Борликни яратган қодир Аллоҳ шу борлиқ халифаси этиб инсонни ҳам Ўзи яратган. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган одам қандай дастурга амал қилиб яшаса, икки дунё саодатига эришишини ҳам Ўзи яхши билади. Буюк яратувчи Аллоҳ мукамал қилиб қўйган ушбу динга юрмай, бошқа тузумларни ахтарганлар эса, мен Худодан ҳам яхши йўл топгувчиман, деб даъво қилган бўлади.

«Сизга неъматимни батамом қилдим».

Демак, динни мукамал қилиб беришнинг ўзи улкан ва батамом неъматдир. Исломининг улуг неъматлигини мусулмон бўлганлар билади. Айниқса, аввал турли жоҳилиятлар ва уларнинг тузумларини синаб кўриб, кейин мусулмонликка ўтганлар жуда яхши биладилар. Исломсиз яшаган инсоннинг хайвондан фарқи йўқлигини ана ўшалар кўпроқ таъкидлайдилар.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломининг батамом неъмат эканини яратган Холиқни инкор этиб юрган худосизларнинг фожиали оқибатларини кўрганда янада

ёркинроқ тушуниб етилади. Бу ҳақиқатни худосизлар дунё халқлари бошига олиб келган битмас-туганмас мусибатларни идрок этганлар яхши биладилар.

Аллоҳ таоло бандаларига мукаммал дин қилиб берган Исломнинг улуғ неъмат экани молга, дарахтга, инсоннинг жинсий аъзосига сиғиниб, залолатда юрганларни кўрганда билинади.

Бу неъматнинг кадри инсон ақлига ор ҳисобланган турли бузук ақийдаларнинг ҳолини кўрганда тушунилади.

Мукаммал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани ҳалол-ҳаром нималигини ажратмай, худди ҳайвон каби, қўлига тушган нарчасини еб-ичиб, ўзига ўзи битмас-туганмас дардлар орттириб олаётганларни кўрганда тушуниб етилади.

Мукаммал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани ахлоқ-одобдан беҳабар, отасини ҳам танимайдиган, дунёдаги ҳеч бир бирозлатдан қайтмайдиган, безори ва жинояткор авлодлар етишиб чиқканда билинади.

Мукаммал дин Исломнинг қадри оилалар бузилиб, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидан, жамиятдаги кишилар орасидан меҳру оқибат кўтарилиб, одамлар бир-бирларига душманлик руҳида, беҳурматлик руҳида, меҳр-шафқатсизлик руҳида шаклланиб, ижтимоий алоқалари бузилиб бўлган жамиятларнинг ҳолини кўрганда билинади.

Мукаммал дин Исломнинг ҳақиқий илоҳий неъмат экани кучли кучсизни еб, ҳаммаёқда зулм урчиб, инсон ўз жонини, болаларини, молу мулкани ва обрў-номусини ҳимоя қила олмай қолган жамиятларни кўрганда тушуниб етилади.

Агар инсоният бу неъматнинг қадрига етганида эди, уни қабул қилиб ўрганган ва ҳаётга татбиқ этганида эди, дунёда ҳеч қандай муаммо қолмаган бўлар эди.

«Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим».

Аллоҳ таоло инсониятга амал қилиш учун фақат Исломни дин қилиб берди. Бундан бошқа ҳеч бир динга рози эмас. Шу боисдан ҳам бошқа динлар унинг даргоҳида қабул эмас. Аллоҳ таолонинг бу хитоби мусулмон бандалари учун улкан шарафдир. Аллоҳ таолонинг қатта иноятидир. Шу билан бирга, бу иноят мусулмонлар зиммасига қатта масъулият ҳам юклайди. Аввало, мусулмонлар Исломга тўлиқ амал қилишларини, қолаверса, ўзларига насиб этган улуғ неъматни бутун дунё халқларига ҳам тарқатишларини вазифа этиб юклайди.

Мукаммал дин Ислом бандаларга Аллоҳнинг улкан неъматини эканини инсофли ғайримусулмон шахслар ҳам ҳар доим англаб келганлар. Уламоларимиз китобларида ишончли манбалардан ривоят

килишларича, яхудийлар Ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг хузурларига келиб:

«Сизларнинг китобингизда бир оят бор, агар шу оят биз яхудийларга нозил бўлганида эди, ўша оят тушган кунни ўзимизга байрам қилиб олар эдик», деган эканлар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анху:

«Қайси оятни айтмоқчисизлар?» деб сўрабдилар. Яхудийлар:

«Бугунги кунда сизларга динингизни мукамал қилиб бердим», оятини дейишибди. Шунда Ҳазрати Умар розияллоҳу анху:

«Биз у кунни бир эмас, икки байрам: ҳам жума–хафталик байрам, ҳам қурбон ийди–йиллик байрам қилганмиз», деган эканлар.

22- عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: مَنْ شَهِدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَأَنَّ عِيسَى عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ وَكَلِمَتُهُ أَلْقَاهَا إِلَى مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ وَالْجَنَّةُ حَقٌّ وَالنَّارُ حَقٌّ أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ عَلَى مَا كَانَ عَلَيْهِ مِنْ عَمَلٍ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

22. Убода ибн Сомит розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳдан ўзга илоҳи маъбуд йўқ, У Ўзи ёлғиздир, Унинг шериги йўқ, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир, албатта, Ийсо Аллоҳнинг бандаси, Унинг Расули, Марямга ташланган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир, жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир, деб гувоҳлик берса, Аллоҳ уни нима амал қилган бўлса ҳам жаннатга киритади», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийлари Убода ибн Сомит розияллоҳу анхунинг таржимаи ҳоллари билан танишиб ўтайлик:

Убода ибн Сомит ибн Қайс Ансорий Хазражий,

оналари Қурратульайни бинти Убода, кунялари Абулвалид. Мадина уламоларининг бири, биринчи ва иккинчи «Ақаба» байъатларида иштирок этган. Бадр, Уҳуд, Хандак, Миср фатҳи ва бошқа жангу фатҳларда иштирок этган. Шом диёри фатҳ этилганда Умар Ибн Хаттоб буйруқлари билан Шом аҳлига Қуръонни ўргатиш учун юборилган. Фаластинга биринчи волий этиб тайинланган. Аллоҳ йўлида маломатчини маломатидан қўрқмасликка Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат берган. Муҳожир Абу Марсад Ғанавий билан исломий биродар бўлган, тақво билан сифатланган улуғ саҳобалардан эдилар.

Убода ибн Собит розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 181 та ҳадис ривоят қилганлар. Бу ҳадислардан учта «Саҳих» соҳиблари ўз китобларига киритишган. Абу Умома, Анас ибн Молик, Жобир, Фазола ибн Абид, Абу Идрис Ҳувлоний, Абу Муслим Ҳувлоний, Абуъашъас Санъоний, Жанода ибн Умайя ва бошқа катта тобеъийнлар ҳам у кишидан ҳадис ривоят қилишган.

Убода ибн Сомит Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Қайси саҳобалар сизга яқинроқ?» деб сўрадилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва сен, эй Убода» деб, яна бир қанча улуғ саҳобани зикр қилдилар.

Убода ибн Сомит хижратнинг 34-йили Байтул Мақдисда 72 ёшларида вафот этдилар.

Ушбу ҳадисда иймон ва тавҳиднинг фазли ҳақида, яъни, қуйидаги нарсаларга иймон келтириш фазли ҳақида сўз кетмоқда:

1. Аллоҳдан ўзга бандалар ибодатига сазовор илоҳий маъбуд йўқлигига;

2. Аллоҳнинг ёлғиз эканига;

3. Аллоҳнинг шериги йўқлигига;
4. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига;
5. Ийсо алайҳиссалом ҳам Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига;
6. Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг Марям онамизга ташланган калимаси эканига, яъни, «Бўл!» деганида отасиз дунёга келганига;
7. Ийсо алайҳиссалом Аллоҳдан бўлган руҳ эканига;
8. Жаннат ҳақ эканига;
9. Дўзах ҳақ эканига иймон келтириш.

Ҳадисда ушбу нарсаларга шоҳидлик берган одамни, нима амал қилган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло жаннатга киритиши таъкидланмоқда.

Маълумки, Ислом дини янги келган пайтида дунёни ширк босиб ётган эди. Одамлар Аллоҳ таолога ширк келтиришар эдилар. Ҳатто туясини қумга соғиб, лой қилиб ўзига «худо» ясаб оладиганлар бор эди. Ҳазрати Умар мушриклик пайтларида хурмо мевасини бир-бирига ёпиштириб, «худо» ясаб ибодат қилганини, кейин қорни очиб «худо»сини еб қўйганини айтиб, жоҳилият аҳмоқлиги устидан кулиб юрар эдилар.

Ана шундоқ ҳолатда, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни тавҳид (якка худолик) дини ила юборди. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўн уч йил давомида қилган ишлари кишиларни «Лаа илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ»га чақириш бўлди. Ўша даврда нозил бўлган ояти карималарнинг маъноси ҳам шу эди. Айтилган ҳадиси шарифларнинг маъноси ҳам шу эди. Дарҳақиқат, ўша пайтда шаҳодат калимасини айтганлар комил мўмин бўлганлар. Чунки, бошда Исломнинг арконлари, ибодатлари ҳам жорий қилинмаган эди. Табиийки, ўша пайтда шаҳодат калимасини айтиб, ушбу ҳадисда зикр қилинган нарсаларга гувоҳлик

берганлар вафот этсалар, албатта, жаннатий бўлганлар. Чунки улар ўша даврда жорий бўлиб турган Аллоҳнинг амрини тўлиқ адо этиб туриб, вафот этганлар.

Кейинчалик, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварага хижрат қилганларидан сўнг бирин-кетин бошқа рукнлар, дин аҳкомлари жорий қилина бошланди. Энди мусулмонлар шаҳодат калимасини айтиш билан кифояланиб қолмасдан, ана шу рукнларни, аҳкомларни ҳам адо этишлари лозим бўлди. Аллоҳ таоло ояти карималарда мазкур рукн ва аҳкомларни бажармаганлар дўзахга тушишини айта бошлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадисларида ушбу маъноларни баён эта бошладилар. Энди «шаҳодат калимасини айтган одам жаннатга тушади» деган гап билан кифояланмайдиган бўлди. Энди шаҳодат калимасини айтган, намоз ўқиб, рўза тутган, закот бериб, ҳажга борган жаннатга киради», дейиладиган бўлди. «Шаҳодат калимасини тасдиқ қилмаган дўзахга тушади», дейиш билан бирга «намоз ўқимаган, рўза тутмаган, имкони бўлиб туриб закот бермаган, ҳажга бермаган ҳам дўзахга тушади», дейила бошланди.

«Шаҳодат калимасини айтса бўлди, бошқа нарсаларнинг кераги йўқ», деганларнинг бу гапида заррача ҳам мантиқ йўқ. Агар шаҳодат калимасини айтиш етарли бўлса, Аллоҳ таоло нима учун бошқа рукн ва аҳкомларни фарз қилди? Ўша мантиқсиз шахслар ўзларининг мантиқсиз гаплари билан гуноҳи азимга журъат қилган бўладилар.

Бундай ҳолларда масаланинг туб моҳиятини, ҳамма тарафни атрофлича ўрганиб, сўнгра ҳукм чиқариш керак. Мисол учун, «Рўзадор киши Райян номли эшиқдан жаннатга киради», деган маънода ҳадиси шариф бор. Шу ҳадисни далил қилиб: «Мен рўза тутсам бўлди, бошқа рукнларни ва аҳкомларни адо қилмасам ҳам жаннатга

кираман», дейиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Демак, Аллоҳ таоло ушбу ҳадисда зикр қилинган нарсаларга гувоҳлик берган одамни нима амал қилган бўлса ҳам жаннатга киритади, дейилиши Исломнинг дастлабки, иймондан бошқа рукн ва аҳкомлари жорий қилинмаган даврига хосдир. Кейинги даврда қайси рукн жорий қилинган бўлса, у ҳам қўшилиб кетаверган. Шунинг учун намоз фарз қилинган даврдаги ҳадисларга қарасак, намозни вақтида адо қилган одам жаннатга тушади, дейилади. Рўза фарз қилинган вақтдаги ҳадисларда–рўзани тутган одам, закот фарз бўлган даврдаги ҳадисларда–закот берган одам, ҳаж фарз бўлган даврдаги ҳадисларда–ҳаж қилган одам жаннатга тушади, дейилган. Ҳаммаси мукамал бўлгандан кейин айтилган ҳадисларда ҳамма рукнларни қўшиб айтилгани ҳам бор.

Ислом дини таълимотлари бир соат, бир кун ёки бир йилда жорий қилингани йўқ. Балки, йигирма уч йил давомида, аста-секин жорий қилинди. Иймон масаласи мураккаб масала бўлганидан, мазкур йигирма уч йилнинг катта қисми–ўн уч йили иймонни мустаҳкамлашга қаратилди. Қолган ўн йилда бошқа рукн ва аҳкомлар аста-секин, бирин-кетин жорий қилинди. Ушбу ҳақиқатни тўғри англаб етиш, ушбуларга ўхшаш масалаларни тушунишга ёрдам беради. Бошқа вазиятда айтилган бир ҳадисни ушлаб олиб, Исломнинг бир рукни, яъни иймон рукнидан бошқа ҳамма рукн ва аҳкомларини бекорга чиқариб юборишга ҳеч ким ҳақли эмас. Аллоҳ хоҳласа, ҳадиси шарифларни ўрганиб боришимиз давомида бунга ўхшаш масалалар яна ҳам равшан бўлиб боради. Шу бобда келадиган бошқа ҳадислар шу маъноларни тўлдириб келади.

23- عَنْ أَبِي ذَرِّ الْعَفْغَارِيِّ τ عَنْ النَّبِيِّ ρ قَالَ: أَنَا نِي جَبْرِيلُ

عَلَيْهِ السَّلَامُ فَبَشَّرَنِي أَنَّهُ مَنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِكَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا
 دَخَلَ الْجَنَّةَ قُلْتُ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ؟ قَالَ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ
 قُلْتُ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ؟ قَالَ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ، ثُمَّ قَالَ فِي
 الرَّبِيعَةِ: عَلَى رُغْمِ أَنْفِ أَبِي ذَرٍّ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

23. *Абу Зарр Гифорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Хузуримга Жаброил алайҳиссалом келди. У менга:

«Умматингдан ким Аллохга бирор нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлса, жаннатга киради» деб башорат берди», дедилар.

«Агар зино ва ўғрилиқ қилса ҳамми?» дедим.

«Агар зино ва ўғрилиқ қилса ҳам», дедилар.

«Агар зино ва ўғрилиқ қилса ҳамми?» дедим.

«Агар зино ва ўғрилиқ қилса ҳам», дедилар.

Сўнгра тўртинчи мартада:

«Абу Зарр хоҳламаса ҳам», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Абу Зарр Гифорий розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда. Аввал у кишининг таржимаи ҳоллари билан танишайлик.

Бу саҳобийнинг исмлари Жундуб ибн Жунода Гифорий, кунялари Абу Зарр. Исломига энг аввал кирган саҳобаларнинг бешинчиси. Бу зотга Ҳандақ жангидан кейин, Мадинага ҳижрат қилиш насиб этди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга байъат берган саҳобалардан Абу Зарр эртанги кунга емак сақламайдиган зоҳид зотлардан эди.

Бу зот ҳаммаси бўлиб, 281 та ҳадис ривоят қилдилар. Бу ҳадисларни Умар ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Аббос,

Абдуллоҳ ибн Умар ва бошқалардан ривоят қилдилар. Бу зотдан Аҳнаф ибн Қайс, Абдуррахмон ибн Ганам, Атоъ ва бошқалар ривоят қилишди. Абу Зарр розияллоху анху Усмон розияллоху анхунинг халифалик даврларида, 32-ҳижрий санада, Рабазада вафот этдилар.

Имом Термизий ўз ривоятлари охирида: «Зухрийдан: «Ким «Лаа илаҳа иллаллоху»ни айтса, жаннатга киради», деган ҳадис ҳақида сўрашганда:

«Бу Исломнинг аввалида, шариат аҳкомлари туширилмасдан олдин, одамларни динга тарғиб қилиш мақсадида бўлган эди», деган» жумласини қўшиб қўйган.

Демак, Имом Термизий ҳам одамлар ногўғри тушунмасин, деган мақсадда ушбу қўшимчани қиритганлар.

Имом Ибн Шихоб Зухрий – биринчи ҳадис китоби тўплаган улкан тобейин эса, саҳобалардан билганларини айтганлар.

Зотан, Оиша онамизнинг ҳам: «Аввалги тушган оятларда иймон, жаннат ва дўзах зикри бор эди, одамлар кизиқиб динга кирганларидан кейин намоз, рўза каби аҳкомлар нозил бўлди», деган маънодаги гаплари ривоят қилинган.

Ушбу ҳадисда тавҳиднинг, Аллоҳга ширк келтирмасликнинг фазли ҳақида сўз кетмоқда. Албатта, тавҳид ақийдаси улкан шараф ва бахт-саодат эканида ҳеч шубҳа йўқ.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига фаришта Жаброил алайҳиссалом Куръон олиб келишдан ташқари бошқа хабарларни ҳам бериб кетишлари.

2. Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмай ўлиш фазилятли бўлиб, охир-оқибат жаннатга киришга сабаб бўлишлиги.

3. Зино ва ўғрилиқ катта гуноҳ экани.

4. Бирор нарсани аниқлаб олиш учун қайта-қайта сўраш мумкинлиги.

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анхунинг зино ва ўғрилиқ ҳақида қайта-қайта сўрашларининг боиси бу иккиси ўша пайтда энг оғир ва энг кўп тарқалган жиноятлардан бўлган. Уламоларимиз таъкидлашларича, гуноҳлар умумий равишда икки йўналишга бўлинади. Биринчиси, Аллоҳнинг ҳаққини поймол қилиш. Иккинчиси, банданинг ҳаққини поймол қилиш. Зино Аллоҳнинг ҳаққини поймол қилиш йўналишидаги, ўғрилиқ эса, банданинг ҳаққини поймол қилиш йўналишидаги гуноҳларга киради. Демак, савол икки йўналишни ҳам ўз ичига олган.

Эътибор берадиган бўлсак, Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анхунинг саволларида Аллоҳнинг амрини ва ибодатларини бутунлай тарк қилиб юриш ҳақида эмас, гоҳида содир бўладиган гуноҳлар ҳақида сўралмоқда. Шунга биноан, ушбу маънодаги ҳадисларни Аллоҳнинг амрларини тарк қилишга далил қилиб оладиганларнинг иши тамоман ботил экани яна ҳам равшан бўлади.

Ушбу ҳадиси шариф маъносига ўхшаш маъноларни ботил аҳллари нотўғри таъвил қилишлари мумкинлигини ўша вақтда, ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари томонларидан мулоҳаза қилинганини келгуси ҳадисдан билиб оламиз.

24- عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: مَا مِنْ أَحَدٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ صِدْقًا مِنْ قَلْبِهِ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَى النَّارِ، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا أُخْبِرُ بِهِ النَّاسَ فَيَسْتَبْشِرُوا قَالَ: إِذَا يَتَكَلَّمُوا وَأُخْبِرَ بِهَا مُعَاذٌ عِنْدَ مَوْتِهِ تَأْتِمًا.

24. *Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бир киши «Лаа илаҳа иллаллоху, Муҳаммадур Расулуллох» деб чин қалбдан шаҳодат келтирган бўлса, албатта, Аллох уни дўзахга ҳаром қилади», дедилар. У:

«Эй Аллохнинг Расули, бунинг хабарини одамларга айтайми, хурсанд бўлсинлар», деди.

«Ундоқ бўлса, суяниб қолурлар», дедилар.

Муоз ўлимидан олдин гуноҳдан қўрқиб, бу хабарни берган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинган. Аввало у кишининг ҳаётлари билан қисқача танишиб чиқайлик:

Муоз ибн Жабал ибн Амр Ансорий Хазражий, кунялари Абу Абдурраҳмон. Ўн икки ёшларида Исломни қабул қилган. Иккинчи «Ақаба» байъатида иштирок этган. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам билан жамики жангларда бирга бўлган, улуғ табиатли, мулойим, чиройли хулқли саҳобалардан эдилар.

Бу зот ҳаммаси бўлиб, 157 та ҳадис ривоят қилганлар. У зотдан Абдуллох ибн Умар, Абдуллох ибн Аббос, Абдуллох ибн Амр ибн Осс, Жобир, Анас, Абу Саълаба, Абу Қатода каби саҳоба ва тобеъийлар ривоят қилишди.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

«Умматимнинг ичида ҳалол-ҳаромни ажратувчи Муоздир».

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам яна:

«Қиёмат кунида Муоз ибн Жабал уламоларнинг имомидир», деб айтдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтадилар:

«Хотинлар Муоз ибн Жабал сингари фарзанд туғишдан

ожиздирлар. Агар Муоз бўлмаса, Умар ҳалок бўлибди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз розияллоҳу анҳуни Яманга, дин таълимотларини ўргатиш учун юбораётганларида:

«Эй Муоз, нима билан ҳукм чиқарасан?» деб сўрадилар.

Шунда Муоз розияллоҳу анҳу:

«Аллоҳнинг Китоби билан», деб жавоб бердилар.

«Агар Аллоҳнинг Китобидан тополмасанг-чи?» дедилар.

«Аллоҳнинг Расулининг суннатлари билан», деди.

«Ундан ҳам тополмасанг-чи?» дедилар.

«Раъйим ила ижтиҳод қиламан ва бўшашмайман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари хурсандликка тўлган ҳолда:

«Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, Аллоҳ Расулининг элчисини Аллоҳни ва Унинг Расулини рози қиладиган нарсага йўллади», дедилар.

Муҳожирлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд Муоз ибн Жабалнинг тутинган исломий биродари эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръонни тўрт кишидан олинглар», деб айтдилар. Шуларни бири, Муоз ибн Жабалдир.

Умар ибн Хаттоб халифалик даврларида Фаластин яқинидаги «Амовас» деган жойга вабо касали тарқалди. Мана шу вабо сабабли Муознинг икки хотинлари, ўғли Абдурраҳмон вафот этди. Муоз ибн Жабал ҳам мана шу вабо сабабли ҳижратнинг 18-йили 38 ёшларида бу оламдан кўз юмдилар.

Мазкур ҳадиси шариф ҳам ўзидан олдинги ҳадиси шарифга ўхшайди. Қўшимча маънолар эса, ҳадиснинг охирида келган. Ҳадисни ривоят қилувчи саҳобий Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу тавҳид эгаларига бўлган буюк

ваъдани эшитганларидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бунинг хабарини одамларга айтайми, хурсанд бўлсинлар», дедилар.

Шу гапнинг ўзи, бу нозик масала эканини кўрсатиб турибди. Чунки, бошқа масалаларда саҳобалар «Бу хабарни одамларга айтаверайми?» деб сўраганлари маълум эмас. Аксинча, ҳар бир эшитган нарсасини одамларга етказишни бурч, деб билганлар. Муоз ибн Жабал бу хабарни одамларга етказсалар, бирор тушунмовчилик бўлишидан хавфсираб, шундай саволни берганлар. Бу ҳақиқатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуга берган жавобларидан ҳам фаҳмлаб оламиз.

«Ундок бўлса, суяниб қолурлар», дедилар».

Яъни, агар одамларга айтсанг, бу гапга суяниб, амал қилмай қолурлар, деганлари. Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларида ҳам одамлар бу гапни нотўғри тушуниб, амал қилмай қўйишлари мумкин, деган фикр бўлган. Шунинг учун саҳобага бу гапни одамларга айтишга рухсат бермаганлар. Афсуски, кейинчалик ушбу хавфсиралган нарса юзага чиқди, одамлар ичида бу гапни нотўғри талқин қилиб, Ислом дини рукнларига амал қилмайдиганлар тоифаси пайдо бўлди. Бу масалани нотўғри тушуниш эса, дўзахда абадий қолмайди, деган тушунчани дўзахга тушмайди, деган тушунчага алмаштириб олиш билан юзага келди.

Энди ҳадиси шарифни чуқурроқ ўрганиб чиқайлик. Унда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши «Лаа илаҳа иллаллоҳу, Мухаммадур Расулуллоҳ» деб чин қалбдан шаҳодат келтирган бўлса», демоқдалар.

«Чин қалбдан» деганидан, мунофиқларнинг шаҳодати ўтмаслиги билинади, дейди уламоларимиз. Худди шу

ибора билан бошқа жойларда гапнинг амалга мос келиши ҳам ифода қилинган.

Шу билан бирга, бундан «шаҳодат калимасини айтганларнинг барчаси дўзахга тушмайди», деган маъно эмас, балки «чин қалбдан айтганлари, яъни, айтганини амал билан тасдиқлаганлари кирмайди», деган маъно чиқади, дейдилар. Чунки бошқа далиллар тавҳид аҳлларида осий бўлганлар дўзахга тушишларини таъкид ила айтган.

Демак, тавҳид аҳлидан ким дўзахга тушиши, ким тушмаслиги аниқ. Шунинг учун Муоз розияллоҳу анҳуга бу гапни одамларга айтишга изн берилмади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шаҳодат калимаси улуғ нарса экани.

2. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида мартабалари баланд экани.

3. Устоздан, раҳбардан иккиланган нарсасини сўраб олиш, одамларга айтиш-айтмасликни аниқлаб олиш зарурлиги.

4. Фаҳмли, ақлли кишиларга кўпчиликка айтиб бўлмайдиган гапни айтиш мумкинлиги.

5. Латиф маъноларни тушунмайдиган, калтафаҳм, илмсиз кишиларга қийин маъноли гапларни айтмаслик.

6. «Лаа илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулulloҳ» деган одам дўзахга кирмайди каби гапларни одамларга айтавермаслик.

Имом Бухорий ривоят қиладилар:

«Улуғ тобеъийнлардан Ваҳб ибн Мунаббихга:

«Лаа илаҳа иллаллоҳу» жаннатнинг калити, дейиш-шади?» дейилганда, у киши:

«Ҳа, калит, албатта, тишсиз бўлмайди. Агар тиши бор калит олиб келсанг, сенга очилади. Бўлмаса, очилмайди», деган эканлар.

Келгуси ҳадисларни ўрганганимиздан кейин бу масала яна ҳам ойдинлашади.

25- وَعَنْهُ قَالَ: كُنْتُ رَدَفَ النَّبِيِّ ﷺ عَلَى حِمَارٍ يُقَالُ لَهُ عُفَيْرٌ
فَقَالَ: يَا مُعَاذُ هَلْ تَدْرِي مَا حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ وَمَا حَقُّ الْعِبَادِ عَلَى
اللَّهِ؟ قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: فَإِنَّ حَقَّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ أَنْ
يَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَحَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ الْأَنْ
يُعَذِّبَ مَنْ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا. قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا أُبَشِّرُ النَّاسَ؟
قَالَ: لَا تُبَشِّرُهُمْ فَيَتَّكِلُوا. رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

25. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васалламнинг орқаларига, Уфайр номли эшакда мингашиб борар эдим. У зот:

«Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи нимаю, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи нима эканини биласанми?» дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчи», дедим.

«Албатта, Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи, уларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари, Унга бирор нарсани ширк келтирмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи эса, ким Унга бирор нарсани ширк келтирмаса, ўшани азобланмаслигидир», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, одамларга башорат берайми?» дедим.

«Уларга башорат берма, яна суяниб қолмасинлар», дедилар».

Икки ҳадисни икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда. У киши билан аввалги ҳадисда танишган эдик.

Ушбу ҳадиси шариф билан аввалги ҳадиснинг ўхшашлик жойлари кўп. Лекин дақиқ фарқлари ҳам бор. Ана ўшаларни кўриб чиқайлик.

Ўхшашлик жойлари: ровий битта, яъни Муоз ибн Жабал розияллоху анхунинг ўзлари. Сўнгра хабарни Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан эшитгандан сўнг: «Одамларга бу хабарни етказайми?» деб сўрашлари ва: «Етказсанг, суяниб қолурлар» деган жавоб ҳам бир хил.

Ўхшамаган жойлари эса, биринчи ҳадисда «Ким Лаа илаҳа иллаллоху Муҳаммадур Расулуллох», деб шаҳодат берса» дейилган. Бу ҳадисда эса:

«...уларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари, унга бирор нарсани ширк келтирмасликлари», дейилган.

Албатта, шаҳодат калимасини айтиш билан Аллоҳга ибодат қилиш, унга ширк келтирмаслик орасида фарқ жуда катта. Хусусан, ибодат лафзининг асл ва кенг маъносини оладиган бўлсак, бу дунё ҳаётини тамомила Аллоҳнинг амрига мувофиқ қилиб яшаш маъноси чиқади. Ширк келтирмаслик эса, фақат акийда бобида Аллоҳнинг шериги бор, деб эътиқод қилмаслик эмас, балки ибодат, амал бобларида ҳам ширкнинг турли кўринишларидан узоқда бўлиш кўзда тутилган бўлади.

Бу маънолар эса, ушбу бобдаги ҳадислар мазкур жоҳил кишилар ўйлаганидек, шаҳодат калимасини айтиб қўйса бўлди, бошқа нарсанинг кераги йўқ, деган фикрнинг ботил эканини кўрсатади.

Биринчи ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам шаҳодат калимаси учун берилган ваъдага суяниб қолишнинг олдини олиш учун башоратни одамларга айтмасликка амр қилган бўлсалар, бу ҳадисда Аллоҳга ибодат қилиш, У Зотга ширк келтирмасликка берилган

ваъдага суяниб қолишнинг олдини олиш учун башоратни одамларга айтмасликка амр қилмоқдалар.

Биринчи ҳадисда дўзахнинг ҳаром қилиниши ваъда қилинган бўлса, кейинги ҳадисда азобламаслик ваъда қилинмоқда. Лекин иккисида ҳам одамлар маънони бошқача тушуниб, қилинган ваъдага суяниб қолишларидан чўчиш бор. Бу эса, банда қай даражага етганда ҳам хотиржам, бепарво бўла олмаслигини кўрсатади.

Банда доим хавф ва умид орасида, яъни, дўзахга тушишдан хавфда, жаннатга тушишдан умидвор бўлиб туради. Ҳеч ким мен «шаҳодат»ни айтиб қўйдим, ёки ибодатни қилиб қўйдим, Аллоҳга ширк келтирганим йўқ, менинг жаннатдан жой олишим аниқ, деб шаҳодатига ёки ибодатига суяниб қола олмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳтиёт чораларини кўришлари айтиб ҳикмат бўлганини бугун, айниқса, яққол кўриб турибмиз. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик вақтларида, кейинги даврларда ҳеч ким шариат амалларининг заррачасига ҳам амал қилмаса бўлаверади, деган фикрда умуман бўлган эмас.

Тушунарли бўлиши учун намозни олайлик. Сахобайи киромлар, тобеъийинлар, табаъ тобеъийинлар ва улардан кейинги авлодлардан ҳеч ким бирор вақт намозни ўқимай қўйса бўлаверар экан, деган фикрни қилган эмас. Ҳамма ўқиган.

Наҳотки, Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан тортиб қанчадан-қанча саҳобийлар, уламолар, мужтаҳидлар, мазҳаб бошлиқлари, муҳаддислар, фуқоҳолар бугунги кунда Исломи амалларини адо этишдан бўйин товлаётган жоҳилларчалик тушунчага эга бўлмасалар?!

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшакка

минишлари, ортларига Муоз ибн Жабол розияллоху анхуни мингаштириб олишларидан у зотнинг мутавозеъ, камтарликларини билиб оламиз.

2. Эшакнинг номи «Уфайр» эканидан ҳайвонларга ном қўйиш жоизлигини тушунамиз.

3. Бировга бир нарсани айтишдан олдин, буни биласанми, деб сўраш ҳам таълимнинг услубларидан экани.

4. Аллоҳга ибодат қилиш, бандаларнинг Аллоҳ олдидаги бурчи экани.

5. Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаслик ҳам бандаларнинг бурчи экани.

6. Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилган, ширк келтирмаган бандаларини азобламаслиги.

7. Бирор хабарни одамларга етказишдан олдин, агар у умумий рухсатдан бошқачароқ бўлса, хабар эгасидан (бошлиқдан) «Бу хабарни одамларга айтаверайми?» деб сўраб олиш кераклиги.

8. Агар хабар кўпчилик орасида тушунмовчилик келтирадиган бўлса, хушxabар бўлган чоғида ҳам кўпчиликка айтмай туриш лозимлиги.

9. Мусулмонлар орасида тушунмовчилик чиқиши, амалдан қолиш хавфи каби нарсаларга қарши эҳтиёт чораларини кўриш зарурлигини билиб оламиз. Чунки, ушбу ҳадисда одамларни Аллоҳнинг ибодатига чорлаш, У Зотга ширк келтирмасликка чорлаш бўлса ҳам нотўғри тушуниб, аксинча маъно беришидан, одамларнинг бунга суяниб қолишларидан чўчиб хабарни тарқатиш ман қилинди.

10. «Аллоҳнинг бандада ҳаққи бор, банданинг Аллоҳда ҳаққи бор» иборасини ишлатиш мумкинлигини билиб оламиз.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Муоз ибн Жабал розияллоху анхуга:

«Уларга башорат берма, яна суяниб қолмасинлар» деганларига салафи солиҳ уламоларимиз кўплаб таълик қилганлар. Шулардан баъзиларини келтирамиз:

«Бу қайтариш, баъзи одамларга хосдир. Бухорий шу ҳадис билан олим киши илмни фаҳламасликларидан кўркса, баъзиларини қўйиб, баъзиларини хос қилишга хужжат қилган. Гоҳида ушбу ҳадисга ўхшаш ҳадисларни ботил аҳли ва ибोҳий (ҳар нарсани бўлаверади деювчи)лар шаръий таклифларни тарк қилиш, ҳукмларни йўқ қилишга рўқач қилиб оладилар. Бу эса охиратни хароб қилгани етмаганидек, бу дунёни ҳам хароб этади».

Яъни: «Уларга бунинг хабарини берма. Чунки, сен уларга бу хабарни айтсанг, Роббинг лутфига эътимод қилиб, бандалик ҳаққини унутарлар. Оқибатда даражалари нуқсонга учраб, ҳолатлари таназзулга юз тутар. Кўпчиликнинг ҳоли шудир. Аммо хос кишиларга қанчалик башорат етса, шунчалик кўп ибодат қилурлар. Ашараи мубашшарийн (жаннат башорати берилган ўн) саҳобийлар шундоқ бўлган».

Биз қўшимча қилмоқчимизки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромлардан фақат ўн кишининг жаннатга киришларига башорат берганлар. Бу жуда машҳур иш бўлиб, ҳамма уларга ҳавас қилган. Ҳатто ақийда китобларида ҳам бу масала алоҳида зикр қилинади. Агар ким шаҳодат калимасини айтса, тўғридан-тўғри жаннатга кираверадиган бўлса, мазкур ўн кишига берилган башорат беҳуда бўлиб қолмайдими? Уларни алоҳида зикр қилишнинг нима кераги бор?! Жаннатнинг башоратини номма-ном олиб туриб ҳам бирор ибодатни тарк этмай, балки олдингидан зиёда ибодат қилганларига нима дейсиз?

Демак, турли баҳоналар билан ибодат қилишдан қочадиган, шариат ҳукмини қилмасликка уринадиганларнинг гап ва ишлари ҳеч қандай рисолага

тўғри келмайди.

26- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ρ سُئِلَ أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟

قَالَ: إِيمَانٌ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ، قِيلَ ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ،
قِيلَ: ثُمَّ مَاذَا؟ قَالَ: حَجٌّ مَبْرُورٌ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

26. *Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васалламдан:

«Қайси амал афзал?» деб сўралди.

«Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтириш»,
дедилар.

«Кейин нима?» дейилди.

«Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш», дедилар.

«Ундан кейин нима?» дейилди.

«Мабрур ҳаж», дедилар».

Икки Шайх ва Насаий ривоят қилишган.

Шарҳ: Уламоларимиз аниқлашларича, бу саволларни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан сўраган киши Абу Зарр Ғифорий розияллоху анхудир. У дунёдаги энг афзал амал ҳақида:

«Қайси амал афзал?» деб сўрамоқда. Бу саволга **У зот соллаллоху алайҳи васаллам:**

«Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтириш»,
дедилар».

Яъни, энг афзал амал Аллоҳга ва Аллоҳнинг Расулига иймон келтиришдир. Ушбу гапдан уламоларимиз иймон амалга киришини тушунганлар. Имом Бухорий бу ҳадисни «Иймон амалдир» деган бобида келтирганлар. Иймон ҳам сўздан, ҳам амалдан иборат экани Аҳли сунна жамоа мазҳабининг кўпчилик жамоаси, жумладан, Молик, Саврий ва Авзоъийлар мазҳаби томонидан тан олинган.

Абу Убайд бу ҳақда куйидагиларни айтадилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадисда иймонни амалдан, деб айтдилар. Бошқа ҳадисларда иймон билан амалнинг орасини ажратганлар. Иймонни фақат тавҳид ва қалбга оид амалларга нисбатан, амални эса аъзоларга оид амалларга ишлатганлар. Иймоннинг ҳақиқати, гапга тўғри келувчи тасдиқ ва қалбдаги азму қарордир. Унинг тугал бўлиши эса, аъзолар амали билан боғлиқдир. Киши батамом иймонли мўмин бўлиши учун албатта эътиқоди, сўзи ва амали бир бўлиши керак. Ана шундай иймонгина жаҳаннам оташидан нажот беради, жон ва қонни сақлайди. Ана шундай бўлгани учун мазкур уч нарсанинг (эътиқод, сўз ва амал) жамига ҳам, ҳар бирига ҳам иймон дейилади. Шунинг учун ҳам тавҳид ва тасдиқ энг афзал амал ҳисобланади. Чунки барча амалларнинг қабул бўлишига шу нарса шартдир».

Ушбу иборалар орқали Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби иймон тил билан гапириш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан амал қилиш эканини яхшилаб баён қилмоқда. Ақийда илми уламоларининг таъкидлашларича, Аҳли сунна ва жамоа орасидаги ихтилоф иймоннинг шаръий таърифида эмас, балки луғавий маъносидан келиб чиққандир. Чунки луғатда тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашга «иймон» дейилади.

Нима бўлганда ҳам, Иймон дунёдаги энг яхши нарса эканига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ. Бу дунёдаги барча амалларининг қабул бўлишига Иймон шартдир. Иймони бўлмай туриб ҳар қанча амал қилса ҳам қабул бўлмайди. Шунинг учун, афзал амал ҳақида сўз кетганда, Иймондан кейингиси ҳақида кетади. Афзаллик борасида иймонга тенг келадиган нарса йўқ.

«Кейин нима?» дейилди.

Яъни, иймондан кейинги энг афзал амал нима, деб сўралди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш», дедилар.

«Жиход» луғатда «машаққат чекиш», ўзининг бор имконини ишга солиш «маъноларини» билдиради. Шариатда эса, Аллохнинг дини учун бор имконини ишга солиб жидду жаҳд қилишни билдиради.

«Ундан кейин нима?» дейилди.

Яъни, аввал сўралган нарсадан кейинги энг афзал амал нима, деб сўралди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мабрур ҳаж», дедилар».

«Ҳаж» сўзи луғатда «қасд қилмоқ» маъносини билдиради. Шариатда эса, маълум вақтда ибодат учун Маккани қасд қилмоққа айтилади. Ҳажнинг «Мабрур» сифати эса, «Яхши ҳаж» деганидир. Гуноҳ аралаштирилмай, макбул бўладиган тарзда адо этилган ҳаж «Мабрур ҳаж» дейилади. Ҳаж энг афзал амаллардан экани ҳам яхши маълум.

Шу ерга келганда ҳақли савол пайдо бўлади: «Нима учун намоз, рўза ёки закот айтилмади? Нима учун ҳаж рукн бўлса ҳам, рукн бўлмаган нарсадан кейинга кўйилди?»

Жавоб қуйидагича: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундоқ пайтларда сўровчининг ва атрофда эшитиб турганларнинг ҳолига ва умумий вазиятга қараб жавоб берганлар. Шунинг учун ҳам яхши амал ҳақидаги саволга жавоб бўлиб келган бошқа ҳадисларда ҳам турлича жавоблар келган. Энг афзал амалга–намозни вақтида ўқиш, ота-онага яхшилик қилиш, таом бериш, танигану танимаганга салом бериш кабилар киргани шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, очарчилик бўлиб, мусулмонлар бир бурда нонга зор бўлиб турган пайтда уларга таом бериш бошқа ишлардан афзал амалга айланиши турган гап ва ҳоказо.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Амалларнинг бир-биридан афзал бўлиши.
2. «Энг афзал амал нима?» деб сўраш мумкинлиги.

3. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон–энг афзал амаллиги.

4. Иймон амалсиз бўлмаслиги.

5. Амал билан юқори даражаларга эришилиши.

27- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا أَحْسَنَ أَحَدُكُمْ إِسْلَامَهُ فَكُلُّ

حَسَنَةٍ يَعْمَلُهَا تُكْتَبُ لَهُ بِعَشْرِ أَمْثَلِهَا إِلَى سَبْعِمِائَةٍ ضِعْفٍ، وَكُلُّ

سَيِّئَةٍ يَعْمَلُهَا تُكْتَبُ لَهُ بِمِثْلِهَا. وَفِي رِوَايَةٍ إِلَّا أَنْ يَتَجَاوَزَ اللَّهُ عَنْهَا.

رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

27. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки, бирингиз Ислomini чиройли қилса, унинг қилган ҳар бир яхши амали ўн мислидан етти юз баробаргача кўпайтириб ёзилади. Қилган ҳар бир ёмон амали эса, ўз мислича ёзилади», дедилар.

Бошқа бир ривоятда:

«Фақат Аллоҳ уни ўтиб юборса (ёзилмайди)», дейилган.

Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида биз умматларини мухлис мусулмон бўлишликка тарғиб қилмоқдалар. Чунки ўта мухлис мусулмон бўлмай туриб, ҳеч ким ўз Ислomini чиройли қила олмайди. Ўтган ҳадисларнинг бирида Ислomнинг чиройли бўлиши, ичдан ҳам, устдан ҳам Ислomнинг ҳамма талабларига жавоб бера оладиган бўлиш билан амалга ошишини ўрганган эдик.

Инсон ўз Ислomini чиройли қилганда эса, катта ва

улкан мукофотга сазовор бўлар экан. Бу мукофот эса, икки тарафлама бўлади:

1. Унинг қилган ҳар бир яхши амали ўн баробардан етти юз баробаргача кўпайтириб ёзилар экан.

2. Унинг қилган ҳар бир ёмон амали ўз мислича, кўпайтирилмасдан ёзилар ёки Аллоҳ хоҳласа кечириб юборилар экан. Бу эса, албатта, мўмин банданинг олий даражаларга эришишидан далолат беради.

Бу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар очиқ-ойдин кўриниб турибди. Фақат Исломимизни чиройли қилишга уринишимиз қолди, холос.

28- عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَفِي قَلْبِهِ وَزُنُوعٌ شَعِيرَةٌ مِنْ إِيْمَانٍ وَيَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَفِي قَلْبِهِ وَزُنُوعٌ شَعِيرَةٌ مِنْ إِيْمَانٍ، وَيَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَفِي قَلْبِهِ وَزُنُوعٌ شَعِيرَةٌ مِنْ إِيْمَانٍ. قَالَ أَبُو سَعِيدٍ: فَمَنْ شَكَ فَلَيقْرَأْ {إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ}.

28. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким «Лаа илаҳа иллаллоху» десаю, қалбида арпа донаси вазнича иймони бўлса, дўзахдан чиқади. Ким «Лаа илаҳа иллаллоху» десаю, қалбида буғдой дони вазнича иймони бўлса, дўзахдан чиқади. Ким «Лаа илаҳа иллаллоху» десаю, қалбида зарра вазнича иймон бўлса, дўзахдан чиқади», дедилар.

Абу Саъийд:

«Ким шак қилса: «Албатта, Аллоҳ зарра мисқолича зулм қилмас», оятини тиловат қилсин», деди».

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу

ҳадиси шарифда иймоннинг аҳамиятини, унинг катта-кичик бўлишини, охир-оқибат ўз эгасини дўзахдан чиқишига сабаб бўлишини баён қилмоқдалар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким «Лаа илаҳа иллаллоҳу» деса, деганларидан «Муҳаммадур Расулуллоҳ»ни айтмаса ҳам бўлаверар экан, деган маъно чиқмайди. Одатда, «Лаа илаҳа иллаллоҳ» бор жойда, албатта, «Муҳаммадур Расулуллоҳ» ҳам борлиги маълум ва машҳур бўлганидан гапнинг қисқаси айтиб қўйилган, холос.**

«Абу Саъийд:

«Ким шак қилса: «Албатта, Аллоҳ зарра мисқолича зулм қилмас», оятини тиловат қилсин», деди».

Яъни, ким бу ҳадисда айтилган маънога шубҳа қилса, Нисо сурасидаги мазкур оятни тиловат қилсин.

Аллоҳ таоло мазкур оятда айтади:

«Албатта, Аллоҳ зарра мисқолича зулм қилмас. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур ва Ўз ҳузуридан улуғ ажр берур» (Нисо, 40).

Яъни, инсоннинг бу дунёда қилган ишлари ҳисоб-китобсиз қолмайди. Аллоҳ мутлақ адолат ила ҳукм қилади. Ҳаммага қилган амалига, ишига яраша беради. Ҳеч кимга заррача зулм этмайди.

«Албатта, Аллоҳ зарра мисқолича ҳам зулм қилмас».

Аммо банда:

«Агар яхшилик қилган бўлса, бир неча бор кўпайтирур».

Қуйидаги ривоятни ўргансак, бу оятнинг маъноси яна ҳам равшанлашади.

Ибн Аби Ҳотим қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху қуйидагиларни айтдилар: «Қиёмат куни эркак бўлсин, аёл бўлсин, бандани олиб келинади-да, аввалгию кейинги барча халойиқнинг олдида

бир жарчи: «Манави фалончи фистончи ўғли. Кимнинг унда ҳаққи бўлса, келиб олсин», деб жар чақиради. Аёл отамда, онамда, акамда, эримда ҳаққим бўлса эди, деб орзу қилади, деб туриб, «У кунда улар орасида насаблар ҳам йўқ ва бир-бирларидан сўраша олмайдилар ҳам» оятини ўқидилар ва сўзларида давом этиб: Аллоҳ Ўз ҳаққидан хоҳлаганини кечади. Одамларнинг ҳаққидан ҳеч нарсани кечмайди. Кейин одамларга тўғриланади. «Одамларга ҳақларини беринглар», дейди. У: «Эй Роббим, дунё тугади-ку, қандай қилиб уларнинг ҳақларини бераман?» дейди. Аллоҳ: «Яхши амалларидан олиб, ҳар бир ҳақ эгасига кўрган зулмига яраша беринглар», дейди. Агар банда Аллоҳга дўст бўлса, заррача яхшилиги ортиб қолса ҳам, уни Аллоҳ бир неча бор кўпайтириб, ўшанинг савобидан жаннатга киритади». Сўнгра Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху: «Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмайди. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур», оятини ўқидилар ва сўзларида давом этдилар: «Агар банда бадбахт бўлса, фаришта: «Эй Роббим, бунинг яхшиликлари тамом бўлди ва кўп даъвогарлари бор», дейди. Аллоҳ: «Талабгорларнинг ёмонликларидан олиб, бунинг ёмонликларига қўшинглар. Сўнгра унга дўзахдан жой беринглар», дейди.

Аммо бахтлиларнинг яхшиликларини кўпайтириш билан кифояланиб қолинмайди. Бунинг устига энг катта мукофот ҳам берилади. Аллоҳ уларга:

«Ўз ҳузуридан улкан ажр берур».

Бу улкан ажрдан мурод жаннатдир.

Аллоҳ таоло зарра мисқолидаги нарсанинг ҳам жазо ёки мукофотини беришни эълон қилиб турганда ундан каттароқ нарсаларнинг оқибати нима бўлишини ақли бор банда ўзи билиб олаверади.

Ушбу ҳадиси шариф шаҳодат калимасининг фазли ва аҳамияти нақадар улуғ эканини билдириш билан бирга,

«Шаҳодат калимасини айтса бўлди, бошқаси ортиқча», дейдиган жохилларга қарши кучли ҳужжат ҳамдир. Чунки «Лаа илаҳа иллаллоҳу»ни айтган дўзахдан чиқади, деганларидан, ўша одам дўзахга тушиши маълум бўлади. Демак, ким шаҳодат калимасини айтиб иймонга кирсаю, кейин баъзи бир гуноҳларни қилса, дўзахга кирар экан.

Мусулмонлар жумҳурининг иттифоқ қилишича, осий мўмин дўзахга тушади ва қилган гуноҳига яраша азобини тортади. Сўнгра дўзахдан чиқади. Дўзахга тушиш у ёқда турсин-у, жаннатга кириш учун бир оз кутиш катта хижолатга сабаб бўлади. Шундан кейин ҳам баъзи одамларнинг «Барибир дўзахдан чиқилар экан-ку», деб баъзи гуноҳ ишларни қилишини тушуниш қийин.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шаҳодат калимасининг улуғлиги.
2. Ким шаҳодат келтирган бўлса, охир-оқибат дўзахдан чиқиши.
3. Шаҳодат калимасини айтишнинг ўзи кифоя қилмай, қалбда иймон бўлиши ҳам шартлиги.
4. Қалбдаги иймон заррача, буғдой ёки арпа донича ҳам бўлиши, яъни, жуда кичик бўлиши ҳам мумкинлиги.
5. Мўминлар ҳам осий бўлсалар, дўзахга тушишади.
6. Гуноҳи кабира қилган мўмин кофир бўлмаслиги ва дўзахда абадий қолмаслиги.

29- عَنْ عُمَرَ r أَنَّ رَجُلًا مِّنَ الْيَهُودِ قَالَ لَهُ: يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ آيَةٌ فِي كِتَابِكُمْ تَقْرُءُونَهَا لَوْ عَلَيْنَا مَعْشَرَ الْيَهُودِ نَزَلَتْ لَا تَتَّخِذْنَا ذَلِكَ الْيَوْمَ عِيدًا قَالَ: أَيُّ آيَةٍ؟ قَالَ: { الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا } فَقَالَ عُمَرُ: قَدْ عَرَفْنَا ذَلِكَ الْيَوْمَ وَالْمَكَانَ الَّذِي نَزَلَتْ فِيهِ عَلَى النَّبِيِّ p وَهُوَ قَائِمٌ بِعَرَفَةَ

29. Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Яҳудийлардан бир одам у кишига:

«Эй мўминларнинг амири, Китобларингизда бир оят бор, сизлар уни ўқийсизлар. Агар биз, яҳудийлар жамоасига нозил бўлганида эди, ўша кунни байрам қилиб олар эдик», деди.

«Қайси оят?» деди.

«Бугунги кунда динингизни мукаммал қилдим, сизга Ўз неъматимни батамом қилдим ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим», ояти», деди. Шунда Умар:

«Биз ўша оят Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга нозил бўлган кун ва жойни жуда яхши биламиз. У зот жума куни Арафотда тик турган эдилар», деди».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бу ерда Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг гаплари ҳам, амаллари ҳам йўқ. Лекин у зотнинг мазкур ояти карима нозил бўлган пайтдаги ҳолларининг ҳазрати Умар розияллоху анху томонидан қилинган васфи бор. Мана шу ҳам суннат ёки ҳадис деб аталаверади. Ушбу ривоятнинг мўътабар ҳадис китобларида келганлиги бунга далил.

Бу ҳадисда ҳам диннинг фазли ҳақида, мусулмонларга бошқа дин вакиллари ҳам ҳавас билан қарашлари ҳақида сўз кетмокда. Хусусан, мусулмонларга нисбатан ашаддий душманлиги бор яҳудийлардан бундоқ гапнинг чиқиши алоҳида эътиборга сазовордир.

Уламоларимизнинг аниқлашларича, ҳазрати Умар розияллоху анхунинг халифалик вақтларида бу гапни яҳудийларнинг машҳур дин олимларидан Каъбул Аҳбор

исмли киши бир гуруҳ яхудий ичида туриб айтган. У Қуръони Каримда бир оят борлиги, агар бу оят яхудийларга нозил бўлганида, у нозил бўлган кунни байрам қилиб олишларини айтган. Бундан, яхудийлар ўша оятда келган хабарни жуда улкан бир башорат, бундай башорат эълон қилинган кунни яхудийлардек қадимий, илоҳий китоб эгаси, пайғамбарлар кўп чиққан миллатга байрам куни бўла олишини тушуниб етган чиқадилар. Каъбул Аҳбордан бу гапни эшитган ҳазрати Умар розияллоҳу анху:

«Қайси оят?» деди.

Яъни, ўша сизга тушганида, унинг тушган кунини байрам қилиб олмоқчи бўлган оят қайси оят, дедилар. Каъбул Аҳбор:

«Бугунги кунда динингизни мукамал қилдим, сизга Ўз неъматини батамом қилдим ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» ояти» деди.

Дарҳақиқат, ушбу оятда зикр қилинган улкан башорат мусулмонлардан бошқа ҳеч кимга насиб қилмаган. Ушбу оят нозил бўлгунча Аллоҳнинг дини мукамал бўлмаган эди. Одам Атодан бошлаб аста-секин, бирин-кетин келаётган шариатлар аҳкомлар билан ривожланиб келаётган эдию, мукамал бўлмаган эди. Ниҳоят, Аллоҳнинг охири Китобидан ушбу оятнинг Аллоҳнинг охири пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тушиши билан дин мукамал бўлди. Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига бераётган улуғ неъмат батамом бўлди. Аллоҳ таоло Ўз бандаларига қиёмат қоим бўлгунча Исломни дин деб рози бўлди.

Ушбу улкан бахтга сазовор бўлишни ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, ҳар бир қавм, жумладан, яхудийлар ҳам орзу қилар эди. Аммо, мазкур улуғ бахт мусулмонларга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига насиб этганини билиб, уларга ҳавас қилдилар. Бу ҳавасни

Каъбул Аҳбор ўзининг юқоридаги гаплари билан баён қилди. Бунга жавобан ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

«Биз ўша оят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган кун ва жойни жуда яхши биламиз. У зот жума куни Арафотда тик турган эдилар», деди».

Бу жавобда катта маъно бор. Ҳазрати Умар, сиз оят тушган кунни байрам қилмоқчи экансизлар, биз сизлар қилмоқчи бўлгандан ҳам ўтказиб юборганмиз, деган маънода гапирдилар. Яъни, яҳудийлар ўша кунни хотирадан чиқармайдиган қилиш учун байрам куни, деб эълон қилишлари мумкин эди. Аммо мусулмонлар мазкур оят нозил бўлган кунни ҳам, жойни ҳам, ҳолатни ҳам абадий ёдлаб қолганлар. Хотираларидан асло чиқмайди.

Ўша оят нозил бўлган куни–жума куни, Арафот куни эди. Бу икки куннинг бири ҳафтанинг улуғ куни бўлса, иккинчиси йилнинг улуғ кунидир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу оятни қабул қилиб олиш ҳоллари энг улуғ ҳолатдир. Арафа куни, Арафот саҳросида, ҳажнинг энг улуғ рукнини адо этиб тик турган ҳолларида бўлганди. У зоти бобаракотнинг видолашув ҳажлари эди ўшанда. Ўша куни охирги марта Арафотда туришлари эди. Ояти карима аср пайтида нозил бўлди. Эртасига Қурбон байрами бўлди. Саҳобалар динимиз мукамал бўлса, ҳабибимизнинг боқий дунёга сафарлари яқинлашибди, деб йиғладилар.

Ўшандан саксон бир кун ўтиб, анбиёларнинг хотими фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга сафар қилдилар. Исломи динининг мукамал бўлганини ўз кўзлари билан кўриб, хотиржам ҳолда, елкаларига юкланган буюк омонатни шараф билан адо қилиб кетдилар. У зотнинг саҳобалари тез орада Исломи дунёга таратдилар. Улар Аллоҳнинг мукамал, батамом неъматини, рози бўлган дини Исломдан бутун олам баҳраманд бўлиши учун қўлларидан

келган барча хизматларни қилдилар.

Исломнинг қадрини билган авлодлар эса ундан ўзлари ҳам бахраманд бўлдилар, ўзгаларни ҳам бахраманд этдилар.

Исломнинг фазлини, Қуръони Каримдаги биргина оятнинг қадрини яҳудийлар ҳазрати Умарнинг даврида шунчалик тушуниб қадрлаган бўлсалар, бугунги кунда турли динларга мансуб одамлар Исломга кираётганлари бежиз эмас. Улар Ислом туфайли икки дунё саодатини топишни тушунибгина қолмай, ичларидан чиққан уламолар бу нарсани тушунтиришга киришганлари ҳам буюк Ислом ҳақиқатининг тантанасидир.

30- عَنْ جَابِرٍ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ ﷺ رَجُلًا فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْمُوجِبَاتَانِ؟ فَقَالَ: مَنْ مَاتَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ مَاتَ يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ النَّارَ.

30. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир одам келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки вожиб қилувчи нима?» деди.

«Ким Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлса, жаннатга кириши; ким Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга кириши», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровийи Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу билан ҳам танишиб олайлик:

Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром ал-Ансорий ас-Саламий, насаблари ансорларнинг ўртасидан бўлмиш Бани Саламадан. Оталари ва тоғалари билан «Ақаба» байъатининг иккинчисида бирга бўлганлар. Бу байъатда

ансорлардан етмиш киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ғалаба қозонтириш ва Исломни ер юзига ёйишга аҳд қилиб байъат беришган. Жобир розияллоҳу анху Бадр ва Уҳуд жангларида ташқари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иштирок этган барча жангда қатнашганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўн тўққизта жангда бирга бўлдим. Бадр билан Уҳуддагина отамнинг монельликлари сабабли иштирок этмадим. Отам вафот этганларидан кейин, бирон-бир жангда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларидан қолганим йўқ», дейдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ саҳобаларнинг ичида кўп ҳадис ривоят қилганларнинг олтинчиси бўлиб, 1540та ҳадис ривоят қилганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ Миср ва Шомга борганларида, одамлар у кишидан кўп илм ўрганишар эди. Шунингдек, Мадинаи Мунавварадаги Масжидун Набавийда ҳам илм ҳалқалари бўлиб, унда тўпланганлар у кишининг илм ва тақволаридан кўп нафланардилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ 74-ҳижрий санада Мадинаи Мунавварада вафот этдилар. Жанозаларини Онзак шаҳрининг волийи Абон ибн Усмон ўқидилар.

Ушбу ҳадиси шарифда ҳам олдингиларига ўхшаб тавҳиднинг фазли, ўз эгасига берадиган улкан самараси ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бир одам келиб, икки вожиб қилувчи сифат ҳақида сўради.

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки вожиб қилувчи нима?» деди.

Яъни, икки сифат бор экан. Улар икки нарсани вожиб қилар экан. Шу икки сифат бўлса, ортидан икки нарса келмаса бўлмас экан, ўша икки сифат қайси, демоқчи бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қисқа

ва қониқарли жавоб бердилар:

1. «Ким Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолида ўлса, жаннатга кириши» вожиб.

Яъни, биринчи сифат муваҳҳид–Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлиш. Бу сифат жаннатга киришни вожиб қилади. Бунга эга бўлган одам жаннатга кирмай қолмайди. Гуноҳига яраша дўзахда ётгандан кейин бўлса ҳам жаннатга киради.

2. «Ким Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга кириши» вожиб.

Ундай одам дўзахга кирмай қолмас. Чунки Аллоҳ таоло ўзига ширк келтиришни асло кечирмаслигини қатъий равишда таъкидлаган.

Ушбу ҳадисдан тавҳиднинг–Аллоҳга ширк келтирмасликнинг қанчалар улуғ бахт эканини билиб олдик. Шунингдек, ширкнинг қанчалар бадбахтлик эканини ҳам англаб етдик. Шундай экан, муваҳҳид бўлайлик, мушрик бўлиб қолмайлик!

31- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ تَجَاوَزَ لِأُمَّتِي مَا حَدَّثَتْ بِهِ أَنْفُسَهَا مَا لَمْ يَتَكَلَّمُوا أَوْ يَعْمَلُوا بِهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

31. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ менинг умматимдан, модомики, гапирмасалар ёки қилмасалар, ўзи-ўзига сўзлаганини кечиб юборди», дедилар».

Икки ҳадисни Имом Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида Аллоҳ таоло томонидан ўз умматларига қилинган катта фазлу қарам ҳақида сўз юритмоқдалар. Бу мусулмон одамнинг гуноҳ иш қилиш ҳақида ичида ўз-ўзига сўзлаб туриб, ташида гапирмай, ўша

ишни амалга оширмай қўйса, Аллоҳ таоло кечиб юборишидир. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, юкоридаги нарса учун ҳам жазолаши мумкин эди. Лекин Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига марҳамат кўрсатиб, улардан бу нарсани кечиб юборди. Бу ҳам Ислом динининг афзалликларидандир.

Ислом дини ёмонликнинг умуман юзага чиқмаслиги тарафдори эканини ушбу ҳадисдан билиб олсак бўлади. Бу ҳадиси шариф ҳар бир кишига улкан руҳий-маънавий таъсир ўтказиши турган гап. Инсончилик–гоҳида баъзи бир ёмон ишларни қилишни одам ичидан ўтказиши ёки ўзича гапириши мумкин. Кейин эса, уни ташида ҳам айтиши мумкин. Ташида айтиши эса, ёмонлик томон қўйилган қадамдир. Ундан кейин яна бир қадам босилса, ёмонлик амалга ошади. Шунинг учун ёмонликни умуман юзага чиқармай туриб, йўқ қилиш керак. Гарчи банда ёмонлик ҳақида ўз-ўзига сўзлаган бўлса ҳам Аллоҳ уни кечириб юборади, ёмонлик унинг «номаи аъмоли»га ёзилмайди. Бу билан инсонни ёмонликдан унинг бошланғич давридаёқ қайтариш чораси кўрилмоқда.

Демак, баъзи вақтларда ёмонлик ҳақида ўз-ўзига сўзлаш ҳоллари юзага келса, дарҳол ушбу ҳадиси шарифни эслаб, ичдаги сўзни гапирмаслик ва унга амал қилмасликка уринишимиз керак.

Дунёнинг деярли ҳамма юртларида жиноятнинг олдини олиш бўйича илми нафс (психолог) мутахассислари тайёрлашга катта куч ва маблағ сарфланиб, қанчадан-қанча оворагарчиликлар бўлмоқда. Исломда эса, бу муаммо аллақачон ҳал этиб бўлинган.

32- وَلِلْبُخَارِيِّ تَعْلِيْقًا عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَحَبُّ الدِّينِ إِلَى اللَّهِ

الْحَنِيفِيَّةُ السَّمْحَةُ.

32. Бухорий қилган таълийқда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллохга энг махбуб дин ханифлик (ботилдан ҳаққа мойил), осон диндир», дедилар».

Шарҳ: Имом Бухорий гоҳида ҳадиснинг ровийларини зикр қилмай, тўғридан-тўғри Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламга етиштириб келтирадилар. Буни «таълийқ» дейилади. Ушбу ҳадис Имом Бухорийнинг таълийқларидандир.

Бу ҳадисда Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги энг махбуб дин-шариат ҳақида сўз кетмоқда. Шунингдек, диндаги энг махбуб ҳислат ҳақида сўз кетмоқда, десак ҳам бўлади. Бу нарса ханифлик ва осонликдир. Луғатда «ҳанифлик» деб, ботилдан ҳаққа мойил бўлишга айтилади. Албатта, бу сифат Исломда мужассам бўлгандир. Шунингдек, осонлик сифати ҳам, Ислом динида мавжуддир. Қадимда Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати «ҳаниф миллат» деб аталган. Чунки у зот бутларга чўқинишдан Аллохга ибодат қилишга мойил бўлганлар. Кейинчалик, араблар хатна қилдириб, ҳаж ибодатини адо этган одамни «ҳаниф», деб атайдиган бўлишган.

Диннинг осон бўлиши эса, унда тазйиқ ва тангликнинг йўқ бўлишидир. Бу, албатта, фақат Ислом динида ўз аксини топган. Исломда ботилнинг турли кўринишларидан ҳаққа тамомила мойил бўлиш бордир. Ислом шариати энг осон шариатдир. Унда бандаларга танглик, қийинчилик йўқдир. Шариат ҳукмларининг барчаси фақат бандаларга осон ва улар учун манфаатли бўлишини кўзлаб жорий қилинган. Шунинг учун, Ислом шариати Аллоҳнинг ҳузуридаги энг махбуб шариатдир. Унга амал қилган одам ботилдан ҳаққа мойил бўлади. Бу шариатга амал қилган одам осон, энгил шариатга амал қилган бўлади.

33- عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأَ وَالنَّسْيَانَ وَمَا اسْتُكْرِهُوا عَلَيْهَا. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

33. *Ибн Аббосдан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ менинг умматимдан хатони, унутилган ва мажбур қилинган нарсани кечиргандир», дедилар.

Ибн Можса ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинмоқда. У кишининг таржимаи ҳоллари билан танишайлик:

Исмлари Абдуллоҳ, оталари Аббос ибн Абдулмуттолиб, оналари Умму фазл Лубоба бинти Ҳорис. Ҳижратдан уч йил олдин Қурайш мушриклари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ва мусулмонларни Макка тоғларида моддий ва маънавий камалда ушлаб турган бир пайтда дунёга келдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Роббим, Абдуллоҳ ибн Аббосга ҳикматни ўргатгин», деб дуо қилганлар. Ибн Аббос ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни, ўзлари ҳақларига кўп дуо қилаётганларини кўргач, илм учун туғилганларини билдилар ва илм ўрганишга киришдилар. Ёш бўлишларига қарамай, кўп оят ва ҳадисларни ёд олдилар.

Кишилар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: «Ибн Аббос, шу умматнинг илм денгизидир», деган сўзларига кейинроқ шохид бўлдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафот этганларида Ибн Аббос ўн уч ёшда эдилар. У зот агар ҳадис ёдлаган кишини билиб қолсалар, дарҳол шу одамнинг уйида пайдо бўлардилар.

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ айтадилар: «Ибн Аббос инсонлардан кўп хислатларда ўзиб кетди. Илмда у кишига

етадигани йўқ эди. Фикҳда доимо у кишининг фикрига суянилар эди. Ҳалимликда ва насабда у зотга тенг келинмасди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини у кишидан яхши биладиган ёки халифаларнинг қозилик ишларини у кишидан кўра яхшироқ англайдиган киши топилмас эди».

Ибн Аббос нафақат ҳадис илми, балки Куръон, фикҳ, араб шеърлари таъвилларидан ҳам воқиф эдилар. У кишининг эшиклари доимо илм истаб келувчилар билан гавжум эди.

Ибн Аббос 1660 та ҳадис ривоят қилиб, кўп ҳадис ривоят қилувчи саҳобаларнинг бешинчиси бўлганлар.

Ибн Аббос ҳижратнинг 68-йили 71 ёшларида вафот этдилар.

Ушбу ҳадиси шарифда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига Аллоҳ таоло томонидан бўлган улкан марҳамат ҳақида сўз кетмоқда. Яъни, мусулмон киши ўз ихтиёрисиз содир этган гуноҳлар учун жавобгар эмаслиги баён этилмоқда. Бу ҳадис ўзида улкан маънони мужассам қилгандир. Инсоннинг ҳақиқий айбдор экани ёки айбдор эмаслигини аниқлашда катта ва асл қондани баён этмоқда. Фуқаҳоларимиз ушбу ҳадиси шарифдан фикҳий ҳукмларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисларида Аллоҳ таоло у зотнинг умматларидан уч нарсани ўтиб юборгани ҳақида баён бермоқдалар.

1. Хато, яъни, бир нарсани билмасдан қилиб қўйиш. Мисол учун, бир ишни қилса бўлади, деб тушунган ҳолда қилади, кейин шариатда ман қилингани аён бўлади. Шунингдек, бир ният билан қилса, натижа аксинча чиқади. Мисол учун, овлаш мақсадида ҳайвонга отган ўқи одамга тегиб кетиши мумкин. Бунга ўхшаш ҳолатларда инсон хато қилган бўлади. Унинг хатоси кечиради. Чунки бу нарса унинг ихтиёридан ташқари содир бўлди. Содир этилган

хато Аллоҳнинг ҳаққи бўлса, бутунлай кечиб юборилади. Банданинг ҳаққи бўлса, енгиллашади. Мисол учун, хато туфайли бировни ўлдирган бўлса, олдинги мисолда айтилганидек, ҳайвонга отилган ўқи одамга тегиб кетса, уни қасос учун ўлдирилмайди, лекин хун тўлайди.

2. Унутиш, яъни, ёдидан кўтарилиб, тақиқланган ишни қилиб қўйиш. Мисол учун, фалон ишни қилмайман, деб қасам ичсаю, қасамини унутиб, ўша ишни қилиб қўйса, гуноҳ бўлмайди. Хато ва унутиш туфайли моддий зарар етказилса, тўланади. Унутишда амр бажарилмаган бўлса, эслаш билан дарҳол бажариш лозим бўлади. Мисол учун, биров намозни унутиб қўйган бўлса, эслаши билан дарҳол ўқиб олади.

3. «Мажбур қилинган нарса», яъни, бир одамни бошқалар куч билан мажбуран гуноҳ ишни қилдирса, мажбурланган одамга гуноҳ бўлмайди. Мажбур қилувчилар эса, гуноҳкор бўладилар. Мажбур қилиб рўзасини очириш, намоз ўқитмаслик, динга қарши гапларни айтдириш ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Шу билан бирга, мажбурлаш мажбур қилинаётган одамнинг жонига ёки бирор аъзосига таҳдид солиши шарт. Бундан паст даражадаги мажбурлаш гуноҳ ишни қилаверишга йўл очмайди. Ойлик маошининг камайиши ёки ишдан бўшатилиши ва шунга ўхшаш нарсалар узр ҳисобланмайди. Фақат ўлим хавфи ёки танасидаги аъзоларидан бирининг йўқ бўлиши, майиб бўлиши хавфигина шаръий эътибордаги мажбурлаш ҳисобланади.

Буларга қўшимча равишда, бошқа ҳадисларда ухлаб қолиш ҳам узр ҳисобланган. Яъни, бир киши намоз вақтида ухлаб қолса, уйғонганда ўқиб олади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Исломнинг осонлик дини экани.
2. Хато билан содир этилган гуноҳнинг кечирилиши.
3. Унутиш туфайли содир этилган гуноҳнинг

кечирилиши.

4. Мажбурлаш ила содир этилган гуноҳнинг кечирилиши.

Бу нарсаларнинг ҳаммаси Аллоҳ томонидан мусулмонлар учун улкан марҳаматдир. Агар Аллоҳ таоло мазкур ҳолатларда ҳам гуноҳни ҳисобга олишни хоҳласа, ҳаққи бор эди. Аммо бандаларига оғирлик хоҳламаганидан кечиб юборди.

«ДИННИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА» БОБИГА ХОТИМА

Муаллиф бу бобда ўн бир ҳадис келтирадилар. Бу дегани Исломнинг фазилатлари ҳақида ўн биттагина ҳадис бор экан, дегани эмас. Исломнинг, унинг рукнларининг ва аҳкому таълимотининг фазилати ҳақида ҳадислар жуда кўп. Бу ҳадислар ҳаммаси ўз ўрнида келади.

Ушбу биз ўрганаётган ҳадислар «Ислом ва Иймон китоби» номли мавзуга дахлдор бўлганидан, умумий маънодаги, асосан, иймоннинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар келтирилди. Бунинг устига муаллиф маълум китобларни ўзига чегара қилиб олганлар. Агар умуман оладиган бўлсак, Ислом дини фазилатларини васф қилишга ҳар қандай тил ожиз, уни ёзиб адо этишга ҳар қандай қалам ноқисдир. Дунёда нима фазилат, нима яхшилик бўлса, бари Исломдадир.

Мазкур ўн бир ҳадисдан олтитаси иймоннинг фазилатлари ҳақидадир, иймони бор одам жаннатга кириши шак-шубҳасиз экани ҳақидадир. Бу масала, қадимда ҳам, ҳозирда ҳам кўпчиликнинг адашув нуқтаси бўлгани учун алоҳида тўхталиб ўтдик. Аслини олганда ўша кўпчилик ушбу ҳадисларда келган маъно туфайли адашмайди. Балки, ўз залолатини, дангасалигини ва жаҳолатини ушбу маъноларни нотўғри таъвил этиш орқали

ҳаспўшлашга уринади.

Ушбу бобнинг ҳадисларини ўрганиш давомида шаҳодат калимасини айтса бўлди, деган гапнинг ботил эканини ўргандик. Яна қисқача эслаб ўтайлик:

1. Тавҳид калимасини айтган жаннатга кириши ҳақидаги ҳадислар бошқа рукн ва ҳукмлар жорий қилинмай туриб, фақат битта рукн билан иш кўрилаётган пайтда айтилган.

2. Бошқа ҳадисларда тавҳид калимасига қалбида заррача бўлса ҳам иймони бўлиши, яна бирларида Аллоҳга ибодат қилиши ҳам шарт қилиб қўйилган.

3. Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида, кўплаб ҳадиси шарифда гуноҳ қилган мўминлар дўзахда жазоланиши айтилган.

4. Агар шаҳодат калимасини айтишнинг ўзигина кифоя қилса, бошқа рукнларни ва аҳкомларни жорий қилиш, Қуръоннинг кўп қисми, ҳадисларнинг асосий қисми, Пайғамбаримизнинг ўзлари қилган ибодатлар, саҳобаларнинг ва жумхури мусулмонларнинг қилиб келаётган ибодатлари беҳуда бўлар эди. Бу эса, мутлақо мумкин бўлмаган нарса.

5. Иймон-шаръий маънода сўз, тасдиқ ва амалдан иборат экани маълум ва машҳур. Шунинг учун ким тили билан тавҳид калимасини айтсаю, дили билан тасдиқ қилмаса, иймони иймон бўлмайди. Ким тавҳид калимасини тили билан айтиб, дили билан тасдиқ қилсаю, унинг тақозоси бўйича амал қилмаса, иймони комил бўлмайди.

6. Юқоридагиларни эътиборга олган уламоларимиз, ким «Лаа илаҳа иллаллоҳу»ни айтгандан кейин ва унинг тақозоси бўйича амал қилса, деган тақдирий шартнинг маъноси ҳам бор, дейдилар.

7. Мазкур маънодаги ҳадислар, тарғибот ва ташвиқот маъносида келган. Бундай ҳолда, асосий мақсадни бўрттириб кўрсатилиши ҳаммага маълум.

8. Куръон ва суннатдаги минглаб оят ва ҳадисларда бошқа рукн ва аҳкомларга амал қилиш зарурлиги, қилмаган гуноҳкор бўлиши, дўзахга тушиши айtilган. Фаразан, мазкур ҳадислар, мазкур жоҳиллар айтаётган маънони англатади, десак ҳам, нима учун минглаб оят ва ҳадисларга амал қилмай, бир неча ҳадисга амал қилиш керак экан?!

9. Ўтган улуғлардан бирортаси ҳам, мазкур кабиҳ фикрни айтмаганлар.

10. Ўтган улуғларнинг барчалари Ибн Шихоб Зухрий розияллоҳу анҳуга ўхшаб, «Ким «Лаа илаҳа иллаллоҳу»ни айтса, жаннатга киради» маъносидаги ҳадислар Исломнинг дастлабки даврида, бошқа рукн ва аҳкомлар жорий бўлмай туриб, айtilган», дейишган.

11. Муҳаддисларимиз мазкур маънодаги ҳадисларни, иймоннинг фазилати, тавҳид, иймонни зиёда ёки ноқис бўлиши ва жаҳаннамнинг сифати каби бобларда келтирганлар. Улардан ҳеч бирлари тавҳид калимасини айтиш кифоя қилиши, бошқа нарсаларнинг кераги йўқлиги ҳақида боб очган эмас. Чунки бундай бемаъни фикр уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Ушбу фикрдан кутулмоқ жуда зарур. Кишиларга бу нарсани яхшилаб тушунтириш лозим. Ўзига олимлик нисбатни бериб юрганлар ҳам Аллоҳдан кўрқишлари керак. Бу масалани билмасалар, яхшилаб ўрганишлари лозим. Нобакорларга нотўғри фатво бериб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам гуноҳкор қилмасликлари керак.

فصل – لا يقبل الله إلا الدين الإسلامي

АЛЛОҲ ФАҚАТ ИСЛОМ ДИНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: فَتَقَفْ

Аллоҳ таоло:

«Ким Исломдан бошқани дин тутса, ундан зинҳор қабул қилинмас. У охиратда зиёнкорлардандир», деган.

Шарҳ: Муаллиф фаслнинг аввалида ушбу ояти каримани келтириб, Аллоҳ таоло фақат Ислом дининигина қабул қилиши, Қуръонда зикр қилинган ҳақиқат эканини эслатмоқчи. Аллоҳ таоло Исломгача маълум муддатга, маълум миллатга дин юбориб келди. Шу йўл билан инсониятни аста-секин тарбия қилиб келди. Бу шариатлар ўз вазифасини ўтаб бўлганидан кейин, ортидан улардан мукамалроғини юбориб турди.

Охири келиб, инсоният вояга етди, камолотга эришди. Энди вақтинчалик, маҳдуд шариатлар талабга жавоб бера олмайдиган ҳолатга келди. Камолга етган инсониятга баркамол дин керак эди. Бу дин инсониятнинг барча талабига жавоб бериши, эҳтиёжларини доимий равишда қондириб бориши керак эди. Аллоҳ таоло Исломни ана ўша талабларга жавоб берадиган, қиёматгача боқий қоладиган дин қилиб юборди.

Бошқа динлар аллақачон амалдан қолган эди. Биргина Масиҳий дини Исломдан олдинги дин сифатида ҳукми жорий эди. Лекин у ўзининг асл ҳолини Ийсо алайҳиссаломдан кейиноқ йўқотган эди. Ислом келиши билан у ҳам насх қилинди (амалдан қолдирилди). Буни Аллоҳ таолонинг Ўзи қилди.

Ушбу оят билан Исломдан бошқа динни қабул қилмаслигини эълон қилди. Чунки битта Аллоҳнинг битта ерида, инсон номли битта махлуқига, иккита ёки бир нечта дини бўлиши мумкин эмас. Охирги дин, мукамал дин, боқий дин–Ислом қиёматгача барча банда эътиқод ва амал қилиши лозим бўлган дин бўлиб қолди. Бошқа динлар

амалдан қолди. Уларга эргашганларнинг амали қабул қилинмайди. Бошқа динларнинг ҳозирги бузуқ ҳолида ҳам, уларнинг охирги дин эмаслиги айtilган, кейин яна дин келиши собит. Улар ўша ўз китобларида келиши айtilган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эканларини, ўша ваъда қилинган дин Ислom эканини тан олмаяптилар, холос.

34- عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّ الْإِسْلَامِ وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

34. *Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен одамлар билан токи улар «Лаа илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулаллоҳ» деб шаҳодат келтиргунларигача, намозни тўқис адо қилгунларича ва закотни берадиган бўлгунларича урушга амр қилиндим. Қачонки, шуни қилсалар, мендан қонлари ва молларини сақлаган бўладилар. Магар Ислom ҳаққи ила бўлса (сақлай олмайдилар). Ҳисоблари эса, Аллоҳнинг зиммасидадир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Муаллиф бу ҳадисни Пайғамбаримизга Аллоҳ таоло одамлар «Лаа илаҳа иллаллоҳу»ни айтиб, Ислomни қабул қилгунларича, намоз ўқиб, закот бергунларича уруш қилишни буюргани, У Зот азза ва жалланинг Ислomдан бошқа динни қабул қилмаслигига далил, деган маънода келтирмоқда. Ҳолбуки, бошқа муҳаддислар бу ҳадиси шарифни бошқа бобда келтирганлар.

Бу ҳадиси шарифдан жуда кўп маънолар чиқади. Ҳозир эса, бобга боғлиқ масалаларни кўришни лозим топдик. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Менга амр қилинди»** деганлари, аллоҳ менга амр қилди, маъносида бўлади. Чунки у зотга Аллоҳдан бошқа амр қиладиган йўқ.

«Одамлар» деганлари эса, кўпчилик уламоларнинг иттифоқ қилишларича, ҳарамайн ҳудудида яшовчи бутпараст-мушрикларни билдиради.

Имом Насайй қилган ривоятда: «Мушриклар билан уруш қилишга амр қилиндим», дейилган. Сўнгра Қуръон ҳукми билан аҳли китоблар жизя берсалар, улар билан уруш қилинмаслиги маълум ва машхур. Демак, бу ҳадисдаги «одамлар» сўзидан барча одам тушунилмас экан.

Дарҳақиқат, бу ҳукм Арабистон ярим оролида ҳамма мушрикларга нисбатан қўлланилган. Улардан жизя ҳам олинмаган, улар билан сулҳ ҳам тузилмаган. Ислом ёки урушдан бирини танлаш таклиф қилинган. Тавҳид калимасини айтиб, Исломни қабул қилсалар, намозни тўқис адо этиш, закот бериш ва бошқа амалларни қилиш талаб этилган. Закотни беришдан бош тортган баъзи қабиллага Абу Бакр Сиддиқ даврларида уруш эълон қилинган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифнинг давомида: **«Қачонки, шуни қилсалар, мендан қонлари ва молларини сақлаган бўладилар»**, дедилар.

Яъни, қачонки шаҳодат келтириб, намоз ўқиб, закот берсалар, улар мўъмин-мусулмон бўлиб, уларнинг қонини тўқиш, молини ўлжа қилиб олиш ҳаром бўлиб қолади, дейилганидир.

«Магар Ислом ҳаққи ила бўлса (сақлай олмайдилар)», деганлари, Исломда диний ҳақ сифатида

ҳукм қилинган нарсалар бўлса, қонлари ва моллари сақланмайди, деганларидир.

«**Ҳисоблари эса, Аллоҳнинг зиммасидадир**» деганлари, мен сиртига қараб, яъни, тавҳид калимасини айтишига, намоз ўқишига, рўза тутишига қараб, ҳукм ва муомала қилавераман. Ичида нима бор бўлса, ҳисоб-китобни Аллоҳнинг Ўзи қилади, деганларидир.

Бу ҳадиси шарифдан келиб чиқадиган ҳукм ва фойдалар ҳақида уламоларимиз кўп нарсани айтганлар, шулардан баъзиларини келтирамиз:

1. Ким мусулмонликни изҳор қилиб, дин арконларини бажарса, унга тегилмайди.

2. Бировнинг мусулмон экани ҳақида ҳукм қилиш учун у шаҳодат калимасини айтиши шарт. Агар шаҳодат калимасини айтмаса, мусулмон деб ҳукм қилинмайди.

3. Исломнинг зоҳирий амалларини қилиб юрган одамлар, мусулмон ҳукмида ҳисобланади.

4. Шаҳодат аҳли бўлган одамларни, яъни шаҳодат калимасини айтиб юрганларни кофир деб бўлмайди.

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, халифалар ҳам зоҳирга қараб ҳукм қилганлар. Одамларнинг ичида нима борлигини фақат Аллоҳгина билади.

6. Биров шаҳодат келтириб, намоз ўқиб, закот бериб, ўз жони ва моли дахлсизлигини таъминлаган бўлса ҳам, исломий жазога тортилиши мумкин. Мисол учун, қасддан одам ўлдирса, қасос олиш учун уни ҳам ўлдирилади.

Демак, Аллоҳ Исломдан бошқа динни қабул қилмайди. Исломни эса, ушбу ҳадисда келган нарсаларни қилгандагина, қабул қилади. Бир кишининг номи мусулмонча бўлгани учунгина, мусулмон, деб қабул қилинмайди. Ота-бобоси мусулмон бўлиб ўтгани учун ҳам, мусулмон, деб қабул қилинмайди. Балки ҳар бир вояга етган одамнинг шаҳодат калимасини нутқ қилиши, Ислом

ақийдасини жазм ила дилида тасдиқ қилиши билан, намоз, закотга ўхшаш фарзу вожиб амалларни адо этиши билан, мусулмон шахс сифатида қабул қилинади.

35- عَنْ جَابِرٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أُعْطِيتُ خَمْسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ قَبْلِي نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ وَجُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهُورًا فَأَيُّمَا رَجُلٍ مِنْ أُمَّتِي أَدْرَكْتُهُ الصَّلَاةَ فَلْيُصَلِّ وَأُحِلَّتْ لِي الْعَنَائِمُ وَلَمْ تُحَلْ لِأَحَدٍ قَبْلِي وَأُعْطِيتُ الشَّفَاعَةَ وَكَانَ النَّبِيُّ يُبْعَثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَبُعِثْتُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

35. *Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Менга, мендан олдин ҳеч кимга берилмаган беш нарса берилди: менга бир ойлик масофадаги кучли қўрқинч ила нусрат берилди; менга ер масжид ва покловчи нарса қилинди. Бас, менинг умматимдан кимга намоз ўқиш етса, ўқисин. Менга ўлжалар ҳалол қилинди, мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилилмаган эди; менга шафоат берилди; Пайғамбар ўз қавмига хос қилиб юборилар эди, мен барча одамларга умумий қилиб юборилдим», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Муаллиф нима учун бу ҳадисни «Аллоҳ фақат Ислом дининигина қабул қилади» деб номланган фаслда келтирмақдалар? Чунки бу ҳадиснинг охирида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Набий ўз қавмига хос қилиб юборилар эди, мен барча одамларга умумий қилиб юборилдим», демокдалар. Демак, Аллоҳ таоло барча бандаларига битта пайғамбар–Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам

бўлишларини ирода қилган. Ҳамма шу зотнинг шариятларида бўлиши керак. Бошқа дин эса, қабул қилинмайди.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа пайғамбарлардан фарқли ўлароқ, ўзларига Аллоҳ таоло томонидан берилган беш ортиқ хусусият ҳақида сўз юритмоқдалар:

1. «Менга бир ойлик масофадаги кучли қўрқинч ила нусрат берилди».

Яъни, Аллоҳ менга бир ойлик узоқдаги масофада турган душманам қалбига кучли қўрқинч солиш билан нусрат берди. Бу Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган катта неъмат эди. Ўша вақтдаги юриш тезлиги билан ўлчанганда бир ойлик йўл босгунчалик масофада турган душман қалбига ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қаттиқ қўрқиш тушар эди. Бу нарса жуда маълум ва машҳур. Ушбу ҳақиқатни душманларнинг ўзлари ҳам тан олиб тасдиқлаганлар. Агар Аллоҳ таолонинг бу ёрдами бўлмаганида, яхши қуролланмаган, оз сонли одамларга ўша вақтнинг энг кучли қўшинлари устидан ғолиб келиш мумкин эмас эди.

2. «Менга ер масжид ва покловчи нарса қилинди».

Аллоҳ таоло бутун ер юзини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам учун, у зотнинг умматлари учун масжид қилиб қўйган. Ернинг қайси бир нуқтасида бўлсалар, намозни ўқийверадилар, намозлари қабул бўлади. Бошқа дин ва умматларга бу улуғ неъмат берилмаган эди. Улар махсус ибодатхона ва жойлардагина ибодат қилсалар, қабул бўлади, бўлмаса, йўқ.

Аллоҳнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга берган улуғ неъматларидан бири ерни покловчи нарса қилиб қўйганидир. Асл покловчи нарса сув. Сув бўлмай қолса, тупроқ ҳам покловчи бўлаверади, мусулмон киши у билан покланиши,

таяммум ила таҳорат олиши мумкин. Бу ҳам улкан неъмат. Сув бўлмаганида ёки сув ишлатиш имкони йўқ бўлганда, тупроқ ишлатилаверади. Бу нарса ҳам бошқа дин ва умматларга берилмаган. Аллоҳ таоло нима учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ерни масжид ва покловчи нарса қилиб берди? Албатта, таяммум ила таҳорат олиб намоз ўқиш учун. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз сўзларининг давомида: **«Бас, менинг умматимдан кимга намоз ўқиш етса, ўқисин»**, демокдалар.

Бу намознинг нақадар аҳамиятли эканини, уни тарк қилишга ҳеч қандай узр йўқлигини кўрсатади. Ер таяммумдан бошқа ҳолатларда ҳам покловчи бўлиб хизмат қилади. Оёқ кийимларини поклаш, баъзи ювиш қийин нарсаларни поклаш ҳам ерга ишқаш билан бўлади.

3. «Менга ўлжалар ҳалол қилинди. Мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди».

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдинги пайғамбарларга душман билан бўлган урушда кўлга тушган ўлжаларни олиш, улардан фойдаланиш ҳалол қилинмаган эди. Улар ўлжаларга эга бўлолмас, улардан фойдаланмас эдилар. Баъзилари ўлжаларни бир ерга тўплаб, ўт қўйиб кетар эдилар. Кейинчалик баъзи пайғамбарларнинг умматлари ўз динлари, пайғамбарлари таълимотига хилоф равишда ўлжаларни олишган бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло бу масалада ҳам, Ўзининг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга лутфи карам кўрсатди. Ислон душманларига қарши олиб борилган шаръий урушларда тушган ўлжаларни ҳалол қилди. Бунинг ҳукми Куръони Каримнинг Анфол (Ўлжалар) сурасида баён қилинган. Тушган ўлжаларнинг бешдан бири Аллоҳ ва Унинг Расули учун ажратилади. Қолгани эса, ҳақдорларга махсус тартиб асосида тақсимлаб

берилади.

4. «Менга шафоат берилди».

Бошқаларга, жумладан, бошқа Пайғамбарларга чегараланган шафоат ҳаққи берилган. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга улкан шафоат ҳаққи марҳамат этилган. Бу қиёмат кунининг энг буюк мартабаларидандир. Бу У зотнинг умматлари учун ҳам улкан саодатдир.

5. «Набий ўз қавмига хос қилиб юборилар эди, мен барча одамларга умумий қилиб юборилдим».

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган барча пайғамбар Аллоҳ томонидан ўз қавми учун хос қилиб юборилар эди. Уларнинг даъвати бошқа қавмларга қаратилмаган эди. Ҳозирги кунимизда самовий динлардан иккитаси қолган. Яҳудий дини ушбу ҳақиқатни ўзида сақлаб қолган. Бу динга фақат яҳудий бўлиб туғилганларгина кира олади. Бошқалар бу динга киришлари мумкин эмас.

Масихий дини ҳам аслида Бани Исроилга аталган. Аммо улар Масийҳ алайҳиссаломга қарши турганларидан, у зот алайҳиссаломни ўлдирганликни даъво қилганларидан кейин, бу динга бошқалар кирганлар. Ана ўша бошқалар ўзларича Масийҳнинг таълимотлари ҳаммага қаратилган, деган даъво билан чиққанлар. Исломи дини охириги дин бўлгани, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам охириги пайғамбар бўлганлари учун Исломи бутун олам аҳлига дин ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳамма халқларга пайғамбар қилинган. Энг мукамал дин сифатида Исломига амал қилиш Аллоҳ таолонинг ер юзи аҳлига бўлган амри илоҳийдир. Шу амрига биноан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ер юзидаги барча одамлар учун Аллоҳнинг Расулидирлар. Бу гапни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ёки мусулмонлар ўйлаб чиқаргани йўқ. Бу Аллоҳ таолонинг амридир.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Исломнинг ва мусулмон умматининг афзаллиги.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга душман қалбига қўрқинч солиш ила нусрат берилганининг ҳақлиги.

3. Бутун ер юзи мусулмонлар учун масжид экани.

4. Ер покловчи нарса экани.

5. Намознинг аҳамияти катта экани.

6. Ўлжа мусулмонлар учун ҳалоллиги.

7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари ҳақлиги.

8. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча одамларга Пайғамбар эканлари.

36- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ

لَا يَسْمَعُ بِي أَحَدٌ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ يَهُودِيٍّ وَلَا نَصْرَانِيٍّ ثُمَّ يَمُوتُ وَمَا يُؤْمِنُ بِالَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ إِلَّا كَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

36. *Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Муҳаммаднинг жони Унинг кўлида бўлган Зот билан қасамки, ушбу умматдан бирортаси-яхудийсими, насронийсими, менинг ҳақимда эшитсаю, сўнгра менга юборилган нарсага иймон келтирмай ўлиб кетса, албатта, дўзах эгаларидан бўлади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи бу ҳадисни Аллоҳ фақат Ислом дининигина қабул қилиши ҳақидаги фаслда келтиришларининг сабаби, очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадисни **«Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган Зот билан қасамки»** деб, Аллоҳ таоло билан қасам ичиб, бошламоқдалар. Шунинг ўзи ҳадисда келадиган гап ўта аҳамиятли эканини кўрсатади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам оддий нарсаларга Аллоҳ таоло билан қасам ичмайдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг **«ушбу умматдан»** деган ибораларини тушунишимиз учун бир оз изоҳ лозим бўлади.

«Уммат» Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга нисбатан иккига бўлинади.

Биринчиси, умумий маънодаги уммат. Уни «Уммати даъват» дейилади. Яъни, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг даъватлари қаратилган уммат. Бу уммат, ер юзининг барча аҳолисидир. Чунки Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг даъватлари ер юзининг барча аҳолисига қаратилган.

Иккинчиси, хос маънодаги уммат. Уни «Уммати ижобат» дейилади. Яъни, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг даъватларига ижобат қилган, динларини қабул қилган уммат, дегани. Булар барча мусулмонлардир.

Ушбу ҳадиси шарифда гап «Уммати даъват» – бутун ер юзи аҳолиси ҳақида кетмоқда. Демак, ер юзида ким Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳақларида, у кишининг динлари ҳақида эшитса, ўша одамнинг Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга иймон келтириб, Ислом динига кириши лозим бўлади. Агар кирмаса, кофир бўлади, дўзахга тушади.

Ҳадисда: **«яхудийсими, насронийсими»**, деб икки динга мансуб бўлган қавмлар алоҳида зикр қилинишининг сабаби бор. Яхудий ва насроний динлари ушбу ҳадис айтилган пайтда ер юзидаги илоҳий таълимот асосидаги динлар эди. Уларга Аллоҳ таоло Мусо ва Ийсо

алайҳиссаломларни пайғамбар қилиб юборган ва Тавроту Инжил китобларини туширган эди. Булар «Аҳли китоб» деб аталади. Уларга алоҳида муносабатда бўлинади. Чунки ер юзидаги бошқа динлардан буларнинг фарқи бор. Бошқа динлар илоҳий-самовий дин экани маълум эмас. Уларга Аллоҳ пайғамбар юборгани, китоб туширгани ҳам аниқ эмас. Демак, яҳудий ва насроний бўлган одамлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида эшитганларида иймон келтиришлари лозим бўлганидан кейин, динларининг самовий экани маълум бўлмаган, умуман дини йўқ ёки сохта динларга эътиқод қилиб юрганлар иймон келтириши лозимлиги турган гап.

Яҳудий дини самовий дин бўлган. Аллоҳ Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни бу диннинг пайғамбарлари қилиб юборган. Тавротни ўша диннинг муқаддас китоби қилиб туширган. Шу билан бирга, бу дин вақтинчалик эканини, кейин яна дин келишини айтган. Охири Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Ислом дини билан келишларини ҳам башорат берган.

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юбориб, у зотга Инжилни тушириши билан яҳудий дини ва Таврот китоби амалдан қолди. Аммо, бу диндан фойда олиб турган бошлиқлар бу ҳақиқатни эътироф қилмадилар. Ийсо алайҳиссаломга иймон келтириш ўрнига у зотга душманлик қилдилар, Тавротда башорати берилган пайғамбар бу эмас, бошқа, дедилар.

Ийсо алайҳиссаломга иймон келтириб, масийҳий–насоний бўлганлар у кишининг шариятларига, Инжилга амал қилиб юрдилар. Вақт ўтиши билан динни ва Инжилни бузсалар ҳам барибир ўзларини «Насроний» деб, «Инжил аҳли» деб юрдилар. Уларга ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Ислом дини билан келишлари ҳақида Аллоҳ башорат берган эди. Бу ҳақда алоҳида китоблар ҳам ёзилган. Кези келганда, Аллоҳ

хохласа, бу тўғрида батафсил гапирамиз.

Аллоҳ таоло вақти-соати келганда, Ўз ваъдасига вафо қилиб, Ўзи башорат берган сўнгги Пайғамбари–Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни охирги ва мукамал дин–Ислом дини ила барча одамларга юборди. Насроний дини ва Инжил ҳам амалдан қолди. Ўзини билган яҳудий ва насронийлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабарларини эшитишлари билан у зотга иймон келтириб, мусулмон бўлдилар. Кўпчилик эса, яна нотўғри таъвилга ўтиб, Таврот ва Инжилда башорати берилган пайғамбар бошқа, деб иймон келтирмади.

Демак, Исломнинг олабийлиги ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ер юзининг барча аҳолисига пайғамбарликларининг маъноси шу. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифда:

«Ушбу умматдан бирортаси – яҳудийсими, насронийсими менинг ҳақимда эшитсаю, сўнгра менга юборилган нарсага иймон келтирмай ўлиб кетса, албатта, дўзах эгаларидан бўлади», дедилар.

Шунга биноан, ер юзи аҳолисидан кимга Ислом чақирғи етса, мусулмон бўлмоғи лозим. Исломни қабул қилмаса, кофир бўлади ва дўзахга тушади.

Ислом чақирғи етмаган кишилар эса, «фитрат аҳли» дейилади. Чақирғи етмагани учун уларни кофир деб ҳукм чиқарилмайди. Дўзахга тушишлари ҳақида ҳам ҳукм қилинмайди. Улар, фитрат аҳли, деб номланадилар ва қиёматда бошқа жонзотлар қатори тупроққа қоришиб кетадилар.

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, бизларни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уммати ижобатидан бўлишга муяссар қилди. Юртларимизни қадимдан Ислом нури ила мунаввар айлади. Халқларимизни чин мухлис мусулмонлардан қилиб, Ислом учун хизмат қилган

машхур халқлардан қилди. Халқимиздан чиққан уламоларни Ислом оламининг пешқадам уламоларидан қилди. Ушбу китобда ҳазрати Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўрганар эканмиз, деярли ҳар бир ҳадисда Бухорий, Насайй, Термизий каби имомларимизнинг хизматлари борлигини билиб, фахрланиб турибмиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдаларни такрорлашнинг ҳожати йўқ. Фақат ўрганиш, тушуниб етиш, унга амал қилиш керак. Биз ҳақ йўлда, ҳақ динда эканимизни англаб етишимиз даркор. Ва бу ҳақиқатни билганимизча бошқа кишиларга ҳам англатишимиз керак.

الباب الرابع في الإيمان بالقدر

ТЎРТИНЧИ БОБ

ҚАДАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ ҲАҚИДА

قَالَ اللهُ تَعَالَى: تَحْتِخْتَمُ تَرْبِيحُج

Аллоҳ таоло:

«Албатта, Биз ҳар бир нарсани қадар ила яратдик», деган (Қамар, 49).

Муаллиф бу ояти каримани келтириш билан, қадарга иймон келтириш, Қуръонда зикри келган масала эканини билдирмоқчи.

«Қадар» сўзи «ўлчов» маъносини англатади. Ислом ақийдасида эса, Аллоҳ таоло азалда Ўз илми ва иродаси ила ҳар бир нарсани ўлчовли қилиб қўйганига эътиқод қилишни билдиради. Аммо, ушбу оддий тушунчанинг бузиб кўрсатилиши оқибатида, қазо ва қадар ақийдасига турли нотўғри тушунчалар аралашиб кетган. Замон ўтиши

билан, турли омиллар сабабли исломий тушунчаларга ҳар хил бузуқ фикрлар, бидъат-хурофотлар ҳам аралашиб кетгани маълум.

Ўша исломий тушунчалар ичида энг кўп бузилгани, ҳатто тесқари маънога айланиб кетай дегани, қазо ва қадар тушунчаси десак, муболаға бўлмайди. Аслида эса, бу ақийда жуда соф ва осон тушуниладиган нарсадир.

Уламоларимиз «қазо» ва «қадар»ни қуйидагича таърифлайдилар:

«Қазо Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билишидир».

«Қадар ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир».

Аҳли сунна ва жамоа мазҳабига биноан балоғатга етган мусулмонга Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳамма ишини, махлуқотларга боғлиқ нарсаларни аввалдан билишига иймон келтириши вожиб бўлади. Қазо ва қадар ақийдаси Аллоҳга иймон келтириш асосидаги Ислом ақийдаларидан бири ҳисобланади. Бу ақийда, тўғри маърифат асосида, Аллоҳ таолонинг камол сифатлари билан сифатлашга асослангандир.

Ана ўша сифатларнинг бири, Аллоҳнинг илми, у илмнинг чегарасизлиги, Аллоҳнинг иродасининг шомиллиги ва қудратининг комиллигидир. Қазо ва қадар ақийдаси, Аллоҳнинг ана шу сифатларига асосланган ақийдадир. Шунинг учун ҳам қазои қадарга иймон бўлмаса, Аллоҳга бўлган иймон тугал бўлмайди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билади. Уяси ичида ғимирлаётган чумолининг ҳаракатинию, ўз фалакида ҳаракат қилаётган сайёраларни ҳам билади. У Зотнинг илмидан ҳеч нарса ғойиб бўлмайди. Аллоҳ таоло дунёдаги ҳар бир заррани ҳам ва унинг ҳаракатини ҳам билиб туради.

Шунингдек, Аллоҳ таоло қиёматгача нима бўлишини

ҳам билади. Агар уларни билмаса, У Зотнинг камоллик сифатларига нуқсон етган бўлади. Ана ўша илоҳий илм «қазои қадар» деб аталади. Бунда жоҳил кишилар ўйлаганидек, Аллоҳ томонидан бандани мажбур қилиш йўқ, Балки, Аллоҳ таоло томонидан банда нима қилишини олдиндан билиш бор. Чунки Аллоҳнинг илми чегара билмасдир.

Уламоларимиз бу тушунчани осон фаҳмлаш учун куйидаги мисолни келтирадилар: кайфиятингиз ёмон бўлиб турган пайтда ойнага қарадингиз. Аксингизни қовоғингиз солиқ, пешонангиз тиришган, аччиғингиз чиққан ҳолда кўрдингиз. Ана ўшанда ойнадан ўпкалашга ҳақингиз борми? Бу ойна менга жабр қилди, мени ёмон кайфиятга туширди, дея оласизми? Албатта, йўқ. Ойна сиздаги бор нарсани ўзингизга кўрсатди, холос. Қовоғингиз солинишига, пешонангиз тиришишига ва аччиғингиз чиқишига унинг ҳеч дахли йўқ. Қазои қадар ҳам шундай! У бандаларнинг ишини Аллоҳ томонидан У Зотнинг илми азалийси ила билиши, холос.

Яна бошқа бир мисол. Устоз ўз шоғирдларининг илмий савиясини яхши билади. Имтиҳон саволларини ёзган пайтда фалончи «аъло» баҳо олади, пистончи эса «яхши» деб айтади. Дейлик, имтиҳон натижаси устоз айтганидек чиқди. Шоғирдлар устоз айтган гап учун мазкур натижага эришдиларми? Ёки устознинг ўз тажрибасига асосланган ожизона илми уларни ўша баҳоларни олишга мажбур қилдимми?

Албатта, Аллоҳга ҳеч қандай ўхшаш йўқ. Лекин тушуниш учун келтирилган шу мисолдан ҳам қазои қадарда бандани бирор нарсага мажбурлаш йўқлигини англаб олишимиз зарур. Ожиз инсон ўзига қарашли нарсаларда шунчалик илмга эга бўлса, нима учун кудратли Аллоҳ, чексиз илм соҳиби бўлган Зот, азалдан ҳамма нарсани билмаслиги керак?

Ўтган уламоларимиздан ал-Хаттобий қуйидагиларни айтадилар:

«Кўпчилик одамлар қазо ва қадарни Аллоҳ таоло томонидан Ўзи тақдир қилиб қўйган ишларга бандани қаҳр ила мажбур қилиш, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг бу фикрлари нотўғридир. Қазо ва қадарнинг маъноси, бандаларнинг келажакда бўладиган ишларини Аллоҳ томонидан муқаддам билиб турилишидир».

Шу ерда «Илмга боғлиқ бўлса, тушунарли, аммо ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан, Унинг халқ қилиши билан бўлади-ку! У ҳолда бандага нима қолади, деган савол пайдо бўлади. Бу саволнинг жавоби икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм—дунёдаги инсоннинг дахли йўқ нарсалар. Дунёда бир хил ишлар борки, улар фақат Аллоҳ таолонинг иродаси ва қудрати билан бўлади. Бу ишларга инсон ҳеч қандай дахли йўқ. Мисол учун, инсон ақлининг ўтқир ёки ўтмас, гавдасининг турлича, миждозининг ҳар хил бўлиши, хуснининг чиройли ёки хунуклиги, туғилиш вақти ва жойи, ота-онанинг ким бўлиши, ўзининг эркак ёки аёллиги, наслдан-наслга ўтадиган баъзи сифатлари ҳамда шунга ўхшаш бир қанча ишлар борки, уларда инсоннинг ҳеч қандай дахли йўқ.

Инсон бу нарсалардан масъул ҳам эмас. Мисол учун, уни ҳеч ким нима учун қоматинг узун ёки қисқа бўлиб қолган, деб савол қилмайди. Шунингдек, нима учун фалон куни туғилдинг, фалон куни ўлдинг ҳам, демайди. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳдан. Бу турдаги қадарга иймон келтириш ҳар бир мўмин-мусулмонга вожиб.

Иккичи қисм—инсон томонидан содир этилган иш ва амалларга боғлиқ. Буларда инсоннинг дахли бор, у бу ишларда ўз майли, ақли, хоҳиши, ихтиёри ва ҳаракати билан иштирок этади. Масаланинг нозик жойи шу ерда. Худди шу турдаги ишларни қандоқ баҳолаш керак?

Қадимдан бу саволга турли жавоблар берилган. Юнон файласуфлари ҳам бу ҳақда кўп ихтилофлар қилишган.

Кейинчалик мусулмонлар ичида ҳам бу ҳақда турли фикрларни айтганлар чиққан. Муътазилий мазҳабидагилар: «Инсон ўз амалини ўзи халқ қилади, бунга Аллоҳ аралашмайди», деганлар. Бу эса, Аллоҳнинг баркамоллик сифатларига нуқсон бўлиб тушади. Агар муътазилийлар айтган гап тўғри дейилса, дунёда Аллоҳнинг иродасидан, қудратидан, Унинг холиқлигидан ташқари нарсалар ҳам бор бўлиб қолади. У ҳолда Аллоҳ таолонинг иродаси шомил бўлмайди. Қудрати чексиз бўлмайди. Холиқлиги ягона бўлмайди.

Жабрия мазҳабидагилар эса, инсон бу дунёда денгизга ташланган чўпдек гап, дейдилар. Уларнинг фикрича, инсон ҳеч бир нарсани ўз ихтиёри билан қилмайди, балки ҳамма нарсани Аллоҳнинг мажбурлаши ила амалга оширади. Бу фикр ҳам мутлақо нотўғри! Агар Жабрия мазҳабидагиларнинг гаплари тўғри дейилса, Аллоҳ таолонинг адолат сифатига футур етади. У Зот одил эмас, жабр қилувчи бўлиб қолади. Чунки бандани Аллоҳнинг Ўзи ҳар нарсага мажбур қилиб, кейин сўроқ қилиб, «Нима учун бу ишни қилдинг», дея жазолаши жабрдир.

Ушбу икки мазҳаб ҳам залолатга кетган бўлиб, маълум вақтдан кейин ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Мусулмончиликнинг соф ақийдаси эса, Аҳли сунна ва жамоа мазҳабида ўз аксини топган. Бу ақийдага биноан, инсоннинг ихтиёрий амаллари, Аллоҳ халқ қилган нарсалар жумласидандир. Чунки дунёда Аллоҳ халқ қилган–яратган нарсдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Лекин бу, инсон ўз ишини мажбур бўлиб қилади дегани эмас. Чунки инсон бир ишни амалга оширадиган бўлса, ўша иш икки нарсага боғлиқ бўлади. Биринчиси, уни амалга ошириш учун зарур бўлган омиллар. Иккинчиси, инсоннинг ўша ишни амалга ошириш учун

йўналиши. Инсон айна ушбу иккинчи нарса, яъни, ишни амалга ошириш учун йўналиши туфайли ирода ва ихтиёр эгаси ҳисобланади. Ҳамда ана шу иродаси ва ихтиёри учунгина жавобгар бўлади. Ташқи омилларни яратиш ва вужудга келтиришда унинг дахли йўқ.

Бу масалани ҳиссий баён билан тушунтириш учун, уламоларимиз қуйидаги мисолни келтирадилар: инсон кўли билан вараққа бир нарсани ёзмоқчи. Бу ишнинг ташқи омиллари: қўл, унинг томирлари, пайлари ва бошқалар Аллоҳ халқ қилган нарсалардир. Шунингдек, варақ, қалам ва улардаги ёзиш учун бўлган хусусиятларни ҳам Аллоҳ таоло халқ қилган. Ушбу нарсаларнинг бирлашиб ҳаракат қилиши оқибатида вараққа бир наrsa ёзилади. Бу Аллоҳнинг қудрати ва яратиши билан бўлишига шубҳа қолмаган бўлса керак. Аллоҳ инсоннинг амалини халқ қилади, деган гапнинг маъноси шу.

Аммо, бу Аллоҳ инсонни вараққа ёзишга мажбур қилди, дегани эмас. Чунки мазкур ташқи омилларнинг топилиши билангина вараққа ўз-ўзидан бирор наrsa ёзилиб қолмайди. Бунинг учун аввало инсон ёзишни ихтиёр қилиши ва шу ниятни амалга ошириш учун йўналиши керак. Ана шунда Аллоҳ, инсонда Ўзи яратган ёзиш қобилиятига ва ёзиш учун зарур бўлган ташқи омилларга ёзишни амалга оширишга изн беради. Шундоқ қилиб «ёзиш» деб номланган иш амалга ошади. Бу ишнинг амалга ошишида ният ва йўналиш инсондан, ташқи ва ички омилларни яратиш Аллоҳ таоло томонидан бўлди. Албатта, инсоннинг нияти ва йўналиши ҳам Аллоҳ унда халқ қилган хусусиятлар орқали бўлади. Инсон ана ўша қасди ва йўналиши учун жавобгар бўлади. Унинг ихтиёри хурлиги ана ўшандадир. Аллоҳ хоҳласа, ушбу бобдаги ҳадиси шарифларни ўрганиб чиқишимиз билан яна кўп нарсалар ойдинлашади.

37- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: لَمَّا قَضَى اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ
الْخَلْقَ كَتَبَ فِي كِتَابٍ فَهُوَ عِنْدَهُ فَوْقَ الْعَرْشِ إِنَّ رَحْمَتِي سَبَقَتْ غَضَبِي.
رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

37. *Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла халойиқнинг тақдирини қазо қилган чоғда, Ўз хузуридаги, Арш устидаги Китобга, албатта, раҳматим ғазабимдан илгаридир», деб ёзди», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Муаллиф бу ҳадисни қадарга иймон бобида келтиришлари, азалда—махлуқотларни яратишдан олдин, уларнинг тақдирларини белгилаш пайтидаёқ, Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ғазабидан олдин бўлишини тақдир қилиб қўйганлигининг хабари борлиги учундир. Бу ҳадиси шарифда қадар масаласининг бир қисми баён қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла халойиқнинг тақдирини қазо қилган чоғда» деганлари, азалда—хамма нарсаларни келажакда қандоқ бўлишини билган чоғда, деганларидир. Демак, Аллоҳ таоло махлуқотларни яратишдан олдин келажакда уларнинг холи қандоқ бўлишини билган. Чунки У Зотнинг илмининг чегараси йўқ. Ғайбнинг ишини У Зотнинг Ўзигина билади. Бу дунёда қиёматгача бўладиган барча ишни ҳам У Зотнинг Ўзигина билади.

«Ўз хузуридаги, Арш устидаги Китобга»даги китобдан мурод, «Лавҳул Махфуз»дир.

Демак, Аллоҳ таоло махлуқотлар тақдирини ёзган китобнинг номи «Лавҳул Махфуз»дир. Бунга иймон келтириш ҳам лозим нарсалардан биридир.

«Арш» эса, луғатда подшоҳ ўтирадиган тахтни

англатади. Ақоид илми уламолари келтиришларича, оят ва ҳадисларда келган васфларга биноан, «Арш» оёқлари бор тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туради. У худди олам устидаги куббага ўхшайди. У махлуқотларнинг шифтидир. Аллоҳ таолонинг Аршга эҳтиёжи йўқ. Балки уни Ўзи билган ҳикмат учун яратгандир:

«**Арш устидаги Китобга**» дейишда ҳиссий маъно кўзда тутилмаган. Чунки Аршнинг устида нарса йўқ. Аллоҳнинг ҳузуридаги олий маконлик кўзда тутилган. «Ёзди» дейилишидан мурод эса, қаламга ёзишни буюрди, деган маънони англатади.

Кўриб турибмизки, бу ҳадиси шарифда ақоид илмида «ғайбиёт» деб номланган нарсалардан бир нечаси зикр қилинмоқда. Ҳадиси шарифда ўша ғайбий иймон келтириш лозим бўлган нарсалардан, Аршни, Китобни ва уларнинг Аллоҳ таоло ҳузуридаги мартабасини эслата туриб, Аллоҳнинг раҳмати ғазабидан илгари экани таъкидланмоқда. Бу эса, биз бандаларни Аллоҳ таолонинг раҳматидан доимо умидвор бўлишимиз учундир.

Аллоҳ таолонинг раҳмати ғазабидан ғолибдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир», деган.

Ушбу ҳадиси шарифдан қуйидагиларни истифода қиламиз:

1. Аллоҳ махлуқотлар қазои қадарини уларни яратишдан олдин қилгандир.

2. Аллоҳ махлуқотлар тақдирини «Лавҳул Маҳфуз» китобига ёзгандир.

3. «Лавҳул Маҳфуз» ҳақдир.

4. «Лавҳул Маҳфуз» Аллоҳнинг ҳузуридадир.

5. Арш ҳақдир.

6. Аллоҳнинг раҳмати ғазабидан илгаридир.

38- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: مَا مِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ أَوْ يُنَصِّرَانِهِ أَوْ يُمَجِّسَانِهِ كَمَا تُنْتَجِجُ الْبَهِيمَةُ بِهَيْمَةِ جَمْعَاءَ هَلْ تُحْسِنُونَ فِيهَا مِنْ جَدْعَاءَ. ثُمَّ يَقُولُ أَبُو هُرَيْرَةَ: وَاقْرَأُوا إِنَّ شِئْتُمْ { فِطَرَتِ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ } . رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

38. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ва насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?» дедилар.

Сўнгра Абу Ҳурайра «Агар хоҳласангиз: «Аллоҳнинг одамларни яратган фитратидир. Аллоҳнинг яратишини ўзгартириш йўқ. Ана ўша, энг тўғри диндир», деган оятни ўқинг», дер эди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда. Ушбу ҳадисда Аллоҳ таоло инсонларни яратиш пайтида соф табиат билан яратса ҳам, кейинчалик инсонлар, хусусан, ота-она тарбияси сабабли бу софликка футур етиши, унинг бузулиши ҳақида сўз кетмоқда. «Фитрат» дегани, соф табиат, динни тўғри қабул қилишга бўлган истеъдод, деганидир.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам дунёда туғиладиган ҳар бир бола соф табиат билан, Аллоҳ таолонинг динини қабул қилиш истеъдоди билан туғилиши ҳақида хабар бермоқдалар.

Демак, Аллоҳ таоло ҳеч кимни аввалдан сен яҳудий

бўласан, сен насроний бўласан, сен мажусий бўласан, деб мажбур қилмайди. Одамларнинг турли динга мансуб бўлишига сабаб бор:

«Бас, ота-онаси уни яхудий ва насроний ёки мажусий қилади».

Яъни, ота-оналар болаларини ўз динларида тарбиялашлари оқибатида болаларнинг соф табиати бузилиб, яхудий, насроний ва мажусий бўлиб қоладилар.

Шу жойда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу маънони тўлиқроқ тушунтириш мақсадида, саҳобаи киромларга ҳиссий бир мисол келтирмоқдалар.

«Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?» дедилар.

Яъни, ҳар бир ҳайвон боласи онасидан бус-бутун туғилади. Бирортасининг қулоғи ёки бурни кесилмаган бўлади. Аммо эгалари белги қўйиш мақсадида ва яна бошқа ниятда қулоқларини кесадилар, бурунларини кесадилар ва ҳоказо. Шунга ўхшаб, инсон ҳам онадан соф табиат билан туғилади, у яхудий, насроний ёки мажусий бўлиб туғилмайди. Ота-онасининг тарбияси туфайли яхудий, насроний ёки мажусий бўлади.

Ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ушбу ҳадисни ривоят қилгандан сўнг, **«Агар хоҳласангиз, Аллоҳнинг одамларни яратган фитратидир. Аллоҳнинг яратишини ўзгартириш йўқ. Ана ўша энг тўғри диндир», деган оятни ўқинг»,** деб қўядиган одатлари бор эди.

Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида келган маънони Қуръони Карим ҳам тасдиқлашини билдириб қўймоқчи бўлар эдилар.

Аллоҳ таоло Рум сурасида қуйидагиларни айтади:

«Бас, сен ҳаққа мойил бўлиб, динга юз тут. Бу

Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар» (30-оят).

Биз «ҳаққа мойил бўлиб» деб ўзбекчага ўгирган ибора ояти каримада биргина «ҳанийфан» сўзи билан ифода этилган. Араб тилида «ҳаниф» сўзи ёмонликдан яхшиликка, ботилдан ҳаққа юзланиш маъносида ишлатилади. Шунинг учун бу оятнинг мазмуни, барча ёмонликлардан юз ўгириб, ҳақ динга юз тут, бўлади. Яъни, бошқа ҳамма динлар, эътиқодларни қўйиб, Исломга ихлос ила юзлан, демакдир. Мушрик, кофир ва бошқалар ҳавойи нафсга эргашиб, ўзлариникини маъқуллайверади, уларнинг барини эътиборсиз қолдириб, ҳақ динга юзлан, деган маъно чиқади.

«Бу Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир».

Яъни, турли-туман динларга эмас, Исломга юзланиш табиати инсонларнинг асл табиатидир. Аллоҳ уларни ана шу асл табиати ила яратган.

Аллоҳ одамларнинг асл табиатларига Исломни, ягона Аллоҳга иймон келтиришни жойлаган. Аллоҳга ширк келтириш эса, инсоннинг асл табиатига зид бўлиб, илмсизлик ва ҳавойи нафсга эргашиш оқибатида пайдо бўлади.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир фарзанд асл табиат ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилади», деганлар.

Бу дин асл табиатидан узоқлашган одамларни асл табиатига қайтаради.

«Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас».

Яъни, асл табиатни ўзгартиришга уриниш ўринсиз чираниш бўлади.

«Ушбу тўғри диндир».

Ислом энг тўғри диндир. Ундан бошқа динга эътиқод

этган киши нотўғри йўлда юрган бўлади.

«Лекин одамларнинг кўпи билмаслар».

Шунинг учун ҳам илмсиз равишда ҳавойи нафсларига эргашиб, турли динларга кирадилар.

Ушбу оятдаги хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилган бўлса ҳам, барча мўминлар кўзда тутилган. Шу сабабли кейинги оятда хитоб умумлашади.

Ушбу ҳадисдан қуйидагича фойдалар оламиз:

1. Туғиладиган ҳар бир бола соф табиат билан туғилиши.

2. Ота-она тарбияси боланинг динига асос бўлиши.

3. Аллоҳ таоло бандани ҳеч қайси динда бўлишига мажбур қилмаслиги.

4. Маънавий нарсаларни тушунтириш учун ҳиссий мисоллар келтириш фойдали экани.

5. Ҳадислар маъносини таъкидлаш учун Қуръон оятларини далил қилиб келтириш аҳамиятли экани.

Ушбу ҳадисда катта ҳикмат мавжудлигини кўрамиз. Аввало, ўз қилмишига қазои қадарни рўқач қилиш нотўғри эканини тушуниб оламиз. Чунки Аллоҳ таоло ҳаммани соф табиат билан яратади. Баъзиларни соф табиатли, баъзиларни бузуқ табиатли қилиб яратмайди. Ўша соф табиатни сақлаб қолишда ёки уни бузиб юборишда инсоннинг ҳам ўрни бор.

Бу ишда ота-онанинг тутадиган ўрни жуда каттадир. Боланинг динининг шаклланишида ота-она ўз тарбияси билан муҳим ўрин тутади. Ота-онага Аллоҳ томонидан берилган неъматлар ичида энг улуғларидан бири фарзанддир. Ўша неъматнинг кадрига етиш эса, уни берувчи Зот яратган соф табиат ила Аллоҳнинг динида юрадиган қилиб тарбиялашдир. Бу ота-онанинг бурчидир. Ҳар бир мусулмон ота-она шу масъулиятни тўлиқ тушуниши, ушбу ҳадисда айтилган тарбиянинг аҳамиятига

катта эътибор бериши керак.

39- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: احْتَجَّ آدَمُ وَمُوسَى عَلَيْهِمَا السَّلَامُ
عِنْدَ رَبِّهِمَا فَحَجَّ آدَمُ مُوسَى قَالَ مُوسَى: أَنْتَ آدَمُ خَلَقَكَ اللَّهُ بِيَدِهِ
وَنَفَخَ فِيكَ مِنْ رُوحِهِ وَأَسَجَدَ لَكَ الْمَلَائِكَةُ وَأَسْكَنَكَ فِي جَنَّتِهِ ثُمَّ
أَهْبَطْتَ النَّاسَ بِخَطِيئَتِكَ إِلَى الْأَرْضِ فَقَالَ آدَمُ: أَنْتَ مُوسَى الَّذِي
اصْطَفَاكَ اللَّهُ بِرِسَالَتِهِ وَبِكَلَامِهِ وَأَعْطَاكَ الْأَلْوَابِحَ فِيهَا تَبَيَانُ كُلِّ شَيْءٍ
وَقَرَّبَكَ بَحِيًّا فَبِكُمْ وَحَدَّثَ اللَّهُ كَتَبَ التَّوْرَةَ قَبْلَ أَنْ أُخْلَقَ قَالَ
مُوسَى: بِأَرْبَعِينَ عَامًا، قَالَ آدَمُ: فَهَلْ وَحَدَّثَ فِيهَا وَعَصَى آدَمُ رَبَّهُ
فَعَوَى؟ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: أَفَتَلُومُنِي عَلَى أَنْ عَمِلْتُ عَمَلًا كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيَّ
أَنْ أَعْمَلَهُ قَبْلَ أَنْ يُخْلَقَنِي بِأَرْبَعِينَ سَنَةً؟ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَحَجَّ آدَمُ
مُوسَى. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

39. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Одам ва Мусо алайҳиссалом Роббилари хузурида тортишиб қолдилар. Бас, тортишувда Одам Мусодан голиб келди. Мусо:

«Аллоҳ сени Ўз қўли билан яратган, ичингга Ўз рухидан пуфлаган, фаришталарни сажда қилдирган, жаннатига жойлаган, сўнг ўз хатоинг ила одамларни ерга тушурган Одам сенмисан?» деди.

Шунда Одам:

«Аллоҳ Ўз пайғамбарлиги ва каломи ила танлаб олган, ичида ҳар бир нарсанинг баёни бор лавҳларни

берган ва муножот учун Ўзига яқинлаштирган Мусо сенмисан? Аллоҳ Тавротни менинг халқ қилинишимдан қанча олдин ёзган деб билдинг?» деди.

«Қирк йил», деди Мусо.

«Унда, Одам Роббисига исён қилди ва адашди, деганини кўрдингми?» деди Одам.

«Ҳа», деди Мусо.

«Сен менга Аллоҳ таоло мени яратишидан қирк йил олдин ёзиб қўйган амални қилганимни маломат қиласанми?» деди Одам.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Бас, Одам тортишувда Мусодан ғолиб келди», дедилар.

Бешовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда энг нозик масалалардан бири бўлмиш қазои қадар масаласининг энг нозик жойларидан бири баён қилинмоқда.

Бу масала Одам Атодан тортиб, ҳатто Мусо алайҳиссаломдек улкан пайғамбарда ҳам савол пайдо қилгани ҳақида сўз кетмоқда. Бу масала, ҳатто икки катта пайғамбар орасида ўзаро тортишувга сабаб бўлгани ҳақида баён қилинмоқда.

Бу ҳадисни муҳаддисларимиз турли йўллар ва турли матнлар билан чиқарганлар. Уларнинг ҳаммалари бир-бирини тўлдириб келади. Ўша ривоятларнинг бирининг матни қуйидагича:

«Мусо:

«Эй Роббим, бизни ҳам, ўзини ҳам жаннатдан чиқарган Одамни кўрсат», деди.

Бас, Аллоҳ унга отаси Одам алайҳиссаломни кўрсатди.

«Сен отамиз Одаммисан?» деди.

«Ҳа», деди.

«Аллоҳ ичингга Ўз руҳидан пуфлаган, исмларнинг

барчасини ўргатган, фаришталарни сажда қилишга амр қилган сенмисан?» деди.

«Ҳа», деди.

«Сени бизни ҳам, ўзингни ҳам жаннатдан чиқаришингга нима мажбур қилди?» деди.

«Сен кимсан?» деди Одам.

«Мен Мусоман», деди.

«Роббинг Ўз пайғамбарлиги ила танлаб олган сенмисан? Аллоҳ ҳижоб ортида туриб сен билан Ўзи орасида махлуқотларидан элчи қўймай гаплашган Бани Исроилнинг пайғамбари сенмисан?» деди.

«Ҳа», деди.

«Сен ўшани мен яратилишимдан олдин Аллоҳнинг китобида бор эканини билмадингми? Ўзимдан олдин Аллоҳнинг қазоси кетган нарсада мени маломат қиласанми?» деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бас, Одам Мусони тортишувда енгди. Бас, Одам Мусони тортишувда енгди. Бас, Одам Мусони тортишувда енгди», дедилар».

Очиқ-ойдин кўриниб турибди, гап биринчи ҳадисни ўқиб, зоҳиран қараганда хаёлга келадиган фикр ҳақида кетаётгани йўқ. Гап Одам алайҳиссаломнинг қилган хатоси Аллоҳ у кишига мажбур қилганидан содир бўлгани ҳақида кетаётгани йўқ. Одам алайҳиссалом ўша машъум хатони қилиб, ман қилинган дарахт мевасидан еб қўйишимда менинг айбим йўқ, демоқчи ҳам эмаслар. Уни Аллоҳ менга мажбур қилиб бажартирди, шунинг учун мени маломат қилма, демоқчи ҳам эмаслар. Гап умуман бошқа нарса ҳақида кетмоқда.

Аввало, Одам алайҳиссалом ўз хатосини тан олиб, тавба қилгани маълум ва машҳур. Буни ҳамма бирдек эътироф қилади.

Қуръони Каримда Одам алайҳиссаломнинг тавба

қилишлари ҳақидаги оятлар такрор-такрор келган. Одам алайҳиссалом машъум хатони қилиб, ман қилинган дарахтнинг мевасидан едилар. Аллоҳ: «Нима учун ман қилинган нарсани единг?!» деб итоб қилди. Ўшанда Одам алайҳиссалом:

«Эй Роббим, Ўзинг аввалдан тақдир қилганинг учун едим. Менда айб йўқ», демади. Балки:

«Эй Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар Ўзинг бизни мағфират қилмасанг, бизга раҳм қилмасанг зиёнкорлардан бўламиз», деди.

Одам алайҳиссаломдек зот Аллоҳ таолога бир гапни, Мусо алайҳиссаломга бошқа гапни айтмайди. Ўзидан содир бўлган бир хато ҳақида Аллоҳга «Айб менда», деб туриб, Мусо алайҳиссаломга «Менда айб йўқ», демайди.

Биз ўрганаётган ҳадисда гап Одам алайҳиссаломнинг хатосини тан олмасдан, унга қадарни рўқач қилаётгани ҳақида кетмаётгани шундан. Ундоқ бўлса, гап нима ҳақида кетмоқда?

Ушбу мавзудаги ҳадисларни ўрганиб чиқсак, қуйидагилар маълум бўлади: Мусо алайҳиссалом ўз даврларида кўп машаққатларни чекдилар. Ўзларидан бошқа одам фарзандлари ҳам қийинчилик ичида яшаётганларини кўрдилар.

Айниқса, Бани Исроилнинг Фиръавн зулми остида азоблар чекаётганига жонли гувоҳ бўлдилар. Албатта, «бу машаққатлар, қийинчиликлар, азоб-уқубатларнинг сабаби нима?» деб ўйлаганлар. Охири бориб, «Одам жаннатдан қувилмаганда шу нарсалар бўлмасмиди?» деган фикрга ҳам келганлар. Ҳамма балонинг боши Одам Ато содир этган биринчи хатода, деган хаёлга борганлар.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолога мурожаат қилиб: «Эй Роббим, менга бизни ҳам, ўзини ҳам жаннатдан чиқарган Одамни кўрсат», деганлар. Сўнгра Аллоҳ таоло у зотга оталари Одам алайҳиссаломни кўрсатган ва ораларида

мазкур тортишув бўлиб ўтган. Тортишувни диққат билан ўргансак, кўп нарса маълум бўлади.

Мусо алайҳиссалом инсониятнинг машаққат чекишини Одам алайҳиссаломга юкламоқчи бўлмоқдалар: агар сен ўша машъум хатони қилмаганингда, инсоният жаннатдан чиқмай юраверар эди, бунчалик қийинчилик, азоб-укубат ва машаққатлар бўлмас эди», демоқчи бўладилар. Одам алайҳиссалом эса, инсониятнинг дунёга келиши ва мазкур ҳолатда яшашига ўз хатоларининг алоқаси йўқлигини исбот қилмоқчи бўладилар.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг хатоси туфайли бу одамларни яратгани йўқ. Инсонларнинг бу шаклда яшашини тақдир қилгани йўқ. Бу нарса олдиндан белгилаб қўйилган эди. Одам алайҳиссалом тортишувда шу далилни келтирдилар.

Мусо алайҳиссалом ҳам бунга қаноат ҳосил қилдилар. Шу тариқа Одам алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломни енгдилар.

Ушбу ҳадисдан куйидаги фойдаларни оламиз:

1. Одам ва Мусо алайҳиссалом орасида Аллоҳнинг ҳузурида тортишув бўлгани.

2. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни Ўз қўли билан яратгани.

3. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга Ўз руҳидан пуфлагани.

4. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга фаришталарини сажда қилдиргани.

5. Аллоҳ таолонинг Одам алайҳиссаломни жаннатга жойлаштиргани.

6. Сўнгра одамларни ерга туширгани.

7. Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломни Ўз пайғамбарлиги ва каломи ила танлаб олгани.

8. Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломга ҳар бир нарсанинг баёни ёзилган лавҳалар бергани.

9. Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломни Ўзига яқинлаштириб муножот қилгани.

10. Аллоҳ Тавротни Одам алайҳиссаломнинг яратилишидан қирқ йил олдин ёзганлиги.

11. Тавротда: «Одам Роббисига исён қилди ва адашди» деган ёзув борлиги.

12. Инсонни унинг дахли йўқ нарсада маломат қилиб бўлмаслиги.

13. Тортишув пайтида бир-бирининг яхши фазилатларини эслатиш маъқуллиги.

14. Одам алайҳиссалом Мусо алайҳиссалом билан бўлган тортишувда ютиб чиққанлиги.

Ушбу ҳадиси шарифни ўрганиш давомида кўпгина ҳикматлардан хабардор бўлдик. Жумладан, бир мавзу бўйича бир дона ҳадиснинг сиртига қараб туриб ҳукм чиқариш хатарли эканини яхши тушуниб олдик.

Қадимдан кўпчилик нобакорлар, ушбу биз ўрганган ҳадиснинг сиртидан ҳукм чиқариб: «Одам қадарни рўқач қилиб кўрсатиб, Мусони енгди, биз ҳам гуноҳимизни ихтиёримиз билан қилаётганимиз йўқ, Аллоҳ тақдиримизга ёзган экан, қандоқ қиламиз», деган баҳона қилиб келган эканлар. Аслида эса, Одам алайҳиссалом ўзида бутун инсониятнинг бахтсизлиги учун жавобгарликни инкор этган, бу нарса Аллоҳнинг азалдан белгилаб қўйган илми асосида бўлаётганини айтган эканлар. Аммо, биринчи хатога йўл қўйган чоғларидаёқ, эътироф этиб, тавба қилганлар. Аллоҳ таоло у зотнинг тавбаларини қабул этган.

«Демак,—дейди аввалги уламоларимиз,—инсон ўз касбига жавобгар, у Аллоҳнинг амри билан бўлган ва ўзининг дахли йўқ нарса учун маломат қилинмайди. Оламнинг мавжудлигига ва унда одамларнинг тарқалганига Одам алайҳиссаломнинг хатолари сабаб ҳам эмас, одамларнинг машаққатларига у зот жавобгар ҳам

эмас».

Демак, нобакорларнинг ўз гуноҳларига қадарни узр қилиб кўрсатишлари ҳам тўғри эмас. Агар улар айтган гап тўғри чиқиб, инсон ҳамма ишини мажбур бўлиб қилганида эди, дунёнинг низоми тамоман мантиқсиз бўларди. Унда яхши билан ёмоннинг фарқи қолмас эди. Чунки яхши яхшиликни мажбур бўлиб қилмоқда. Шунинг учун яхшилиги унга фазл бўла олмайди. Ёмон ёмонлигини мажбур бўлиб қилмоқда. Шунинг учун ёмонлиги унга айб бўла олмайди. Ким нима қилса, жавобгар эмас, хоҳлаган ёмонлигини қилаверади.

Бу фикр жуда хатарли, у дунёнинг бузилишига қақирқидир. Бу фикр дунёдаги динлар, шариатлар, пайғамбарлар, илоҳий китоблар–ҳаммаси беҳуда, деган гап. Чунки улар одамларни ёмонликдан қайтариб, яхшиликка қақирадилар.

Ўз амалига қадарни рўқач қиладиган нобакорлар эса: «Буларнинг фойдаси йўқ, инсон–фақат олдиндан белгилаб қўйилган нарсани бажаришдан бошқа иложи йўқ нарса», дейдилар. Ушбу фикр қаерда тарқалса, ўша ерда бало-офат ҳам тарқайди. Ўша ерда ёмонлик ҳеч қандай тўсиқсиз бемалол урчийди. Ҳар қандай масъулият, жавобгарлик осонлик билан тарк этилади. Оқибатда ҳамма нарса расво бўлади. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Қазою қадар ақийдасини тузатиб, асл исломий ҳолига келтириш диний ислоҳнинг муҳим вазифаларидандир. Қазо ва қадар ақийдаси аввалгидек мусулмонларни ўлимдан, қийинчиликдан кўрқмай: «Бизга Аллоҳ ёзган нарсадан бошқа ҳеч мусибат етмас», деб олға юришга чорлаши керак.

Қазою қадар масаласи, инсон ўз касби учун жавобгар эканини исбот қиларкан, мусулмонларни фақат яхшилик қилишга, барча ёмонликни тарк этишга биринчи омил бўлиши керак. Ҳеч ким қазои қадарни рўқач қилиб, ўзини

масъулиятдан олиб қоча олмайди. Бир ўғри ҳазрати Умарга:

«Қазои қадар шу экан, ўғрилик қилибман, нега энди кўлимни кесар экансан?» деганида у киши:

«Сен қазои қадар ила ўғрилик қилган бўлсанг, мен қазои қадар ила кўлингни кесаман», деган эканлар.

Кейин ҳазрати Умар ўз вазифадорларига:

«Уни аввал ўттиз дарра уриб, сўнгра кўлини кесинглар!» дедилар.

«Нима учун?» дейишди.

«Аллоҳ таолога нисбатан ёлғон нисбат бергани учун дарра урилади ва ўғрилик қилгани учун кўли кесилади», дедилар.

Қазои қадар дангасалик, гуноҳларни қилишга баҳона бўлиши мутлақо мумкин эмас. Бу масала улуғ ишларни бажариш ва олий ғояларга эришиш унвони бўлиши зарур.

Қадарни қадар ила даф қилиш маъносини ҳам унутмаслик зарур. Очлик қадари озуқаланиш қадари ила даф қилинади. Чанқоқ қадари сероб бўлиш қадари ила даф қилинади. Беморлик қадари даволаниш қадари ила даф қилинади.

Ҳазрати Умар розияллоху анху Шомга борганларида у ерда вабо тарқалганини эшитиб орқага қайтишга қарор қилдилар.

Шунда Абу Убайда розияллоху анху:

«Аллоҳнинг қадаридан қочибми?» деди.

Ҳазрати Умар розияллоху анху унга:

«Шуни сендан бошқа айтса бўлмасмиди!? Ҳа, Аллоҳнинг қадаридан, Аллоҳнинг қадарига қочамиз. Айтгин-чи, агар сенинг туяларинг бўлсаю, улар икки бўлинган бир водийга тушсалар. Бўлақларнинг бири серҳосил бўлсаю бошқаси куруқ бўлса, ҳосилдорида боқсанг ҳам Аллоҳнинг қадари ила боқасан, куруғида боқсанг ҳам Аллоҳнинг қадари ила боқасан. Шундай

эмасми?!» дедилар.

Бу ишда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари ҳаммамиз учун яхши ўрнақдирлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фақирликка қарши иш билан, жаҳолатга қарши илм билан, беморликка қарши даволаниш билан курашганлар. У зот маҳзунлик, ожизлик, дангасалик каби ҳолатлардан паноҳ тилаганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қадар масаласини нотўғри талқин қилишдан қайтарганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда у зот:

«Охири замонда бир қавм пайдо бўлади. Улар маъсиятларни қиладилар. Сўнгра, буни бизга Аллоҳ тақдир қилган, дейдилар. Уларга рад қилувчи киши худди Аллоҳнинг йўлида қилич ялонғочлаган киши кабидир», деганлар.

Қазо ва қадар масаласи тўғри англаб етилганда ва унга тўғри амал қилинганда мусулмонлар ўзларининг аввалги шон-шуҳратларини тиклашлари ҳамда дунёда ўзларининг муносиб жойларини эгаллашлари мумкин.

40- عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ : حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَهُوَ الصَّادِقُ الْمَصْدُوقُ إِنَّ أَحَدَكُمْ يُجْمَعُ خَلْقُهُ فِي بَطْنِ أُمِّهِ أَرْبَعِينَ يَوْمًا نُطْفَةً ثُمَّ يَكُونُ عَلَقَةً مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ يَكُونُ مُضْغَةً مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ يُنْفَخُ فِيهِ الرُّوحُ وَيُؤَمَّرُ بِأَرْبَعِ كَلِمَاتٍ يَكْتُبُ رِزْقَهُ وَأَجَلَهُ وَعَمَلِهِ وَشَقِيٍّ أَوْ سَعِيدٍ فَوَاللَّهِ الَّذِي لَا إِلَهَ غَيْرُهُ إِنَّ أَحَدَكُمْ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ حَتَّىٰ مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ فَيَدْخُلُهَا وَإِنَّ أَحَدَكُمْ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ حَتَّىٰ مَا يَكُونُ بَيْنَهُ

وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ
فَيَدْخُلُهَا. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

40. *Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хадис айтдилар. У зот содиқу масдукдирлар:

«Сизнинг ҳар бирингизнинг халқ қилиниш моддаси онасининг қорнида маний холида қирқ кун жам қилинади. Сўнгра ана шу мислича алақа (зулуксимон қон) бўлади. Сўнгра ана шу мислича музга (чайналган гўшт) бўлади. Сўнгра ичига руҳ пуфланади. Ва тўрт калима: ризқи, ажали, амали ва бадбахт ёки некбахтлигини ёзиш амр қилинади. Ундан бошқа илоҳий маъбуд йўқ Зот билан қасамки, бирингиз жаннат аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан жаннат орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, дўзах аҳлининг амалини қилади-да, унга киради. Албатта, бирингиз дўзах аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан дўзах орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, жаннат аҳлининг амалини қилади-да, унга киради», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Абдуллоҳдан ривоят қилинди, дейилса, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу кўзда тутилган бўладилар. Ушбу хадиснинг муқаддимасида ровий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир сўзлари рост, тасдиқланган зот эканликларини таъкидлаб қўймоқдалар. У кишининг:

«У зот содиқу масдукдирлар», деган гапи шу маънони ифода қилади. Содиқлик сифати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг машҳур, энг кўп тарқалган сифатларидан бири экани яхши маълум.

Масдудқликлари эса, яъни, ростгўйликлари тасдиқланган зот эканликлари ҳам худди шундоқ маълум ва машҳурдир. Ровийнинг аввал бу сўзларни айтиб олиб, кейин ўзлари эшитган ҳадисни ривоят қилишга киришишларидан мақсадлари—бу ҳадисда келадиган маъноларга шак-шубҳа бўлмаслиги керак, деганларидир.

Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг илми нақадар чексиз экани, нақадар шомил экани, нақадар аниқ экани баён қилинмоқда. Шунингдек, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани аниқ ўлчов билан қилишлиги, у ўлчов ўзгармаслиги ҳамда ўша нарсаларни Аллоҳ таоло азалдан қиёматгача аниқ ва равшан билиб туриши баён қилинмоқда. Келинг, ҳадиси шарифда баён этилган фикрлар билан бирин-кетин танишиб чиқайлик:

«Сизнинг ҳар бирингизнинг халқ қилиниш моддаси онасининг қорнида маний ҳолида қирқ кун жам қилинади».

Ким жам қилади? Албатта, Аллоҳ таоло жам қилади. Демак, ҳар бир инсон отасининг сулбидан маний ҳолида онасининг қорнига-бачадонига ўтиши фақат Аллоҳнинг илми ва тадбири ила бўлади. Дунёдаги неча миллиардлаб одам ўтган бўлса ҳаммаси шундоқ бўлган. Ҳозирги лаҳзада дунё бўйича неча сулбдан қанча маний, неча раҳмга ўтаётган бўлса ҳам Аллоҳ билиб турибди. Лекин манийнинг бачадонга ўтиши бола пайдо бўлди, дегани эмас. Ўша манийдаги уруғлик аёлнинг тухумига урчиши керак. Бу эса, Аллоҳнинг иродасисиз, тадбирисиз бўлмайди. Ота-она жинсий алоқа лаззатини ҳис қилишлари мумкин, лекин маний нима бўлаяпти? Уруғлик урчишга йўқми, била олмайдилар. Ҳомила бўлган-бўлмаганини била олмай, аломатларидан биладиганларига мурожаат қиладилар. Уруғликнинг урчиши ҳақида уларнинг ҳеч қандай илми йўқ. Буни фақат чексиз илм соҳиби—Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Аллоҳ таоло

отанинг сулбидан ўтган манийни онанинг қорнида қирк кун жамланиб туришини ирода қилган экан. Ана ўша муддатда турган маний урчиса, ҳомила бўлади. Ундан олдин тушиб кетса, ҳомила бўлмайди. Албатта, бунинг ҳаммаси Аллоҳнинг илми ва қудрати билан бўлади.

«Сўнгра ана шу мислича алақа (зулуксимон қон) бўлади».

Яъни, юқорида зикр қилинган муддат мислича–қирк кун алақа ҳолида туради. «Алақа»ни эски китобларимизда «лахта қон» деб айтилган. Араб тилида «Алақа» сўзи зулукни англатади. Ҳа, қон сўрадиган ҳайвон, зулук, арабчада «Алақа» дейилади. Қадимги кишилар бачадоннинг ичида зулук нима қилади, дейишган бўлса керак, унинг моддасини эътиборга олиб «лахта қон» деб айтишган. Илм ривожланиб, ҳозирда бачадон ичини асбоблар билан кўриш ва сувратга олиш имкони туғилди. Ҳомиланинг «алақа»лик ҳолини сувратга туширсалар, бачадон деворига ёпишиб ётган зулук бўлиб сувратга тушган. Дунёнинг кўзга кўринган олимлари ҳадисдаги улкан илмий ҳақиқатга тан бериб, ҳомиланинг бошқа ҳолатларини ҳам ўрганиб чиқдилар. Ҳомиланинг барча ҳолатлари Қуръон ва Суннатдаги аниқ васф қилинганидай ҳеч бир жойда васф қилинмаганини эътироф қилдилар. Қуръон ва Суннат оддий нарса эмас, илоҳий мўъжиза эканини таъкидладилар.

Аллоҳ таоло ана ўша сон-саноксиз бачадонлардаги нутфаларни алақага айланиш жараёнини яхши билиб туради ва тадбирини қилади. Бу жараённи У Зоти Олийдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳатто аёлларнинг ўзлари ҳам ўз бачадонларидаги нутфа қайси лаҳзада қандоқ қилиб нутфадан алақага айланганини билмайдилар. Битта бачадондаги жараённи бутун дунё бир бўлиб пойласа ҳам, унга аралаша олмайди, аниғини билмайди. Аллоҳ таоло эса, ҳамма бачадонлардаги жараённи билиб турувчидир.

Одам дунёга келгандан бери, қиёматгача билувчидир.

«Сўнгра ана шу мисличча музға (чайналган гўшт) бўлади».

Яъни, алақа бўлгандан сўнгра ана шу муддат– қирқ кун мисличча музға бўлади. Энди зулуксимон лахта қон бачадонда чайналган гўшт ҳолига айланиб, қирқ кун туради. Бу ҳам олдин васф қилинганидек, фақат ягона Аллоҳ таолонинг илми ва тадбири ила бўлади. Аллоҳ таоло ирода қилмаса, хоҳ нутфалик, хоҳ алақалик, хоҳ музғалик ҳолида, бошқа ҳолга айланмай бачадондан тушиб кетади. Бечора бачадон эгаси эса, уни тушиш жараёнидаги ўзгаришлардан сезади, холос.

«Сўнгра ичига рух пуфланади».

Яъни, музға бачадонда қирқ кун тургандан кейин ичига рух-жон пуфланади. Ушбу жараён энг муҳим жараён ҳисобланади. Бу ҳаётнинг улкан сиридир. Ҳозиргача ҳеч ким жон нима, у инсон ичига қандоқ пуфланади, буни билмайди. Инсон ўзининг узоқ ҳаёти давомида бу сирни англаб етиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди, аммо англай олмади. Ҳамма нарсани билишни даъво қилаётган инсон шунчалар жохил, у дунё сирларини биламан, деб даъво қиладию, ақалли ўзини ҳам билмайди. Бу сирни фақат Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина билади. Фақат билибгина қолмай, тадбирини ҳам қилади.

Ана энди, биз ўрганаётган мавзу, қазо ва қадарга тегишли жараён бошланади.

«Ва тўрт калима: ризқи, ажали, амали ва бадбахт ёки некбахтлигини ёзиш амр қилинади».

Кимга амр қилинади? Вакил қилинган фариштага амр қилинади.

Ким амр қилади? Аллоҳ таоло амр қилади.

Нима амр қилинади? Ёзиш амр қилинади.

Ёзиш нима дегани? Ёзиш билимни қайд қилиш, дегани.

«Илмни ёзиш ила қайд қилинлар», дейилган бир

ривоятда. Ёзиш илмни янада аниқроқ исбот қилиб қўйишни англатади. Бирор нарсани ёзиб, илмни қайд қилиб қўйиш, бошқа бировни ўша ёзилган нарсага мажбур қилиш, дегани эмас. Хусусан, ўша ёзилган нарса сир тугилса, умуман ҳеч қандай таъсири бўлмайди, бўлиши мумкин ҳам эмас. Инсон онаси қорнида турганида, келажакда бўладиган унга тегишли маълумотлар, Аллоҳнинг илми қайд қилинади. Хўш, ушбу илмни ёзиб қўйиш–қайд қилишни уни мажбурлаш, деб бўладими? Йўқ, албатта! Хусусан, қайд қилинган нарсалар, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарсалар-ку! Энди мазкур тўрт нарсани алоҳида ўрганиб чиқайлик:

1. Ризқ.

Дунёдаги барча жонзотларнинг ризқини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади. Бу жонзотларнинг қайси бирига қачон, қанча ва қандоқ ризқ тегишини Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Бутун дунё тўпланиб, биргина жонзотнинг бир лаҳзалик ризқини билмоқчи бўлсалар, бунга эриша олмайдилар. Халқ ичида «ютганинг ўзингники, чайнаганинг гумон», деган нақл бор. Бу гап ризқ Аллоҳдан бошқа ҳаммага гумон эканини таъкидлаш учун айтилган. Кишининг оғзида чайнаб турган таоми ўзига ризқ бўладими-йўқми, била олмайди, деган маънодаги гап. Аслида бу ҳам унча аниқ ифода эмас. Ютганинг ҳам гумон бўлади. Чунки томоқдан ўтган нарсани ҳам тўлиқ ризқ бўлади, деб айта олмаймиз. Аллоҳ унинг ризқ бўлишини хоҳламаса, ўша таом заҳарга айланиб, инсонни бемор қилиши ёки ҳалок этиши мумкин. Ёки кўнгилни айнитиб, қуски бўлиб, чиқиб кетиши мумкин. Хўш, шунчалик сир нарса инсон ҳаётига таъсир қилиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Барча жонзотларни йўқдан бор қилган Зот ҳам, шу жумладан, инсонни яратган Зот ҳам, Аллоҳ таолодир. Унинг нутфалигидан олдин ҳам, ўлгандан кейин ҳам барча

ҳолатларини аниқ биладигон Зот Аллоҳдир. Дунёдаги барча ризқларни яратган, уларни яхши ва тўлиқ биладиган, тадбирини қиладиган Зот ҳам Аллоҳдир. Бинобарин, ҳар бир инсонга қанча ва қандоқ ризқ тегишини ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзи билиши ғариб нарса эмас. Ўша Ўзи билган нарсани фаришталаридан бирига айтиб, ёздириб қўйиши ҳам қийин эмас. Аллоҳнинг бу илмида мажбурлаш аломати йўқ.

2. Ажал.

Бу иш ҳам фақат Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарсалардан. Аллоҳ Ўзининг шомил илми ила барча жонзотнинг, жумладан, ҳар бир инсоннинг ажалини аниқ билади. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳатто мукқараб фаришталар ҳам, бирор жонзотнинг ажалини билмайди. Дунёнинг ҳаммаси тўпланиб, бир дона кичкина қумурсқанинг ажалини билишга ҳаракат қилсалар ҳам, удалай олмайдилар. Дунёдаги барча жонзотни, жумладан, инсонларни яратган Зот–Аллоҳ. Уларга жон ато этган Зот–Аллоҳ. Уларни ўлдирадиган Зот–Аллоҳ. Бинобарин, ҳар бир жонзотнинг, жумладан, ҳар бир инсоннинг ажалини фақат Аллоҳнинг Ўзи билиши ғариб эмас. Ўша Ўзи билган нарсани фаришталаридан бирига айтиб ёздириб қўйиши, қийин эмас. Аллоҳнинг бу илмида ҳам мажбурлаш йўқ.

3. Амал.

Бунинг илми ҳам, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган нарсалардан бири. Инсон нафақат бошқаларнинг, ҳатто ўзининг ҳам бир оздан сўнг нима қилишини ҳеч ким аниқ билмайди. Инсон бир нарсани ният қилади, унинг учун интилади. Аммо, ўша ишнинг амалга ошиши ёки амалга ошмаслиги Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Аллоҳ хоҳлаган иш бўлади, хоҳламагани бўлмай қолади. Шу сабабдан, Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг туғилганидан тортиб, ўлгунига қадар қиладиган амалини тўлиқ ва аниқ билиши ғариб эмас.

Чунки инсонни Аллоҳ яратган ва унинг барча имкониятлари, хусусиятлари ва бошқа нарсаларини тўлиқ ва аниқ биладиган ягона Зот–Аллоҳ. Шунингдек, инсон ҳаёт кечирадиган дунёни яратган Зот ҳам–Аллоҳ. Бу дунёнинг икир-чикирлари, майда-чуйдаларигача тўлиқ ва аниқ биладиган Зот–Аллоҳ. Инсоннинг ҳам, дунёнинг ҳамма тасарруфини қилиб турадиган Зот–Аллоҳ.

Бинобарин, инсоннинг нима амал қилишини ягона Аллоҳнинг Ўзи билиши ҳақ гап. Агар Аллоҳ бу нарсани билмаса, Аллоҳлиги қолармиди?! Аллоҳ ўша Ўзи билган инсон амалларини фаришталаридан бирига айтиб, ёздириб қўйиши қийин эмас. Ўз навбатида Аллоҳнинг бу илми бандани у ёки бу амални қилишга мажбурлаш ҳам эмас.

4. Бадбахт ёки некбахтлик.

Ҳар бир инсон бахтли ёки бахтсиз эканини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Билганда ҳам Ўзининг ҳамма нарсани қамраб олувчи илми ила азалдан билади. Нафақат инсонга онасининг қорнида жон пуфлаганда, балки азалдан билади. Ушбу ҳадисда айтилаётган маъно, ўша азалий илмни қайд қилиш холос. Бутун инсоният тўпланиб олиб, ичларидан битталарини ҳақиқий бахтли ёки бадбахт эканини билишга уринсалар ҳам, била олмайдилар. Ҳатто пайғамбарларнинг саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам фақат Аллоҳнинг билдириши ила ўн кишинигина жаннатга кириши ҳақида башорат берганлар, холос. Қолганларнинг нима бўлишини Аллоҳнинг Ўзигина билади.

Аллоҳ таоло ўша илмни фаришталаридан бирига айтиб ёздириб қўйиши, қийин эмас. Шу билан бирга, ўша илмни, ёзиб қайд қилиб қўйиш бандани бадбахт ёки некбахт бўлишига мажбур қилиш эмас. Чунки илм бир нарсани кашф қилувчи нурдур, бировни мажбур қилувчи куч эмасдир!

Эътибор берайлик, энди ҳадиснинг давомида нима

учун одамлар бир-бирларининг ёки ўзларининг бадбахт ёки некбахтлигини била олмасликлари баён қилинади. Пайғамбаримиз ҳадиснинг бу қисмини:

«Ундан бошқа илохий маъбуд йўқ Зот билан қасамки», деб бошламоқдалар. Бу эса, келажак гапнинг ўта муҳим эканига далолатдир.

«...бирингиз жаннат аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан жаннатнинг орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, дўзах аҳлининг амалини қилади-да, унга киради».

Одамни нима бўлишини ким билар эди? Ҳатто ўша одамнинг ўзи ҳам билмайди. Умр бўйи тоат-ибодатда юриб, охирида шайтоннинг иғвосига учиб иши расво бўлиши мумкин.

«Албатта, бирингиз дўзах аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан дўзахнинг орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, жаннат аҳлининг амалини қилади-да, жаннатга киради».

Бунақаси ҳам бўлиши мумкин. Умр бўйи нима қилиб юрган бўлса-да, охирги пайтда инсонлиги кўзиб, яхши бир амал билан ҳоли батамом ўзгариб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам «Ақоид» уламолари ушбу ҳадиси шарифни ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларни далил қилиб: «Аҳли қибладан муайян шахсни жаннатий ёки дўзахий эканига қатъий ҳукм қилиб бўлмайди», дейдилар.

Аммо юқорида зикр қилинган икки ҳолатда ҳам қадарнинг, Аллоҳнинг собиқ илмининг мажбурий таъсири йўқ. Китобнинг ўзиб кетиши эса, унда ёзилган илмнинг ўта аниқ ва пухта эканини билдиради холос. Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг илми шомилу комил, аниғу пухта, ҳамма нарсани қамраб олувчи экани баён қилинди. Бу ҳақиқатни бирма-бир ўрганиб чикдик. Ҳадиснинг охирида инсон ўз амали асосида ҳукм чиқариб, Аллоҳни унутиб кўймаслиги ёки кўнгли бир оз бўлса ҳам бошқа томонга

бурилиши мумкин эмаслиги таъкидланмоқда. Биров «умрим бўйича яхши амал қилдим, энди, албатта, жаннатга кираман», деб хотиржам бўлмасин! Ҳатто умрининг охирги лаҳзасида ҳам иш бошқачага айланиб кетиши мумкин. Чунки ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан бўлади. Биров «мен умрим бўйи гуноҳ қилиб ўтдим, энди, албатта, дўзахга тушаман», деб ноумид бўлмасин! Ҳатто умрининг охирги лаҳзасида ҳам иш бошқачага айланиб кетиши мумкин. Чунки ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан бўлади.

Ишларнинг хотимасига қараб яқун ясалади. Умрнинг интиҳоси қачонлигини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини умрнинг охири деб билиш керак. Яхшилик қилиб юрганлар, охирги иши ёмонлик бўлиб қолмаслиги учун интилиши керак. Ёмонлик қилганлар, қолган ҳар бир лаҳзани умрнинг охирги лаҳзаси, деб яхшилик қилишга ўтиши керак. Қазо ва қадарга бўлган иймоннинг фойдаси ҳам шунда! Кишини доимо яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариб туришида!

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг содику масдукликлари.

2. Инсон онасининг қорнида маний ҳолида қирқ кун жам бўлиши.

3. Инсон онасининг қорнида алақа ҳолида қирқ кун қолиши.

4. Инсон онасининг қорнида музға ҳолида қирқ кун қолиши.

5. Сўнгра инсонга руҳ пуфланиши.

6. Аллоҳ таолонинг ҳар бир инсоннинг ризқини, ажалини, амалини, бадбахт ёки некбахтлигини азалдан билиши.

7. Бу илмни инсон онаси қорнида турганида ёзиб, қайд қилиб қўйилиши.

8. Бирор гапни таъкидлаш учун Аллоҳнинг номи ёки сифати ила қасам ичиш жоизлиги.

9. Умр бўйи жаннат аҳлининг амалини қилиб юрган одам охирида дўзах аҳлининг амалини қилиб қўйиб, дўзахга тушиб қолиши мумкинлиги.

10. Умр бўйи дўзах аҳлининг амалини қилиб юрган одам охирида жаннат аҳлининг амалини қилиб, жаннатга кириб қолиши мумкинлиги.

11. Ўзининг яхши амалидан қувониб, бепарво бўлиш яхши эмаслиги.

12. Ўзининг ёмон ишларидан тушкунликка тушиб, ноумид бўлиш керак эмаслиги.

13. Қазои қадарга нисбатан иймоннинг мустаҳкам бўлиши зарурлиги.

41- عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ : كُنْ شَيْءٍ بِقَضَاءٍ وَقَدْرٍ حَتَّى الْعَجْزُ وَالْكَيسُ . رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَمَالِكٌ .

41. Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ҳар бир нарса, ҳатто ожизлик ва ақллилик ҳам қазои қадар билан», дедилар».

Икки Шайх ва Имом Молик ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадисларида ҳар бир нарса қазои қадар билан бўлишини таъкидламоқдалар. Бунга иймон келтириш мўмин-мусулмон одамнинг Аллоҳга бўлган иймонининг тугал бўлишидир.

Ҳадиснинг охирида кишилар унча эътибор бермайдиган икки нарса—ожизлик ва ақллилик ҳам қазои қадар ила экани айтилмоқда. Албатта, бу нарсалар фитрий, асл табиатда бор нарсалар бўлиб, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни яратиш пайтида ушбу нарсаларни ҳам қўшиб

яратади. Одатда, булар инсоннинг дахли йўк нарсалар ҳисобланади. Аллоҳ кимга ўткир ақл берса, ўткир ақлли бўлади. Аллоҳ бермаса, аксинча, бўлади. Шунингдек, ожизлик ҳам. Фақат инсон ўзига берилган нарсани тўғри ишлатишда масъулдир. Ақли ўтмас одамдан: «Нимага ақлингни ўткир қилиб олмадинг?» деб сўроқ қилинмайди. Аммо «нима учун ақлингни етганича ишлатмадинг?» дейилиши мумкин.

42- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ قَالَ: جَاءَ مُشْرِكُو قُرَيْشٍ يُخَاصِمُونَ

رَسُولَ اللَّهِ ρ فِي الْقَدْرِ فَنَزَلَتْ {يَوْمَ يُسْحَبُونَ فِي النَّارِ عَلَى وُجُوهِهِمْ
ذُوقُوا مَسَّ سَقَرَ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ}.

42. *Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига Қурайш мушриклари қадар ҳақида тортишиб келганларида, «Улар юзгубан дўзахга судраладиган кунларида, «Жаҳаннам азобини татиб кўринг! Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик» ояти нозил бўлди».

Шарҳ: Араб мушриклари Аллоҳ таолонинг борлигига ишонганлари билан унинг баъзи сифатларига ишонмас, жумладан, қадар масаласига ҳам иймон келтирмас эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом чақириғини бошлаб, ҳақ динни баён қила бошлаганларида, улар турли қаршиликлар кўрсатдилар. Жумладан, қадар масаласини баён қилганларида, бунга қарши турдилар. Уларнинг бошлиқлари тўпланиб келиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қадар ҳақида мужодала қилдилар: «Қадар деган нарса йўк, Аллоҳ ҳамма нарсани илгаридан билиши мумкин эмас. У ишларни вужудга келганидан сўнггина билади», дедилар. Ана ўшанда Аллоҳ

таоло уларнинг бу гаплари зиддига Қамар сурасидаги: «Улар юзтубан дўзахга судраладиган кунларида, «Жаҳаннам азобини татиб кўринг! Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик» оятини нозил қилди. Шу билан мушрикларнинг гаплари нотўғри, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари тўғри экани исботланди.

Аслида, Қамар сурасида бу гаплар бир эмас икки оятда келган. Аллоҳ таоло мазкур икки оятда қуйидагиларни айтади:

«Юзтубан дўзахга судраладиган кунда, жаҳаннам азобини татиб кўринг. Албатта, Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик, (дейилур)» (48–49-оятлар).

Мушриклар юзтубан қилиб дўзах томон судраладиган қиёмат кунида адашувда, ўт-оловнинг ичида бўладилар. Ўша кунда мазкур азобларга гирифтор бўлиб турганларида уларга: **«Жаҳаннам азобини татиб кўринг, (дейилур)».**

Сўнгра қадар бор ҳақиқат эканини исбот қилинади.

«Албатта, Биз ҳар нарсани қадар–ўлчов билан яратдик».

Ушбу оятдаги қадар–ўлчов сўзининг икки хил шарҳи бўлиб, бири «қазои қадар» маъносини, иккинчиси «миқдор», «ўлчов» маъносини англатади. Икки маъно ҳам бир-бирини тўлдириб келади.

Қадар маъносида келса, барча нарсани содир бўлишидан аввал билиб туришни англатади.

Ўлчов маъносида келса, барча нарса ва ҳодисаларнинг ўз миқдори, ўлчови борлигини англатади.

Ушбу оят озгина сўзлардан иборат бўлишига қарамай, ўзида улкан маъноларни мужассамлаштирганлиги ҳам мўъжизадир.

Ушбу ҳадисни бу ерда келтиришдан мақсад, ким қадарга иймон келтирмаса, албатта, қиёмат куни юзтубан ҳолида дўзахга судралади, демоқдир. Судраб

кетилаётганда эса: «Жаҳаннам азобини татиб кўринг! Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик», дейилади, деган маънони таъкидлашдир.

Ҳозирги кунимиздаги мушрикларнинг аҳволи ҳам ўтмишдаги мушрикларнинг ҳолидан қолишмайди. Улар ўзларига ўхшаган баъзи ожиз бандаларнинг тахминдан айтган башоратларига, қилган ўлчов, ҳисоб-китобларига ишонишади. Уларга қойил қолиб, таҳсинлар ўқишади. Аммо ўша бандаларнинг ҳаммасини яратган Зотнинг қазои қадарига ишонгилари келмайди. Ушбу ҳадисда келган оятда зикр қилинган ҳолга улар ҳам тушишлари турган гап.

Ушбу ҳадисдан мушрикларга ўхшаб, қадарни инкор қилмаслик, у ҳақда мужодала қилмаслик фойдасини оламиз. Шунингдек, қадарни инкор қилганлар қиёмат куни оғир аҳволга тушишларини билиб оламиз.

43- عَنْ ابْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: كَتَبَ اللَّهُ مَقَادِيرَ الْخَلَائِقِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِخَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ. رَوَاهُمَا مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

43. Амр ибн Осс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ ҳалойиқнинг тақдирини осмонлару ерни халқ қилишидан эллик минг йил олдин ёзди», дедилар».

Икки ҳадисни Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадисни Амр ибн Осс розияллоху анху ривоят қилганлар. У киши билан танишиб олайлик.

Амр ибн Осс ибн Воил Қурайший. Оналари Набиға бинти Хармаладир. Қурайш мушриклари Амр ибн Оссни Ҳабашистонга ҳижрат қилган мусулмонларни қайтариб

олиб келиш учун Нажоший ҳузурига вакил қилиб юборган эдилар. Нажоший мушрикларнинг талабини рад қилиш билан бирга, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар эканликларини таъкидлаб, Амр ибн Оссни ҳам мусулмон бўлишга чақирган эди. Бу ҳолат Амрга жуда қаттиқ таъсир қилган эди.

Хайбар фатҳ этилган йилда Амр ибн Осс, Холид ибн Валид ва Усмон ибн Толҳа Мадинага бориб, Исломни қабул қилганлар. Буларнинг Исломни қабул қилганларидан хурсанд бўлган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Макка сизларга ўз жигарпорасини юборибди», деб марҳамат қилганлар. Чунки Амр ибн Осс Исломга келмасдан олдин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уч ашаддий душманларидан бири эдилар.

Кейинчалик Аллоҳ таоло у кишига тавба ва раҳматни ихтиёр қилиб, Исломга ҳидоят қилди. Амр ибн Осс Ислом ҳимоячиси ва фидокорларидан бирига айланди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Осс ҳақида: «Маккаликлар кучимиз қаршисида таслим бўлдилар, Амр эса, қалб амри ила келиб, мусулмон бўлди», деган эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амрни Урдунга волий қилиб тайинлаган эдилар. Амр у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларига қадар у ерда қолдилар.

Сўнгра ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху Амр ибн Оссни Шомга юбордилар.

Ҳазрати Умар эса, аввал Фаластинга, кейинроқ эса, Мисрга аскарбоши қилиб жўнатдилар. Мисрни фатҳ этгандан сўнгра, Амр у ерда волий бўлиб қолдилар. Амр ибн Осснинг машҳур ишлардан бири ҳам Миср фатҳи эди.

Амр ибн Осс розияллоҳу анху 43-ҳижрий санада, Рамазон ийди куни вафот қилдилар. Ҳайит намозига

келган жамоат жанозаларида иштирок этдилар.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло халойиқнинг тақдири қандоқ бўлишини азалдан, улар вужудга келишидан олдин билишини баён қилмоқдалар.

Ҳадиси шарифда баён қилинган ёзиш «Лавҳул Махфуз»га бўлган. Эллик минг йил қанча эканини Аллоҳнинг Ўзи билади. Чунки бизнинг тасаввуримиздаги йил ўлчови осмонлару ер яратилганидан кейин, ернинг ҳаракатига асосланиб пайдо бўлган. Бу эллик минг йил эса, осмонлару ер яратилишидан олдин бўлганлиги ҳадисда очиқ-ойдин айтиб турилибди.

Аллоҳ илмининг чегараси йўқ бўлганидан кейин ҳамма нарсани билишида шубҳа йўқ. Агар У Зот маълум вақтгача билиб, ундан нарисини билмайдиган бўлганида, Унинг камолот сифатларига нуқсон етар эди. Бу эса, Аллоҳ таолонинг Олий Зотига асло тўғри келмайди.

Бу ҳадисдан оладиган фойдамиз:

Аллоҳ халойиқнинг тақдирини осмонлару ернинг яратишидан эллик минг йил аввал ёзганлиги. Шунга иймон келтирамиз, шуни тасдиқлаймиз!

44- عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ: قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَعْلِمَ أَهْلُ

الْجَنَّةِ مِنْ أَهْلِ النَّارِ؟ قَالَ: نَعَمْ. قِيلَ فَفِيمَ يَعْمَلُ الْعَامِلُونَ؟ قَالَ: كُلُّ مُيَسَّرٌ لِمَا خُلِقَ لَهُ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

44. Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат аҳли ва дўзах аҳли билинганми?» дейилди.

«Ҳа», дедилар.

«Унда амал қилувчилар нима учун амал

қиладилар?» дейилди.

«Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадисни Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анху ривоят қиладилар. Олдин у киши билан танишиб олайлик.

Имрон ибн Ҳусойн ибн Абд ибн Халаф Ҳузойй ал-Басрий, кунялари Абу Нажд. Ҳижратнинг 7-йили, Хайбар жанги йилида Исломни қабул қилган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга бир нечта жангда иштирок этган. Умар ибн Хаттоб халифалик даврларида Басра аҳлига дин илмларини ўргатиш учун юборилган.

Макка фатҳ этилган куни Ҳузоъа исмли саҳоба билан байроқни кўтарган, Али билан Муовия ўрталаридаги «Сиффин» урушида иштирок этмаган, яъни, бу кўнгилсиз ишга қўшилмаган уламо саҳобалардан эдилар.

Ҳасан Басрий: «Басра шаҳрида Имрон ибн Ҳусойндан кўра фазилатли саҳобани кўрмадим», деган. У зот тақводор, зоҳид, ростгўй, Аллоҳнинг ишқида кўп йиғловчи саҳобалардан эдилар.

Имрон ибн Ҳусойн Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан 180 та ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан Абу Ражо Атторий, Матроф ибн Абдуллоҳ, Зирор ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Бурайда, Ибн Сийрин, Абу Асвад Дуалий ва бошқа тобеъийлар ривоят қилишди. Бу зот ҳижратнинг 52-йили Басра шаҳрида вафот этдилар.

Ушбу ҳадисда саҳобаи киромлар Расули акрам соллalloҳу алайҳи васалламдан қадар тўғрисида дастлабки маълумотларни эшитган одамда пайдо бўладиган саволларни сўрамоқдалар. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламдан дастлаб қадар тўғрисидаги гапларни эшитганларидан сўнг, уларда ҳам бу савол туғилган бўлиши мумкин. Саҳобаи киромлар томонидан:

«Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат аҳли ва дўзах аҳли билинганми?» дейилди.

Яъни, ким жаннат аҳли, ким дўзах аҳли бўлиши олдиндан билинганми, дейишди. Билувчи маълум ва машхур бўлганидан «билинганми» лафзи қазои қадар илмдан эканига яна бир далилдир. «Белгиланганми», «тайин қилинганми», «ҳукм қилинганми» каби сўзлар ишлатилмаган, балки, «билинганми» ишлатилган. Бу саволга Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар.

Яъни, «Ҳа жаннат аҳли ва дўзах аҳли билинган», деганлари.

«Унда амал қилувчилар нима учун амал қиладилар», дейилди».

Яъни, жаннат аҳли кимлиги ҳам, дўзах аҳлининг кимлиги ҳам билинган бўлса, унда овора бўлиб амал қилишнинг нима кераги бор? Ана шу маънодаги саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир», деб жавоб бердилар.

Бу жумлага уламоларимиз: «Ҳар бир инсон ўзи учун халқ қилинган амалга муяссар бўлади: саодатманд инсон, саодат аҳлининг амалига, бадбахт инсон эса, шақоват аҳлининг амалига муяссар бўлади, шунинг учун Аллоҳ амр қилган амалларни қилиш ҳар бир инсондан матлубдир», деб маъно берганлар.

Ҳа, Аллоҳ таоло барча бандаларини амал қилишга амр этган. Шариатнинг ҳаммаси ҳам, Қуръони Карим ҳам, Суннат ҳам Аллоҳнинг бандаларига қилган амрларидан иборатдир. Ушбу амрларга амал қилиш бандадан талаб қилинган. Ўша амрларга амал қилган бандага саодат ваъда қилинган.

Шунингдек, бандаларга қазои қадарга иймон келтириш амр қилинган. Қазои қадарга иймон келтирган бандага

саодат, иймон келтирмаган бандага бадбахтлик ваъда қилинган.

Аммо бандаларга қазои қадар тўғрисида тортишиш, чуқур кетиш буюрилмаган. Аллоҳнинг бу ҳақдаги илмини билиш ҳам, қазои қадарни баҳона қилиб, амални тарк этиш ҳам амр қилинмаган.

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон инсоннинг келгуси ишларда қазои қадарни қандоқ тушуниши лозимлиги баён этилган. Мусулмон инсон бўлажак ишларда «Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир» жумласини шиор қилиб олиб, ўзини амалга уриши керак. Ўзи учун яхши амаллар муяссар эканини исботлашга ҳаракат қилиши керак.

Бундай яхши ишларга муяссар бўлганда эса, хурсанд бўлиши даркор. Баъзи кўнгилсиз ишлар бўлиб қолганда, уларни хато, ожизлик ҳисоблаб, дарҳол тавба қилиши, ёмон амаллар ўзи учун муяссар эмаслигини исбот қилишга уриниши керак.

Бўлажак ишлар қаршисида мусулмон инсон ўзини қазои қадарга нисбатан қандай тутиши лозимлиги тўғрисидаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баёнлари ана шундан иборат. Саҳобаи киромларнинг ҳамда салафи солиҳларимизнинг тушунчалари ва амаллари ана шундан иборат. Улар доимо ўзларини яхши ишга муяссар кишилар, дея ҳисоблаб яшаганлар. Мусулмон бўлишларини катта бахт аломати, деб билишган. Ҳаётлари давомида ўзларини доимо яхши ишга уриб яшашган. Такво билан бетавфиқликка бирданига дуч келсалар, яхши амалга муяссар бўлиш ниятида ўзларини таквога урганлар. Сахийлик билан бахилликка дуч келсалар, ўзларини сахийликка урганлар. Ишчанлик ва дангасаликка дуч келсалар, ўзларини ишчанликка урганлар. Бутун умрларини қандай қилиб кўпроқ савобли амал қилар эканман, деган фикр ва ҳаракат билан ўтказганлар.

Шунинг учун ҳам улар чарчок, машаққат, қийинчилик ва ўлимдан заррача кўрқмаганлар. Шунинг учун ҳам барча тўсиқларни осонлик билан енганлар. Шунинг учун ҳам уларга доимо муваффақият ёр бўлган.

Қазои қадарга бўлган шу шаклдаги иймон заифлашганда эса, ҳамма ишлар орқага кетди. Амал қилиш ўрнига қазои қадарни тескари таъвил қилиб, «амалнинг фойдаси бўлармикан ёки йўқми» деб, қуруқ сафсата сотилганда ишлар расво бўлди. Бунинг натижасида, беҳуда жанжал кўпайди. Исломиёй фазилатлар ўрнини иккиланиш, кўрқоқлик, дангасалик ва бошқа разолатлар олди.

Натижада, салафи солиҳлар ўрнига Қуръони Каримда айтилганидек: «Уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шахватларга бериладиган ўринбосарлар келдилар».

Мусулмонлар ўз шахсиятларини, муносиб ўринларини тикламоқчи бўлсалар, қазои қадарга бўлган иймонини аввалги соф ҳолига келтиришлари ҳам ўта зарур ишлардан бири эканини унутмасликлари керак.

45- عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: ثَلَاثٌ مِنْ أَصْلِ الْإِيمَانِ الْكَفُّ عَمَّنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُكْفِرُهُ بِذَنْبٍ وَلَا نُخْرِجُهُ مِنَ الْإِسْلَامِ بِعَمَلٍ... وَالْإِيمَانُ بِالْأَقْدَارِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

45. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч нарса иймоннинг аслидандир: «Лаа илаҳа иллаллоҳ» деган кимсага тегмаслик. Гуноҳи туфайли уни кофирга чиқармаймиз. Амали туфайли уни Исломдан чиқармаймиз... Ва қадарларга иймон келтириш», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Муаллиф бу ҳадисни унда қадарларга иймон

келтириш иймоннинг асли бўлмиш уч нарсдан бири эканининг зикри борлиги учун ушбу бобда келтирмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифларини ўзига хос мўъжиза десак, муболаға қилмаган бўламиз. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда иймоннинг аслидан учтасини алоҳида таъкидламоқдалар. Улар энг муҳим нарса эканини уқдирмоқдалар.

Нима учун бошқаси эмас, айнан ушбу уч нарса олинган? Чунки, келажакда айнан ушбу масалаларда иймоннинг асли, пойдевори дарз кетиши мумкинлигини Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга билдирган бўлса керак.

Дарҳақиқат, кейинчалик шундай бўлди ҳам! Келинг, ҳаммасини ҳадиси шариф тартиби ила ўрганиб чиқайлик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч нарса иймоннинг аслидандир», демоқдалар.

Бу масалани баён қилишнинг энг кучли усулларида биридир. Аввал баён этиладиган нарсаларнинг ададини, аҳамиятини айтиб, кейин бирин-кетин улар васф қилинади. Демак, биз ўрганадиган нарсаларнинг адади учта. Улар энг муҳим нарсалар, чунки иймоннинг аслидан ҳисобланадилар. Муслмон киши учун дунёда иймондан муҳимроқ нарса йўқ. Иймоннинг асли эса, муҳимнинг муҳимидир.

«Лаа илаҳа иллаллоҳ», деган кимсага тегмаслик».

Яъни, калимаи шаҳодатни айтиб, ўзини муслмонлигини билдириб турган кишига тегмаслик, унинг жонига, молига зарар етказмаслик зарур. Бу масалани Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: бундан аввалроқ ўтган ҳадислари шарҳида батафсил ўрганиб чиқдик. Зоҳирида муслмон бўлиб кўришиб, Ислоннинг зоҳирий амалларини қилаётганлар

билан мусулмонча муомала қилинаверади. Кишиларнинг ички сирлари ва ҳисоб-китоблари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола!

«Гуноҳи туфайли уни кофирга чиқармаймиз».

Яъни, «Лаа илаҳа иллаллоҳу»ни айтиб, зоҳирида мусулмон бўлиб кўринган одамни қилган гуноҳ иши туфайли кофирга чиқармаймиз. У кофир эмас, осий мўмин бўлади.

«Амали туфайли уни Исломдан чиқармаймиз».

Яъни, тавҳид калимасини айтиб, Исломни зоҳиридан кўрсатиб турган одамни амали туфайли Ислом дини, Ислом миллатидан чиқармаймиз. Бундай одамларга амалига яраша тайин қилинган шаръий жазо берилади. Эътиқоди бузилмаса, Исломдан чиққан ҳисобланмайди. Умумий қоида шу!

Аммо кейинчалик бўлиб ўтган ҳодисаларга назар солсак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нима учун бу масалага алоҳида эътибор бериб, уни иймоннинг аслидан, деб атаётганларини тўлиқроқ тушуниб оламиз. Кейинроқ айни шу Пайғамбаримиз: «Қилмаймиз», деб айтган нарсани қиладиганлар чиқди. Баъзи фирқалар мўмин кишини қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқаришга киришдилар. Мусулмон одамни қилган ёмон амали сабабидан Исломдан чиқаришни авж олдирдилар. Бу ишга биринчи бўлиб журъат этганлар «Хавориж» фирқаси бўлди. Улар: «Мўмин киши гуноҳ иш қилса, кофирга айланади»; «Ёмон амал қилган мусулмон Исломдан чиқади», дедилар.

Бора-бора «Хавориж»ларнинг қиладиган иши мусулмонларни кофирга чиқаришдан бошқа бўлмай қолди. Уларнинг бу ашаддий мавқифлари қирғин-барот урушларга, мусулмонларнинг беҳисоб қонлари тўкилишига олиб келди. Энг ёмони, акийда бобида кераксиз ихтилофлар авж олди.

Кейинчалик «Хавориж»ларга мутлақо карама-қарши «Муржиа» мазхаби пайдо бўлди. Мусулмонлар орасидаги фиркалар ичида таассубнинг кучайиши оқибатида «Муржиа»лар «Хавориж»ларга зид ўлароқ, «Лаа илаҳа иллаллоҳ»ни айтса бўлди, бошқа нарсани қилмаса ҳам бўлаверади», дейишди. Натижада ақийда пойдевори дарз кетди. Фақат Аҳли сунна ва жамоа мазхаби уламолари жасорати ва улкан меҳнати эвазига бу дарз қайтадан тўғриланди.

Кейинги пайтларда ҳам ҳар даврнинг ўз «Хавориж»лари чиқиб турибди. Бизнинг асримизда ҳам, «Лаа илаҳа иллаллоҳ»га мансуб кишилар ичида, тавҳид аҳлини, аҳли қиблани кофирга чиқарувчилар оз эмас.

Замонамиз «Хавориж»лари ҳам қадимги мазҳабдошларидан ўрнак олиб, уларга суяниб иш кўрадилар. Буларнинг ҳам ўтмишдаги маслакдошлари каби мусулмонлардан бошқалар билан асло ишлари йўқ.

Замонамиз «Хавориж»лари ҳам иложи борича кўпроқ мусулмонни кофирга чиқаришни ўзларининг бош вазифалари деб биладилар. Уламоларимиз хаворижларчалик Исломга катта зарар етказган куч йўқлигини таъкидлайдилар. Ана шу нарсаларни мулоҳаза қилар эканмиз, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисларида нима учун «Лаа илаҳа иллаллоҳ» деган кимсага тегмасликни иймоннинг уч қисмидан бири, деб атаганларини янада кенгроқ тушуниб етамиз.

«Ва қадарларга иймон келтириш», дедилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нима учун қазои қадарга бўлган иймонни учта аслдан бири, деб эълон қилганларининг сабабини ушбу бобда, юқорида келган ҳадисларни ўрганиш давомида билиб олдик. Буни бобнинг қолган ҳадисларини ўрганиш давомида яна ҳам яхшироқ билиб оламиз. Шунинг учун бу ерда узок тўхталиб ўтирмаймиз.

Ушбу хадисдан олинадиган фойдалар:

1. «Лаа илаха иллаллох» деган одамга тегмаслик.
2. Муслмон одамни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаслик.
3. Муслмон одамни қилган баъзи амаллари туфайли Ислол миллатидан чиқармаслик.
4. Қазои қадарга иймон келтириш.
5. Хадисда зикр қилинган масалалар иймоннинг аслидан экани.

46- وَقَالَ عَبْدُهُ بْنُ الصَّامِتِ لِإِخْتِصَامِهِ: يَا بُنَيَّ إِنَّكَ لَنْ تَجِدَ طَعْمَ حَقِيقَةِ الْإِيمَانِ حَتَّى تَعْلَمَ أَنَّ مَا أَصَابَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُخْطِئَكَ وَمَا أَخْطَأَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبَكَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: إِنَّ أَوَّلَ مَا خَلَقَ اللَّهُ الْقَلَمَ، فَقَالَ لَهُ: اكْتُبْ فَقَالَ: رَبِّ وَمَاذَا أَكْتُبُ فَقَالَ: اكْتُبْ مَقَادِيرَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّى تَقُومَ السَّاعَةُ. يَا بُنَيَّ إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: مَنْ مَاتَ عَلَى غَيْرِ هَذَا فَلَيْسَ مِنِّي. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

46. Убода ибн Сомит розияллоху анху ўз ўглига деди:

«Эй ўглим! Сен то ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини, ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунигча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан. Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг:

«Албатта, Аллох аввал яратган нарса Қаламдир. У Зот унга:

«Ёз», деди.

«Эй Роббим, нимани ёзаман?» деди.

«Ҳар бир нарсанинг қиёмат қоим бўлгунча тақдирларини ёз», деди, деганларини эшитганман.

Эй ўғлим! Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг:

«Ким мана шундан бошқа(акийда)да ўлса, мендан эмас», деганларини эшитганман».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг «Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир» жумласи бор ҳадисларини мусулмон инсоннинг келгуси ишларда қазои қадарни қандай тушуниши лозимлигини баён қилувчи ҳадис, деб атаган эдик. Ушбу ҳадис эса, мусулмон инсоннинг бўлиб ўтган ишларда қазои қадарни қандай тушуниши лозимлигини баён қилувчи ҳадисдир.

Улуғ саҳобийлардан бўлмиш Убода ибн Сомит розияллоху анху мўминлик ва оталик бурчларини адо этиб, ўз ўғилларига қазои қадарга иймон келтиришдан дарс бермоқдалар. У киши ўғилларига мурожаат қилиб:

«Эй ўғлим! Сен то ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ва ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан», демоқдалар.

Қаранг, иймон ҳақиқати таъми–қазои қадарга ишонишда экан!

Ўзига етган нарсани: «Бу мени четлаб ўтиши мумкин эмас эди, албатта, шу нарса бўлиши керак эди», деб билишда экан!

Ўзига етмай, ундан четлаб ўтиб кетган нарсани: «Бу шундоқ бўлиши керак эди, барибир менга етмас эди», деб билишда экан!

Агар бунга жиддийроқ эътибор берадиган бўлсак, гап бўлиб ўтган ишлар ҳақида кетмоқда.

«Ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини», яъни, сенга етган яхшилик сени четлаб

Ўтиши мумкин эмаслигини билмагунингча Иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан! Бу яхшилик ўзимнинг усталигимдан, бошқалардан устунлигимдан ёки фалончининг ёрдамидан етди, деб ўзингдан кетма. «Шу нарсага Аллоҳнинг хоҳиши бўлган экан, менга етди», деб Аллоҳга шукр айт!

Шунингдек, сенга етган ёмонлик сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билмагунингча иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан! Бу ёмонлик фалон нарса бўлгани учун ёки фалончининг қўли билан етди, агар ундоқ бўлмаганда бундоқ бўлар эди, дейдиган бўлсанг, иймон ҳақиқати таъмини топишингга йўл бўлсин! Қачон «Шу нарса менга етиши керак эди, четлаб ўтиши мумкин эмас эди, мен қазои қадарга иймон келтирадиган одамман», десанггина, Иймон ҳақиқати таъмини топишдан умид қилсанг бўлади.

Ўтган ишга афсус-надомат чекиш, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилиб, ақл-заковатни, куч-имкониятни, самарасиз уриниш ва вақтни беҳуда ўтказишга сарфлаш мусулмон одамга тўғри келмайди. Шунинг учун бўлиб ўтган ишни қазои қадардан кўриб, келажакни ўйлаш, келажак учун ҳаракат қилиш керак.

«Ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан».

Сени бир яхшилик четлаб ўтса, аттанг қилиб: «ундоқ қилмай бундай қилганимда бу яхшилик мени четлаб ўтмасмиди?», деб юрма! Ёки бу иш фалончининг айби билан бўлди, агар ўшанинг айби бўлмаганда, бу яхшилик мени четлаб ўтмас эди, деб юрма! Ундоқ қилсанг, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан. «Бу яхшилик мени четлаб ўтиши керак экан, шундай бўлди, менга етиши мумкин эмаслиги учун етмади», десанггина иймон ҳақиқати таъмини топа олурсан! Чунки шундагина

казои қадарга чин иймон келтирган бўлурсан!

Агар сени бир ёмонлик четлаб ўтган бўлса, «Усталик қилиб бу ёмонликдан четлаб қолдим», деб қувонма! Фалончининг ёрдами бўлмаганда ишим чатоқ эди, деб юрма. Бунда қазои қадарга шак келтирган бўласан! «Шу ёмонлик мени четлаб ўтиши керак эди, менга етиши керак эмас эди, шундай бўлди», дегин. Ана шунда иймон ҳақиқати таъмини топа оласан.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ўғилларига қилган насихатлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан келиб чиққанини билдириш учун:

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Албатта, Аллоҳ аввал яратган нарса Қаламдир. У

Зот унга:

«Ёз», деди.

«Эй Роббим, нимани ёзаман?» деди.

«Ҳар бир нарсанинг қиёмат пайти бўлгунча тақдирларини ёз», деди, деганларини эшитганман», деб гапларини давом эттирдилар.

Демак, Аллоҳ таоло халойикни, борликни яратишдан олдин, Ўзи ҳаммадан олдин яратган Қаламга айтиб, қиёмат қоимгача бу дунёда бўладиган ишларни ёздириб қўйган. Ана ўша нарсага ҳар бир мусулмон иймон келтириши керак. Ана ўшанда ўтган нарсага ноўрин муносабатда бўлиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнамайди, қазои қадар ақийдасига шак келтирмайди.

Худди шу ақийдада яшаб, худди шу ақийдада ўлиш ҳар бир мусулмон учун ниҳоятда зарурдир. Чунки, бу ақийдадан четга чиққан одам залолатга кетган бўлади. Шунинг учун ҳам Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким мана шундан бошқа (ақийда)да ўлса, мендан эмас», деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари «Менинг йўлимда эмас», деганларидир. Бу эса, жуда оғир гапдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидан бошқа йўлда бўлишдан Аллоҳ асрасин.

Ушбу ҳадисдан куйидаги фойдаларни оламиз:

1. Отанинг боласига ақийда бўйича таълим бериши зарурлиги.

2. Иймон ҳақиқати таъми борлиги.

3. Мўмин-мусулмон одам ўзига етган нарса четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билиши лозимлиги.

4. Мўмин-мусулмон одам ўзини четлаб ўтган нарса унга етиши мумкин эмаслигини билиши зарурлиги.

5. Билган одам гапини ҳадис билан тасдиқлаши яхшилиги.

6. Қаламга ва унинг Аллоҳ яратган биринчи нарса эканига иймон келтириш.

7. Ҳамма нарсанинг тақдири яратилишидан олдин ёзиб қўйилганлиги.

8. Қазои қадардан бошқа ақийда билан ўлган одам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлларида бўлмаслиги.

Бу ҳадиснинг ҳикмати қазои қадар ақийдасидан кўзланган ҳикматнинг асосини ташкил қилади, десак муболага бўлмайди. Бу эса, инсоният учун жуда зарур нарсадир. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, қазои қадар ақийдаси асосан бўлиб ўтган нарсага нисбатан ишлатилади. Бировга мусибат етади, бировнинг бошига оғир иш тушади, молида, жонида нуқсонга учрайди, яна биров кўзлаган яхшилигига эриша олмайди.

Ана шунда афеус-надомат бошланади. Умидсизлик юзага чиқади. Нима учун шундай бўлди, деган савол пайдо бўлади. Бу мусибатларнинг сабабини ахтара бошлайди. Ўз фикрича, мусибатига сабабчи бўлганларга душманлик

қилишни бошлайди. Ўзи руҳий-маънавий зарар кўргани етмагандек, бошқаларга зарар етказиш, ижтимоий алоқаларни бузиш ҳам бошланади. Қўйингики, ўтиб кетган иш учун, қайта тиклаб бўлмайдиган нарса учун, беҳудадан-беҳуда зарар кўриш бошланади.

Қазои қадарга ишонган одам эса, ушбу ҳадиси шарифга амал қилади-да, «Менга етган ушбу нарса мени четлаб ўтиб кетиши мумкин эмас эди, муқаррар иш бўлди. Қазои қадардаги бор нарсага беҳуда афсус-надомат чекиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, энди ўзимга муяссар бўлган ишни қилишдан қолмай», дейди. Беҳудага асабини бузишдан, руҳий-маънавий эзилишдан, ақл-заковат, куч-қудрат сарфлашдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказишдан тийилади. Куч ва имкониятларини келажаги учун сарфлашга ўтади.

Бу ҳолат фақат мусулмонларда бўлиши мумкин холос. Франциялик олимлардан бири ўзининг мусулмон бўлишига сабаб бўлган ҳодиса ҳақидаги хотираларида, жумладан, қуйидагиларни айтади:

«Илмий гуруҳ билан узоқ Жазоир қишлоқларидан бирида эдик. Бир куни қаттиқ шамол турди. Бош кўтариб, кўз очишнинг имкони бўлмай қолди. Ерли аҳоли бутун имкониятларини ишга солиб, ўзларини, молу мулкларини қутқаришга ҳаракат қилар эди. Шамол эса, борган сари кучаяр, йўлда нима тўғри келса, учириб кетар эди. Шамол бир неча кун давом этди. Зарар кўрмаган турар жой қолмади. Тирик ҳайвон қолгани аломати ҳам йўқ эди. Дову дарахт, экин-текин тўғрисида гапирмаса ҳам бўлаверади. Умуман, ҳаётнинг асари қолмади. Биз ўзимизча: «Энди ерли аҳоли бошқа жойга кўчиб кетса керак» деб ўйлар эдик.

Шамол тўхтади. Аммо, биз кутган нарсаларнинг бирортаси ҳам бўлмади. Ҳеч ким «дод-вой» солмади. Ҳеч ким бўлиб ўтган фалокатдан шикоят қилмади. Ҳамма ўз

жойидан чиқиб, ҳеч нарса бўлмаганидек, қолган-қутган нарсаларни тартибга солишни бошлади. Биров кўрилган зарарига афсус-надомат чекмас, фақат қолган нарсалардан фойдаланиб, ҳаётни аввалгидай давом эттириш пайидан бўлар эди. Бу оддий, саҳровий одамларнинг ўзларини тутишлари менга қаттиқ таъсир қилди.

Сўраб-суриштириб, улар қазои қадарга ишонишларини, ўша ақийдага биноан иш тутаётганларини билдим».

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб жойларида қазои қадар ақийдаси йўқлиги туфайли муаммолар тўлиб-тошиб ётибди.

Турли-туман асабий касалликлар, тушкунлик ва умидсизликлар, ўз жонига қасд қилишлар ҳамда бошқа муаммолар шулар жумласидандир. Бунинг бирдан-бир сабаби, бўлиб ўтган нарсани қазои қадар ақийдасига биноан тушунмасликдир. Биз мўмин-мусулмонлар бу ақийдани ўз ўрнида ишлатмоқни билишимиз зарур.

47- عَنْ عَلِيٍّ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّى يُؤْمِنَ

بِأَرْبَعٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ بَعَثَنِي بِالْحَقِّ وَيُؤْمِنَ
بِالْمَوْتِ وَيُؤْمِنَ بِالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ وَيُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ.

47. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Банда тўрт нарсага иймон келтирмагунича мўмин бўла олмайди: албатта, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва, албатта, мен Аллоҳнинг Расулиман; У Зот мени ҳақ ила юборганига шаҳодат беради; ўлимга иймон келтиради; ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтиради; қадарга иймон келтиради», дедилар».

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам

ушбу ҳадисларида мўмин-мусулмон киши иймон келтириши лозим бўлган тўрт нарсани алоҳида таъкидламоқдалар.

Шу тўрт нарса ичида қадарга иймон келтириш ҳам бор. Ҳадиснинг аввалида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эшитувчига кучли таъсир қилувчи олий услубни ишлатмоқдалар. Яъни, **«Банда тўрт нарсага иймон келтирмагунча мўмин бўла олмайди»**, демоқдалар.

Бу дегани комил иймон ушбу тўрт нарсадан иборат, дегани эмас, албатта. Лекин мазкур тўрт нарсага иймон келтириш ўта муҳим эканини, буларсиз иймон ҳақида сўз ҳам очиб бўлмаслигини таъкидлашдир. Сўнгра ўша тўрт нарсани батафсил баён қилишни бошлайдилар.

1. «Албатта, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва албатта, мен Аллоҳнинг Расулиман, У Зот мени ҳақ ила юборганига шохидлик беради».

Бу тавҳид калимасидир, иймоннинг асlidir, инсоният учун энг зарур нарсадир. Шу нарсага иймон йўқ экан, бошқа нарсаларга ҳам иймон бўлмайди. Шу шохидлик бўлмаса, амаллар ҳам қабул қилинмайди. Инсоният фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиши, фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни охирги Пайғамбар, деб билиши керак. Аллоҳ у кишини ҳақ дин билан юборганини тан олиши керак. Ким шуни тили билан айтиб, дили билан тасдиқласа, мўмин бўлади, акс ҳолда, мўмин бўла олмайди.

2. «Ўлимга иймон келтиради».

Яъни, ўлимнинг ҳақ эканини тан олади. Ана шунга ишониб, ўлимни кўз олдига келтириб яшайди. Бу ҳар бир инсон учун вожиб эътиқод эканини ва унинг ниҳоятда зарур эканини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Ўлимга ишонмаган, уни кўз олдига келтириб яшамаган одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Халқ ичида ёмон одамлар ҳақида «ўлмайман, деб ўйлармикан», деган гап юради. Бу,

унинг ёмонлиги ўлимга иймони йўқлигидан келиб чиқади, деб билишдандир. Ўлимни ўйлаш ҳар бир инсон учун ўта зарур бўлганидан ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлимга иймон келтиришни тўртта муҳим нарса ичида, Аллоҳга ва Расулга иймон келтиришдан кейин зикр қилмоқдалар.

3. «Ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтиради».

Агар бу иймон бўлмаса, ўлимга ишонишнинг ҳам холати йўқ. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш, бу дунёда қилинган ишларнинг сўроқ-саволига ишониш, демакдир. Бу эса, ўз навбатида, инсонни доимо яхшилик қилишга чорловчи омилдир. Агар дунёдаги ёмонликлар асосан ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон йўқлиги ёки унинг заифлигидан келиб чиқади десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифда қайта тирилишга бўлган иймон алоҳида таъкидланиб келмоқда.

4. «Қадарга иймон келтиради».

Бу қадарга бўлган иймоннинг нақадар муҳимлигининг яна бир бор таъкидидир. Бу ҳақда ушбу бобнинг аввалидан бошлаб сўз юритиб келинмоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар ва унинг ҳикматлари юқоридаги фикр-мулоҳазалардан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

48- عَنْ أَبِي عَرَّةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا قَضَى اللَّهُ لِعَبْدٍ أَنْ يَمُوتَ بِأَرْضٍ جَعَلَ لَهُ إِلَيْهَا حَاجَةً. رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

48. Абу Азза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон, Аллоҳ бандага бирор ерда ўлмоқни қазо қилган бўлса, ўша ерда бир унинг ҳолатини қилиб

кўяди», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадис Абу Азза розияллоху анҳудан ривоят қилинмоқда. Аввал у киши билан танишиб олайлик:

У зотнинг исмлари Ясар ибн Абдуллоҳ ибн Омир, у киши кунялари Абу Азза билан танилганлар.

Абу Азза розияллоху анҳу Басрада яшадилар. У киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан суҳбатда бўлиб, бир нечта ҳадис ривоят қилдилар. Бу киши тўплаган ҳадисларни учта «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадисларида қазои қадар ҳақлигини, уни Аллоҳ таоло Ўзи жорий қилишини баён қилмоқдалар.

Мисол учун, бир одамнинг маълум бир жойда вафот этиши қазои қадар қилинган бўлса, Аллоҳ унинг учун ўша ерда бирор ҳожатини чиқарадиган қилиб кўяди. Банда ҳожатини кўзлаб борадию, қазосидаги бор ўлимни ўша жойда топади.

Бундай ҳолатларда халқ ичида «Ажали етиб қолган экан-да, ўз оёғи билан борибди», дейилади. Бу нарса Аллоҳ таолонинг қанчалик муддабир ва банданинг қанчалик тадбирсиз эканини кўрсатади. Бу нарса Аллоҳ таолонинг илми қанчалик чексиз, банда қанчалик жоҳил эканини кўрсатади.

Бу нарса Аллоҳ таоло қанчалар қодир, инсон қанчалар ожиз эканини ҳам кўрсатади. Қазои қадарга тегишли ҳар бир ишда, ҳаракатда шу маъноларни такрорлаш мумкин. Шунинг учун ҳам қазои қадарга иймон келтиришга Ислом алоҳида эътибор берган ва у иймоннинг асосларидан ҳисобланган.

ХОТИМА

Қазои қадарга бағишланган мазкур бобда бир ояти карима ва ўндан ортиқ ҳадиси шариф ўргандик. Албатта, қазои қадарга тегишли ҳамма оят ва ҳадислар шулардан иборат, дегани эмас. Бошқа кўпгина оят ва ҳадислар бор бўлиб, улардан баъзилари ушбу китобнинг бошқа жойларида ҳам келади. Аллоҳ хоҳласа, уларни кези келганда батафсил ўрганамиз. Лекин масаланинг моҳияти, асосий йўналишлари атрофлича кўриб чиқилди. Шундан келиб чиқиб, баъзи бир хулосаларни чиқарсак ҳам бўлади.

Ушбу бобдаги баъзи ҳадисларда банданинг ҳеч қандай ихтиёри йўққа ўхшаб кўринса, айримларида аксинчага ўхшаб кўринади. Баъзиларида иш бўлишидан олдин қазои қадарга қандай муносабатда бўлиш баён қилинган. Бошқаларида эса, иш бўлиб ўтгандан кейин қазои қадарга қандоқ муомалада бўлиш баён қилинган.

Қазои қадар масаласини баён қилувчи оят ва ҳадисларда зоҳиран бандани мажбурлаш ва ихтиёрига қўйиб бериш маънолари борлиги баъзи кишиларнинг йўлдан озишига сабаб бўлган. Улардан бир қисмлари: «Банда бу дунёда ҳамма ишни ўз ихтиёри билан эмас, мажбур бўлиб қилади», деганлар.

Ана шундай фикр ва эътиқоддаги кишилар «Жабрия» мазҳабадагилардир. Бу мазҳабнинг кўзга кўринган тоифаларидан бири—Жаҳм ибн Сафвон Самарқандийга мансуб «Жаҳмия» тоифасидир.

Жабрия мазҳабига қарши ўлароқ баъзилар: «Инсон ўзининг ҳамма ишларида хурдир, у ўз ихтиёри билангина иш қилади, ўз амалини ўзи халқ қилади», деганлар. Булар «Қадария» (қадарни инкор этувчи) деб аталган бўлиб, уларнинг асосчилари «Мўътазилийлар»дир. Ушбу икки тоифа ҳам адашган ҳисобланади.

Исломнинг соф ақийдасини тутиб қолган Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби эса, ўртача йўл тутган. Улар: «Инсоннинг дунёдаги ўзига ориз бўладиган ишларда

ихтиёри борлари ҳам бор, ихтиёри йўқлари ҳам бор», деганлар. Уларнинг таъкидлашича, инсон ўз ихтиёри йўқ ишларда жавобгар эмас, аксинча, ихтиёри бор ишларда жавобгардир. Саҳобалар, тобеъийлар ва ўтган салафи солиҳинларнинг барчалари шу эътиқодда бўлганлар.

Ривоят қилинишича, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи Имом Жаъфар ибн Муҳаммад Содик розияллоху анҳудан сўраган эканлар:

– Эй Расулуллоҳнинг ўғиллари, Аллоҳ ишни бандаларга тафвиз қилиб (топшириб) қўйганми?»

– Аллоҳ таоло Роббликни бандаларга топшириб қўйишдан юқоридир!

– Бўлмаса уларни мажбур қилурми?

– Аллоҳ таоло аввал уларни бир ишга мажбур қилиб туриб, сўнгра азоблашдан кўра одилроқдир!

– Бу нима дегани?

– Бу ўртача дегани. Мажбур қилиш ҳам йўқ, бутунлай қўйиб бериш ҳам йўқ. Зўрлаш ҳам йўқ, эга қилиб қўйиш ҳам йўқ».

Бу жавоблар нақадар тўғри эканини сиз билан биз юқоридаги баҳсларимизда англаб етдик.

Гоҳида қадар истилоҳи ва унинг муродифлари дунёни ва ундаги нарсаларни тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар, тузумлар ва сабабларга ҳам ишлатилади.

Мисол учун, «Албатта, Биз ҳар бир нарсани қадар билан яратдик» ояти маъноси «ўлчов билан яратдик», бўлади. Яъни, дунёдаги ҳар бир нарсанинг ўзига яраша ўлчови, миқдори бор, дегани. Бу маънодаги оятлар анчагина бор.

Қазои қадар иймоннинг рукнларидан бўлиб, унга ҳеч қачон эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Бу соҳада доимо ҳушёр бўлиш керак. Ана ўша ҳушёрлик, эҳтиёткорлик йўқолса, инсон залолат йўлига кириб кетиши ҳеч гап эмас. Қадимда шундай ишлар кўп бўлган.

Кўпчилик айнан қадар масаласида ё у тарафга, ё бу тарафга оғиб, залолатга кетган. Қадар ва унга тегишли масалалар катта фитналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Мусулмонларга улкан зарарлар етказган. Шунинг учун ҳам Аҳли сунна ва жамоа уламолари бу масалада каттиқ турганлар. Ҳар бир мусулмон бу масалада ўзини қандоқ тутиши лозимлигини аниқ иборалар билан ифода этиб, ақийда китобларига битиб қўйганлар.

Бу ҳақда Аҳли сунна ва жамоа мазҳабининг, энг мўътабар китобларидан «Ақийдаи Таҳовийя»нинг матнида, жумладан, қуйидагилар айтилади:

«Аслида қадар Аллоҳ таолонинг махлуқотлардаги сирридир. У нарсдан муқарраб фаришта ҳам, юборилган набий ҳам хабардор эмас. У нарсада чуқур кетиш, назар солиш хорлик сабабчиси, маҳрумлик нарвони ва туғён даражасидир. У нарсага назар солишдан, фикр қилишдан ва васвасадан эҳтиёт бўлинг ва яна эҳтиёт бўлинг. Чунки Аллоҳ таоло қадар илмини Ўз бандаларидан ўраб қўйгандир ва уларни уни қасд қилишдан қайтаргандир. Аллоҳ таоло Ўз китобида: «У Зот қилганидан сўралмас, улар сўралурлар», дегандир. Бас, ким: «Нима учун бундок қилди?» деб сўраса, Қуръоний ҳукми рад қилган бўлур. Ким Қуръоннинг ҳукмини рад қилса, кофирлардан бўлур».

Ушбу сўзлар, кўплаб аччиқ тажрибалар бўлиб ўтгандан кейин, қадар тўғрисидаги ояту ҳадислар, саҳобаларнинг айтган гаплари атрофлича ўрганиб чиқилгандан сўнг битилган сўзлардир. Бу натижага эришгунча Аҳли сунна ва жамоа уламолари кўп тортишувларни, мунозараларни, ҳужжат солиштиришларни ва тажрибаларни бошларидан ўтказганлар. Охир-оқибат мусулмонлар оммаси бу масалада мазкур қоидаларга амал қилсалар, фойдали бўлади, деган қарорга келганлар.

«Аслида қадар Аллоҳ таолонинг махлуқотлардаги сирридир».

Яъни, қадарни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бу дунёда махлуқотларга нима қадар қилинганини билиш Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хос.

«У нарсадан муқарраб фаришта ҳам, юборилган набий ҳам, хабардор эмас».

Аслида муқарраб фаришта ва юборилган пайғамбарлар кўп сир-асрорлардан хабардор бўладилар. Аммо, Аллоҳ таоло қадар илмини улардан ҳам сир тутган. Улар ҳам махлуқотларга нима қадар қилингани ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Чунки, қадар масаласи, Аллоҳ илмини чексиз эканини баён қилувчи масаладир.

«У нарсада чуқур кетиш, назар солиш хорлик сабабчиси, маҳрумлик нарвони ва туғён даражасидир».

Яъни, қадар масаласида чуқур кетиб, уни текширишга ўтиш охири хорликка сабаб бўлади. Ўз эгасини кўп нарсадан маҳрум қилади. Охири келиб, туғёнга кетишига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, Қадария ва Жабрия мазҳаблари ва уларга эргашганлар шу ҳолга тушганлар.

«У нарсага назар солишдан, фикр қилишдан ва васвасадан эҳтиёт бўлинг ва яна эҳтиёт бўлинг».

Яъни, қадар илмини биламан, деб уринишдан, у тўғрида: «Нимага ундоқ бўлди, нимага бундоқ бўлди, ундоқ қилса нима бўлар эди» каби фикр қилишдан эҳтиёт бўлинг. Шунингдек, ҳамма нарса маълум бўлса, амалнинг нима кераги бор, унинг ўрнига бундоқ деса бўлмасмиди, каби васвасалардан ҳам эҳтиёт бўлинг. Чунки ҳамма нарса Аллоҳга маълум. Аллоҳ сизни қадарга иймон келтиришга, амрига, шариатига амал қилишга буюрган, шуни қилинг!

«Чунки Аллоҳ таоло қадар илмини бандаларидан ўраб қўйгандир».

Бандалар ҳаммаси бир бўлиб кичик бир зарранинг қадарини билишга уринсалар ҳам, била олмаслар.

«Ва уларни уни қасд қилишдан қайтаргандир».

Яъни, Аллоҳ таоло бандаларни қадар илмини билишни

қасд қилишдан қайтарган.

Аллоҳ таоло ўз Китобида: «У Зот қилганидан сўралмас, улар сўралурлар», деган.

Яъни, Аллоҳ таоло нима қилса: Ўзи билади. Ундан биров «Бу ишни нима учун қилдинг?» деб сўрай олмайди. Аммо, Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳаммасидан ҳар бир ишни «Нима учун қилдинг?» деб сўрайди.

«Бас, ким нима учун бундоқ қилди?» деб сўраса, Қуръоннинг ҳукмини рад қилган бўлур».

Яъни, кимки бўлган нарса Аллоҳнинг қазои қадари экан, деб таслим бўлмасдан, «Аллоҳ нима учун бундоқ қилди?» деб сўраса, Қуръоннинг «У Зот қилганидан сўралмас», деган ҳукмини рад қилган бўлади.

«Ким Қуръоннинг ҳукмини рад қилса, кофирлардан бўлур».

Шунинг учун ҳам бу масалада ўта эҳтиёткор бўлмоқ керак. Эҳтиёткорлик шу даражада бўлиши керакки, ҳатто қадар масаласида чуқур кетадиганларга яқинлашмаслик ҳам даркор.

Шунинг учун ҳам муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи «Қадар» бобидан сўнг алоҳида фасл очиб, уни қуйидагича номламоқдалар:

أصحاب البدع كالتدريّة والمرجئة

ҚАДАРИЯ ВА МУРЖИЪАГА ЎХШАШ БИДЪАТ СОҲИБЛАРИ

Иймон-эътиқод бобида «бидъат» истилоҳи «бузук ақийда» маъносини англатади. Қадария ва Муржиъа мазҳаблари тўғрисидаги маълумот, Аллоҳнинг ёрдами ила ҳадислар шарҳида келади.

49- عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: الْقَدَرِيَّةُ جُوسٌ هَذِهِ الْأُمَّةُ
إِنْ مَرَضُوا فَلَا تَعُوذُوهُمْ وَإِنْ مَاتُوا فَلَا تَشْهَدُوهُمْ.

49. *Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қадария ушбу умматнинг мажусийларидир. Агар улар бемор бўлсалар, кўргани борманглар, ўлсалар, хозир бўлманглар», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадис мусулмонлар ичидан чиқадиган маълум бир тоифа–Қадарияга бағишланмоқда.

Бу тоифа қадар масаласида адашган тоифа бўлгани учун ушбу номни олган. Аниқроғи, қадарни инкор қилганлари учун, шундай аталган. Бу тоифага мансуб кишилар қадарга ишонмайдиган кишилардир. Улар: «Дунёдаги бандага хос ишлар банданинг ихтиёри билан бўлади, банда ўз амалини ўзи халқ қилади», дейдилар.

Қадария бошқа мазҳабларга ўхшаб, алоҳида бир тоифага ажраб, имоми бўлиб, давомчилари маълум минтақаларга тарқалган эмас. Балки, ким юқоридаги ақийдани қилса, ўшанга қадария дейилаверган. Қадария мазҳабининг энг кўзга кўринган тамсилчилари мўътазилийлардир.

Мўътазилийлар алоҳида ақийдавий мазҳаб, йўналиш сохиблари бўлиб, бошқа баъзи бир ақийдавий масалаларда ҳам Аҳли сунна ва жамоа мазҳабига хилофлари мавжуд. Жумладан, қадар масаласида ҳам юқорида зикр қилинган эътиқодда бўлганлари учун уларни «Қадария» ҳам дейилади.

Қадария мазҳабига юрганларнинг асосий хатоси инсонга берилган ихтиёрга муболаға билан қараб, Аллоҳнинг шомил ихтиёрини чеклашга уринишдир. Улар инсонда ихтиёр борлигига далолат қилувчи оят ва ҳадисларни ҳаддан ошириб, унинг ихтиёри чекланган ва

Аллоҳнинг ихтиёрига тобеълиги ҳақидаги далилларни ўз фикрларига мослаб таъвил қилиш билан овора бўлганлар. Оқибатда залолатга кетганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қадария ушбу умматнинг мажусийлари», демоқдалар, яъни Қадария мазҳабиغا юрганларни Ислом умматининг мажусийлари эканини эълон қилмоқдалар. Нима учун? Бу саволга уламоларимиз куйидагича жавоб берадилар: «Маълумки, мажусийлар оташпарастлардир. Улар қуёшга ёки оловга ибодат қиладилар. Уларнинг эътиқодлари бўйича, икки асл илоҳ бор: Нур худоси ва Зулмат худоси, яъни, яхшилик худоси ва ёмонлик худоси. Ҳамма яхшиликларни Нур худоси, барча ёмонликларни эса, Зулмат худоси қилади.

Қадария мусулмонлардан бир тоифа бўлиб, қадар йўқ дейди. Улар: «Банда ўзининг ихтиёрий амалларини ўзи яратади», дейдилар. Шу эътиқодларига биноан, уларнинг фикрича, Холиқ иккита бўлади: Аллоҳ таоло ва ўз ихтиёрий амаллари бўйича инсон. Шунинг учун, яъни, икки холиқ бор, деб эътиқод қилганлари учун ҳам, Қадария иккита илоҳ бор деб, эътиқод қилувчи мажусийларга ўхшатишган».

Қадариянинг фикри ўта хатарли эканини аввалги гапларимизда таъкидлаб ўтдик. Шунинг учун ҳам бу ҳадиснинг давомини ўрганар эканмиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни уларга умуман яқинлашмасликка амр қилаётганларини кўраимиз. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар улар касал бўлсалар, кўргани борманглар», демоқдалар.

Бу гап ниҳоятда оғир гап. Чунки Исломда бемор мусулмонни бориб кўриш бошқа мусулмонларнинг бурчидир, беморнинг бошқа мусулмонлар зиммасидаги

ҳаққидир.

Қадария эътиқотида бўлган кимсалар ана ўша ҳақдан маҳрум қилинмоқдалар. Бу бир тарафдан соф эътиқодли киши учун эҳтиёт чораси: Қадария эътиқотидаги кимсани кўргани бориб, унинг бузуқ ақийдасидан таъсирланиб қолишининг олдини олиш. Иккинчидан, ўша бузуқ ақийдадаги одам учун жазо. Чунки бир бемор кимсани унинг ақийдасидан ҳазар қилиб, соф ақийдали мусулмонларнинг кўргани келмасликлари унинг учун ўлимга тенг. Учинчидан, бу бошқаларга ибрат ҳам. Фалончи Қадария ақийдасида бўлгани учун соф эътиқодли мусулмонлар беморлигини сўраб бормадилар, биз ҳам шунга ўхшаб қолмайлик, деб ўзларини эҳтиёт қиладилар. Турли бузуқ ақийдали кишиларга эргашмайдилар. Сўнгра у зот:

«...ўлсалар, ҳозир бўлманглар», дедилар.

Бу ҳам ўта қаттиқ ижтимоий жазодир. Ўлган мусулмонни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб кўмиш, тирик мусулмонлар учун фарзи кифоя. Бу ерда эса, Қадария эътиқотида бўлган кимсанинг жанозасига умуман бормасликка амр бўлмоқда. Бунда, ўлган кимса эътиқотидаги тирик бузуқиларга катта танбеҳ ва мусулмонлар оммаси учун кучли эслатма бор. Агар ушбу ҳадиси шарифда кўрсатилган чоралар мусулмонлар томонидан оқилона ва уюшқоқлик билан татбиқ қилинганда, Аҳли сунна ва жамоа мазҳабидан бошқа бузуқ ақийдадаги одамлар камроқ бўлармиди?

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қадария ақийдасининг хатарлилиги.
2. Қадария мусулмон умматининг мажусийлари экани.
3. Аҳли сунна ва жамоага хилоф қадарияга мансуб ақийдадаги беморларни кўргани бормаслик.
4. Аҳли сунна ва жамоага хилоф қадарияга мансуб ақийдадаги кимсаларнинг жанозасига бормаслик.

Ушбу ҳадиси шариф мусулмонларнинг ақийдасини софлигича сақлаб қолишда катта аҳамият касб этади. Аввало, Қадария эътиқодидаги кишиларнинг кимлигини фош этиб, мусулмонлар оммаси огоҳлантирилди. Қолаверса, мусулмонларнинг ўзлари ҳам ақийдалари софлиги учун курашишлари лозимлиги баён қилинди.

Халқ ичидаги обрў-эътибор ақийданинг софлиги, диндорликнинг даражаси билан ўлчалгандагина мусулмонлар ўз жамиятлари устидан яхши ва тўғри жамоатчилик назорати ўрнатган бўладилар.

50- عَنْ عُمَرَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: لَا بُحَالِ سُوا أَهْلِ الْقَدْرِ وَلَا تُفَاتِحُوهُمْ. رَوَاهُمَا أَبُو دَاوُدَ.

50. Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аҳли қадарлар билан бирга ўтирманглар ва уларга гап очманглар, улардан нарса сўраманглар», дедилар».

Иккала ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф аввалги ўрганган ҳадисимизнинг узвий давоми десак, хато қилмаган бўламиз.

Аввалги ҳадисда айtilган гаплар бу ҳадисга ҳам тегишлидир. Фақат бу ҳадисда бузуқ ақийда эгаларига кўрсатиладиган таъсирнинг бошқача усуллари зикр қилинмоқда:

1. «Аҳли қадарлар билан бирга ўтирманглар».

Бу иш ҳам бузуқ эътиқодли кишиларга таъсир ўтказишда, оммани уларнинг бузуқлигидан асрашда катта аҳамиятга эга. Бир тасаввур қилиб кўрайлик: бир гуруҳ мусулмонлар гаплашиб ўтиришган эдилар. Бузуқ эътиқодли киши келиб уларга кўшилиб ўтирди. Шунда

халиги гуруҳ одамлари бирин-кетин ўринларидан туриб кетдилар. Бузуқ эътиқодлининг ўзи қолди. У билан биров саломлашмади ҳам, саломига алик олмади ҳам. Бу жуда таъсирли чора.

2. «Уларга гап очманглар, улардан нарса сўраманглар».

Бу чора ҳам ўта каттиқ чора. Инсон ўзи яшаётган жамиятдаги бошқа одамлар билан алоқада бўлишга, муомала қилишга муҳтож. Эътиқоди туфайли мусулмонларнинг нафратига учраган кимса танбеҳ олади, ўзини ўнглаб олишга имкон топади. Энг муҳими, унинг ҳолини кўриб баъзи бир унга ўхшамокчи бўлганлар ўзини тияди.

51- وَقِيلَ لَابْنِ عُمَرَ: إِنَّهُ قَدْ ظَهَرَ قَبْلَنَا نَاسٌ يَقْرَأُونَ الْقُرْآنَ وَيَتَفَقَّهُونَ الْعِلْمَ وَذَكَرَ مِنْ شَأْنِهِمْ وَأَنْتَهُمْ يَزْعُمُونَ أَنَّ لَنَا قَدَرَ وَأَنَّ الْأَمْرَ أُنْفُ قَالَ: فَإِذَا لَقِيتَ أَوْلِيكَ فَأَخْبِرْهُمْ أَنِّي بَرِيءٌ مِنْهُمْ وَأَنَّ هُمْ بُرَاءٌ مِنِّي وَالَّذِي يَخْلِفُ بِهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ لَوْ أَنَّ لِأَحَدِهِمْ مِثْلَ أُحُدٍ ذَهَبًا فَأَنْفَقَهُ مَا قَبِلَ اللَّهُ مِنْهُ حَتَّى يُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

51. *Ибн Умарга:*

«Биз томонларда бир тоифа одамлар чиқди: Қуръон ўқийдилар, илми титкилаб талаб қиладилар», дейилди. Сўнг гапирувчи уларнинг қадар йўқлигини, ишлар ўз вақтида янгитдан бўлишини даъво қиляётганларини зикр қилди. Шунда у:

«Агар ўшаларни учратиб қолсанг, хабар бериб қўй, Ибн Умар, албатта, улардан безордир. Улар ҳам ундан безордирлар. Абдуллоҳ ибн Умар Унинг билан қасам ичадиган Зотга қасамки, агар улардан бирининг Ухуд

тоғичалик олтини бўлиб, уни нафақа қилса ҳам, то қадарга иймон келтирмагунча, Аллоҳ ундан қабул қилмайди», деди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху билан баъзи кишилар ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб келтирилмоқда. Бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг зикрлари ҳам, гаплари ҳам йўқ. Аммо у зот соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларининг маъноси бор. Одатда, саҳобаи киромлар, хусусан, Абдуллоҳ ибн Умардек зот бунга ўхшаш масалаларда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан бирор нарса эшитмай туриб, ўз фикрларича гап гапирмасликларини ҳисобга олиб, бу ривоят ҳадисларга қўшилган. Баъзи кишилар томонидан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхуга:

«Биз томонларда бир тоифа одамлар чиқдилар: Қуръон ўқийдилар, илмни титкилаб талаб қиладилар», дейилди».

Гапнинг сиёқидан кўриниб турибди, гапирувчи бошқа юртдан келган. Абдуллоҳ ибн Умардек мўътабар зот билан учрашиб қолганини қулай фурсат билиб, ўзини ўйлантириб юрган нарса ҳақида сўраб олишга қарор қилган. Унинг биз тарафларда бир тоифа одамлар чиқди, дейишидан, уларнинг юртида янги бир тоифа чиққанлиги кўриниб турибди. Сўнгра ўша тоифанинг сифатларини айта бошлади:

«Қуръон ўқийдилар».

Аслида ҳамма мусулмон ҳам Қуръон ўқийди. Лекин сўзловчининг ҳалиги янги тоифани васф қилишда биринчи бўлиб Қуръон ўқишларини зикр қилишидан, Қуръон ўқиган одамдан яхшилиқдан бошқа нарса чиқмаса керак, деб ўйлаб юргани чиқади. Чиндан ҳам мусулмонлар Қуръони Каримга бўлган эҳтиромлари ниҳоятда

зўрлигидан Қуръон ўқиган ҳар бир кишини қаттиқ ҳурмат қиладилар. Баъзи бир нафси бузуклар, хусусан, бузук эътиқоди ила шуҳрат қозонмоқчи бўлган кимсалар, бу нозик нуқтадан унумли фойдаланадилар. Ўзларини ҳаммадан кўра кўпроқ Қуръон ўқийдиган, Қуръонни биладиган қилиб кўрсатишга уринадилар.

«Илмни титкилаб талаб қиладилар».

Яъни, илмни кўпчилик билмайдиган чуқур масалаларини титкилаб топишга уринадилар. Бидъатчи, бузукчиларнинг асосий сифатларидан бири шу. Улар доимо йўқ ердаги китобларни топиб ўқиб, хаёлга келмаган масалаларни қўзғаб юрадилар. Ўзларини Қуръон аҳли, илм аҳли қилиб кўрсатишга уринадилар.

«Ва гапирувчи, уларнинг қадар йўқлигини, ишлар ўз вақтида янгитдан бўлишини даъво қилаётганларини зикр қилди».

Демак, мазкур васф қилинаётган тоифа одамлари қадарга ишонмас эканлар. Ҳар бир иш ўз қилинаётган вақтдагина билинади, дер, эканлар. Бу билан Аллоҳнинг илми чексиз эканини инкор этар эканлар. Ушбу васфлардан сўнг Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу у тоифадагиларнинг кимлигини англаб етдилар ва сўзловчига қуйидагиларни айтдилар:

«Агар ўшаларни учратиб қолсанг, хабар бериб қўй, Ибн Умар, албатта, улардан безордир. Улар ҳам ундан безордирлар».

Яъни, Ибн Умар ўзини улар билан бир маслақда, деб ҳисобламайди. Улар ҳам ўзларини Ибн Умар билан бир маслақда, деб ҳисобламасинлар.

«Абдуллоҳ ибн Умар Унинг билан қасам ичадиган Зотга қасамки, агар улардан бирининг Уҳуд тоғичалик олтини бўлиб, уни нафақа қилса ҳам, то қадарга иймон келтурмагунча, Аллоҳ ундан қабул қилмайди», деди».

Яъни, ўша қадарга ишонмайдиганларнинг Уҳуд

тоғичалик катта миқдорда олтини бўлиб, уни Аллоҳнинг йўлида садақа қилса ҳам, Аллоҳ садақасини қабул қилмайди. Чунки, қадарга иймони йўқнинг амали қабул бўлмайди. Бу гаплар қадарга ишонмаслик нақадар ёмон нарса эканини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Ушбу ҳадисдан қуйидаги фойдаларни оламиз:

1. Олим одамларни кўрганда керакли масалаларни сўраб олиш.

2. Бузуқ ақийдадаги одамларнинг Қуръон ўқишни ўзларига ниқоб қилиб олишлари мумкинлиги.

3. Бузуқ ақийдадаги одамларнинг талаби илмни ўзларига ниқоб қилиб олишлари мумкинлиги.

4. Соф эътиқоддаги мусулмон бировнинг эътиқоди бузуқ эканини эшитиши билан ундан ўзининг безор эканини эълон қилиши кераклиги.

5. Маънони таъкидлаш учун Аллоҳ билан қасам ичиш мумкинлиги.

6. Қадарга иймони йўқ одамнинг амали қабул бўлмаслиги.

52- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: فِي هَذِهِ الْأُمَّةِ أَوْ فِي أُمَّتِي خَسَفٌ
وَمَسْخٌ أَوْ قَذْفٌ فِي أَهْلِ الْقَدْرِ.

52. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ушбу умматдаги ёки менинг умматимдаги ер ютиш, бошқа махлуққа айланиб қолиш ёки осмондан бўладиган тошбўронга учраш қадар аҳлидадир», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисларида қадарга ишонмаслик нақадар оғир жиноят эканини баён қилмоқдалар. Ислом

умматида ер ютиш, бошқа махлукқа айланиб қолиш ёки осмондан бўладиган тошбўронга учрашга лойиқ тоифа–Қадария тоифаси эканини эълон қилмоқдалар. Бу гап жуда каттиқ гап. Чунки, турли умматлар ичида турли гуноҳ қилганлар ушбу азобларнинг биттасигагина учраганлар.

Мисол учун, Қорун ва унинг аҳлини ер ютган. Яҳудийларнинг чўчка ва маймунга айланиш азобига дучор бўлгани ҳаммага маълум. Каъбатуллоҳни бузиш ниятида келган Абраҳа ва унинг аскарлари осмондан бўлган тошбўронга йўлиққанлари ҳам маълум ва машҳур.

Қадар аҳлига эса, ушбу уч азобнинг таҳдиди бирданига бўлмоқда. Шунинг ўзиданоқ бу масала нақадар хавфли эканини билсак бўлади. Бундан Аллоҳнинг Ўзи сақласин!

53- عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: صِنْفَانِ مِنْ أُمَّتِي لَيْسَ لَهُمَا فِي الْإِسْلَامِ نَصِيبٌ الْمُرْجِيَّةُ وَالْقَدَرِيَّةُ. رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

53. *Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг умматимдан икки синф бор. Икковларининг ҳам Исломдан насибаси йўқ: Муржиъа ва Қадария», дедилар».

Икки ҳадисни Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадис машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар ичидан чиқадиган икки тоифа ҳақида хабар бермоқдалар. У зотнинг:

«Менинг умматимдан икки синф бор», деганларининг маъноси шудир.

«Икковларининг ҳам Исломдан насибаси йўқ».

Демак, булар залолатга кетган, адашган тоифалар ҳисобланади. Аввал ушбу икки тоифани васф қилган ҳолда

эшитувчини қизиқтириб, «Улар кимлар экан?» деб иштиёқларини кўзитиб олганларидан сўнг:

«**Муржиъа ва Қадария**», деб мазкур тоифаларнинг номларини айтдилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам беҳуда ташвиш тортмаган эдилар. Ҳақиқатда ҳам, кейинчалик бу тоифалар мусулмонлар ичидан чиқдилар. Тўғрироғи, шу икки васфни ўзида мужассам қилган тоифалар чиқдилар ва уларга мазкур номлар берилди.

«**Муржиъа**» сўзининг луғавий маъноси «умид қилдирувчи» ва «ортга сурувчи» деган икки хил ифодадан иборатдир.

Бу тоифага мансуб кишилар мусулмоннинг қанча гуноҳи бўлса ҳам Аллоҳ кечиб юборади, деганлари учун шу ном билан «Муржиъа»—«умид қилдирувчилар» деб номландилар.

Шунингдек, «Гуноҳ қилган мусулмонларнинг ишини ортга сурамиз, Аллоҳ Ўзи билиб муомаласини қилади», дегани учун, «Муржиъа»—«ортга сурувчилар» ҳам дейилди. Яъни, бир лафз билан икки маъно кўзда тутилган.

«Муржиъа»лар ҳам «Қадария»ларга ўхшаб алоҳида имомлари, эргашувчилари, тузумлари ва фикрий мактаблари билан ажраб чиққан эмаслар. Балки, ким юқорида зикр қилинган «иржо» фикрига қўшилса, ўшани муржиъа дейилаверган. Бу фикр ва эътиқоднинг келиб чиқиши мусулмонлар ўртасидаги сиёсий ихтилофлар натижаси ўлароқ пайдо бўлган фикрий-ақийдавий ихтилофлар тарихига бориб тақалади.

Маълумки, ҳазрати Али билан Муовия розияллоҳу анҳумо ўртасидаги сиёсий ихтилоф оқибатида «Хавориж» мазҳаби юзага чиқди. Улар биринчи бўлиб мусулмонларни амали туфайли кофирга чиқаришга ўтдилар. «Гуноҳи кабира қилган мўмин ким?» деган масалада қаттиқ ва давомли тортишувлар бўлди. Хаворижлар ҳеч иккиланмай:

«Гуноҳи кабира қилган мўмин кофир бўлади, дўзахда абадий қолади», дедилар.

Мўбтазилийлар: «Иймон билан куфр орасидаги оралик манзилда қолади, У мўмин ҳам эмас, кофир ҳам эмас», дедилар.

Ҳасан Басрий, Саъийд ибн Жубайр каби зотлар гуноҳи кабира қилган мўмин мунофиқ бўлади, дедилар.

Аҳли сунна ва жамоа эса: «Гуноҳи кабира қилган мўмин осий бўлади, гуноҳига яраша дўзах азобини тортиб, кейин қайтиб чиқади», дедилар.

Аммо ихтилоф кучайиб, мўминларни кофирга чиқариш авж олаверди. Ҳар кимнинг ўз фикрига таассубли бўлиши ҳам кучайиб бораверди. Тарафкашлик бор жойда ҳаддан ошиш бўлиши ҳаммага маълум. Хаворижларнинг мўмин одамни сал нарсага кофирга чиқараверишларига қарши бўлган тарафлар ичида ҳам ҳаддан ошувчилар чикди. Улар хаворижлар нима деса, шуни ёлғонга чиқаришга киришиб кетдилар. Улар аввалига гуноҳкор мўмин осий бўлади, деган фикрга кўшилган эдилар. Ихтилофлар кучайгач, гуноҳкор мўминнинг иши ортга сурилади, нима қилишни Аллоҳнинг ўзи билади, аммо кечиб юбориши устун, дедилар. Таассублари янада кучайгач, иймон–тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашдир, амалнинг иймонга дахли йўқ, дейишди. Шунинг учун гуноҳ амал қилган одам мўминликдан чиқмайди, дейишди. Бориб-бориб, амал куфр билан фойда бермаганидек, иймон билан ҳам зарар бермайди, дедилар. Яъни, кофир одамнинг қилган яхши амали кофирлиги туфайли унга фойда бермаганидек, мўмин одамнинг қилган гуноҳи иймони борлиги туфайли унга зарар бермайди, дедилар. Бу дегани тили билан иймон калимасини айтиб қўйиб, дили билан тасдиқ қилиб, хоҳлаган гуноҳни қилавериш мумкин, заррача зарар бўлмайди, тўппа-тўғри жаннатга бораверади, дегани эди. Ва ниҳоят, иймон дил тасдиғидир, агар тилида куфр

сўзларини айтса ҳам бўлаверади, дейишгача боришди.

Кўриниб турибдики, асосан, қуруқ жанжал, даҳанаки жанг, тарафкашлик шу оқибатга олиб келган. Аммо, «иржо», яъни, муржиъаларнинг фикри доимо мусулмонларнинг қаҳрига учраган. Шунинг учун ҳам бу фикр намояндалари ўзларини кўпчиликка танита олмаганлар.

Бунинг ўрнига Имом Абу Ҳанифа, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадга ўхшаш улуғ кишиларни муржиъалар, деб гап тарқатишга ўтганлар. Аслида эса, бу улуғ зотлар «иржо» фикрига мутлақо қарши бўлишган. Хаворижлар уларни «муржиъа» деб атаганлар.

Бу улуғ зотлар Аҳли сунна ва жамоанинг имомлари ўлароқ, ҳам хаворижларга, ҳам муржиъаларга қарши бўлганлар.

Тарихий ва мазҳабчилик манбаларига назар соладиган бўлсак, муржиъаликнинг фикр сифатидаги васфларини кўп кўрамиз. Аммо ҳаракат сифатида, татбиқ қилинган нарса сифатида унинг бирор нарсасини кўрмаймиз. Уларнинг бошлиқлари, кўзга кўринган арбоблари ким эканини ҳам кўрмаймиз. Шунингдек, муржиъа фикрини татбиқ қилиб яшаган бирор гуруҳни ҳам билмаймиз. Муржиъалик фикрини олға сурган кишиларнинг ўзлари гуноҳ ишларни қилиб, савоб ишларни тарк этганлари тўғрисидаги хабарларни ҳам учратмаймиз.

Қадария тўғрисида олдин гапирдик. Муржиъа тўғрисида айтган гапларимиз уларга ҳам тегишли. Исломдан насибаси йўқ бу икки тоифага мусулмонлар орасида жой ҳам йўқ!

الباب الخامس في البيعة

БЕШИНЧИ БОБ

БАЙЪАТ ҲАҚИДА

«Байъат» сўзи луғатда «олди-сотди»ни англатади. Шариатда эса, байъат кишиларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат ҳақида берган ахдномаларини ифода қилади. Бу ахдномада ҳам аҳд берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан «байъат» дейилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ке-йин у зотнинг халифаларига байъат қилиш одати бўлган. Кейинроқ маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам байъат қилиш тарқаган.

Байъат Ислом ва Иймонда муҳим омил бўлганидан муаллиф «Ислом ва Иймон» китобида унга алоҳида боб очди. Бошқа муҳаддислар, жумладан, Имом Бухорий ҳам бу ҳақдаги ҳадисларни «Иймон китоби»да келтирганлар.

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَبِيبِيبٍ.

Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, Сенга байъат қилаётганлар, ҳақиқатда Аллоҳга байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир».

Шарҳ: Фатҳ сурасидаги бу оят Ҳудайбия сулҳи вақтида нозил бўлган. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир минг тўрт юз нафар саҳобий билан умра қилгани Макка томон юрганлар. Маккага яқинлашганларида, мушриклар йўлни тўсишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар келган. Ҳудайбия

деган жойда тўхталган. Икки тараф бир-бирига вакил юбора бошлаган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни юборганлар. У киши дараксиз узоқ қолиб кетганлар. Шунда «Мушриклар Усмонни ўлдиришибди» деган гап тарқалган. Вазият оғирлашиб, қуролли тўқнашув бўлиши муқаррарга ўхшаб қолган. Ана шундай нозик ва хатарли бир пайтда мусулмонлар Ислом йўлида фидокорлик аҳдини бериб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилишлари лозим бўлган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дарахт тагида туриб, байъат олганлар, Аллоҳ таоло ушбу байъатда иштирок этганлардан рози эканини эълон қилиб, оятлар нозил қилган.

Мазкур ояти каримани тўлалигича ўргансак мақсадга мувофиқ бўлар деган умиддамиз.

Аллоҳ тало Фатҳ сурасида айтади:

«Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (байъатни) бузса, ўзига қарши бузади, холос ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур» (10-оят).

Ояти каримада сўз Худайбия сулҳидаги байъат ҳақида бораётганини англагандирсиз. Мушриклар ҳазрати Усмонни ўлдиришибди, деган миш-миш тарқалгандан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаи киромларни байъат қилишга чақирган эдилар. Ўша пайтда Расули акрам алайҳиссалом Самура дарахти остида ўтирганлари учун ҳам бу кун «шажара (дарахт) куни», байъатни эса «дарахт остидаги байъат» деб аталган.

Саҳобалардан Маъқал ибн Ясар розияллоҳу анҳу: «Дарахт куни» Пайғамбар алайҳиссалом одамларнинг байъатини қабул қилар эдилар, мен эса у кишининг

бошларида бир шохни кўтариб турар эдим, ўшанда бир минг тўрт юз киши эдик», деганлар.

Биринчи бўлиб, Абу Синон ал-Асадий исмли саҳобий байъат қилганлар. Яъни, ҳар бир саҳобий Пайғамбаримиз алайҳиссаломни қўлларини тутиб туриб, уруш бўлиб қолса қочиб кетмаслик, дин йўлида жон фидо қилишга аҳду паймон берган. Ушбу ҳолатни Қуръони Карим ўзига хос услубда тавсиф қилмоқда. Пайғамбар алайҳиссаломга қўл бериб, аҳду паймон қилишни Аллоҳ таолога аҳду паймон қилиш–байъат қилишдан ўзга нарса эмас, деб тушунтирмоқда. Яъни, мабодо Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахслари ғойиб бўлиб қолса ҳам, Аллоҳ ғойиб бўлмайди, аҳд-аҳдлигича қолади.

Иккинчидан, бу берилган байъат оддий байъат эмас, балки Аллоҳ таолонинг ўзига берилган улуғ байъатидир. Бас, шундай экан, бунга алоҳида эътибор билан қараш керак. Ким бу байъатни бузса, оддий байъатни бузган бўлмайди, балки Аллоҳга берган аҳдни бузган бўлиб, ўз зарарига улкан иш қилган бўлади. Албатта, бу байъатни бузилишидан Аллоҳ таоло зарар кўрмайди. Чунки, У беҳожат Зот. Зарарнинг барчаси байъатни бузган бандага бўлади. Ўша банда Аллоҳнинг ғазабига ва иқобига учрайди. Аллоҳ таоло бандалари орасидан вафо аҳдларини яхши кўради. Шунинг учун ҳам оятнинг охирида:

«... ким Аллоҳга берган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур», дейилмоқда.

Пайғамбар алайҳиссаломга қилинган байъат Ислом уммати ҳаётида катта аҳамиятга молик амал ҳисобланишини ушбу оятдан билиб олсак бўлади.

Муаллиф байъат Қуръонда борлигига далил қилиб келтираётган ушбу ояти карима ҳам ўша оятлар ичида бор эди. Бу оятда Аллоҳ таоло Худайбияда Расулуллоҳга байъат қилиб, қўл берган одамлар, аслида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эмас, Аллоҳга байъат

қилганлари, байъат вақтида уларнинг қўлларини олган қўл Расулulloҳники эмас, балки Аллоҳнинг қўли эканини баён қилмоқда. Бу жуда улуғ мартабадир.

Байъат вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан тасаввуф аҳлида муриднинг шайхга устоз ва шогирдлик учун қилган байъатини «қўл бериш» дейилади.

54- عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ وَحَوْلَهُ عِصَابَةٌ

مِنْ أَصْحَابِهِ: بَايَعُونِي عَلَى أَنْ لَا تُشْرِكُوا بِاللَّهِ شَيْئًا، وَلَا تَسْرِفُوا، وَلَا تَزْنُوا، وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ وَلَا تَأْتُوا بِبُهْتَانٍ تَفْتَرُونَهُ بَيْنَ أَيْدِيكُمْ وَأَرْجُلِكُمْ وَلَا تَعْصُوا فِي مَعْرُوفٍ فَمَنْ وَفَى مِنْكُمْ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ، وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا فَعُوقِبَ فِي الدُّنْيَا فَهُوَ كَقَارِئِهِ، وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا ثُمَّ سَتَرَ اللَّهُ فَهُوَ إِلَى اللَّهِ إِنْ شَاءَ عَمَّا عَنَّهُ وَإِنْ شَاءَ عَاقَبَهُ. فَبَايَعْنَاهُ عَلَى ذَلِكَ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

54. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларида саҳобаларидан бир жамоа турганида:

«Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслигингиз, ўғрилик қилмаслигингиз, зино қилмаслигингиз, болаларингизни ўлдирмаслигингиз, қўл ва оёқларингиз орасидан тўқилган бўхтон келтирмаслигингиз ва маъруф ишда осий бўлмасликларингиз ҳақида менга байъат қилинг. Бас, сиздан ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйиб, дунёда укубатини олган бўлса, бу унинг учун

каффоротдир. Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйсаю, сўнгра Аллоҳ уни сатр қилган бўлса, у Аллоҳга хавола. Хоҳласа, уни афв қилади, хоҳласа, иқобга олади», дедилар. Бас, биз у зотга ана шу ҳақида байъат қилдик».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадисни Убода ибн Сомит розияллоху анху ривоят қилмоқдалар. У киши билан танишмиз.

Ушбу ҳадис байъат ҳақидаги энг машҳур ҳадислардан биридир. Чунки, ҳадиснинг ровийи байъат тарихининг биринчи кунидан бошлаб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам олган барча байъатларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлган улуғ саҳобий Убода ибн Сомит розияллоху анхудирлар.

Ҳижратдан олдинги ҳар ҳаж мавсумида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳажга келган қабилаларга ўзларини таништириб, уларни Исломига чақирар эдилар. Бир мавсумда у зот алайҳиссалом Минодаги тош отадиган «Ақаба» номли жойда Ясриб (Мадина)дан келган Хазраж қабиласига мансуб кишиларни учратиб қолиб:

«Ўтирсангиз, сизга гапим бор эди», дедилар. Улар:

«Хўп», деб ўтиришди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам уларни Аллоҳга чақирдилар. Уларга Иломни арз қилиб, Қуръон тиловат қилиб бердилар. Улар янги пайғамбар чиқиши, унинг сифатлари ва чиқиш вақти яқинлашиб қолгани ҳақида яҳудийлардан эшитган эдилар. Бир-бирларига:

«Бу, ўша пайғамбар-ку, яҳудийлар биздан ўзиб кетмасинлар», дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг чақириқларини қабул қилиб, Иломга кирдилар.

Улар юртларига қайтиб бориб, Илом хабарини ҳамма томонга тарқатдилар. Келаси йили ўн икки киши келиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан «Ақаба»да

учрашдилар.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофидаги жамоа, ўшалар эди. Ўша ўн икки кишининг бирлари, ҳадиснинг ровийлари Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан ушбу ҳадисда зикр этилган байъатни олдилар. Устоз сўрашган эди, Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни устоз қилиб, қўшиб бердилар. Янаги мавсумгача Ясрибдаги ҳар бир уйга Ислом кириб борди, келаси йилда етмиш уч эркак, икки аёл келиб, мусулмон бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан кечаси яширинча учрашганлар. Улар кўп бўлганлари учун, байъат учун ичларидан «накиб»лар сайлашни топширдилар.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ўша сайланган накиблардан бири эдилар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга енгилу оғир пайтда қулоқ осиб итоат қилишга, амри маъруф, наҳйи мункар қилиш, доимо ҳақ гапни айтиш, Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаслик, агар Ясриб (Мадина)га келсалар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нусрат бериш, у зотни ўзларини, аёлларини ва болаларини ҳимоя қилган нарсадан ҳимоя қилиш ҳақида байъат қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга бу ишлар эвазига жаннат мукофот бўлишини хабарини бердилар. Ушбу байъат «иккинчи Ақаба байъати» деб номланади.

Мазкур байъатдаги нусрат бериш ваъдаси—аҳди учун мадиналик мусулмонлар «Ансорий» (нусрат—ёрдам берувчилар) номини олганлар.

Кейинроқ Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожира аёллардан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алоҳида байъат олганлар. Бу ҳақда Куръони Каримда оятлар ҳам бор. Бу байъат «аёллар байъати» деб номланади.

Худайбияда эса, аввал зикр қилганимиздек, дарахт тагидаги байъат – розилик байъати бўлди. Убо-да ибн Сомит розияллоху анху бу байъатда ҳам иш-тирок этдилар. Ушбу биз ўрганаётган ҳадиси шарифда «биринчи Ақаба байъати» ҳақида сўз кетмоқда.

Ҳадиснинг аввалида унинг қандай ҳолда бўлганини аниқ васф қилиш мақсадида ровий:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам атрофларида бир жамоа саҳобалари турганида», демоқда.

Бу жамоа, аввал зикр қилинганидек, ўн икки кишидан иборат бўлиб, ичларида Убода ибн Сомит розияллоху анху ҳам бор эдилар. Ҳодиса Минодаги Ақабада–шайтонга тош отадиган жойда бўлиб ўтган.

Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам мусулмон бўлиб, у зотнинг раҳбарликлари остидаги Ислом жамоасида яшашга қарор қилган мазкур кишиларга, аввало, нималарга аҳд беришларини баён қилиб бердилар. Бу нарсалар қуйидагилардан иборат эди:

1. «Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслигингиз...»

Яъни, Аллоҳнинг ваҳдониятига иймон келтириш ҳақида аҳд беринг. Иймоннинг асли, Исломнинг асоси шудир. Шунинг учун ҳам, бу ҳамма нарсадан олдин зикр қилинди. Тавҳид бўлмаса, бошқа бирор нарсанинг бўлиши мумкин эмас. «Ҳеч нарсани» деганлари умумийликни ифода қилади. Баъзи бир одамлар ўйлаганидек ширк фақат бут ёки санамга чўқинишдан иборат эмас. Ширкнинг турлари жуда кўп. Хулоса қилиб айтганда, банда Аллоҳнинг ибодати қолиб, бошқанинг ибодатини, Аллоҳнинг айтгани қолиб, бошқанинг айтганини қилганда Аллоҳга ширк келтирган бўлади.

2. «Ўғрилиқ қилмаслигингиз...».

Яъни, ҳеч нарсани ўғриламаслигингиз ҳақида аҳд беринг. Аллоҳга ширк келтирмаслик ҳақидаги аҳддан

кейин бевосита ўғрилиқ қилмаслиқ келиши, бу жинойятнинг нақадар разил эканини ва ўша вақтда энг зарур ишлардан бири, ўғрилиққа қарши кураш масаласи бўлганини кўрсатиб турибди.

3. «Зино қилмаслигингиз...».

Бу ҳам худди ўғрилиққа ўхшаб, инсониятга катта зарар етказадиган гуноҳлардан бири. Ўғрилиқ ҳақида айтилган гаплар зинога ҳам тегишли. Мулоҳаза шуки, кўпгина ҳадисларда ўғрилиқ билан зино ушбу тартибда зикр қилинади.

Бу икки гуноҳи кабирада кўпгина муштараклиқлар борлиги учун шундоқ қилинган бўлса керак.

4. «Болаларингизни ўлдирмаслигингиз...».

Ўша вақтда одамларда очликдан кўрқиб, ўғил-қизларини ўлдириш одати бор эди. Ор-номусдан кўрқиб, урушда қўлга тушиб қолса чўри бўлади, деб қизларни ўлдириш одати бор эди. Ислом ўзининг дастлабки кунлариданоқ бунга қарши чиқди. Мана, Расули ақрам биринчи байъатда энг муҳим масалалар ичида ўз саҳобаларидан болаларини ўлдирмаслиқ ҳақида аҳд олмоқдалар.

5. «Қўл ва оёқларингиз орасидан тўқилган бўҳтон келтирмаслиқларингиз».

Худди шу ибора «аёллар байъати» ҳақидаги оятда ҳам келган. Унда аёлларнинг зинодан бола топиб, эрига: «Сендан бўлди», деб бўҳтон қилиши маъносида ишлатилган. Бу ерда эса, умуман, киши томонидан бўҳтон нарса содир бўлмаслиги маъносида ишлатилмоқда. Бўҳтон, уни эшитган одам даҳшатга тушадиган даражадаги очиқ-ойдин ёлғондир. Исломда ёлғончилик қанчалик қаттиқ қораланишини шундан билиб олса ҳам бўлади.

6. «Маъруф ишда осий бўлмаслиқларингиз...».

Маъруфнинг маъноси «танилган», дегани. Бу ерда, шариатда маълум ва маъруф бўлган ишда осий бўлиб юрмаслигингиз, деган маънодадир.

Эътибор берадиган бўлсак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам байъат учун шарт қилиб қўйган олти нарсанинг бештаси Исломдан олдинги жоҳилият тузумининг қабиҳ ишларидан халос бўлишга оид ишлардир. Бош масала—жоҳилиятнинг асосий муаммоси ва балоси ширкдан халос бўлиш. Шунингдек, ўша даврнинг энг разил ижтимоий балолари бўлмиш ўғрилиқ, зинокорлик, ўз боласини ўлдириш, бўхтон тўқишлардан халос бўлишдир.

Бу ўз навбатида Ислом аввал кишиларни жоҳилиятга оид нарсалардан поклаб олишга ҳаракат қилганини кўрсатиб турибди. Ширкни тарк этиб, мўмин бўлиш, мушриклик сифатларини ташлаб, мўминлик сифатлари билан сифатланиш биринчи галдаги вазифа бўлган. Ундан кейин маъруф ишларни бажариш вазифа қилиб қўйилган. Албатта, аҳд бериш бир гап, унга вафо қилиш алоҳида бир масала. Баъзилар аҳдга вафо қилишлари мумкин, айримлар бунга тўлиқ эришолмайди.

Яна бошқа ҳолатлар юзага чиқиб қолиши мумкин. Ана шуларни эътиборга олиб ҳадиснинг давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда ҳам баёнот бериб, куйидагиларни айтмоқдалар:

«Бас, сиздан ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир».

Яъни, кимки байъатдаги нарсаларга тўлиқ амал қилса, ажри-савобини Аллоҳнинг Ўзидан олади.

«Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйиб, дунёда укубатини олган бўлса, бу унинг учун каффоратдир».

Яъни, гуноҳнинг ювилишидир. Ким байъатда зикр қилинган, ман этилган нарсаларни қилиб, гуноҳкор бўлиб қолсаю, бу дунёда гуноҳига яраша шаръий жазо олган бўлса, гуноҳи ювилади. Албатта, диндан қайтиб муртад бўлган кимсанинг ҳукми бундан мустасно. Муртад шаръий

хукмга биноан ўлдирилади. Лекин кофир ҳолида кетади. Бу билан унинг кофирлик гуноҳи ювилмайди. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда ширкни кечирмаслигини қатъийан айтиб қўйган.

«Ким ўшалардан баъзи нарсани қилиб қўйсаю, Аллоҳ уни сатр қилган бўлса, у Аллоҳга ҳавола».

Яъни, биров бир гуноҳни қилди. Ҳеч ким билмади, сирлигича қолиб кетди, Аллоҳ унинг айбини беркитди. Ундоқ одамнинг иши Аллоҳ таолога ҳавола қилинади. Аллоҳ таоло, хоҳласа, уни афв қилади, хоҳласа иқобига олади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу гапларни эшитиб, Убода ибн Сомит ва у кишининг шериклари бу шартларга рози бўлдилар ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилдилар. Бу ҳақда у киши:

«Бас, биз у зотга ана шу ҳақида байъат қилдик», дейдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Байъатнинг шариатдаги муҳим омил бўлгани.
2. Мусулмон одамнинг ёмонликлардан қайтиб, яхшиликларни қилишга аҳд бериши кераклиги.
3. Ширкдан узоқ бўлиш энг зарур нарса экани.
4. Ўғрилиқ энг ёмон гуноҳлардан экани.
5. Зино энг ёмон гуноҳлардан экани.
6. Ёлғон-бўхтон энг ёмон гуноҳлардан экани.
7. Осийликдан сақланиш зарурлиги.
8. Гуноҳига яраша шариатда кўрсатилган жазони олган одамнинг гуноҳи ювилиши.
9. Гуноҳи бекилиб, шаръий жазо олмай қолган одамнинг иши Аллоҳ таолога ҳавола қилиниши.

وَفِي رِوَايَةٍ لِلشَّيْخَيْنِ: بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي

الْعُسْرِ وَالْيُسْرِ، وَالْمَنْشَطِ وَالْمَكْرَهِ، وَعَلَىٰ أَثَرَةِ عَلَيْنَا، وَعَلَىٰ أَلَّا نُنَازِعَ
الْأَمْرَ أَهْلَهُ، وَعَلَىٰ أَنْ نَقُولَ بِالْحَقِّ أَيُّنَمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً
لَّائِمَةً.

Икки Шайх келтирган бошқа бир ривоятда:

«Биз Расулulloҳга, қийинчилигу осонликда, ғайрат келиб тургандаю малол келиб турганда, ўзимиздан бошқани устун қўйилганда ҳам кулоқ осиб, итоат қилиш, ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик, қаерда бўлса ҳам Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан кўрқмасдан ҳақни гапириш ҳақида байъат қилдик», дейилган.

وَفِي رِوَايَةٍ أُخْرَىٰ وَأَلَّا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ. قَالَ: إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا
بِوَاحَا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ.

Яна бошқа бир ривоятда:

«ва ишни ўз аҳлидан низо қилмаслигимиз ҳақида. У зот:

«Магар очик-ойдин куфр кўрсангиз ва сизда Аллоҳ томонидан бурҳон-хужжат бўлса...», дедилар», дейилган.

Шарҳ: Муаллиф бу қўшимчани аввалги ҳадисни тўлдириш шаклида келтирмоқда.

«Икки Шайх»дан мурод, Имом Бухорий ва Муслим эканлиги маълум ва машҳур. Бу икки буюк муҳаддис Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан байъат ҳақида бошқа ривоят ҳам келтирганлар. Унда Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ушбу юқорида келтирилган маъноларни айтган эканлар. Бунда аввалгисидан бошқача шартлар бор:

1. «Қийинчилигу осонликда, ғайрат келиб тургандаю малол келиб турганда, ўзимиздан бошқани устун қўйилганда ҳам қулоқ осиб итоат қилиш».

Албатта, бу қулоқ солиб итоат қилиш Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга ва мусулмон раҳбарларга бўлади. Бу шарт ҳар бир жамият учун жуда зарур. Бошлиққа қулоқ осиб итоат қилинмаган жойда тартиб-интизом, муваффақият бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Исломда бу нарсага катта аҳамият берилган.

2. «...ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик».

Саҳобаи киромлар истилоҳида ишбошилиқ «иш» деб юритилган. «Бу иш ҳақида сўровдим, бу иш тўғрисида гап юритадиган бўлсак», каби ибораларда ишбошилиқ кўзда тутилган. Бу ерда ҳам, бу ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик, деганда ишбошилиқни топширилган одамдан олиш учун талашиб-тортишмаслик маъноси чиқади. Чунки агар шундоқ бўлмаса, талабгорлар кўпайиб, мансаб учун уруш-жанжал авжга чиқиши мумкин.

3. «Қаерда бўлсак ҳам, Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан кўрқмасдан ҳақ гапни гапириш...».

Бу мусулмончиликнинг кўзга кўринган фазилатларидан биридир. Қаерда бўлса ҳам, ҳеч нарсдан кўрқмасдан, Аллоҳ учун фақат ҳақ гапни айтиш-чин мусулмон одамнинг сиймоси. Аллоҳ розилиги ана шундай топилади. Шунинг учун ҳам, бу нарса Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга қилинган байъат шартларига қўшилган.

Убода ибн Сомит розияллоху анҳудан қилинган яна бир ривоятда халифалиқ ишини низо қилмаслик тўғрисидаги шартдан кейин Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Магар очик-ойдин куфр кўрсангиз ва сизда Аллоҳдан бурҳон-ҳужжат бўлса», деганлар.

Яъни, агар очик-ойдин куфрнинг содир бўлганини

кўрсангиз ҳамда сизда бунга кучли ва аниқ ҳужжат бўлса, низо қилсангиз бўлади, деганлари. Бошқа хатолар юз берса, муслмонлар насихат қиладилар, хатони очик кўнгил билан кўрсатадилар. Буни қабул қилиши керак.

55- عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ ت قَالَ: بَايَعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ر عَلَى إِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَالتُّصْحِحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ. رَوَاهُ الشَّيْخَانُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

55. Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга намозни тугал адо этиш, закот бериш ва ҳар бир муслмонга насихат қилиш ҳақида байъат қилдим».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда. У киши билан танишиб олайлик:

Жарир ибн Абдуллоҳ ибн Жобир Бажалий, кунялари Абу Амр. Ҳижратнинг 10-йили, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафотларидан қирқ кун олдин Ислоғма кирдилар. У киши қавмларининг саййиди бўлганликлари учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўша Ислоғма кирган вақтида «келса, ҳурмат қилинлар», деб марҳамат қилдилар. Ироқда, Қодисияда ва бундан бошқа жойлардаги урушларда иштирок этдилар. Бажала аҳли тафриқага тушганида, Умар ибн Хаттоб розияллоху анху уларни жамлаб, Жарирни бошлиқ этиб тайинладилар. Бундан ташқари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишини «Хулоса» номли бутни бузиш учун юбордилар. У киши бутларни ўтда ёқиб юбордилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар. У кишидан ўғиллари Абдуллоҳ,

Мунзир, Иброҳим ва Қайс ибн Ҳозим, Абу Воил, Абу Зуръата ибн Амр ибн Жарир ва бошқалар ривоят қилишди.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу 50-ҳижрий йилда вафот этганлар.

Бу ҳадиси шарифдан Исломдаги уч муҳим иш ҳам баъзи бир байъатлардан кўшилганини билиб олмақдамиз.

1. Намоз Исломнинг асосий беш рукнидан бири. Диннинг устуни. У қоим бўлса, дин қоим бўлади.

2. Закот Исломнинг асосий беш рукнидан бири. Ҳар бир жамиятда иқтисодий масалаларни тўғри ҳал қилишнинг асосий гарови.

3. Ҳар бир мусулмонга яхшилик йўлида насихат қилиш. Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий алоқаларини тўғри йўлга қўйишнинг асосий омилларидан бири.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар, унинг ҳикмати ва аҳамияти очиқ-ойдин кўриниб турибди.

56- عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: كُنَّا إِذَا بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ يَقُولُ لَنَا فِيمَا اسْتَطَعْتُمْ.

56. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қачонки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ осиш ва итоат қилиш ҳақида байъат қилсак, сизга, тоқатларингиз етган нарсада», дер эдилар».

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг бу гапларидан кўриниб турибдики, саҳобалар томонидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат такрорланиб турган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Тоқатларингиз етган нарсада», дейишлари, Исломнинг умумий қондасига мувофиқ гапдир. Исломда инсондан унинг тоқатидан ташқари нарсани талаб қилиш

йўқ.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ алайҳиссаломга саҳобаи киромлар қайта-қайта байъат қилганлари. Демак, раҳбар билан унга эргашиш орасидаги аҳднома-байъат вақти келганда янгиланиб тургани мақсадга мувофиқ экан.

2. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга кулоқ осий ва итоат қилиш ҳақида ҳам байъат қилинган.

3. Ислоҳ динида инсонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилиш йўқ экани.

57- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يُبَايِعُ النِّسَاءَ بِالْكَلامِ بِهَذِهِ الْآيَةِ { لَا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا } قَالَتْ: وَمَا مَسَّتْ يَدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ يَدَ امْرَأَةٍ إِلَّا امْرَأَةً يَمْلِكُهَا. رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ.

57. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг байъатини «ва Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмасликлари...» оятига биноан сўз билан қабул қилар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари ўзларига мулк бўлмаган хотинга ҳаргиз тегмагин».

Икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис Оиша онамиздан ривоят қилинмоқда.

У кишининг таржимаи ҳоллари билан танишиб чиқайлик:

Ҳазрати Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳо ҳижратдан саккиз йил аввал туғилганлар. Бу зот Расулуллоҳнинг энг яқин саҳобалари, хулофаи рошидинлардан бири Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг қизлари, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутахҳараларидир. Оналари Умму Руммон Зайнаб бинти Омир эди. Бу киши

хижратнинг олтинчи йили вафот этганлар.

Ҳазрати Оиша онамизнинг лақаблари Сиддийка ва унвонлари Уммул мумининдир. Жуда кичиклик пайтларидаёқ, ўн саккиз кишидан сўнг Исломни қабул қилганлар, хижратдан икки йил аввал Маккада Расулуллоҳга никоҳландилар.

Ҳазрати Оиша тафсир, ҳадис, фикҳдан, араб тарихи ва адабиётидан яхши воқиф эдилар. У киши замоналарининг улуғ донишмандларидан бўлиб, ҳатто, ҳазрати Абу Бакр, Умар, Усмон даврларида таниқли саҳобалар ва олимларга дарс, фатво берадиган даражада юксак салоҳият ва иқтидор соҳибаси эдилар. Уйда ва сафарларда доимо Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга бўлганлари учун, асҳоби киромдан кўпчиликка насиб этмаган диний аҳкомлардан воқиф бўлганлари сабабидан, энг етакчи саҳобалар ҳам ҳал этолмаган диний масалаларни ҳазрати Оишадан сўрашарди.

Оиша онамиз Расули акрамдан 2210 та ҳадис ривоят қилганлар ва бу соҳада Абу Ҳурайрадан сўнг турадилар. Ҳазрати Оишадан саҳоба ва тобеъийнлардан кўплари ҳадис нақл этишган. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»ларида бундай ҳадислардан 2258 саҳифа тўпланган.

Ҳазрати Оиша Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан саккиз йилу беш ой бирга яшадилар. Ўн саккиз ёшларида Пайғамбаримиз вафот этдилар. Оиша онамиз олтмиш беш йил яшадилар ва хижратнинг 58-йилида Мадинада вафот топдилар.

Оиша онамизда кўпгина нодир фазилатлар тўпланган эди. У киши жуда ақлли ва зехнлари ўткир, илмли аёл эдилар. Оиша онамиз тилни, шеърни, тиб фанини, насаблар ва уруш тарихларини яхши билар эдилар.

Зухрий Оиша онамиз ҳақларида айтадиларки: «Агар Расулуллоҳнинг барча аёлларининг илмини ва жамики

аёлларнинг илмини тўплаб туриб, Оишанинг илмига солиштирилса, албатта, Оишанинг илми афзалдур».

Оиша онамизнинг илмлари тўғрисида Урва: «Тиб фанида, шеъриятда ва фикҳ илмида Оишадан илмлироқ бирор кишини кўрмадим», дедилар.

Ҳазрати Оиша оталари Абу Бакр Сиддикдан, Умар ва Саъд ибн Аби Ваққос, Усайд ибн Ҳузайр ва бошқалардан ҳам ривоят қилдилар. Аммо Оиша розияллоху анҳодан аксар саҳобалар кўплаб ҳадис ривоят қилдилар. Шулардан: Абу Ҳурайра, Абу Мусо Ашъарий, Зайд ибн Холид ал-Жухалий ва София бинти Шайба розияллоху анҳумларни зикр қилишимиз мумкин. Тобъийлардан икки юзга яқин киши Оиша онамиздан ҳадис ривоят қилишди, шулардан: Саъийд ибн Мусаййиб, Алқама ибн Қайс, Масруқ ибн ал-Аждаъ, Оиша бинти Талҳа, Амра бинти Абдурахмон, Ҳамса бинти Сийрин ва бошқалар.

Оиша онамиз аҳёнда ёлғиз ўзлари баъзи бир масалаларни ҳал этар эдилар ва ўзларига хос бўлган ижтиҳод қилар эдилар. Гоҳида у киши уламо саҳобалар билмай қолган масалаларни ҳам ҳал этар эдилар. Ҳатто, Заркаший шу маънода китоб ёзди ва уни «Оишанинг саҳобалар билмаганини идрок этган жавоблари» деб номлади. Абу Мусо розияллоху анҳу:

«Биз Аллоҳнинг Расулининг саҳобалари билмаганларимизни доимо Оишадан топар эдик», деганлар.

Масруқ розияллоху анҳу: «Катта шайх саҳобаларни Оишадан фарзлар ҳақида сўрашаётганларини кўрдим», дедилар.

Ҳазрати Оишанинг ёшлигидан камолига қадар бутун ҳаёти макорими ахлоқнинг жонли намунаси бўлмиш Расули акрамнинг завжиятида ўтди. Оиша онамизнинг ахлоқи юксак, ниҳоятда тақводор ва қаноатли аёл эдилар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳар бир амрларига итоат

этар, у кишини хушнуд этмокни ўзларининг энг буюк вазифалари деб билардилар.

Бу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг: «Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўхтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатларини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳини кечишни сўра. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир» деган оятига биноан, мўмина аёллардан байъат олганлари ҳақида сўз кетмоқда.

Бу ривоятда асосан, байъат қай тарзда олингани васф қилинмоқда. Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам аёллардан оғзаки байъат олганлари, уларнинг эркакларга ўхшаб қўллари олмаганлари баён этилмоқда.

Оиша онамиз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам нафақат байъат пайтида, балки умумий ҳолатда ҳам номаҳрам аёлга қўллари тегмагани ҳақида гапирмоқдалар ва шу билан аёлларга тегишли ҳукми ривоят қилмоқдалар. У зот соллаллоху алайҳи васалламнинг фақатгина маҳрамларига қўллари теккани ҳақида таъкид ила гапирмоқдалар.

Аёлларнинг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга байъати қандай бўлгани ҳақида тўлиқ тасаввур олиш учун ушбу ривоятда зикри келган ояти каримани ўрганиб чиқайлик.

Аллоҳ таоло Мумтаҳина сурасида айтади:

«Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўхтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб

келсалар, уларнинг байъатини қабул қил» (12-оят).

Аёллардан энг аввало,

«Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик», яъни, ягона Аллоҳгагина ибодат ва эътиқод қилишлик тўғрисида аҳднома олинган.

Иккинчи—«ўғрилиқ қилмаслик»,

Кейин улардан ўғрилиқ қилмаслик тўғрисида аҳднома олинган.

Учинчи—«зино қилмаслик»,

Ундан кейин мўминалардан зиногоа юрмаслик тўғрисида аҳднома олинган.

Тўртинчи—«болаларини ўлдирмаслик»,

Яна муслима аёллардан фарзандларини ўлдирмаслик тўғрисида аҳднома олинган. Исломгача арабларда қизларни кичиклик пайтида тириклай кўмиб ташлаш одати бор эди. Бу ерда шу нарса кўзда тутилган.

Бешинчиси—«...қўллари ва оёқлари орасидан бўхтон тўқиб келтирмаслик...», яъни, бировдан бўлган болани эрига сендан бўлган, деб айтмаслик тўғрисида. Исломдан аввал бунақа ҳодисалар бўлиб турар эди. Ҳатто бир аёл бир неча эркак билан алоқада бўлиб турар эди. Ҳатто бир аёл бир неча эркак билан алоқада бўлиб, бола туғса, бу сенинг боланг, деб айтар эди, улардан биттасининг бўйнига қўйиб юборарди.

Олтинчиси—«...яхшилиқ ишда исён қилмаслик...»

«Яхшилиқ иш» деганда, Аллоҳга тоат-ибодат ва яхши амаллар, умуман олганда эса, динда буюрилган ишларни қилиш ва қайтарилган ишларни қилмаслик назарда тутилган.

Мўмина аёллар мазкур нарсаларга ваъда бериб байъат қилсаларгина Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларнинг байъатларини қабул қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам

аёллардан алоҳида байъат олганлари.

2. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллардан байъат олишлари «Эй Набий! Агар, мўминалар...» деб бошланувчи оятга биноан бўлган.

3. Аёллар байъати оғзаки бўлиб, бунда қўл бериш бўлмаган.

4. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон номаҳрам аёл қўлини ушламаганлар.

5. Уламолар шу ҳадисни далил қилиб, номаҳрам эркак ва аёллар қўл бериб кўришларини ҳаром, деган ҳукмни чиқарганлар.

Ушбу ўрганган ҳадисларимиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат ҳақидаги баъзи ҳадисларгина холос. Улар орқали байъат Иймон ва Ислолда ўта муҳим омил экани баён қилинди. Байъат ҳақидаги асосий маълумотлар тегишли жойда келади, иншааллоҳ.

батафсил ўрганиб кўяйлик:

«Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки ҳидоят топсангиз» (103-оят).

Ояти каримадаги «Аллоҳнинг арқони» деган иборадан Қуръони Карим тушунилади. Жарга кулаш хавфидаги инсон арқонни маҳкам ушласа, кутулиб қолганидек, дўзах тубига қуламасликнинг ҳам бирдан-бир чораси–Қуръони Каримни маҳкам ушлашлиқдир. Шундагина инсон нажот топади. Мусулмон уммати нажот топиши учун барча бир бўлиб, Аллоҳнинг каломи Қуръони Каримни маҳкам тутишлари лозимдир.

«Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг».

Бу оятнинг ушбу жумлалари мусулмон оламини бирлаштириш шиоридир. Қуръони Карим Аллоҳнинг арқони эканлиги ҳақида жуда ҳам кўп ҳадислар келган.

Имом Табароний Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳнинг Китоби–Аллоҳнинг осмондан ергача тортилган арқонидир», деганлар.

«...ва бўлиниб кетманг».

Аввал бирлашишга чақириб туриб, ортидан бўлинмасликка амр келяпти. Шундан ҳам бу ишнинг нақадар муҳим эканини билиб олса бўлади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом: «Албатта, Аллоҳ сизларга уч нарсани рози бўлади ва уч нарсани ёмон кўради: Унинг Ўзига ибодат қилиб, ширк келтирмасликларингиз; барчангиз Аллоҳнинг ипини

махкам тутиб, бўлиниб кетмаслигингиз ва сизга ишбоши бўлган шахсга насиҳатда бўлишингиздан рози бўлади. «Деди-деди» дейиш; кўп савол бериш ва молни зое қилишингизни ёмон кўради», дедилар.

Тафсирчи олимларимиз: «Мусулмонлар иттифок бўлсалар, хато қилмасликларининг кафолати берилган», дейдилар.

Минг афсуслар бўлсин, мусулмонлар ушбу ояти каримага амал қилмаганликлари, Аллоҳнинг ипи бўлмиш Куръонни барчалари бирлашиб маҳкам тутмаганликлари, кўплаб бўлинишлар, ихтилофлар қилганликлари учун бошларига битмас-туганмас бало-офатлар ёғилмоқда. Аллоҳнинг бир оятига амал қилмагани учун шунчалар мусибатлар бўлса, кўп оятларига амал қилмаганда нима бўлишини ўзимиз билиб олаверайлик.

«Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди».

Тафсирчи олимларимиз ушбу ояти кариманинг нозил бўлиши сабабида қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Яҳудийлардан Шос ибн Қайс исми одам Авс ва Ҳазраж қабиласига мансуб араблар мажлис куриб гаплашиб ўтирган жойларидан ўтибди. Жоҳилият вақтида бир-бирига адовати кучли бўлган бу кишиларнинг бундай улфат бўлиб ўтиришлари унинг ғашига тегибди ва: «Булар бирлашсалар, биз булар билан ёнма-ён яшай олмай қоламиз», деб, бир яҳудий болани чакирибди: «Арабларнинг ичига бориб ўтиргин-да, уларга «Буос» номли кунни эслат ва у ҳақидаги шеърлардан ўқиб бер», деб буюрибди. «Буос» кунида Авс ва Ҳазраж қабилалари каттиқ урушиб, Авс ғолиб чиққан эди.) Ҳалиги яҳудий бола Шоснинг айтганини қилибди. Ўтирганлар тортишиб, аччиқлашиб, урушиб кетишибди. «Қурол!!! Қурол!!!» деб

бақиришибди.

Бу можаро Пайғамбар алайҳиссалату вассаломга бориб етганда, хузурларидаги муҳожирлару ансорийларни олиб, уларнинг олдига борадилар. Уларга: «Мен ичингизда туриб, Аллоҳ сизларни Ислоом билан икром қилгандан кейин, жоҳилият ишини кесгандан кейин, орангизга улфатликни солгандан кейин ҳам жоҳилият даъвосини қиласизларми?» дейдилар. Одамлар душманнинг гапига учиб, шайтон йўлига юрганларини англаб етадилар. Қуролни ташлаб, йиғлаб, кучоқлашиб кетадилар. Расулulloҳ билан бирга итоаткор ҳолда қайтадилар. Шунда ушбу оят нозил бўлади.

Демак, оятдаги хитоб аслида барча Ислоом умматига бўлса ҳам, тушаётган пайтда мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларига қаратилган эди. Шаҳарда бир-бирига душманликда Авс ва Ҳазражга етадигани йўқ эди. Бунинг устига, улар билан бирга яшайдиган яҳудийлар доимо фитна кўзиб, уруш оловини пуфлаб туришарди. Аллоҳ таоло иноятига олиб, бу икки қабилани ҳидоятга бошлаб, қалбларини Ислоом нури билан мунаввар қилганидан кейин улфат бўлдилар.

«Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди».

Ислоом Аллоҳнинг берган улуғ неъматини, шу неъмат туфайли душманлар улфат бўлдилар. Бир-бирига қарши нафратга тўлган қалбларни фақат Ислоомгина улфат қила олади. Фақат Аллоҳнинг ипи бўлган Ислоомни маҳкам тутибгина ҳамма биродар бўла олади.

«Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз».

Аллоҳ Ислоом неъматини бермаганида бундай холис биродар бўлиш қийин эди. Фақат Ислоом туфайли, Аллоҳ учун биродар бўлингандagina ҳақиқий биродарлик қарор топади. Бошқа ҳолда ё молу дунё, ё ирқ-миллат бирлиги, ё мансаб нуқтаи назаридан, ё қабила тарафқашлик билан ва

Ҳоказо шунга ўхшаш ниятлар асосига қурилган бўлади.

«Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди».

Исломга киришингиздан олдин уруш-жанжал ичида, жоҳилият ҳукмлари остида, умуман барча соҳада нотўғри йўлда, яъни, оловли жар ёқасида эдингиз. Шундай кетаверганингизда ҳалокатга учрашингиз турган гап эди. Аллоҳ таоло сизни Ўзининг улуғ неъматини бўлмиш Исломга бошлаб, мазкур оловли жарга қулашдан сақлаб қолди.

وَقَالَ: طُنَّ طُنَّةً هَهُهْ

У Зот яна:

«Расул сизга нимани берса, олинг, нимадан қайтарса қайтинг», деган.

Бу ояти карима эса, мусулмонлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига тўлиқ амал қилишлари лозимлигига далилдир. Чунки Аллоҳ таоло бу оятда мусулмонларга Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам нимага буюрсалар шуни қилиб, нимадан қайтарсалар, шундан қайтишга амр қилмоқда. Аллоҳнинг амри эса, ҳар бир мусулмон учун вожибдир.

Энди Ҳашр сурасидаги бу ояти каримани ўрганиб чиқайлик:

«Набий сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар» (7-оят).

Ушбу оятда динимиздаги улкан ижтимоий қоида зикр қилинган. Ўша ижтимоий қоида бўйича, шариатни фақат битта манбадан олиш керак. Исломда ўша манба Расулуллоҳдир. Қуръон у Зотга тушган ва Ислом умматига етказилган. Уламоларимиз Расулуллоҳ келтирган, берган нарсани, деганда асосан Суннатни назарда тутадилар. Суннат эса у кишининг сўзлари, ишлари ва тақрирларидан иборатдир. Тақрир-Пайғамбар алайҳиссалом бир сўзни эшитиб ёки бир ишни кўриб, қайтармасдан, маъқуллаган

нарсаларига айтилади.

Собит бўлган Суннатга амал қилмоқлик барча мусулмонларнинг бурчидир. Суннат доимо Қуръони Карим оятларини шарҳлаб, баён қилиб беради. Қуръонда намоз ўқишлик фармон қилинган, лекин неча вақт ўқилиши, ракатлар сони, қандай қилиб ўқиш лозимлиги айтилмаган. Намозга тааллуқли ҳамма масалаларни Суннат баён қилган.

Қуръон закот бериш фарз эканини айтган, холос. Суннат эса, закот миқдорини белгилайди, кимлар закот бериши, кимлар олиши ва ҳоказо ҳукмларни баён қилади.

Демак, шариатдаги асл манба–Расулуллоҳнинг сўзлари, у кишига тушган Қуръони Карим. Агар баъзи ҳукмлар Қуръонда ҳам, Суннатда ҳам йўқ бўлса, демак, бу икки (Қуръон ва Суннат) таълимот асосида мусулмонларнинг олий даражали уламулари, мужтахидлар бир овоздан чиқарган ҳукмлардир. Буни, ижмоъ дейилади. Унда ҳам бўлмаса, аввалги ҳукмларга қиёслаб мужтахид уламулар ҳукм чиқарадилар.

«Аллоҳдан кўрқинглар. Албатта, Аллоҳ азоби зўр Зотдир».

Шунинг учун У Зотга тақво қилмасангиз, қаттиқ азобга дучор бўласиз.

وَقَالَ: قَتْلُكُمْ جَزَاءُ جَزَاءٍ جَزَاءٍ جَزَاءٍ جَزَاءٍ

Ва яна У Зот:

«Агар Аллоҳга муҳаббат қиладиган бўлсангиз, бас, менга эргашинг, Аллоҳ сизга муҳаббат қилур ва гуноҳларингизни мағфират қилур», деган.

Бу ояти каримада мўмин-мусулмон кишининг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга эргашиш, яъни, у зот

соллаллоху алайхи васалламнинг Суннатларига тўлиқ амал қилиш билан зоҳир бўлиши таъкидланмоқда. Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламга эргашиш эвазига мўмин-мусулмон инсонга Аллоҳ таолонинг муҳаббати ва мағфирати ваъда қилинмоқда.

Энди Оли Имрон сурасидаги мазкур ояти каримани тўлиғича ўрганайлик:

«Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг, Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир», деб айт» (31-оят).

Аллоҳга муҳаббат, иймон куруқ гаплар эмас. Одамлар орасида ўзининг иймони борлигини, Аллоҳга муҳаббати борлигини айтиши билан собит бўладиган нарса ҳам эмас. Аллоҳга ҳақиқий муҳаббат, ҳақиқий иймон оғизда айтиладиган гап, виждоний ҳис-туйғу ёки баъзи расм-русумларни адо этишдан иборат иш эмас. Аслида, у Аллоҳга ва Унинг Расулига тўлиқ бўйсунишдан иборатдир.

«Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг».

Ким Аллоҳга муҳаббати борлигидан даъво қилса, бу даъвонинг тўғри ёки нотўғрилигига ҳукм Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишига қараб чиқарилади. Агар у Пайғамбар алайҳиссаломга тўғри эргашса, даъвоси тўғри. Эргашмаса, тўғри эмас. Пайғамбар алайҳиссаломга вассаломга эргашиш ҳар бир бандага битмас-туганмас бахт-саодат келтиради. Бу нарса оятда қуйидагича баён қилинмоқда:

«Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир».

Мўмин банда учун Аллоҳнинг муҳаббатидан ҳам яхшироқ бахт-саодат борми! Бунинг устига, унинг гуноҳларини ҳам мағфират қилиб турса!

Бу зикр қилинган маълумотларнинг ҳаммаси мусулмонлар учун Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш, уларга оғишмай амал қилиш нақадар зарур нарса эканини кўрсатмоқда. Қуръон ва Суннат бу каби амрларга тўла. Ўша маънодаги энг сара ҳадислардан баъзиларини ҳозирги бобимизда Аллоҳнинг ёрдами ила ўрганамиз.

58- عَنْ أَبِي مُوسَى τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: إِنَّ مَثَلِي وَمَثَل مَا بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ كَمَثَلِ رَجُلٍ أَتَى قَوْمَهُ فَقَالَ: يَا قَوْمِ إِنِّي رَأَيْتُ الْجَيْشَ بَعَيْنِي وَإِنِّي أَنَا التَّادِيرُ الْعُرْيَانُ فَالنَّجَاءُ فَأَطَاعَهُ طَائِفَةٌ مِنْ قَوْمِهِ فَأَدْبَجُوا فَأَنْطَلَقُوا عَلَى مُهَلَّتِهِمْ، وَكَذَّبَتْ طَائِفَةٌ مِنْهُمْ فَأَصْبَحُوا مَكَانَهُمْ فَصَبَّحَهُمُ الْجَيْشُ فَأَهْلَكَهُمْ وَاجْتَا حُهُمْ، فَذَلِكَ مَثَلُ مَنْ أَطَاعَنِي وَاتَّبَعَ مَا جِئْتُ بِهِ، وَمَثَلُ مَنْ عَصَانِي وَكَذَّبَ مَا جِئْتُ بِهِ مِنَ الْحَقِّ.

58. *Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, менинг ва Аллоҳ мени унга юборган нарсанинг мисоли, ўз қавмига келиб: «Эй қавмим, мен келаётган аскарни икки кўзим билан кўрдим. Албатта, мен яланғоч огоҳлантирувчиман. Бас, нажот изланглар», деган одамга ўхшайди. Бас, қавмидан бир тоифаси унга итоат қилдилар. Тезда юриб, ўз мухлатларида жўнаб қолдилар. Улардан бир тоифаси эса, ишонмадилар. Ўз жойларида қолдилар. Бас, аскар уларни тонг чоғида босиб, ҳалок қилди, таг-туғлари билан қириб юборди. Ана ўша менга итоат қилган ва мен келтирган нарсага эргашган кимса билан, менга осий бўлиб, мен келтирган ҳақни ёлғонга чиқарган кимсанинг мисолидир», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадис Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинмоқда. Аввал у киши билан танишиб олайлик:

У кишининг тўлиқ исмлари Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Солим ибн Ҳазор ибн Ҳарбдир. Оналари Гоййиба бинти Ваҳб, кунялари Абу Мусо бўлиб, ўзлари Бани Ашъар қабиласидан.

Бу зот Яманда таваллуд топдилар. Маккада Ислом зоҳир бўлганда, ҳижратдан олдин Исломни қабул қилганлар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам томонларидан Яман соҳилидаги Зубайд, Адан шаҳарларига бошлиқ этиб тайинланганлар. Яман аҳлига Қуръонни ўргатиш учун юборилганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик даврларида бу киши Басрага, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халифалик даврларида эса, Куфага волий этиб тайинланган эдилар.

Биринчи марта Ямандан Маккага, иккинчи марта Маккадан Ҳабашистонга, учинчи марта Мадинадан Ҳабашистонга ҳижрат қилганликлари учун, бу зот уч ҳижрат соҳиби, деб аталади.

Ҳофиз Сижжистоний айтадилар: «Набий саҳобаларида йўқ бўлган фазилат Абу Мусо Ашъарийда бор эди. У зот пок қалбли, саломат ниятли, кўп рўза тутувчи, кечаларини таҳажжуд намози билан бедор ўтказувчи улуғ саҳобалардан эдилар».

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Абу Мусо Ашъарийни чавондоз паҳлавонларнинг саййиди, деб атаганлар.

У зот 355 та ҳадис ривоят қилдилар. Ҳижратнинг 44-йили 63 ёшларида Куфада вафот этдилар.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам ўз вазифаларини кишиларга улар тушунадиган

жонли мисол билан васф қилиб бермоқдалар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Албатта, менинг ва Аллоҳ мени унга юборган нарсанинг мисоли» деганлари, менинг ва умматимнинг мисоли, деганидир. Бу ерда араб тили балоғат коидалари тақозоси ила маъно мазкур иборалар билан ифода этилган.

«Ўз қавмига келиб: «Эй қавмим, мен келаётган аскарни икки кўзим билан кўрдим. Албатта, мен яланғоч огоҳлантирувчиман. Бас, нажот изланглар», деган одамга ўхшайди».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу мисол ила ўзларини қавмини душман бостириб келишидан огоҳлантириш учун, у келадиган томонга чиқиб навбатда турган огоҳлантирувчига, умматларини эса, ўша огоҳлантирувчининг қавмига ўхшатмоқдалар.

Душман тўсатдан бостириб келишидан чўчиган қабилалар яшаш жойларидан ташқарига навбатчи огоҳлантирувчилар кўяр эканлар. Огоҳлантирувчи душман келиши билан, кийимини ечиб, қавмига ишора сифатида силкита бошлар экан. Унинг огоҳлантиришидан сўнг қавм ўз тайёргарлигини кўрар экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мен яланғоч огоҳлантирувчиман, деганлари ана шунга ишорат. Демак, ўша огоҳлантирувчи ўз қавмини бостириб келаётган хавф-хатардан огоҳлантрганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз умматларини охират ва дўзахнинг бостириб келаётган азобидан огоҳлантирадилар. Ўша огоҳлантирувчи: «Эй қавмим, мен келаётган аскарни икки кўзим билан кўрдим. Албатта, мен яланғоч огоҳлантирувчиман. Бас, нажот изланглар», деса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй қавмим, менга Аллоҳнинг Ўзидан ваҳий келди. Охират ва дўзах азоби оғирдир. Мен ҳақ Пайғамбарман! Иймон келтиринг! Нажот изланг!», дейдилар.

«Бас, қавмидан бир тоифаси унга итоат қилдилар»

Яъни, мазкур огоҳлантирувчининг қавмидан бир тоифаси унинг душман бостириб келаётгани ҳақидаги огоҳлантиришини эшитганларидан кейин унга итоат қилдилар.

«Тезда юриб, ўз муҳлатларида жўнаб қолдилар».

Яъни, огоҳлантиришини эшитишлари билан дарҳол душмандан эҳтиёт бўлиб, вақт борида жўнаб кетдилар. Шу билан нажот топдилар.

«Улардан бир тоифаси эса ишонмадилар».

Ҳалиги қавмнинг қолган бир тоифаси огоҳлантирувчини ёлғончи қилиб, унинг хабарига ишонмадилар. Душман бостириб келаётгани йўқ, деб ўйладилар. Шунинг учун жўнаб кетмай,

«Ўз жойларида қолдилар».

Бемалол юриб, кеч кирганда ғафлат уйқусига кетдилар.

«Бас, аскар уларни тонг чоғида босиб, ҳалок қилди, таг-туғлари билан қириб юборди».

Огоҳлантирувчига ишонмаганлар битта ҳам қолмай ҳалокатга учрадилар.

«Ана ўша, менга итоат қилган ва мен келтирган нарсага эргашган кимса билан, менга осий бўлиб, мен келтирган ҳақни ёлғонга чиқарган кимсанинг мисолидир».

Яъни, менга иймон келтирган, айтганларимга итоат қилиб, мен олиб келган динга эргашган одам, мазкур огоҳлантирувчига итоат қилган тоифага ўхшаб нажот топади. Менга куфр келтириб, осий бўлган, мен келтирган ҳақ динни ёлғонга чиқарган кимса эса, мазкур огоҳлантирувчига ишонмай ва келаётган аскардан кўрқмай, бепарво бўлган кимсаларга ўхшаб ҳалокатга учрайди. Яқинлашиб келаётган қиёмат куни хавф-хатаридан огоҳлантирувчи бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш Китоб ва Суннатни маҳкам

тутиш билан бўлади. Бу дунёда ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг огоҳлантирувчи пайғамбар эканликларига ишонса ҳамда Китоб ва Суннатни маҳкам ушлаб, уларга амал қилиш ила у зотга итоат этса, мазкур огоҳлантирувчига итоат этган тоифага ўхшаб, нажот топади, охират ва дўзах азобидан қутулиб қолади.

Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларига ишонмаса, У зотга итоат қилиб, Қуръон ва Суннатни маҳкам ушламаса, мазкур огоҳлантирувчига ишонмай, ғафлат уйқусида ётган тоифага ўхшаб, ҳалок бўлади, битта ҳам қолмай йўқ бўлади.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бирор нарсани одамларга яхшироқ тушунтириш мақсадида ҳаётдаги ҳолатлардан мисол келтириш.

2. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифалари огоҳлантириш экани.

3. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ишониб, У зотга итоат қилганлар, албатта, нажот топиши.

4. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ишонмай, У зотга осий бўлганлар, албатта, ҳалок бўлиши.

5. Қиёматни бостириб келаётган душман аскаридек, яқин ва хавфли ҳис этиш лозимлиги.

Бугунги кунимизнинг кўпгина мушкулотларига ушбу ҳадиси шариф руҳидан узоқлашиб кетганимиз сабабчи эканини тушунмоғимиз лозим. Агар муҳлатимиз борида, ўз тадорикимизни кўриб, ғафлат уйқусидан уйғонмасак, ҳолимиз чатоқ бўлишини англаб олишимиз керак.

59- عَنْ أَبِي سَعِيدٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَتَتَّبِعَنَّ سَنَنَ الَّذِينَ مِنْ

قَبْلِكُمْ شَبِيرًا بِشَبِيرٍ وَذِرَاعًا بِذِرَاعٍ حَتَّىٰ لَوْ دَخَلُوا فِي جُحْرِ ضَبِّ لَا تَبِعْتُمُوهُمْ، قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَيْهَذَا وَالتَّصَارَى، قَالَ: فَمَنْ. وَفِي

رَوَايَةٌ: قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَفَّارِسَ وَالرُّومِ قَالَ: وَمَنِ النَّاسِ إِلَّا أَوْلِيكَ.
رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ.

59. *Абу Саъийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам:

«Албатта, ўзингиздан олдингиларнинг суннатларига қаричма-қарич, аршинма-аршин эргашасизлар. Ҳатто, улар зоббнинг уясига кирсалар, уларга эргашиб, сиз ҳам кирасизлар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудий ва насороларгами?» дедик.

«Бўлмаса, кимга?!» дедилар.

Бошқа бир ривоятда:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Форс ва Румга ўхшабми?» дейилди.

«Ўшалардан бошқа қайси одамлар бўларди?» дедилар».

Икки ҳадисни икки Шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Муаллиф бу ҳадисни нима учун «Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш боби»да келтирганидан мақсади аниқ. Чунки бу ҳадиси шарифда мусулмонлар бир вақтлар келиб, Китоб ва Суннатга эмас, ўзларидан олдин ўтган умматлар ва ғайридин қавмларнинг суннатига эргашадиган бўлиб кетишлари ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллalloху алайҳи васаллам ўз даврларида ва ундан кейинги бир неча асрларда мусулмонларнинг хаёлларига ҳам келмайдиган салбий ўзгариш бўлажaginiнг хабарини олдиндан бермоқдалар. У зот соллalloху алайҳи васаллам мусулмонларга:

«Албатта, ўзингиздан олдингиларнинг суннатларига қаричма-қарич, аршинма-аршин эргашасизлар», демоқдалар.

Яъни, эй мусулмонлар, сиз ўзингиздан олдин ўтган

қавмларнинг одатларига, ишларига, қилмишларига қадам-бақадам эргашасизлар. Улар нима қилса, шуни қилишга ҳаракат қиласизлар. Бу бизга тўғри келадими-йўқми, демайсизлар, деяптилар.

«Ҳатто, улар зоббнинг уясига кирса, уларга эргашиб, сизлар ҳам кирасизлар», дедилар.

«Зобб» эчкиэмарга ўхшаш, аммо ундан кичикроқ хайвон, унинг уясига одам сиғмайди. Лекин, ҳадисда «ўша ғайридинлар зоббнинг уясига кирса, уларга эргашиб сизлар ҳам кирасизлар» деганлари, «агар улар одамга мос бўлмаган ишни қилсалар, сизлар ҳам қиласизлар» деганларидир.

Ҳадис ровийи Абу Саъийд ал Худрий розияллоҳу анху айтадилар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудий ва насороларгами?!» дедик».

Яъни, биз уларга қаричма-қарич, аршинма-аршин эргашадиган, ҳатто зоббларнинг уясига кирсалар, ортларидан биз ҳам кирадиган қавмлар яҳудий ва насороларми?! Ўшаларга эргашамизми, деб сўрадик. **У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Бўлмаса, кимга?» дедилар.

Яъни, бошқа ким ҳам бўлар эди, деганлари.

Бошқа бир ривоятда:

«Яҳудий ва насороларгами?» ўрнига,

«Форс ва Румга ўхшабми?» деб сўралган ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўшалардан бошқа, қайси одамлар бўлар эди», деб жавоб берганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари қарийиб ўн уч ярим асрдан сўнг юзага чиқди. Ўша вақтда мусулмонлар ўзларидан олдин ўтган қавмларга эргашиш қандоқ бўлишини тасаввур ҳам қила олмас эдилар. Лекин Расули акрам соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг ҳадисларини ҳақиқат сифатида эшитиб, қабул қилган ва таслим бўлган эдилар.

Кейинчалик эса, мусулмонлар Китоб ва Суннатни маҳкам тутиб, бутун дунёга ўрнатқ бўлдилар. Жуда кўп қавмларни ўзларига эргаштирдилар. Ўша пайтнинг энг катта икки давлати—Форс ва Рум империялари мусулмонлар қаршисида тиз чўқди. Бутун дунё мусулмонлар ортидан эргашди. Ислому Оврупонинг қалби бўлган Париж остоналаригача етиб борди. Оврупанинг катта бир қисмида Андалусия номли Ислому давлати қарийиб саккиз аср ҳукм сурди. Илм-фан, маданият, техника, тиб ва бошқа соҳаларда мусулмонлар эришган ютуқлардан бутун дунё халқлари баҳраманд бўлиб турди.

Лекин минг афсуслар бўлсинки, усти бут, қорни тўқ бўлмаса ҳам, иймони кучли, бутун дунёга Ислому нуруни ёйишга хизмат қилиш ишқида ёнган фотиҳ мусулмонларнинг набиралари боболарига муносиб бўла олмадилар. Улар Китоб ва Суннатни маҳкам тутмадилар, бу икки масдарни аста-секин қўлдан чиқара бошладилар. Қуръон ва Суннатга амал қилишдан узоклашдилар. Устилари бут, қоринлари тўқ, иймонлари заиф бўлди. Суннатга амал қилиш ўрнига ҳойи ҳавас ва айшу ишратга берилдилар.

Оқибатда, мусулмонлар аста-секин дунё миқёсидаги ўз мавқеларини йўқотдилар. Ислому аҳли таназзулга юз тутди.

60- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ أَحَدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ. وَفِي رِوَايَةٍ: مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

60. *Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани янгитдан пайдо қилса, у рад қилингандир», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Шарх: Муаллифнинг бу ҳадиси шарифни «Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш ҳақида» бобида келтиришидан мақсади Китоб ва Суннатдан бошқа нарсага амал қилиш мардуд, рад қилинган нарса эканини билдиришдир. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «ишимиз» деганларидан мурод, динимиз, деганларидир. Динимизнинг ҳамма амаллари, ҳукм ва таълимотлари Қуръон ва Суннатда баён қилингандир. Ким Қуръонда ва Суннатда йўқ нарсани адо этса, бидъат нарсани қилган бўлади. Бу эса, Исломга хилоф, мардуд нарсани қилмоқликдир.

Ушбу ҳадиси шариф улкан қоидани акс эттирган бир ҳадисдир. Уламоларимиз Ислом оламида бўлаётган ишларнинг шаръий-ношаръий эканлигини баён қилиш қоидасини ушбу ҳадисдан ишлаб чиққанлар. Асрлар давомида ҳаёт жараёнида пайдо бўлаётган ва нисбатан янгилик ҳисобланган ишларнинг шаръий ёки ношаръийлигини аниқлашга тўғри келади. Мусулмонлар ҳар бир нарсани шариатга мувофиқ келса, қиладилар, шариат мардуд, деган нарсани эса, тарк этадилар.

Шунинг учун ҳам, янги пайдо бўлган ҳар бир нарса тўғрисидаги биринчи ва асосий савол: «Бунга шариат нима дейди?» бўлади. Бу саволга Китоб ва Суннат жавоб беради. Агар ўша саволдаги иш динда йўқ нарса бўлса, мардуд ҳисобланади. Агар динда бўлса, қабул қилинади. Бу дегани, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида динда руҳсат берилган ва берилмаган ҳамма нарсаларнинг рўйхати Қуръон ва Суннатда собит этилиб қўйилган, ўша рўйхатда бор нарсани қилиш керагу, йўғини мардуд қилиш керак, дегани эмас. Агар ундай бўлса,

бундан ўн беш аср олдинги шароитда яшашга тўғри келар эди. Баъзилар шундоқ фикрга ҳам борганлар. Ушбу ҳадисга юзаки маъно бериб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида бўлмаган ҳар бир нарсани инкор қилганлар. Лекин аста-секин уларнинг бу хатолари ўзларига тушунтирилган. Қуръон ва Суннат мазкур нарсаларни аниқлаш услубини баён қилган, ўша вақтдаги мавжуд нарсалардан мисоллар келтирилган. Мусулмонлар ана ўша услуб асосида иш кўраверадилар. Ана ўша асосга тўғри келган нарса мақбул, тўғри келмагани эса, мардуд бўлаверади.

Тушунарли бўлиши учун мисол келтирайлик. Қуръони Карим ва Суннатда маст қилувчи моддалар ҳаром қилинган. Ўша вақтда бу нарса узум, хурмо, арпа ва асалдан олинадиган ичимликдан иборат бўлган. Вақт ўтиши билан бошқа турли ичимликлар, чекиладиган, хидлаш ёки танага игна орқали юбориладиган маст қилувчи нарсалар чиқди. Буларнинг ҳаммаси ҳаром, деб эълон қилинди. Яна ўхшашлари чиқса, яна ҳаром, дея эълон қилинаверади. Бу ичимликнинг номи Китоб ва Суннатда зикр қилинмагани учун, уни истемол қилса бўлаверади, дейилмайди.

Шунингдек, кейинги пайтда мусулмон бўлмаган юртларда, бола кўрмаётган оилаларда, уруғликни найчада урчитиб аёлнинг бачадонига ўрнатиш орқали фарзанд кўриш имкони туғилди. Мусулмонлар бу масалага қандоқ қарашлари керак? Агар ушбу ўрганаётган ҳадисимизга баъзи сиртдан қарайдиган кишилар нуқтаи назаридан қарасак, бу иш умуман мумкин эмас. Чунки бундоқ иш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган. Агар бу иш қилинса, Ислом ишига ундан бўлмаган нарса янгитдан киритилган бўлади.

Лекин фарзанд кўришга Ислом қизиқтирган-ку! Умр бўйи бифарзанд ўтаётган оилани фарзанд кўриш

имконидан қайтариб умидини йўққа чиқариш яхшими? Шу ерда фарзанд кўриш бўйича шариат белгилаган услубларга назар солиш лозим бўлади.

Ислом фарзандни ҳалол йўл билан топилишини асосий шарт қилиб қўйган. Найча ёрдамида ҳомила пайдо қилишда ҳаромлик борми? Ўрганиб чиқилса, ҳаромлик бор экан! Найчада бегона эркакнинг уруғини урчитиб туриб, аёлнинг бачадонига ўрнатиш бор экан. Бу нарса ҳаром ва зинога тенг. Агар иш юқоридаги тарзда, бегона эркакнинг уруғини найчада урчитиб, ўз хотинидан бошқа аёл бачадонига қўйиш орқали амалга оширилса, Исломда бўлмаган мардуд иш қилинган бўлади. Аммо аёлнинг шаръий никоҳдаги ҳалол-пок эридан уруғлик олиб, найчада урчитилиб, сўнг аёл бачадонига қўйилса, монелик йўқ. Шунинг учун ҳам, шаръий никоҳдаги эрдан олинган уруғликни урчитиб, ўз хотини бачадонига қўйиб, ҳомила пайдо қилинса жоиз, деган фатво чиқарилди.

Баъзи уламоларимиз: «Бу ҳадис ақийда ва ибодат бобига тегишли, ана ўша масалаларда ҳеч бир янги нарса жорий этиш мумкин эмас. Аммо ҳаётий нарсаларда, турмушнинг бошқа соҳаларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлган нарсаларнинг айни ўзи бўлиши шарт эмас», дейдилар. Лекин ҳамма нарса шариатимиз таълимотларига мос бўлиши керак. Аслини олганда, Исломда ҳаётни диний ва дунёвий қисмларга бўлиш йўқ. Ҳаётнинг ҳамма жиҳатлари исломий бўлиши шарт. Инсон ҳаётини диний ва дунёвий қисмларга бўлиш ғайридинларнинг иши. Ислом эса–ҳам дин, ҳам дунё дегани! Мусулмон одамнинг ҳар бир иши шариатга мувофиқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифга амал қилиш жуда зарур. Ҳар бир мусулмон ўзининг ҳар бир нарсасини Исломга мувофиқ бўлиши учун ҳаракат қилиши, Китоб ва Суннатни маҳкам ушлаши лозим. Ислом ишидан бўлмаган мардуд ишлардан узоқда

бўлиши, ана шундай ишларни пайдо қилишдан сақланиши лозим.

Ушбу ҳадисдан оладиган фойдаларимиз ва унинг ҳикмати ана шулардан иборат.

61- عَنْ جَابِرٍ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: إِنَّ أَصْدَقَ الْحَدِيثِ كِتَابُ

اللَّهِ، وَأَحْسَنَ الْهَدْيِ هَدْيُ مُحَمَّدٍ، وَشَرُّ الْأُمُورِ مُحَدَّثَاتُهَا، وَكُلُّ مُحَدَّثَةٍ
بِدْعَةٍ، وَكُلُّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ، وَكُلُّ ضَلَالَةٍ فِي النَّارِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ
وَالنَّسَائِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ.

61. Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, энг содиқ Калом, Аллоҳнинг Китобидир, энг яхши ҳидоят, Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони, янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир янги чиққан иш, бидъатдир. Ҳар бир бидъат, залолатдир. Барча залолат, дўзахдир», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилишган. Лафз Насаййники.

Шарҳ: Муаллифнинг бу ҳадисни «Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш ҳақида» бобида келтиришларидан мақсадлари аниқ.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадисларида бир неча ҳақиқатни баён қилмоқдалар:

1. «Энг содиқ Калом, Аллоҳнинг Китобидир».

Шундоқ бўлганидан кейин Аллоҳнинг Китобини ўқиш-ўрганиш ва унга амал қилиш керак. Ким Куръондан бошқани ундан устун қўйса, катта хато қилган бўлади. Ҳадисдаги бу жумла, Китобни маҳкам тутиш зарурлигини кўрсатади.

2. «Энг яхши ҳидоят, Муҳаммаднинг ҳидоятидир».

«Хидоят» луғатда бир нарсага лутф билан йўллаб кўйишни ифода этади. Дунёда одамларни хидоят қилишни даъво қиладиганлар кўп. Лекин энг яхши хидоят, охирги ва энг афзал Пайғамбар–Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хидоятларидир. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хидоятлари Суннатларида баён қилинган. Ким ҳақиқий хидоятни топаман деса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хидоятларини маҳкам тутсин! Ким ҳақиқий тўғри йўлда юраман деса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларида юрсин!

3. «Ишларнинг энг ёмони, янги пайдо бўлганларидир».

Аввал айтганимиздек, бу гап Ислом янгиликка қарши, деган маънони билдирмайди. Бу ерда Қуръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган нарсалар тўғрисида гап кетмоқда. Дарҳақиқат, Китоб ва Суннатга хилоф равишда янги пайдо бўлган ҳар бир иш энг ёмон ишдир. Ана ўшандоқ шароитда пайдо бўлган;

«Ҳар бир янги чиққан иш бидъатдир».

«Бидъат» луғатда янгидан ўйлаб чиқарилган нарса, дегани. Шариатда эса, Қуръон ва Суннатда зикри келмаган нарсаларнинг янгидан пайдо бўлишидир. Қуръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир нарса бидъатдир.

«Ҳар бир бидъат залолатдир».

Қуръон ва Суннатга хилоф нарса залолат бўлмай, нима ҳам залолат бўлар эди.

«Барча залолат дўзахдадир».

Қуръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган иш ҳам, унинг қилувчиси ҳам дўзахга тушади. Шунинг учун ҳам Қуръон ва Суннатни маҳкам тутиш лозим. Бунинг учун эса, аввало, уларни яхшилаб ўрганиш керак. Ҳақиқий исломий иш нима, ҳақиқий бидъат нима эканини яхши ажратиб билмоқ керак. Ушбу ҳадиси шарифни суистеъмом қилиб, ҳамма нарсани бидъатга чиқариб,

хаммани дўзахга маҳкум қилиб юбормаслик ҳам зурур. Бу маъно олдинги ҳадис шарҳида батафсил баён қилиб ўтилди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳнинг Китоби—энг содиқ каломлиги.
2. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятлари—энг яхши ҳидоятлиги.
3. Қуръон ва Суннатга хилоф нарсалар—бидъатлиги.
4. Ҳар бир бидъат ўз эгаси билан дўзахдалиги.

Биз мусулмонлар бугунги кунда ушбу ҳадисни ҳаётга татбиқ қилишга жуда муҳтожмиз. Аллоҳнинг каломини яхши ўрганиб, унга амал қилишимиз лозим. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятлари—Суннатларини яхши ўрганиб, унга амал қилишимиз лозим. Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатини маҳкам ушламоғимиз, уларга хилоф бўлган барча бидъатлардан халос бўлмоғимиз керак.

62- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَاجْتَنِبُوهُ وَمَا أَمَرْتُكُمْ بِهِ فَافْعَلُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ فَإِنَّمَا أَهْلَكَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَثْرَةُ مَسَائِلِهِمْ وَاخْتِلَافُهُمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ.

62. *Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар. Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан қудратингиз етганини қилинг. Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайғамбарларига хилоф қилишлари халок қилгандир», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф бобнинг Суннатни маҳкам

тутиш қисмига мувофиқдир. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайтарганларидан қайтиб, буюрганларини қилиш—Суннатни маҳкам тутиш деганидир.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ўз зоти шарифларидан содир бўлган наҳйи ва амрларга сиз билан биз—У кишининг умматлари қандоқ муносабатда бўлишимиз лозимлигини баён қилмоқдалар. Ҳадиснинг иккинчи қисмида эса, бу ишга нотўғри муносабатда бўлиш ҳалокатга олиб келишини айтиб огоҳлантирмоқдалар.

«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар», дейдилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиснинг бошида. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни нимадан қайтарган бўлсалар, биз ҳеч гап-сўзсиз дарҳол ўша нарсадан четда бўлишимиз, у нарсага умуман яқинлашмаслигимиз керак бўлади. Эътибор берайлик: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ундан четда бўлинглар», демоқдалар, «Ундан қайтинглар, уни қилманглар», деганлари йўқ. Четда бўлиш қайтиш ва қилмасликдан кўра, кучлироқ ишдир. Бир нарсани қилмаслик ёки ундан қайтиш унинг яқинига бормаслик ёки атрофида юрмасликни ифода қилмайди. Четда бўлишлик эса, умуман яқин йўламасликни билдиради. Шунинг учун шариатимизда бирор нарсадан қайтарилган бўлса, ўша нарсанинг сабабчилари ва атрофидаги нарсаларидан ҳам қайтарилган бўлади.

Мисол учун, ароқ ҳаром қилинган—унга тегишли ҳамма нарса, яъни, уни тайёрлаш, олиб келиш, сотиш, ичганлар билан ўтириш ва бошқалар ҳам ҳаром ҳисобланади.

Шунингдек, зино ҳаром қилиниши билан унга сабаб бўлувчи ва унга тегишли бошқа нарсалар ҳам ҳаром қилинган. Шу сабабли шариат қайтарган нарсалардан

узоқда бўлиш жуда муҳимдир.

Ҳадиснинг давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан қудратингиз етганини қилинг», дейдилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бундан фарз ва вожиб амаллар мустаснодир. Чунки бу амалларни ҳеч кам-кўстсиз бажаришни Аллоҳ таолонинг Ўзи амр қилгандир. Бундай амалларни кучим, қудратим етганича қиламан, чарчаб қолсам, қолаверади, деб бўлмайди.

Мисол учун: «Тўрт вақт намозни ўқийман-у, бомдодга келганда узр, уйғонишим қийин», дейилмайди.

Фарз ва вожиб амаллардан ташқари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган ишларни қўлдан келганича қилинаверади. Гапни кўпайтириб, сўраб-суриштириб ўтирилмайди. Мўмин-мусулмон инсоннинг вазифаси–ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам ушлаш. Уларни муҳокама қилиш, сўраб-суриштириш эмас. Зотан, тажрибанинг кўрсатишича, бундоқ нотўғри иш ҳеч қачон яхшилик келтирмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиснинг давомида қуйидагиларни таъкидламоқдалар:

«Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайғамбарларига хилоф қилишлари ҳалок қилгандир», дедилар».

Мусулмонлардан олдин ўтган кўпгина умматлар буйруқ ва қайтариқларни эшитгандан сўнг индамай амал қилиб кетавермай, саволларни кўпайтириб юборганлари учун ҳалок бўлганлар.

Шунингдек, ўз пайғамбарларига хилоф қилганлари учун ҳалок бўлишган. Мусулмонлар ҳам ўшаларга ўхшаб, ҳалок бўлмайлик, десалар, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг амр ва наҳйиларига сўзсиз амал қилсинлар, саволни кўпайтирмасинлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарган нарсадан четда бўлсинлар, у зотнинг фарз ва вожибдан бошқа амрларига имконлари борича амал қилсинлар, асло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хилоф қилмасинлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарган нарсалардан четда бўлиш.

2. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига имкон борича амал қилиш (Фарз ва вожиблар бундан мустасно).

3. Шариат амрларини иккиланмай амалга ошириш.

4. Беҳуда саволларни кўпайтирмаслик.

5. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч қандай хилоф қилмаслик.

6. Ўтган умматларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган ишларни қилмаслик.

Мусулмонлар бу ҳадиси шариф ҳикматига ҳозирда ҳар қачонгидан ҳам муҳтождирлар. Чунки уларнинг аксарияти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарган нарсадан қайтмайдиган, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган ишларни эса қилмайдиган бўлиб кетганлар. Мусулмон номини даъво қилиб юрганлардан баъзилари шариат ҳукмлари тўғрисида турли шак-шабҳали саволларни кўпайтиришдан тўхтамайдилар. Уларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хилоф қилишлари кўп. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳалокатга учраш йўлидир. Ҳалокатга учрамаслик учун тезда ўзимизни ўнглаб олишимиз лозим.

63- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِمَّا مَثَلِي وَمَثَلُ أُمَّتِي كَمَثَلِ رَجُلٍ اسْتَوْقَدَ نَارًا فَجَعَلَتْ الدَّوَابُّ وَالْفَرَاشُ يَقَعْنَ فِيهَا، فَأَنَا أَحَدُ مُحْجَرِكُمْ،

وَأَنْتُمْ تَفَحِّمُونَ فِيهَا. رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

63. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен ва менинг умматимнинг мисоли, худди олов ёқиб ўтирган одам ҳамда унга келиб тушаётган ҳайвон ва капалакларга ўхшайди. Мен сизнинг белбоғингиздан тутиб турувчиман, сиз эса ўзингизни оловга урасиз», дедилар».

Икки ҳадиси икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Абу Ҳурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифларида у зотнинг Суннатларини маҳкам ушлашга ишора борлиги учун бу бобда келтирилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан умматлари орасидаги муносабатлар ҳаётдан олинган мисол билан тушунтириб берилмоқда:

Қоронғи кеча. Бир одам олов ёқиб ўтирибди. Турли ҳашарот ва капалаклар келиб, ўзини оловга уриб ҳалок бўлмоқда. Олов ёнидаги одамнинг ҳайвон ва капалакларни оловдан тинмай ҳайдашига қарамай, улар ўзларини оловга уриб, куйиб кетмоқда. Улар ўзларидан олдинги шерикларининг ҳалок бўлаётганини кўриб-билиб туриб ҳам яна ўзларини ҳалокатга урадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўша турли жонзот ва капалакларни оловдан қайтараётган одамга ўхшаб, кишиларни дўзах оловидан, унга тушишга сабаб бўладиган ишлардан қайтарадилар. Уларни белбоғларидан ушлаб оловдан нарига тортишга ҳаракат қиладилар. Одамлар эса, капалаклар мисоли у кишига қаршилиқ кўрсатиб, ўзларини оловга ураверадилар. У зот

Рафикул Аълога рихлат қилганларидан сўнг бу ишни Суннатлари қилади. Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига амал қилса, дўзах оловидан сақланиб қолади, акс ҳолда, ўзини оловга урган капалакдек ҳалок бўлади.

Ушбу ҳадисда ажойиб бадиий ўхшатишни кўрмоқдамиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам тутиш нақадар зарурлигини тамсил орқали тушуниб етмоқдамиз.

64- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: كُلُّ أُمَّتِي يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ
أَبَى قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَنْ يَأْبَى؟ قَالَ: مَنْ أَطَاعَنِي دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ
عَصَانِي فَقَدْ أَبَى. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

64. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Умматимнинг барчаси жаннатга кирар, лекин бош тортганларгина кирмас», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ким бош тортади?» дейишди.

«Ким менга итоат қилса, жаннатга киради, ким менга осий бўлса, бош тортган бўлади», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон одамнинг жаннатга кириши Ўзларига итоат қилишга боғлиқ эканини таъкидламоқдалар.

«Умматимнинг барчаси жаннатга кирар, бош тортганларигина кирмас».

Яъни, умматимнинг киришдан бош тортганларидан бошқа ҳаммаси, албатта, жаннатга киради», демоқдалар. Бундан ажабланган саҳобалар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ким бош тортади?»

дейишди. Яъни, жаннатга киришдан бош тортган одам ҳам бўладими, дедилар. Бу саволга жавобан, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким менга итоат қилса, жаннатга киради, ким менга осий бўлса, бош тортган бўлади», дедилар.

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоатдан бош тортиш, жаннатга киришдан бош тортишга баробардир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш у зотнинг Суннатларини маҳкам тутиш билан бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига амал қилмаган одам эса, У зотга осий бўлади. Демак, хулоса аниқ:

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига итоат қилган жаннатни топади!

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига осийлик қилган дўзахни топади!

65- عَنْ جَابِرٍ يَقُولُ: جَاءَتْ مَلَائِكَةٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ نَائِمٌ،

فَقَالَ بَعْضُهُمْ: إِنَّهُ نَائِمٌ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ: إِنَّ الْعَيْنَ نَائِمَةٌ وَالْقَلْبَ يَقْظَانُ

فَقَالُوا: إِنَّ لِمَا حَبَبَكُمْ هَذَا مَثَلًا فَاصْرِبُوا لَهُ مَثَلًا، فَقَالَ بَعْضُهُمْ: إِنَّهُ

نَائِمٌ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ: إِنَّ الْعَيْنَ نَائِمَةٌ وَالْقَلْبَ يَقْظَانُ فَقَالُوا مَثَلُهُ كَمَثَلِ

رَجُلٍ بَنَى دَارًا وَجَعَلَ فِيهَا مَأْدُبَةً وَبَعَثَ دَاعِيًا، فَمَنْ أَجَابَ الدَّاعِيَ

دَخَلَ الدَّارَ وَأَكَلَ مِنَ الْمَأْدُبَةِ، وَمَنْ لَمْ يُجِبِ الدَّاعِيَ لَمْ يَدْخُلِ الدَّارَ وَلَمْ

يَأْكُلْ مِنَ الْمَأْدُبَةِ، فَقَالُوا: أَوْهَأَ لَهُ يَفْقَهُهَا فَقَالَ بَعْضُهُمْ: إِنَّهُ نَائِمٌ،

وَقَالَ بَعْضُهُمْ: إِنَّ الْعَيْنَ نَائِمَةٌ وَالْقَلْبَ يَقْظَانُ، فَقَالُوا: فَالدَّارُ الْجَنَّةُ،

وَالدَّاعِيَ مُحَمَّدٌ ﷺ فَمَنْ أَطَاعَ مُحَمَّدًا فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ، وَمَنْ عَصَى مُحَمَّدًا

فَقَدْ عَصَى اللَّهَ، وَمُحَمَّدٌ رَفَرَقُ بَيْنَ النَّاسِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

65. *Жобир розияллоху анху айтади:*

«Набий соллаллоху алайхи васаллам ухлаб ётганларида хузурларига фаришталар келдилар. Баъзилари:

«Ухлаб ётибди», дейишди. Бошқалари эса:

«Кўз ухлоқ, қалб уйғоқ», дейишди. Улар:

«Мана шу биродарингизнинг бир мисоли бор. Қани, бунга мисол келтиринглар-чи», дейишди. Баъзилари:

«У ухлаб ётибди», дейишди. Бошқалари:

«Кўз ухлоқ, қалб уйғоқ», дейишди. Бас, улар:

«Албатта, бунинг мисоли, худди бир ҳовли қуриб, зиёфат уюштирган Зот унга бир чақирувчи юборганга ўхшайди. Бас, ким ўша чақирувчига жавоб берса, ҳовлига киради ва зиёфатдан баҳам кўради. Ким чақирувчига жавоб бермаса, ҳовлига кирмайди ва зиёфатдан баҳам ҳам кўрмайди», дейишди. Улар:

«Буни унга таъвил қилинлар, тушунсин», дейишди.

Баъзилари:

«У ухлаб ётибди», дейишди. Бошқалари эса:

«Кўз ухлоқ, қалб уйғоқ», дейишди. Бас, улар:

«Ҳовли – жаннат, чақирувчи – Муҳаммад соллаллоху алайхи васаллам. Ким Муҳаммадга итоат қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга итоат қилибдир. Ким Муҳаммадга осий бўлса, батаҳқиқ, Аллоҳга осий бўлибдир. Муҳаммад одамлар орасини фарқловчидир», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда сўз яна Муҳаммад мустафо соллаллоху алайхи васалламга итоат – у зотнинг суннатларини маҳкам тутиш ҳақида кетмоқда.

Бу сафар Аллоҳ таоло билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мисолларини Олий Мақомнинг вакиллари, муқарраб фаришталари – табиатида исён йўқ, амр қилинган нарсани сўзсиз бажарадиган зотлар қилмоқдалар. Шунинг ўзи ажойиб бир руҳоний ва олиймақом ҳолатни вужудга келтирмоқда.

Аллоҳ таолонинг ҳабиб Пайғамбари, оламларнинг сарвари, мўминларнинг шафоатчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ухлаб ётибдилар. Бу улуғ зот хурматидан Аллоҳнинг фаришталари у киши ётган жойга келдилар. У зотни кўрган фаришталарнинг;

«Баъзилари: «Ухлаб ётибди», дейишди».

Яъни, биз унинг ҳузурига иш билан келган эдик, у ухлаб ётибди экан, нима қиламиз, демоқчи бўлдилар. Шунда:

«Бошқалари эса:

«Кўз ухлоқ, қалб уйғоқ», дейишди».

Яъни, бу зотнинг кўзи ухлагани билан қалби ухламайди, ишимизни бошлаверайлик, демоқчи бўлдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам, менинг кўзим ухлайдию, қалбим ухламайди, деганлар. Умуман, бошқа пайғамбарларнинг ҳам кўзлари ухлаб, қалблари ухламайди. Эҳтимол, фаришталарнинг орасидаги ўзаро суҳбат ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ухлагани билан қалблари ухламаслигини қайта-қайта таъкидлаш учун келтирилаётгандир.

Нима бўлганда ҳам ўзаро суҳбатдан кейин фаришталар ўзлари қилишлари лозим бўлган ишни бажаришга киришдилар.

«Улар:

«Мана шу биродарингизнинг бир мисоли бор. Қани, бунга мисол келтиринглар-чи», дейишди».

Мана шу ухлаб ётган биродарингиз улуғ бир

масъулият юклатилган одам. Аллоҳ таоло уни маълум иш учун танлаб олган. Унинг одамларга алоқаси бор. Ана ўшаларни нимага ўхшатиш мумкин? Қани, бир ўхшатиб кўринг-чи, дейилди. Яна улардан;

«Баъзилари:

«У ухлаб ётибди», дейишди».

Яъни, қандок бўлар экан, у ухлаб қолибди. Биз унга мисол келтирсак, ўзи эшитармикан, демоқчи бўлдилар. Шунда;

«Бошқалари:

«Кўз ухлоқ, қалб уйғоқ», дейишди».

Яъни, бу одамнинг кўзи ухлагани билан қалби ухламайди. Ҳамма нарсани билиб туради, сиз мисолни келтира беринг, у эшитади, демоқчи бўлдилар.

«Бас, улар:

«Албатта, бунинг мисоли, худди бир ҳовли қуриб, зиёфат уюштирган Зот унга бир чақирувчи юборганга ўхшайди. Бас, ким ўша чақирувчига жавоб берса, ҳовлига киради ва зиёфатдан баҳам кўради. Ким чақирувчига жавоб бермаса, ҳовлига кирмайди ва зиёфатдан баҳам ҳам кўрмайди», дейишди.

Фаришталар бу мисол билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хушхабар башоратини берувчилик сифатларини баён қилдилар. Олдинги ҳадисдаги мисолда ёмон ҳолатдан, азоб-уқубатдан огоҳлантирувчилик сифатлари васф қилинган эди.

Энди эса, қурилган ҳовли, уюштирилган зиёфат ва ўша зиёфатга одам таклиф қилиш ҳақида сўз кетмоқда. Келтирилган мисолни эшитганлар турлича тушуниши ва таъвил қилиши мумкин. Аммо ўша мисоллардан кўзланган маънони энг яхши тушунган тараф уни келтирган тараф бўлади.

Шунинг учун ҳам, фаришталар ўзлари келтирган мисолни ўзлари таъвил қилиб, ўзлари кўзлаган маънонинг

хақиқатини очмоқчи бўлдилар:

«Улар:

«Буни унга таъвил қилинглар, тушунсин», дейишди».

Яъни, бу мисолни ухлаб ётган биродарингизга шарҳ қилиб беринг, нима маъно кўзланганини тушунсин, демоқчи бўлдилар. Лекин, яна улардан;

«Баъзилари:

«У ухлаб ётибди», дейишди».

Яъни, у ухлаб ётибди, биз мисолни таъвил қилсак, у тушунармикан, демоқчи бўлдилар. Шунда яна:

«Бошқалари эса:

«Кўз ухлоқ, қалб уйғоқ», дейишди».

Яъни, таъвилни қилаверинглар. Унинг кўзи ухлагани билан қалби ухламайди, У албатта, таъвилингизни тушунади, дедилар. Сўнгра улар мисолни таъвил қила бошладилар.

«Улар:

«Ҳовли–жаннат, чақирувчи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейишди.

Демак, ҳовли–жаннат, уни барпо қилган Зот– Аллоҳ! Унда зиёфат уюштирган Зот ҳам – Аллоҳ! Ҳовлидаги зиёфат – жаннатнинг неъматлари. Зиёфатга одам чиқариб келиш учун чақирувчи юборган Зот – Аллоҳ. Чақирувчи эса – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам. Чақирувчи – Пайғамбаримизга ишониб, у зотнинг чақириғига жавоб берганлар–мўмин-мусулмонлар. Улар Аллоҳ юборган чақирувчи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чақириғини – Исломи қабул қилганлари учун жаннатга кирадилар ва ундаги нозу неъматлардан баҳраманд бўладилар. Чақирувчига жавоб бермаганлар–кофирлар. Улар Аллоҳ таоло юборган чақирувчи–Муҳаммад алайҳиссаломнинг чақириқлари–Исломи қабул қилмаганлари учун жаннатга кирмайдилар ва зиёфатдан

бахраманд бўлмайдилар.

Фаришталар ўз гапларини қуйидаги сўзлар билан тугатдилар:

«Улар:

«Ким Муҳаммадга итоат қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга итоат қилибдир. Ким Муҳаммадга осий бўлса, батаҳқиқ, Аллоҳга осий бўлибдир. Муҳаммад одамлар орасини фарқловчидир», дейишди».

Чунки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга фақат Аллоҳнинг амрини етказадилар. Ўзларидан бир нарсани чиқармайдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш ёки осий бўлиш орқали одамлар иккига ажраб фарқланадилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилганлар мўмин-мусулмон – жаннат аҳли бўладилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлганлар эса, кофир ва мунофиқ – дўзах аҳли бўладилар. Одамларнинг орасини бундоқ қилиб фарқловчи–Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

Ушбу ҳадисдан олинаниган фойдалар:

1. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ухлаб ётганларида ҳам ҳузурларига фаришталарнинг келиши.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари ухласа ҳам, қалбларининг ухлмаслиги.

3. Фаришталар томонидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мисол келтириш борлиги.

4. Жаннатнинг ҳозирдан тайёрлаб қўйилгани.

5. Жаннатнинг нозу неъматлари ҳақ экани.

6. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, У зотнинг динлари – Исломга амал қилганларнинг жаннатга кириши.

7. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмаган, Исломга амал қилмаганларнинг жаннатга кирмаслиги.

8. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш–Аллоҳга итоат қилиш экани.

9. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлиш—Аллоҳга осий бўлиш экани.

10. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг орасини фарқловчи эканликлари.

Демак, ҳамма нарса очиқ-ойдин, ўйлаб ўтирадиган жойи йўқ. Ким бахтли бўлишни, жаннат нозу неъматларидан баҳраманд бўлишни хоҳласа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам тутсин, унга оғишмай амал қилсин, Суннатга амал қилмай у зотга осий бўлганларнинг эса, ўзлари билади.

66- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ρ أَتَى الْمَقْبَرَةَ فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ دَارَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ، وَدِدْتُ أَنَا قَدْ رَأَيْتَنَا إِخْوَانَنَا، قَالُوا: أَوْ لَسْنَا إِخْوَانَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: أَنْتُمْ أَصْحَابِي وَإِخْوَانُنَا الَّذِينَ لَمْ يَأْتُوا بَعْدُ فَقَالُوا: كَيْفَ تَعْرِفُ مَنْ لَمْ يَأْتِ بَعْدُ مِنْ أُمَّتِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَقَالَ: أَرَأَيْتَ لَوْ أَنَّ رَجُلًا لَهُ خَيْلٌ غُرٌّ مُحَجَّلَةٌ بَيْنَ ظَهْرِي خَيْلٍ دُهُمٍ بُوهِمٍ أَلَا يَعْرِفُ خَيْلَهُ؟ قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: فَإِنَّهُمْ يَأْتُونَ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنَ الْوُضُوءِ وَأَنَا فَرَطُهُمْ عَلَى الْخَوْضِ أَلَا لِيَدَادَنَّ رِجَالًا عَنْ حَوْضِي كَمَا يُدَادُ الْبَعِيرُ الضَّالُّ أُنَادِيهِمْ أَلَا هَلُمَّ فَيُقَالُ: إِنَّهُمْ قَدْ بَدَلُوا بَعْدَكَ فَأَقُولُ: سُحْقًا سُحْقًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ خَرِيٍّ بَعْضُهُ.

66. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мақбарага кирдилар-да:

«Ассалому алайкум, эй мўмин қавмлар диёри! Албатта, биз ҳам сизга қўшилувчимиз. Биродарларимизни кўрмоқни хуш кўрдим», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, биз биродарларингиз эмасмизми?» дейишди.

«Сизлар саҳобаларимсиз. Биродарларимиз ҳали-ҳануз келганларича йўқ», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ўз умматингиздан ҳали-ҳануз келмаганларини қандоқ танийсиз?» дейишди.

«Айтинг-чи, бир одамнинг қоп-қора отлар ичида юзи ва оёқ-қўллари оппоқ порлаган отлари бўлса, у отларини таний оладими?» дедилар.

«Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди.

«Албатта, улар таҳоратнинг асаридан юзлари ва оёқ-қўллари порлаган ҳолда келурлар. Мен уларни ҳовуз устида кутиб олувчиман. Огоҳ бўлингким, албатта, бир гуруҳ одамлар менинг ҳовузимдан худди қочган туяни қайтарилганидек қайтарилиурлар. Мен:

«Ҳой, бу ёққа келинлар!» деб уларга нидо қилурман. Шунда:

«Батаҳқиқ, улар сендан кейин ўзгартириб юбордилар», дейилади. Мен:

«Ундоқ бўлса, ҳалок бўлсинлар, ҳалок бўлсинлар», дейман», дедилар».

Муслим ва Насаий, баъзисини Бухорий ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда машҳур ҳодиса ва унда бўлиб ўтган гапларнинг баъзи тарафлари зикр қилинмоқда.

Аслида воқеа қуйидагича бўлган эди. Бир куни саҳобалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқотиб қўядилар. Бир-бирларидан сўраб-суриштирадилар. Кимдан сўрасалар, ҳозир шу ерда кўрган эдик, дейди. Сўраб-сўраб бориб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни қабристондан топадилар ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизни йўқотиб қўйиб, кўнглимизга ҳар хил гаплар келди, хавотир бўлдик», дейишади. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, жумладан, ушбу ҳадисда келган гапларни айтадилар.

Ушбу ҳадисда келган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан саҳобаи киромлар орасидаги суҳбат ўша қабристонда бўлиб ўтган. Келинг, ушбу суҳбатни батафсил ўрганиб чиқайлик. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, аввало, қабристонни зиёрат қилувчининг одобига амал қилиб:

«Ассалому алайкум, эй мўмин қавмлар диёри! Албатта, биз ҳам сизга қўшилувчимиз», деб қабр аҳли мўмин-мусулмонларга салом бердилар. Сўнг:

«Биродарларимизни кўрмоқни хуш кўрдим», дедилар».

Саҳобалар ўзларини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биродарлари, деб билишар эди. Шунинг учун у зотнинг бу гапларидан ажабландилар ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, биз биродарларингиз эмасмизми?» дейишди. У зот:

«Сиз саҳобаларимсиз, биродарларимиз ҳали-ҳануз келганларича йўқ», дедилар.

Яъни, сизлар суҳбатимни топган саҳобаларимсиз. Аммо, биродарларимиз ҳали-ҳануз келишганлари йўқ, кейинчалик келадилар, дедилар.

Бошқа бир ривоятда: «Мендан кейин келадилар, мени кўрмасдан, менга иймон келтирадилар». деганлар.

Бу гапдан кейин саҳобаларда янги савол пайдо бўлди. Улар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни кўриб, таниб олганлар. Аммо ўзларидан кейин келган умматларини кўп халойиқнинг ичидан қандоқ таниб олар эканлар, деб ўйладилар ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ўз умматингиздан ҳали-

хануз келмаганларини қандоқ танийсиз?» дейишди.

Албатта, гап қиёмат куни ҳақида кетмоқда. Чунки у кундан бошқа вақтда кўришиш, танишиш имкони йўқ. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга мисол келтириш билан жавоб бердилар:

«Айтинг-чи, бир одамнинг қоп-қора отлар ичида юзи ва оёқ-қўллари оппоқ порлаган отлари бўлса таний оладими?» дедилар. Саҳобалар:

«Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, улар юзлари ва оёқ-қўллари таҳоратнинг асаридан порлаган ҳолда келурлар», дедилар.

Яъни, мендан кейин келган умматларим қиёмат куни куфр ва гуноҳдан қоп-қора бўлиб кетган одамлардан ажралган ҳолда, таҳорат қилганда сув теккан жойлари, юзлари ва оёқ-қўллари гўзал бўлиб порлаган ҳолларида келурлар. Мен уларни ана ўша аломатларидан таниб олурман, дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари таҳорат нақадар фазилатли эканини кўрсатади. Мўмин-мусулмон одам намоз ўқиши, тавоф қилиши ва Қуръон ушлаши ва ўқиши учун таҳорат қилмоғи шарт. Умуман, доимо таҳоратли юриши эса фазилат. Таҳоратнинг фазллари жуда кўп. Жумладан, таҳорат қилган одам ҳар аъзосини ювганда ўша аъзолардаги гуноҳлар тўкилиши ҳақида ҳадислар бор. Аммо бу ҳадисда ҳақиқий мўмин-мусулмон одамда таҳоратининг асари қиёмат куни қандоқ зоҳир бўлиши баён қилинмоқда.

Қиёмат қойим. Ҳаммаёқда мисли йўқ алғов-далғов. Одам Атодан тортиб, то қиёматгача яшаб ўтган ҳалойиқ қайта тирилтирилиб, Маҳшаргоҳга тўпланган. Қиёматнинг даҳшатидан гўдақларнинг сочи оқарган, эмизикли аёллар ўз боласини унутган. Ота болани, бола отани танимайди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Биров-бировни таниши у ёқда

турсин, кўрмайди ва сезмайди ҳам. Ана шундай тўс-тўполоннинг ичида, шунча халойиқнинг орасида фақат бир киши ўз одамларини осонгина таниб олади. У зот Роббил оламиннинг ҳабиби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Аллоҳ таоло ўз ҳабиби учун умматларини осон таниб олишни таъминлаган. Ажойиб, гўзал бир аломат қилиб қўйган. Бу аломат мўмин банданинг бу дунёда иймон ва ихлос билан қилган таҳорати асаридир. Қиёмат куни мўмин банданинг таҳорат олганда сув теккан аъзолари оппоқ бўлиб порлаб туради.

Кофирлар, мунофиқлар, бетаҳоратлар юзлари, баданлари, оёқ-қўллари қоп-қора ҳолатда, хору зор юрганларида, мўминларнинг юзлари, оёқ-қўлларидан нур порлаб туради. Маҳбуб пайғамбарлари уларни ана ўша нурдан таниб оладилар. Шунинг учун ҳам таҳоратни кўпроқ қилиш, ҳамиша таҳоратли юриш керак. Ким бу ишни кўпроқ қилса, қиёмат куни юзи, қўл-оёқларидан порлайдиган нури кўп бўлади, оз қилса оз. Қилмаса, нури умуман бўлмайди. Расулуллоҳ уни танимайдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиснинг давомида таҳорат асаридан юзи, оёқ-қўллари порлаб турган умматларини қаерда кутиб олишларини ҳам айтмоқдалар:

«Мен уларнинг ҳовуз устида кутиб олувчилариман».

Бу ҳовуз ҳақида ўттиздан ортиқ соҳобалардан турли ҳадислар ривоят қилинган.

Имом Бухорий ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг ҳовузимнинг миқдори Ийладан Яманнинг Санъосигачадир. Ундаги кўзалар юлдузларнинг ададичадир», деганлар.

Ҳовуз ҳақидаги ҳадисларнинг умумий маъносидан куйидаги маълумотлар чиқади: бу ҳовуз жуда улкан,

мухтарам бир жойдир. Унга жаннатдаги Кавсар анҳоридан шароб оқиб келади. Унинг шаробининг ранги сутдан оқ, муздан совук, асалдан ширин, мушкдан кўра хушбўйдир. У жуда кенг бўлиб, бўйи билан эни тенгдир.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: «Ҳар бир Пайғамбарнинг ҳовузи бордир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовузлари энг каттаси, энг ширини ва энг кўп одам келадиганидир», дейилган.

Бу ерда ҳам ўша ҳовуз ҳақида сўз кетмоқда. Мазкур ҳовуздан шароб ичиш, жаннатийликнинг аломати, улкан бахт ва буюк саодатдир. Пайғамбаримиз ўша ҳовуз устида туриб, таҳорат асаридан юзлари, оёқ-қўлларида нур порлаб турган умматларини кутиб оладилар. Бу дунёда Исломда бўлганлар таҳорат асаридан юзлари, оёқ-қўллари порлаган ҳолда келиб, Пайғамбарлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам устида кутиб турган ҳовуз шаробидан ичиш бахтига муяссар бўладилар.

Аммо бошқача ҳолат ҳам бўлади. Бу кўнгилсиз ҳолатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича васф қиладилар:

«Огоҳ бўлингким, албатта, бир гуруҳ одамлар менинг ҳовузимдан худди қочган туяни қайтарилганидек қайтарилурлар».

Қочган туя ўзи хоҳлаган томонга кетаётганда йўлини тўсиб чиқиб, узокдан ҳайдаб қайтарилади. Бахтли умматлар келиб, ҳовуздан шароб ичаётган бир пайтда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам фаришталар ҳовуздан шароб ичиш мақсадида келаётган баъзи одамларнинг йўлларини тўсиб чиқиб, худди қочган туяни мақсадига етишдан қайтараётгандек қайтараётганларини кўрадилар. Кейин нима бўлишини қуйидагича баён қиладилар:

«Мен: «Ҳой, бу ёққа келинглар», деб нидо қилурман».

Яъни, Пайғамбаримиз ҳалиги одамларнинг қайтиб кетаётганларини кўриб, ўз ҳузурларига чақирадилар. У

шўрликлар жавоб беришга ожизлар. Шунда фаришталар томонидан:

«Улар сендан кейин ўзгартириб юбордилар», дейилади.

Яъни, ўша ҳовуздан қайтарилаётганлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин эътиқодни, динга амал қилишни, Қуръон ва Суннатни маҳкам тутишни ўзгартириб юборганлар. Улар эътиқодни бузганлар, Исломга амал қилмай қўйишган ёки баъзисига амал қилиб, баъзисига амал қилмайдилар. Шунинг учун ҳовуздан худди қочган туяни қайтарилганидек қайтарилмоқдалар. Буни эшитиб, Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нима дейишларини У зотдан эшитайлик:

«Мен:

«Ундок бўлса, ҳалок бўлсинлар, ҳалок бўлсинлар», дейман».

Яъни, йўқолсинлар, ҳовузга яқин келмасинлар, дейдилар. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин нотўғри йўлга кетганлардан юз ўгирадилар. Эътиқодни, динни ҳамда Китоб ва Суннатга амал қилишни ўзгартирганларга ҳалокат тилайдилар.

Уларнинг ўзларининг ҳовуздан шароб ичмасликларига рози бўладилар.

Ушбу ҳадисдан олинадигон фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мақбарани зиёрат қилганлар.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин келадиган мухлис умматларини «биродарларим» деб атаганлар ва уларни кўрмоқни орзу қилганлар.

3. Саҳобалар ушбу ҳодисагача ўзларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга биродар ҳисоблаб юрганлар.

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмай туриб, У зотга иймон келтирган ва Исломга амал

қилганларнинг алоҳида фазллари борлиги.

5. Қиёмат қойим бўлишининг ҳақлиги.

6. Қиёматда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга уммат бўлиш шарафига эга бўлган мухлис кишиларда таҳорат асари порлаб, бошқалардан ажраб туриши ҳақлиги.

7. Бунга ўхшаш нарсаларни тушунтириш учун хайвонларни мисол келтиришнинг жоизлиги.

8. Тушунмаган нарсани одоб билан сўраб ўрганишнинг яхшилиги.

9. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовузлари ҳақлиги.

10. Осий, бетавфиқ ва динни ўзгартирувчилар ҳовуздан шароб ича олмайдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ундоқ кишиларнинг ҳалок бўлиши ҳақида дуо қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифни яхши тушуниб, унинг тақозоси бўйича иш тутсак, ҳар биримиз қиёматда таҳорат асаридан порлаб турадиган нуримиз кўпроқ ва кучлироқ бўлиши учун ҳаракат қилсак қандоқ ҳам яхши бўлар эди. Ҳар биримиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовузларидан сутдан оқ, асалдан ширин, мушкдан хушбўй шаробдан ичишга мушарраф бўлиш учун қўлимиздан келган ҳар бир ишни ҳозирдан бошласак қандоқ яхши бўлар эди.

Бунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида Қуръон ва Суннатга қандоқ амал қилинган бўлса, ҳозирда ҳам ана шу даражага эришиш учун ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.

67- عَنْ الْعِرْبَاضِ بْنِ سَارِيَةَ قَالَ: وَعَظَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَوْمًا

بَعْدَ صَلَاةِ الْغَدَاةِ مَوْعِظَةً بَلِيغَةً ذَرَفْتُ مِنْهَا الْعُيُونُ وَوَجِلَتْ مِنْهَا

الْقُلُوبُ فَقَالَ رَجُلٌ: إِنَّ هَذِهِ مَوْعِظَةٌ مُودَّعٌ فَمَاذَا تَعْهَدُ إِلَيْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: أَوْصِيكُمْ بِتَقْوَى اللَّهِ وَالسَّمْعِ وَالطَّاعَةِ وَإِنَّ عَبْدًا حَبَشِيًّا فَإِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ يَرِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّهَا ضَلَالَةٌ فَمَنْ أَدْرَكَ ذَلِكَ مِنْكُمْ فَعَلَيْهِ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ عَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِذِ.

67. Ирбоз ибн Сория розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир куни бомдод намозидан сўнг Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам бизга ўта балоғатли ваъз қилдилар. Ундан таъсирланиб кўзлар ёш тўкди, қалблар титроққа тушди. Шунда бир одам:

«Бу видолашувчининг мавъизаси-ку! Эй Аллоҳнинг Расули, бизга нимани васият қиласиз?» деди.

«Сизларга Аллоҳга тақво қилишни, агар ҳабаш кул бўлса ҳам кулоқ осиб, итоат қилишингизни васият қиламан. Сиздан ким яшаб турса, кўплаб ихтилофларни кўради. Сиз янги пайдо қилинган ишлардан эҳтиёт бўлинг, чунки, улар залолатдир. Сиздан ким ўшанга етиб борса, унга менинг Суннатимни ва рошид-ҳидоятли халифаларнинг суннاتини маҳкам ушлаш лозим бўлади. Бас, уни маҳкам тишлангиз», дедилар».

Шарҳ: Аввал ушбу ҳадиси шарифнинг ровийлари Ирбоз ибн Сория розияллоху анху билан танишайлик:

Ирбоз ибн Сория ас-Салмо розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан бир нечта ҳадис ривоят қилдилар. Бу зот ҳижратнинг 75-йили Ибн Зубайр фитнасида вафот этдилар.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам ушлаш ўта зарур масала экани очик-ойдин айтилмоқда. Ҳадиснинг ровийлари Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анхунинг ҳикоя қилишларича, бир куни бомдод намозидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга ўта таъсирли ваъз айтганлар. Бу ваъзни эшитиб, кишилар кўзларидан ёш тўкканлар, қалблари эса, ларзага келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ваъзлари одатдагидан бошқачароқ бўлган. Бунинг эшитувчилар ҳам пайқаганлар. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғайри оддий ваъз қилганларини тушуниб етганлар.

«Шунда бир одам:

«Бу видолашувчининг мавъизаси-ку! Эй Аллоҳнинг Расули, бизга нимани васият қиласиз?» деди».

Гапирувчи одам Расули акрам бу дунё билан ва саҳобалар билан видолашаётган киши сифатида ваъз қилганларини, бу ваъз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охиридаги ваъзларидан бири эканини англаб етган эди. Шунинг учун бу фурсатни ғанимат билиб, Расулуллоҳдан ўз умматларига васият қилишларини сўради.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу видолашувчининг ваъзи эмас, демадилар. Балки, ўз сукутлари билан ҳалиги одамнинг гапини тасдиқладилар. Мавъизалари видолашувчининг мавъизаси эканини иқрор қилдилар. Бунинг устига, ўша одамнинг талабига биноан, ўз васиятларини бошладилар ва у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга Аллоҳга тақво қилишни, агар ҳабаш қул бўлса ҳам, қулоқ осиб, итоат қилишингизни васият қиламан», дедилар.

Такводорлик ҳар бир мусулмон учун ўта муҳим нарса бўлганидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу масалани ўз васиятларида биринчи бўлиб зикр қилдилар. Аллоҳ таолога такво қилиш У Зотнинг азобига, дўзах азобига сабаб бўладиган нарсалардан ўзини сақлашдир. Такводорлик маълум кийим, маълум таом, маълум макон ва маълум қўшимча ибодатлардан иборат эмас.

«Такво» сўзининг луғавий маъноси «сақланиш»дир Ҳазрати Умар розияллоҳу анху: «Такво араб тилида сертикан майдондан болдирларини очиб, ўзига тикан теккизмай ўтиб кетишини англатади», деган эканлар.

Шариатда эса, такво Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтишни англатади. Яъни, бу дунё ҳаёти майдонидаги гуноҳ тиканларини ўзига теккизмай ўтишни билдиради. Ҳамма бало-офат таквосизликдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга такво қилишни қаттиқ тавсия этмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу васиятларида таъкидланган иккинчи масала, бошлиққа қулоқ осиб, итоат қилиш зарурлигидир. У зот, агар ўша бошлиқ ҳабаш қул бўлса ҳам, ҳеч бошқа ҳаёлга бормаи, унга қулоқ осиб, итоат қилишни васият қилмоқдалар. Бу Ислом таълимотидаги энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа ҳадисларида ҳам бунга алоҳида эътибор берганлар. Бунинг маълум сабаблари бор бўлиб, уларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиснинг давомида баён қилмоқдалар:

«Сиздан ким яшаб турса, кўплаб ихтилофларни кўради».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари кўп ўтмай юзага чиқди. Учинчи халифа Усмон

розияллоху анху қатл этилганларидан сўнг саҳобалар ўртасида хилоф чиқди. Кейинчалик бу хилоф кучайиб, кўпгина бало-офатларга сабаб бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг юқоридаги гаплари ушбу ихтилофларга ишорадир.

Энди у зотнинг шундай пайтда ўзни қандоқ тутиш ҳақидаги тавсиялари келади:

«Сизлар янги пайдо қилинган ишлардан эҳтиёт бўлинг»

Чунки Китоб ва Суннатда, шариатда йўқ бўлган янги бидъатдан иборат ишлар пайдо қилинади. Улар бидъатдан иборат бўлади. Ана ўшалардан сақланиш керак:

«Чунки улар залолатдир»

Залолатдан сақланиш эса, ҳар бир мўминнинг бурчидир.

«Сиздан ким ўшанга етиб борса, бас, унга менинг Суннатимни ва рошид-ҳидоятли халифаларнинг суннاتини маҳкам ушлаш лозим бўлади. Бас, уни маҳкам тишлангиз», дедилар».

Яъни, сиздан ким ўша ихтилофлар кўп чиқадиган даврга етиб борса, ўша пайтда менинг Суннатимни ва рошид халифаларнинг суннатини маҳкам ушласин! Рошид халифалар деганда Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али розияллоху анхум кўзда тутилади. Улардан кейингилар ичидан баъзилар Умар ибн Абдулазизни ҳам кўшганлар. Аммо булар озчиликни ташкил қилади.

Маълумки, ихтилоф чиққанда гап-сўз кўпаяди. Ҳар ким ўз ишини маъқуллашга уринади. Ҳамма ўзиникини тўғри, деб ҳисоблайди. Натижада ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Бу вақтда нима қилиш керак? Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг тавсиялари бўйича, у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам ушлаган одам адашмайди. Қолаверса, рошид (тўғри йўлда юрган), ҳидоятли (ҳидоят

йўлини топган) халифаларнинг суннاتини ушлаш лозим. Ушлаганда ҳам худди тиш билан тишлагандек қилиб, ушлаш керак. Одатда авайлаб, эҳтиёт қилиб, гард юқтирмасдан олиб юрилган нарсани «тиши билан тишлаб, олиб юрибди», дейилади.

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва хулафои рошидинларнинг Суннатларини ҳам ана шундоқ қилиб ушлаш лозим экан.

Шу билан бирга, тўрт хулафои рошидинларнинг айтган насихатлари, тугган йўллари ҳам суннат, дейиш мумкинлигини, оғир пайтларда, ихтилофли вақтларда Суннатни маҳкам тутиш зарурлигини англаб оламиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бомдод намозидан сўнг ваъз қилишнинг жоизлиги.

2. Ваъздан таъсирланиб, йиғлашнинг яхшилиги.

3. Гапнинг маъносига қараб, унга баҳо бериш мумкинлиги. Чунки ҳалиги саҳобий розияллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари маъносидан, бу гапнинг видолашувчининг гапига ўхшашлигини тушуниб етдилар ва бу баҳони очиқ айтдилар.

4. Умри охирлаб қолганини гумон қилган кишидан васият қилишни сўраш мумкинлиги.

5. Васият қилиши сўралган киши, васият қилиши кераклиги.

6. Аллоҳ таолога тақво қилиш ўта аҳамиятли экани.

7. Бошликқа қулоқ осиб, итоат қилиш зарурлиги.

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мусулмонлар орасидан турли ихтилофлар чиқишини олдиндан айтиб берганлари.

9. Ихтилофли пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва хулафои рошидинларнинг Суннاتини яна ҳам маҳкам ушлаш лозимлиги.

10. Халифаларнинг рошидлари ва норошидлари

бўлиши.

11. Рошид хулафоларнинг ҳам суннати бўлиши.

12. Суннатни тиш билан тишлагандек, авайлаб ушлаб юриш лозимлиги.

68- عَنْ أَبِي رَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَا أُلْفِيَنَّ أَحَدَكُمْ مُتَّكِمًا عَلَيَّ

أَرِيكَتِهِ يَأْتِيهِ الْأَمْرُ مِنْ أَمْرِي مِمَّا أَمَرْتُ بِهِ أَوْ نَهَيْتُ عَنْهُ فَيَقُولُ لَا نَدْرِي مَا
وَجَدْنَا فِي كِتَابِ اللَّهِ اتَّبَعْنَاهُ.

68. *Абу Рофеъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мен бирортангизни роҳат жойида ёнбошлаб ётганида унга мен амр ёки наҳйи қилган нарсалардан бирор иш етса, зинҳор буни билмаймиз, бизга Аллоҳнинг Китобида нима келса, шунга эргашамиз, деганини топмайин», дедилар».

Шарҳ: Аввало, ҳадиси шарифнинг ровийлари Абу Рофеъ розияллоху анху билан танишиб олайлик:

У кишининг исмлари Аслам, кунялари Абу Рофеъ, кунялари исмларидан ғолиб келган. Абу Рофеъ қибтийлардан эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга амакилари Аббос томонидан ҳадя қилинган куллардан эдилар.

Бу зот Ухуд, Хандақ ва бошқа жанглarda иштирок этдилар. Бадр жанги куни Маккада бўлганлари сабабли бу урушда иштирок эта олмадилар.

Бу зот тўплаган ҳадислардан учта «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган. Ҳазрат Алининг халифалик даврларида вафот этганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Куръонга амал қилсак бўлди, Суннатнинг кераги йўқ, дейдиганлар чикмаслиги зарурлигини баён

қилмоқдалар. Бу ҳам келажакда бўладиган нарсалардан ўзига хос огоҳлантиришдир. Кейинчалик ҳақиқатда ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқ ва қайтариқлари ўзига етган пайтида, «Бизга бу нарсанинг кераги йўқ, Қуръонда нима келса, шуни қиламиз, бошқаси билан ишимиз йўқ», дейдиганлар чикди.

Аввал хаворижлар ва рофизалар томонидан бошланган Суннатни инкор қилиш кейин турли фирқа ва тоифалар томонидан давом эттирилди. Бу нобакорлик, асосан, роҳат жойига ёнбошлаб олиб, айшу ишратга берилганлар томонидан содир бўлди. Ҳукмга, айшу ишратга берилганлар ана шундоқ ҳолга ўтиб қолдилар. Аслида эса, бундоқ одамлардан ақл ҳам, мантиқ ҳам қочади. Агар уларда ақл ва мантиқ бўлса, Қуръонга амал қиламизу, Суннатга амал қилмаймиз, дермидилар?! Қуръон қайта-қайта таъкидлаган нарсалардан бири, Суннатга амал қилиш-ку! Бу масала аввал баён қилингани учун бу ерда такорлаб ўтирмаймиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қуръон билан Суннатга баробар амал қилиш кераклиги.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келажакда Суннатни инкор қилувчилар чиқиши ҳақида хабар берганлари.

69- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: افْتَرَقَتِ الْيَهُودُ عَلَى إِحْدَى أَوْ ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً وَتَفَرَّقَتِ النَّصَارَى عَلَى إِحْدَى أَوْ ثِنْتَيْنِ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً وَتَفَرَّقَتِ أُمَّتِي عَلَى ثَلَاثٍ وَسَبْعِينَ فِرْقَةً زَادَ فِي رِوَايَةٍ ثِنْتَانِ وَسَبْعُونَ فِي النَّارِ وَوَاحِدَةٌ فِي الْجَنَّةِ وَهِيَ الْجَمَاعَةُ. رَوَى الثَّلَاثَةُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

69. *Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Яҳудийлар етмиш бир ёки етмиш икки фирқага бўлиндилар. Насоролар етмиш бир ёки етмиш икки фирқага бўлиндилар, Менинг умматим эса, етмиш уч фирқага бўлинадир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Етмиш иккитаси дўзахда, биттаси жаннатда, у жамоатдир» ибораси зиёда қилинган.

Ушбу уч ҳадисни Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг аввалида яҳудийлар ва насронийлар етмиш бир ёки етмиш иккитадан фирқага бўлинганлари айтилмоқда. Бу фирқалар маълум ва машҳурдирлар. Уларнинг залолатга кетишлари ҳам шундай. Ҳадиснинг давомида эса, келажакда Ислом уммати етмиш уч фирқага бўлиниб кетиши ҳақида хабар берилмоқда. Минг афсуслар бўлсинким, бу гаплар юзага чиқди. Исломга эътиқод қилиб юрганлар ичида ҳам турли-туман фирқалар пайдо бўлди.

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу ҳадисда ва шу маънодаги бошқа ҳадисларда зикр қилинган фирқалардан мурод ақийдавий фирқалардир. Баъзи бир ҳадидан ошганлар ўйлаганидек, фикҳий мазҳаблар эмас. Чунки, фикҳий мазҳаблар ўз номи билан мазҳаб, фирма эмас. Фикҳда ихтилоф, бир-бирини кофир қилиш йўқ. Фикҳда сиртдан хилоф бўлиб кўринган нарсаси, аслида бир нарсани адо этишнинг турли кўринишлари холос.

Эътиқоддаги бўлиниш эса, фирқачилик, деб номланади. Бунда ҳар бир фирма бошқасини кофирга чиқаради. Уларнинг келишмовчиликлари тавҳид асллари, қазои қадар, Пайғамбарлик шартлари каби масалаларда бўлади. Ақийда китобларида ана ўша фирқаларнинг

асосини куйидаги олти фирқа ташкил этиши айтилган:

1. Рофизалар—шиалар ва уларга тобеълар.

2. Жаҳмия—Жаҳм ибн Сафвон Самарқандийнинг бузук ақийдавий фирқасига эргашганлар. Улар асосан Аллоҳ таолонинг сифатларини манфий қилиш, амалдан қолдириш билан машхур бўлганлар.

3. Ҳарурия—Хаворижлардан бўлиб, Куфа яқинидаги Ҳаруро деган жойда турганлар. Улар гуноҳкор мўмин дўзахда абадий қолади, гуноҳи кабира қилган кофирдир, дейдилар.

4. Муржиа—калимаи тавҳидни тил билан айтиб, дил билан тасдиқласа бўлди, амалнинг кераги йўқ, деганлар.

5. Қадария—қазои қадарни инкор қиладиганлар.

6. Жабрия—инсон ҳамма ишларини мажбур ҳолда қилади, унинг ихтиёри йўқ, деганлар.

Ушбу асосий олти фирқадан бошқа фирқалар ҳам тарқалган. Бу фирқалар ўзаро талашиб-тортишиб, жуда кўп зарарларга, бало-офатларга сабаб бўлганлар.

Имом Абу Довуд қилган ривоятдаги зиёдада, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг умматимдан бир қавмлар чиқадики, ҳавойи нафс уларга худди қутуриш касали ҳеч бир томирни кўймай киргандек киради», деганлар.

Ушбу зиёдада мазкур фирқаларнинг умумий сифатлари келтирилмоқда. Уларнинг барчаси ўз кибр-ҳавоси касалига учрайдилар. Худди ит тишлаб қутуриб қолган одам ҳолига кирадилар. Тафриқачилик руҳи томир-томирларигача сингиб кетади. Мўмин-мусулмонларни кофир қилишдан бошқа нарса кўзларига кўринмай қолади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг ҳукми қандоқ бўлишини ҳадиси шарифнинг охирида айтмоқдалар:

«Етмиш иккитаси дўзахда, биттаси жаннатда, у жамоатдир».

Яъни, Ислом умматида пайдо бўлган етмиш учта эътиқодий фиркадан етмиш иккитаси дўзахга, биттаси жаннатга тушади. Ўша жаннатга тушадиган фирка жамоат фиркасидир. Яъни, мусулмонларнинг асосий оммасини жамлаб, Китоб ва Суннатга амал қилувчи тоифадир. Бу саодатли тоифа «Аҳли сунна ва жамоа» номини олган. Яъни, эътиқод бобида Суннатга мувофиқ иш кўрувчи ва мусулмонларнинг оммавий жамоасини бирлаштирувчи мазҳаб.

Алҳамдулиллоҳ, бизнинг юртимиз мусулмонлари доимо шу мазҳабда бўлиб келганлар ва бундан буён ҳам шундоқ бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоқ лозим. Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Яҳудийларнинг етмиш бир ёки етмиш икки фиркага бўлингани.
2. Насороларнинг етмиш бир ёки етмиш икки фиркага бўлингани.
3. Мусулмонларнинг етмиш уч фиркага бўлиниши.
4. Жамоатни ўзига жамлаган фирка жаннатга тушиши.
5. Қолган етмиш икки фирка дўзахга тушиши.
6. Аҳли сунна ва жамоа мазҳабини маҳкам ушлаш кераклиги.

Кейинги пайтларда залолатга кетган турли фирқалар Ислом номидан одамларнинг бошини айлантириб, ўз залолатларини тарқатмоқдалар. Қодёния, Баҳоия, Аҳмадия, Ҳабаш ва бошқалар шу жумладандир. Мусулмонлар кўзларини очиб, Аҳли сунна ва жамоадан бошқа ҳеч бир фиркага эргашмасликлари керак. Мусулмонларнинг тўқсон фоизидан ортиғи Аҳли сунна ва жамоадирлар. Тўрт мўътабар фикҳий мазҳаб имомлари ҳам, уларнинг атбоълари ҳам, Аҳли сунна ва жамоадирлар. Ким Аҳли сунна ва жамоадан бошқа фиркага эргашса, ушбу ҳадисда зикр қилинган балога гирифтор бўлади.

70- وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: تَرَكْتُ فِيكُمْ أَمْرَيْنِ لَنْ تَضِلُّوا مَا تَمَسَّكْتُمْ بِهِمَا: كِتَابَ اللَّهِ وَسُنَّةَ رَسُولِ اللَّهِ ρ. رَوَاهُ الْإِمَامُ مَالِكٌ.

70. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сизнинг ичингизда икки нарсани қолдирдим.

Икковларини маҳкам ушласангиз зинҳор залолатга кетмассиз. Булар – Аллоҳнинг Китоби ва Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг Суннати», дедилар».

Имом Молик ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифнинг маъноси ҳам, мақсади ҳам очиқ-ойдин ва равшан. Китоб ва Суннатни маҳкам ушлаш ҳар бир мусулмоннинг асосий вазифаси. Ким Қуръон ва Суннатни маҳкам ушласа, залолатга кетмайди, ушламаганлар эса, залолатга юз буради. Бу тўғрида ҳеч қандай ихтилоф йўқ.

71- عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: إِنِّي تَارَكْتُ فِيكُمْ مَا إِنْ تَمَسَّكْتُمْ بِهِ لَنْ تَضِلُّوا بَعْدِي أَحَدُهُمَا أَعْظَمُ مِنَ الْآخِرِ كِتَابُ اللَّهِ حَبْلٌ مَمْدُودٌ مِنَ السَّمَاءِ إِلَى الْأَرْضِ وَعِثْرَتِي أَهْلُ بَيْتِي وَلَنْ يَنْفَرَقَا حَتَّى يَرِدَا عَلَيِ الْخَوْضِ فَاَنْظُرُوا كَيْفَ تَخْلُقُونِي فِيهِمَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمٌ.

71. Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, мен сизнинг ичингизда, агар маҳкам ушласангиз, зинҳор залолатга кетмайдиган нарсани қолдириб кетувчиман. Уларнинг бири иккинчисидан улуғдир. Аллоҳнинг Китоби осмондан ерга тортилган

бир арқондир. Ва итратим, аҳли байтим, икковлари ховузга келгунларича бир-бирларидан зинхор ажрамаслар. У икковларида менга қандоқ ўринбосар бўлишингизга бир назар солинглар!» дедилар».

Термизий ва Муслим ривоят қилишган.

Шарҳ: Аввал ҳадиснинг ровийлари Зайд ибн Арқам розияллоху анҳу билан танишиб олайлик:

Зайд ибн Арқам Хазражий ал-Ансорий, кунялари Абу Умар, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан ўн еттита жангда иштирок этганлар. Ҳандақ кунда аввалгилардан бўлиб қатнашган. Сиффин урушида Ҳазрати Али билан бирга курашган улуғ саҳобалардан эдилар.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан 70 та ҳадис ривоят қилдилар. Ҳижратнинг 68-йилида, Имом Ҳусайн ўлдирилгандан кўп ўтмай, Куфада вафот этдилар.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Қуръони Карим ёнига ўз итратларини кўшмоқдалар. «Итрат» дегани (насл) яқин қариндошлик, деганидир. Итратни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзлари, Аҳли байт, деб ҳам баён қилиб кўймоқдалар. Аҳли байтнинг кимликлари, уларнинг фазилатлари, «Фазилатлар китоби»да келади. Ҳозирча Аҳли сунна ва жамоа наздида Оли байт – Ҳазрати Али ва Фотимадан тарқалган насллар, Оли Аббос, Оли Жаъфар ва Оли Ақийллар эканини билиб турсак, бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадисларида ҳар бир мусулмон Қуръони Карим билан кўшиб, ўзларининг Оли байтларини ҳам маҳкам ушлаб, уларнинг айтган насихат ва кўрсатмаларига амал қилиши зарурлигини таъкидламоқдалар. Бу ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Чунки Оли байт доимо мусулмонларни Қуръон ва Суннатга амал қилишга чақирганлар. Ўзлари бу ишда бошқаларга ибрат бўладилар. Шунинг учун ҳам

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифда:

«Икковлари ҳовузга келгунларича бир-бирларидан зинҳор ажрамаслар», дедилар.

Ҳовуздан мурод, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг қиёматдаги ҳовузлири. Демак, қиёматгача Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг Аҳли байтлари Қуръони Каримдан ажрамаслар, Қуръони Карим улардан ажрамас.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳадиснинг охирида:

«У икковларида менга қандоқ ўринбосар бўлишингизга назар солинг», демоқдалар.

Яъни, Қуръон ва Аҳли байтимда менинг ўринбосарим сифатидан нима қилишингизга бир назар солиб қўйинг, эҳтиёт бўлинг, деганлари. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг бу амрларига фақат Аҳли сунна ва жамоа мусулмонларигина тўғри ва тўлиқ амал қилмоқдалар. Қолганлар эса, у ёққаё бу ёққа бурилиб, хатога йўл қўйдилар.

Баъзилар Аҳли байтни камситиб, уларни ҳақорат қилдилар. Ҳеч бўлмаганда, уларни ўзларига тенг кўрдилар. Аҳли байтнинг қадрини муносиб ўринга қўймадилар.

Бошқалар эса, Аҳли байтни илоҳийлаштириб, Аллоҳ ҳам Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳам, Аҳли байтнинг ўзи ҳам айтмаган юқори даражага кўтарадилар. Бу ишда ҳаддан ошиб, бошқа саҳобаларни кофирга чиқарадилар. Кетма-кет хатоларга йўл қўядилар. Аҳли байтнинг ҳурмати уларнинг қабрларига бинолар қуриш, зиёрат қилиш, мадҳиялар ўқиш, уларга бу ишда кўшилмаганларга лаънат айтишда, деб биладилар.

Аҳли сунна ва жамоа эса, Аҳли байтнинг Қуръондан ажрамаганларини маҳкам тутадилар, ҳурмат қиладилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига Қуръонни ва Аҳли байтларини қолдириб кетганлар.

2. Ким Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қолдирган икки нарсани маҳкам ушласа, зинҳор залолатга кетмайди.

3. Бу икки нарса бир-биридан улуғ, бир-биридан яхши.

4. Қуръон осмон билан ер орасидаги Аллоҳнинг арқонидир.

5. Қуръон билан Аҳли байт қиёмат бўлиб ҳовузга борилгунча бир-бирларидан ажрамайдилар.

6. Мусулмонлар бу икки нарсада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қандоқ халифа-ўринбосар бўлаётганларига доимо назар солиб туришлари керак.

72- عَنْ أَنَسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: يَا بُيَيَّ إِنَّ قَدْرَتَ أَنْ تُصْبِحَ وَتُمْسِيَ لَيْسَ فِي قَلْبِكَ غِشٌّ لِأَحَدٍ فَاَفْعَلْ ثُمَّ قَالَ لِي: يَا بُيَيَّ وَذَلِكَ مِنْ سُنَّتِي وَمَنْ أَحْيَا سُنَّتِي فَقَدْ أَحْبَبَنِي وَمَنْ أَحْبَبَنِي كَانَ مَعِيَ فِي الْجَنَّةِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

72. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй болам, агар эртаю-кеч бировга нисбатан қалбингда ғиллу ғиш бўлмаслигига қодир бўлсанг, шуни қил», дедилар.

Сўнгра яна:

«Эй болам, шу менинг Суннатимдир. Ким менинг Суннатимни тирилтирса, батаҳқиқ менга муҳаббат қилган бўлади. Ким менга муҳаббат қилган бўлса, мен билан бирга жаннатда бўлади», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадис ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу

анхудан ривоят қилинмоқда.

Маълумки, ҳазрати Анаснинг оналари у кишини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёшлигиданоқ хизматга берганлар. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охиригача, ўн йил давомида хизматларида бўлганлар. Шунинг учун ҳам, кўпгина ҳадисларда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазрати Анас розияллоҳу анҳуга: «Эй Фулом! «Эй бола!» «Эй болам!» деб мурожаат қилганларини учратамиз. Ушбу ҳадиси шарифда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига

«Эй болам!» деб мурожаат қилмоқдалар ва:

«Агар эртаю кеч бировга нисбатан қалбингда ғиллу ғиш бўлмаслигига қодир бўлсанг, шуни қил», дедилар».

«Ғиллу ғиш» бировнинг жони, моли ва обрўсига астойдил футур етишини тилаш ва унга берилган неъматнинг завол бўлишини қалбдан хоҳлашдир.

Демак, ҳар бир мусулмон бировга нисбатан ёмонликни соғинмаслиги лозим. Ҳеч кимга нисбатан қалбида ғиллу ғиш сақламаслиги керак. Бу ҳақда, иншааллоҳ тегишли бобларда кераклигича сўз юритилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз насихатлари давомида:

«Эй болам, шу менинг Суннатимдир», дедилар.

Яъни, бировга нисбатан қалбда ғиллу ғиш бўлмаслиги Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларидир.

«Ким менинг Суннатимни тирилтирса, батаҳқиқ, менга муҳаббат қилган бўлади».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига амал қилиш, айниқса, амали тўхтаб қолган Суннатга қайта амал қилишни бошлаш билан бўлади. Демак, Суннатга амал қилиш, амалдан қолган Суннатни

қайта тирилтириш у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатидир.

«Ким менга муҳаббат қилган бўлса, мен билан бирга жаннатда бўлади», дедилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига амал қилиш, бу Суннатни маҳкам ушлаш ана шундоқ олий мақомга эриштиради.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ўзининг кичик ёшдаги ходими, шогирдига «Эй болам» деб мурожаат қилиш жоизлиги.

2. Иложи борица бировга нисбатан қалбда ғиллу ғиш сақламаслик лозимлиги.

3. Қалбда бировга нисбатан ғиллу ғиш сақламаслик Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларидир.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини тирилтириш, у зотга бўлган муҳаббатдир.

5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатлари тирилтирган ва У зотга муҳаббат қилган одам у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга жаннатда бўлади.

Мазкур ҳадисга амал қилишга биз мусулмонлар қанчалик муҳтож эканимизни гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Ушбу бобни ўрганиш давомида Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш фарзу вожиб эканини англадик. Бу масала бугунги куннинг энг долзарб масаласи эканини англадик. Лекин Китоб ва Суннатни маҳкам ушлаш осон бўлмайди. Мусулмон олами Китоб ва Суннатдан минг йилдан ортиқроқ даврда аста-секин узоқлашди. Энди уларга қайтиш ҳам тезлик билан амалга ошиши қийин. Фақат Китоб ва Суннатга тўлиқ амал қилиш билангина муваффақиятга эришиш бахт-саодатга мушарраф бўлиш мумкин.

الباب السابع

ЕТТИНЧИ БОБ

الاقتصاد في العمل والدوام عليه أحب إلى الله

АМАЛДА ТЕЖАМКОРЛИК ВА БАРДАВОМЛИК АЛЛОҲ УЧУН МАҲБУБДИР

Шарҳ: Ислом осонлик динидир. У ҳамма нарсада, жумладан, ибодатда ҳам бандалар учун осонлик ва енгиллик бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ислом шариатида инсон тоқатидан ташқари нарсани жорий қилмаган. Ибодатларни ҳам меъёрида фарз қилган. Узрли кишиларнинг узри эътиборга олинган. Боринги, ҳар бир нарсада енгиллик бўлиши чораси кўрилган. Енгиллик бўлсин, аммо ибодат бўлсин, давом этсин, тўхтаб қолмасин.

Муаллиф бошқа бобларга тегишли оятларни келтирган эдилар. Аммо, нима учундир ушбу бобга тааллуқли оятлардан мисол келтирмаганлар. Биз келтириб қўйишни лозим деб билдик.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Бақара сурасида мусулмонларга мурожаат қилиб:

«Аллоҳ сизларга осонликни хоҳлайди, қийинликни хоҳламайди», деган.

Доимо бандаларга енгилликни хоҳлаш ва уларни оғир ва машаққатли тақлиф остида қолдирмаслик—Ислом динининг асосий ва улкан қоидасидир. Ислом шариати осонликка бино қилинган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобалардан Муоз ибн Жабал ва Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳумони Яманга юбораётиб, башоратли

сўзлар айтинглар, нафрат кўзғатадиганини айтманглар, енгиллаштиринглар, қийинлаштирманглар, деганлар.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг охирида айтади:

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан. Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Эй Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин. Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен хожамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил» (286-оят).

Ҳамма нарсани билувчи Аллоҳ ҳар бир жонни ҳам нимага ярайдию нимага ярамайди—яхши билади. Бандаларига меҳрибонлигидан имкони ва ҳаққи бўлса ҳам, ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди.

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас».

Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқлари банданинг имкони даражаси доирасида бўлади. Ана ўша таклифга амал қилишига қараб, бошқа ҳеч бир нарсага қарамасдан, банданинг жазоси ёки мукофоти белгиланади. Ҳар бир банданинг:

«Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан»

Охиратда ошна-оғайничилик, воситачилик, насли-насабига қараш ёки бошқа имтиёзлар ўтмайди. Ҳар бир шахс ўзи учун ўзи жавоб беради. Шундай экан, ҳар бир банда иймон-ихлос билан Аллоҳнинг амрини бажариши ва доимо унинг ўзига ёлбориб дуо қилиши зарур.

«Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин».

Мўмин банда бор имконини ишга солиб Аллоҳнинг фармониغا мувофиқ иш юритишга ҳаракат қилади. Бу

борада кўпгина тўсиқларни енгиб, қийинчиликларга бардош беради. Лекин у фаришта ҳам эмас, баъзи вақтларда билмасдан хато қилиб кўяди ёки баъзи нарсаларни унутиб, эсдан чиқаради. Шунинг учун ҳам дуонинг аввалида мазкур нарсалар учун азобга тутмасликни Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўрамоқда. Аллоҳ таоло мўмин бандаларининг ушбу дуосини қабул этган.

Имом Табароний ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Умматимдан уч нарса–хато, эсдан чиққан ишлар ва мажбур қилинганлик кўтарилди», деганлар.

«Эй Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин».

Маълумки, Аллоҳ таоло аввал ўтган умматларга улар қилган осийликлари учун қийин тақлифлар юборган.

Баъзиларига тавба қилиш учун ўзини ўлдиришни амр қилган бўлса, бошқаларга нажосатни кетказиш учун қийимини кесишни буюрган. Шунга ўхшаш оғир ишлар Ислому умматига ҳам бўлмаслиги сўралмоқда.

«Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин».

Мўминлар Аллоҳнинг амри қанчалик бўлса ҳам бажаришга доим тайёрлар. Лекин Аллоҳнинг раҳмати кенглигидан умидвор бўлиб, ўзларини кичик фаҳмлаб, бу дуони қилишмоқда.

«Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт».

Мўмин банда ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бандалик бурчини тўлиқ адо эта олмаслигини яхши билади. Шунинг учун доимо ўзига Аллоҳнинг афви, мағфирати ва раҳматини сўраб туради.

Ушбу бобда келтириладиган ҳадиси шарифлар ана шу руҳдаги маъноларни ўзида мужассам қилган.

73- عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ دَخَلَ عَلَيْهَا وَعِنْدَهَا امْرَأَةٌ فَقَالَ:

مَنْ هَذِهِ؟ قَالَتْ: فُلَانَةٌ تَذْكُرُ مِنْ صَلَاتِهَا قَالَ: مَهْ عَلَيْكُمْ بِمَا تَطِيعُونَ
فَوَاللَّهِ لَا يَمَلُ اللَّهُ حَتَّى تَمَلُّوا وَكَانَ أَحَبُّ الدِّينِ إِلَى اللَّهِ مَا دَاوَمَ عَلَيْهِ
صَاحِبُهُ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيُّ.

73. Оиша розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам у кишининг олдиларига кирганларида, ҳузурларида бир аёл бор эди. У зот:

«Бу аёл ким?»» деб сўрадилар.

«Фалона, намозидан гапирмоқда», деди.

«Йўғ-е! Сизлар тоқатингиз етадиган нарсани лозим тутинглар. Аллоҳга қасамки, сиз малол олмагунингизча Аллоҳга малол келмайди. Диннинг Аллоҳга махбуби, соҳиби унда бардавом бўлганидир», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Оиша онамиз бир аёл билан гаплашиб ўтирганларида, олдиларига Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам кириб келибдилар. Шунда, ҳалиги аёл ўрнидан туриб чиқиб кетаётганларида Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бу аёл ким?»» деб сўрадилар». Оиша онамиз:

«Фалона, намозидан гапирмоқда», дедилар.

Бошқа ривоятлардан маълум бўлишича, у аёлнинг исми Хавла бинти Тувайт бўлган. Оиша онамиз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг саволларига: «Бу Хавла бинти Тувайт, Мадина аҳли ичидаги энг ибодатли шахс, кечаси билан ухламай намоз ўқиб чиқади», деганлар. Шунда Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам:

«Йўғ-е! Сизлар тоқатингиз етадиган нарсани лозим тутинглар. Аллоҳга қасамки, сиз малол

олмагунингизча Аллоҳга малол келмайди. Диннинг Аллоҳга махбуби, соҳиби унда бардавом бўлганидир», дедилар».

Кўриниб турибдики, Хавла бинти Тувайт ал-Асадийя розияллоху анҳонинг кечаси билан намоз ўқиб чиқиши Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам томонидан маъкулланмаяпти. У зот соллаллоху алайҳи васаллам бу ишни

«Йўғ-e!» деб инкор қилмоқдалар. Сўнгра эса, Ислоннинг бу борадаги таълимотларини баён қилмоқдалар:

«Сизлар тоқатингиз етадиган нарсани лозим тутинглар».

Яъни, қўшимча ибодат қиладиган бўлсангиз, тоқатингиз етадиганини танланг. Ўз имконларингизга қаранг. Мисол учун мусулмон инсон ўзига фарзу вожиб бўлган намозлардан ташқари нафл намоз ўқиб, қўшимча ибодат қилмоқчи бўлса, ўз тоқатини ҳисобга олсин. Хавла бинти Тувайтга ўхшаб кечаси билан бутунлай ухламасдан намоз ўқиб, ўзини қийнамасин.

«Аллоҳга қасамки, сиз малол олмагунингизча Аллоҳга малол келмайди».

Яъни, сиз ўзингизни қийнаб, ортиқча уриниб, ибодатни малол олиб қилсангиз, Аллоҳга ҳам малол келади. Агар тоқатингиз етадиган нарсаларга қанча кўп уринсангиз, Аллоҳ ҳам малол кўрмай ажру савобни бераверади. Лекин тоқатингиздан ташқари ишга уриниб, малол олиб қилсангиз, ўзингизга яхши бўлмайди.

«Диннинг Аллоҳга махбуби, соҳиби унда бардавом бўлганидир».

Яъни, диндаги амалнинг Аллоҳга энг ёққани, эгаси унда доимий бўлганидир. Бирдан кўп қилиниб, кейин қолган амалдан фойда йўқдир. Аммо, оз бўлса ҳам доимий бўлиб тургани фойдалидир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Уйига кирган аёлнинг кимлиги ҳақида эркак киши сўраши жоизлиги.

2. Аёл ўз эрига олдиға келган аёл ва унинг гапирган гапи ҳақида хабар бериши жоизлиги.

3. Кечаси билан ухламай намоз ўқиб чиқиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга маъқул тушмагани.

4. Гапни таъкидлаш учун Аллоҳ номи ила қасам ичиш жоизлиги.

5. Мусулмон инсон нафл ибодатга малол келадиган даражада уриниши жоиз эмаслиги.

6. Аллоҳ таолоға маҳбуб амал, бардавом амал экани.

7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз умматларига енгилликни хоҳлашлари.

Бизнинг замонамизда бу ҳадиси шарифдан қандоқ фойдаланамиз? Хавла бинти Тувайт розияллоҳу анҳоға ўхшаб кечаси билан намоз ўқиб чиқишга ҳаракат қилаётган одамни топа оламизми? Айниқса, аёлларимиз ичида бундоқ шахсни учрата оламизми?

Яхши ният қилиб, кечаси билан нафл намоз ўқиб чиқаётганлар ёки шундоқ қилмоқчилар бор бўлса, уларга ушбу ҳадиси шарифга биноан, «Ундоқ қилманг, тоқатингиз етадиган, оз бўлса ҳам бардавом ишни қилинг, чунки динимизнинг таълимоти шу», деймиз.

Агар Ислонда таклифлар кўп, кечаси билан намоз ўқиб чиқиш, у қилиш, бу қилиш керак, деб одамларни кўрқитаётганлар бўлса, уларга: «Бекор айтибсиз, Ислонда одамларни тоқатидан ташқари нарсаға таклиф қилиш йўқ», деймиз.

Баъзибир биродарларимиз, опа-сингилларимиз ибодатни бошлашдан чўчиб турган бўлсалар, уларга: «Ҳеч қандай чўчидиган жойи йўқ, дарҳол ибодатни бошланг, оғир келадиган жойи йўқ, ибодат сизни икки дунё

саодатига эриштиради», деймиз.

74 - عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَمَّا وَاللَّهِ إِنِّي لِأَخْشَاكُمُ لِلَّهِ وَأَتْقَاكُمُ لَهُ وَلَكِنِّي أَصُومُ وَأَفْطِرُ وَأَصَلِّي وَأَرْقُدُ وَأَتَزَوَّجُ النِّسَاءَ فَمَنْ رَغِبَ عَن سُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

74. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп кўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман. Аммо, рўза ҳам тутаман, оғзим ҳам очиқ бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас», дедилар».

Икки Шайх ва Насаий ривоят қилишган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадисларида нафл амалларда тежамкор бўлиш, тоқатидан ташқари нарсалар билан ўзини қийнамасликка чақирмоқдалар.

Бу ҳадиси шарифнинг айтилишига сабаб бўлган ҳодиса, бошқа ривоятларда тўлалигича келтирилган. Бир куни саҳобалардан уч киши Оиша онамиз ҳузурларига келиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг нафл ибодатлари ҳақида сўрайдилар. Оиша онамиз учовларига бор нарсани айтадилар. Шунда, уларга Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг нафл амаллари оз кўринади. Улар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг олдинги ва кейинги гуноҳларини Аллоҳ таоло мағфират қилиб қўйган, У киши кўшимча амал қилмасалар ҳам бўлаверади, аммо биз кўпроқ кўшимча амал қилишимиз керак, дейдилар. Улардан бири, мен доимо рўза тутаман, ҳеч оғзим очиқ юрмайман, дейди.

Иккинчиси, мен кечаси ухламай намоз ўқийман, дейди.
Учинчиси, мен аёлларга уйланмайман, дейди.

Уларнинг бу гаплари Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга етиб боради. У зот соллаллоху алайҳи васаллам бундан қаттиқ аччиқланадилар. Сўнгра масжидга чиқиб, намоздан кейин ваъз қиладилар. Биз ўрганаётган ҳадисдаги гапларни айтадилар:

«Огоҳ бўлинг! Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг кўп кўрқадиганингизман, Унга энг кўп тақво қиладиганингизман».

Яъни, эй одамлар, огоҳ бўлинг, билиб қўйинг. Яна ҳар хил фикрларга бориб, турли гапларни гапириб юрманг.

«Аллоҳга қасамки».

Бу оддий гап эмас, қасам билан таъкидлаб айтилаётган, эътиборли ва аҳамиятли гап.

«Мен Аллоҳдан энг кўп кўрқадиганингизман».

Мендан кўра Аллоҳдан кўпроқ кўрқадиганингиз йўқ, бўлмайди ҳам, бўлиши мумкин ҳам эмас.

«Унга энг кўп тақво қиладиганингизман».

Мендан кўра Аллоҳга кўпроқ тақво қиладиганингиз йўқ, бўлмайди ҳам, бўлиши мумкин ҳам эмас.

«Аммо, рўза ҳам тутаман, оғзим ҳам очиқ бўлади».

Яъни, нафл рўза тутадиган кунларим ҳам бўлади. Оғзим очиқ юрган кунларим ҳам бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам хафтанинг душанба ва пайшанба кунлари ҳамда ойнинг аввали, ўртаси ва охирида ҳам нафл рўза тутардилар. Шунингдек, нафл рўзага ўта қизиққанлари учун Пайғамбар Довуд алахиссаломнинг рўзалари, бир кун тутиб, бир кун очиш маъқул эканини баён қилганлар. Бу масалалар, иншааллох, кези келганда батафсил ўрганилади.

«Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам».

Яъни, кечаси ҳам нафл намози ўқийман, керагича ухлайман ҳам.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам кечаси керагича ухлар эдилар. Аммо таҳажжуд намозини ҳам ўқир эдилар. Айниқса, туннинг учдан бири қолиб, сахар яқинлашганда кўпроқ бедор бўлардилар. Бу масалалар ҳам кези келганда батафсил ўрганилади.

«Аёлларни никоҳимга ҳам оламан».

Никоҳсиз ўтиш менга мос эмас.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг бир вақтнинг ўзида тўққизта аёлни ўз никоҳларида олиб турганлари маълум ва машхур.

«Ким менинг Суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмасдир».

Яъни, ушбу ва бошқа ишларда ким менинг йўлимни тутмаса, менинг динимда эмас, деяптилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳдан энг кўп қўрқадиган банда эканликлари.

2. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳга энг кўп тақво қиладиган банда эканликлари.

3. Аллоҳдан қўрқиш ва У Зотга тақво қилишда ҳеч ким Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ўта олмаслиги.

4. Умр бўйи нафл рўза тутиш мумкин эмаслиги.

5. Нафл рўзани Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Суннатларига мувофиқ тутиш зарурлиги.

6. Кечаси билан ухламай, нафл намоз ўқиб чиқиш ўринли эмаслиги.

7. Кечаси вақтида ухлаб, Суннатга мувофиқ нафл намоз ўқиб кераклиги.

8. Оила қурмай юриш яхши эмаслиги.

9. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Суннатларига рағбат қилмаслик диндан чиқишга олиб бориши.

Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳикматига, унинг моҳиятига

тушуниб етишга бугунги кунда эҳтиёжимиз катта. Замон ўтиши билан мусулмонман, деб юрганларда ҳам Ислом тўғрисида нотўғри тасаввурлар ўрнашиб қолган. Улар турли динларга оид умумий тушунчани Исломга ҳам ёпиштиришга ҳаракат қиладилар. Исломни ҳам бошқа динларга ўхшаш таркидунёчиликдан иборат, деб ўйлайдилар.

Одамларнинг жуда оз қисми амал қилишда хато қиладилар, яъни, таркидунёчиликка юрадилар. Одамларнинг жуда кўплари эса, амал қилмасликда хато қиладилар. Яъни, Исломни таркидунёчилик, деб гумон қилиб, ундан ўзларини олиб қочадилар.

Аслида эса, ундай эмас! Дунёдаги Аллоҳдан энг кўп кўрқадиган банда бўлиш учун ўзини қийнайдиган бирор ишни қилишнинг ҳожати йўқ. Дунёдаги Аллоҳга энг кўп тақво қиладиган банда бўлиш учун оғир келадиган бирор иш қилиш шарт эмас. Балки, таркидунё қилмай, дунёдаги ҳалол нарсалардан тўла баҳраманд бўлган ҳолда, меъёрида ухлаб, еб-ичиб, оила қуриб ҳам энг тақводор, Аллоҳга энг яқин банда бўлиш мумкин.

Бу улкан ҳақиқатни дунёдаги энг махбуб банда, энг улуг Пайғамбар—Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳолларидан билиб олиш мумкин. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтида ухлаб, вақтида ибодат қилардилар. Вақтида овқатланиб, вақтида рўза тутардилар. Жуфти ҳалоллари билан оилавий ҳаётни давом эттирардилар.

Ислом Аллоҳнинг дини бўлгани учун унда инсоннинг барча эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Чунки, инсонни яратган Аллоҳ унинг эҳтиёжларини ҳам яхши билади. Агар инсон доимо оч юриши керак бўлганида, Аллоҳ уни таомга ҳожати тушмайдиган қилиб яратган бўлар эди. Агар инсон доимо овқат қилиб юриши лозим бўлганида, Аллоҳ рўзани фарз қилмас эди. Демак, инсон меъёрида еб-ичиб,

меъёрида оч қолиши керак. Инсоннинг доимо оч қолишидан Аллоҳга ҳам, ўзига ҳам фойда йўқ. Аммо, инсоннинг меъёрида оч қолишида Аллоҳга фойда бўлмаса ҳам, инсоннинг ўзига фойда бор. Ислом кишиларни шунга буюради.

Шунингдек, инсон кечаси ухламаслиги керак бўлганида, Аллоҳ уни уйкуга хожатли қилиб яратмаган бўлар эди. Агар инсон умуман ибодат қилмай ухлаб ётаверса, ҳайвондан фарқи йўқ бўлиб қолмаганида, уни ибодатга амр қилмас эди. Инсоннинг ҳаддан ташқари кўп ухлашида Аллоҳга ҳам, инсоннинг ўзига ҳам фойда йўқ, балки ўзига зарар бор. Инсоннинг меъёрида ухлаб, меъёрида ибодат қилишида эса Аллоҳга фойда йўқ бўлса ҳам, инсоннинг ўзига фойда бор.

Агар инсон уйланмай ўтиши керак бўлганида, Аллоҳ таоло уни эркак-аёл қилиб, бир-бирига эҳтиёжли қилиб яратмас эди. Шунингдек, инсон жинсий майлининг ҳалол никоҳ йўли билан қондирмай, ҳаром йўл билан қондирганда ҳайвондан фарқи қолмайдиган бўлмаганида, Аллоҳ никоҳни жорий қилмас эди. Инсоннинг уйланмай ўтишидан Аллоҳга фойда йўқ, бандага зарар бор. Шунингдек, банданинг жинсий ҳаётда хоҳлаганини қилаверишида ҳам ўзига зарар бор. Ислом доимо бандаларга яхшиликни раво кўрганидан уларга никоҳ йўли билан, ҳалол-пок равишда жинсий майлларини қондиришларини йўлга қўйди.

Исломда ухлаш, овқатланиш, оила ҳаёти каби нарсалар дунёвий иш ҳисобланиб, улардан ҳазар қилишга чақирилмайди. Балки бу нарсалар Ислом таълимотларига мос бўлиб, яхши ният билан амалга оширилса, савоб бўлади, ибодат ҳисобланади.

75- عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو τ قَالَ: قَالَ لِي النَّبِيُّ ρ : أَمَّ

أَخْبَرَ أَنَّكَ تَقُومُ اللَّيْلَ وَتَصُومُ النَّهَارَ قُلْتُ: إِنِّي أَفَعَلُ ذَلِكَ قَالَ:
فَإِنَّكَ إِذَا فَعَلْتَ ذَلِكَ هَجَمْتَ عَيْنُكَ وَنَفَهْتَ نَفْسُكَ وَإِنَّ لِنَفْسِكَ
حَقٌّ وَلَاذَلِكَ حَقٌّ فَصُمْ وَأَفْطِرْ وَفُؤْمٌ وَتَمَمٌ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

75. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Менга Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Менга хабар берилишича, сен кечани бедор ўтказиб, кундузнинг рўзасини тутар эмишсан?» дедилар.

«Албатта, мен ўшандоқ қилурман», дедим.

«Агар сен шундоқ қиладиган бўлсанг, кўзинг заифлашади, нафсинг малол олади. Албатта, сенда нафсингнинг ҳам ҳаққи бор, аҳлингнинг ҳам ҳаққи бор. Бас, рўза ҳам тут. Оғзинг очиқ ҳам юр. Бедор ҳам бўл. Ухлаб ҳам ёт», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Муаллиф бу ҳадисни ушбу бобда нима учун келтиргани аниқ ва равшан кўришиб турибди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхуни ва у киши орқали барча умматларини амалда тежамкор бўлишга, оз бўлса ҳам бардавом амални қилишга чорламоқдалар. Биз ўрганаётган ушбу ҳадиси шарифнинг айтилишига Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳаётлари даврида бўлиб ўтган бир воқеа сабаб бўлган.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхуни оталари Қурайш қабиласига мансуб чиройли бир қизга уйлаб қўйибди. Куёв бўлса, янги келин билан иши бўлмади, ибодатга берилиб, кечаси билан намоз ўқиб, кундузлари рўза тутиб юраверибди. Бу ҳақда отаси Абдуллоҳ розияллоху анхуга насиҳат қилибди. У киши эса, ибодатга

берилганлик ва ёшлик ғурури таъсирида отанинг насиҳатига қулоқ осмайди. Ўз билганини қилиб, кечаси намоз ўқиб, кундузи рўза тутиб, оиласи билан иши бўлмайд юраверибди. Шунда ноилож қолган отаси бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилибди. У зоти бобаракот Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхуни ҳузурларига чорлаб:

«Менга хабар берилишича, сен кечани бедор ўтказиб, кундузнинг рўзасини тутар эмишсан», дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларидан ибодат ғурурига кетган ёш йигитлар билан муомала қилишни ўрганиш керак. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дўк ҳам қилмадилар, отанг менга сендан шикоят қилди ҳам демадилар. Худди унинг ибодати ҳақида ноаниқ шахс томонидан хабар эшитгандек гап бошладилар. Гапларида унинг қилмишини танқид қилиш аломати ҳам сезилмади. Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Амр дадилланиб:

«Албатта мен ўшандоқ қилурман», деб жавоб берди.

Абдуллоҳ ибн Амрнинг устидан тушган шикоятни ўзига тасдиқлатиб олганларидан кейин, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам аста насиҳат қилишга ўтдилар:

«Агар сен ўшандоқ қиладиган бўлсанг, кўзинг заифлашади, нафсинг малол олади», дедилар.

Яъни, сен кечаси билан намоз ўқиб, кундузи рўза тутишни давом эттиравсанг, соғлиғингга зарар етади. Кўзинг заифлашади. Ҳадеб узлуксиз нафл ибодат қилавериш нафсингга малол келади. Бу эса, ёмон оқибатларга олиб келади. Кейин ибодат қилишни хоҳламай қоласан.

«Албатта, сенда нафсингнинг ҳам ҳаққи бор».

Яъни, сенда нафсингни ҳам ҳаққи бор. Уни ҳалол йўл билан меъёрида қондиришинг керак. Бўлмаса, Аллоҳ таоло сенга кўшиб халқ қилган табиатга хилоф қилган бўласан.

«Ахлингнинг ҳам ҳаққи бор».

Яъни, оила аъзоларингнинг ҳам сенда ҳаққи бор. Уни ҳам адо этишинг керак. Бу шаръий бурчинг.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анху мисолида унинг хотини ҳақида гап кетмоқда. Хотиннинг эрда ҳаққи бор. Бир оила эру хотин бўлиб яшагандан кейин эр эрлик бурчини адо этиши керак. Намоз билан рўзага берилиб, хотинни тарк қилиб қўйишлик мусулмон кишига тўғри келмайди.

«Бас, рўза ҳам тут, оғзинг очик ҳам юр».

Нафл рўза тутишга иштиёқинг бор экан, майли меъёрида тут. Аммо оғзинг очик ҳам юр.

«Бедор ҳам бўл, ухлаб ҳам ёт».

Кечалари бедор бўлиб, намоз ўқишга иштиёқинг бор экан, бу яхши, буни ҳам меъёрида қил. Аммо вақтида ухла ҳам. Бу ҳам керак.

Кези келганда айтиб ўтиш лозим, ушбу бобдаги ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларда нафл ибодат ҳақида сўз кетади. Чунки фарз ва вожиб ибодатларда тежамкор бўлиш, оз амал қилиш, деган гап бўлмайди. Беш вақт намознинг тўрт вақтини ўқий, рўзанинг ярмисини тутай, деб бўлмайди. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анху мисолида ҳам кечалари ухламай нафл намоз ўқиши, кундузлари нафл рўза тутиши ҳақида сўз кетмоқда.

76- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ τ عَنِ النَّبِيِّ ρ قَالَ: إِنَّ الدِّينَ يُسْرٌ وَلَنْ

يُشَادَّ الدِّينَ أَحَدٌ إِلَّا غَلَبَهُ فَسَدِّدُوا وَقَارِبُوا وَأَبْشِرُوا وَاسْتَعِينُوا بِالْعَدْوَةِ
وَالرَّوْحَةِ وَشَيْءٍ مِنَ الدُّجْحَةِ.

76. *Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, дин осондир. Кимки динда ашаддий

бўлмоқчи бўлса, дин унга ғолиб келади. Бас, тўғри амалда бўлинглар, яқинлашиб юринглар, яхшилик башоратини беринглар. Саҳар чоғида, тушдан кейин ва кечанинг охирида ёрдам талаб қилинг», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларига динда чуқур кетиб, ашаддийлашиб ўзини қийнамасликка, ўртача иш тутиб, иложи борича камолга яқин бўлиш учун уринишга, доимо яхшилик башорати беришликка, қулай фурсатларни бой бермай, улардан фойдаланиб қолишга чақирмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломни васф қилиб:

«Албатта, дин осондир», демоқдалар.

Яъни, дин аслида осонликдан иборатдир. Унинг барча таклифлари осондир. Унда ҳеч бир қийинчилик йўқдир. Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари Ислом шариати кўрсатмаларини бажариш қийиндир, деб сафсата сотувчилар зиддига қаттиқ раддиядир.

Дарҳақиқат, Ислом осонликдан иборат. Унда ҳеч бир қийинчилик йўқ. Инсончасига яшаш қасдида бўлган одам, бунини дарҳол тушуниб етади. Чунки, Ислом ҳақиқий инсонлар учун Аллоҳ томонидан юборилган кўрсатмалар тўплами. Шу билан бирга, Исломнинг осонлигига паст назар билан қараб, ўзига уни қийинлаштиришга уринганлар ҳам хато қиладилар.

«Кимки динда ашаддий бўлмоқчи бўлса, дин унга ғолиб келади».

Яъни, динда чуқур кетиб, ҳаддан ошиб, ўзича кўп амалларни қилиб шуҳрат топмоқчи бўлса, енгилиб қолади. Бундоқ одамлар бориб-бориб йўлдан чиқади. Йўлдан чиқиши турлича бўлиши мумкин. Баъзилари, ортиқча уриниб, ўзини уринтириб қўйиб, кейин малол олиб, ҳамма нарсани ташлаб юборади. Бошқалари эса, ашаддийлашиб, динда йўқ нарсаларни ҳам қилиб, бошқаларни ҳам шунга ундаб, ўзи ҳам адашади, ўзгаларни ҳам адаштиради. Ундоқ одамлардан диннинг ғолиб келишининг

маъноси шудир.

«Бас, тўғри амалда бўлинглар»

Яъни, шариатда кўрсатилганича тўғри амал қилинг, ошириб ҳам юборманг, камайтириб ҳам қўйманг.

«Яқинлашиб юринглар»

Яъни, шариат кўрсатган чегарага яқинлашиб юринглар. Ундан чиқиб ҳам кетманглар, узоқда ҳам қолманглар.

«Яхшилик башоратини беринглар»

Яъни, доимо ишни яхшиликка йўйинглар. Доимо яхшиликдан гапиринглар, яхши гапларни гапиринглар ва яхшиликни кутинглар.

«Сахар чоғида, тушдан кейин ва кечанинг охирида ёрдам талаб қилинг».

Ушбу жумлада ёрдам талаб қилинг дегани, нафл ибодат қилинглар, деганидир. Доимо ибодат билан машғул бўлса, қийналиб кетади. Шунинг учун орани узиб-узиб, дам олиш вақтларида қилинса яхши бўлади, деган маънони англатади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Ислом дини осонлик дини экани.
2. Унда ашаддий бўлмаслик кераклиги.
3. Ким Исломда ашаддий бўлишга уринса, ўзи мағлуб бўлиши.
4. Шариат кўрсатмасига амал қилишлик.
5. Шариат чегарасига яқинлашиб юришлик.
6. Яхшилик башорати ила яшашлик.
7. Мазкур вақтларда ибодатнинг ғанимат бўлиши.

Ислом тўғрисида нотўғри тасаввур кўп. Бу тасаввурлар ичида энг кўп тарқалгани—Ислом шариати таклифларини оғир таклифлар, деб васф қилиш. Инсонни ортиқча таклифлар билан қийнаш, деб тушунишдир. Ислом душманлари бу фикрни тарқатдилар ва тарқатмоқдалар. Ўзларини мусулмон ҳисоблаб юрган дангасалар ҳам бу ишга қўшиладилар. Аммо, Исломни қийинчилик дейиш

Аллоҳнинг оятига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига зидлигини ҳам билишлари керак. Ким Аллоҳнинг оятига, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига зид гапни айтса, кофир бўлишини ҳам билишлари керак. Мусулмон одам оят ва ҳадисда келган хабарни суриштирмасдан таслим бўлгани учун ҳам мусулмон номини олган. Агар оят ва ҳадисда келган нарсага ишонқирамаса, унга дарров таслим бўлиш ўрнига, сўраб-суриштира, тескари гап айтса, мусулмонлиги қолмайди. Агар оят ва ҳадисда келган хабарни тушуна олмаса, менинг ақлим етмаяпти десину, аммо тескари гап айтмасин, шак-шубҳа қилмасин.

Ислом қийин дин, деганларга эса, Исломнинг нимаси қийин, деймиз. Бошқа динлар билан, динсизлик билан солиштириб кўринг, нимаси қийин? Ақийда бобида шаҳодат калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб қўйсанг бўлди, сен мусулмонсан. Ҳеч қандай бошқа нарсанинг кераги йўқ. Алоҳида жойга бориб, алоҳида маросим ўтказиб, чўқинтириш маросимида қиладиган ишларнинг кераги йўқ.

Ёки худосизлар фирқасига аъзо бўлиш учун низомномани ёдлаб, турли шахс ва идоралардан ўзининг ихлосли худосиз эканига қоғоз олиб, имтиҳондан ўтиб, саволларга жавоб бериб, етмай қолса, пора бериб, аввал номзод бўлиб, кейин аъзо бўлиш ҳам йўқ.

Исломнинг мусулмон жамияти аъзоларига юклаган тақлифларида ҳам ҳеч қийинчилик йўқ. Уларнинг барчаси Аллоҳга ибодат бўлса ҳам, аслида мусулмоннинг ўз шахсига, оиласига, жамиятига ва бутун инсониятга фойда келтирадиган ишлар.

Исломдаги ибодат маросимларини ўтказиш учун алоҳида жой, алоҳида кийим, турли асбоб-ускана ёки воситачининг кераги йўқ. Ҳар ким хоҳлаган жойида, хоҳлаган кийимида, хоҳлаганича ибодат қилаверади.

Исломда тавба қилмоқчи бўлган одам чин дилдан ўкиниб, тавба қилдим, деб айтиб, ўша гуноҳни қайта қилмай қўйса бўлди. Бошқа динларга ўхшаб, алоҳида маросимни, воситачи-тавба қабул қилувчининг ва бадал тўлаб, мағфират паттаси сотиб олишнинг кераги йўқ.

Хуллас, Исломда қийинчилик йўқ. Бу улкан ҳақиқат билан ушбу китобимиз орқали танишиб келмоқдамиз, яна, иншааллох, танишиб бораверамиз.

Ислом инсондан бирор нарсани таклиф қилган бўлса, уни ҳайвонлик даражасидан чин инсонлик даражасига кўтариш учун таклиф қилган, холос. Ислом ўз таклифлари билан инсонни фаришта даражасига кўтаришни кўзлаган эмас. Шунинг учун Ислом таклифларини оғир деганлар, унга амал қилиш қийин деганлар, инсоннинг ҳайвонлик даражасида қолишини ёқтирадиганлардир.

Ислом дини кишиларга оғирлик бўлишини, уларга тоқатларидан ташқари таклифлар юклатилишини хоҳламайди. Шунинг учун ўз ихтиёри билан қўшимча ибодатни кўп қилишга уринадиган одамларни ҳам бу ишдан қайтаради. Ушбу ўрганган ҳадисимиз бунинг ишончли мисолларидир. Кейинги келадиган ҳадисларда бу масала яна ҳам ойдинлашади.

77- عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَمَرَهُمْ أَمَرَهُمْ
مِنَ الْأَعْمَالِ بِمَا يُطِيقُونَ قَالُوا: إِنَّا لَسْنَا كَهَيْئَتِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ
قَدْ غَفَرَ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ فَيَغْضَبُ حَتَّى يُعْرِفَ
الْغَضَبُ فِي وَجْهِهِ ثُمَّ يَقُولُ: إِنَّ أَتْقَاكُمْ وَأَعْلَمَكُمْ بِاللَّهِ أَنَا. رَوَاهُمَا
الْبُخَارِيُّ.

77. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачонки у(саҳоба)ларни бирор ишга амр қиладиган бўлсалар, тоқатлари етадиган амалга амр қилар эдилар. Улар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, биз сизга ўхшаган ҳолатда эмасмиз. Албатта, Аллоҳ сизнинг олдингию кейинги гуноҳларингизни мағфират қилган», дейишди. Шунда, у зот ғазабланар эдилар. Ғазаблари юзларидан билинар эди ва:

«Сизларнинг энг тақводорингиз, Аллоҳни энг яхши билувчингиз менман!» дер эдилар».

Икки ҳадиси Бухорий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадисларида ҳам Ислом дини осон дин экани, унда одамларнинг тоқатидан ташқари тақлифлар бўлмаслиги баён этилмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни тоқатларидан ташқари амални қилишга амр қилмас эдилар. Саҳобаи киромлар кўпроқ амал қилиб, кўпроқ савоб олиш иштиёки билан ёнар эдилар. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни хоҳлаб турган даражаларидаги амалларга буюрмас эдилар. Саҳобаларнинг кўпроқ амал қилиб, кўпроқ савоб олиш иштиёқлари устун келиб, баъзи хаёлларига келган гапни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишга журъат қилардилар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, биз сизга ўхшаган ҳолатда эмасмиз. Албатта, Аллоҳ сизнинг олдингию кейинги гуноҳларингизни мағфират қилган», дейишди.

Яъни, сиз гуноҳи йўқ зотсиз, лекин шундоқ бўлса ҳам ибодатни кўп қиласиз, биз сизга ўхшаган гуноҳи кечирилган одамлардан эмасмиз, гуноҳларимиз кўп. Шунинг учун бизга изн беринг, кўпроқ ибодат қилайлик, демокчи бўлдилар. Бундан саҳобаи киромларни кўп тоат-ибодат қилишга рағбатлари кучли экани кўриниб турибди.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн бўлмагани учун кўп ибодат қила олмай юрганлари ҳам билиниб турибди. Сиртдан қараганда бу ҳар қанча мақтаса арзугулик рағбат. Пайғамбаримиз шундоқ қилдиларми? Йўқ! Ундоқ қилмадилар. Бундай пайтларда:

«У зот ғазабланар эдилар. Ғазаблари юзларидан билинар эди».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта ҳалимликларини, Аллоҳ учун бўлмаса, ҳеч қачон ғазабланмасликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ғазабланишлари амр қилинган нарсага бўйсунмай, унга турли таклифлар киритиш яхши эмаслигидан дарак беради.

Нима учун саҳобаларнинг кўпроқ ибодат қилиш рағбати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғазабларини чиқарди? Чунки улар Аллоҳ ва Унинг Расули амр қилган ишларни оз санаб, ўзларига зиёда қилмоқчи бўлдилар. Бу эса, доимо хатога бошлайди. Аллоҳ таоло бандаларига нима муносиб эканини Ўзи яхши билади. Аллоҳ таоло бандаларига қанча миқдорда ибодат муносиб эканини ҳам яхши билади. Шунинг учун инсоннинг тоқатига яраша амалларга буюради. Агар инсон бутунлай намоз ўқиб, рўза тутиб ёки шунга ўхшаган амалларни қилиши керак бўлганида, уни фаришталарга ўхшатиб емайдиган, ичмайдиган, уйланмайдиган қилиб яратар эди.

Шунингдек, еб-ичиб, жинсий шаҳват билан машғул бўлиб, ҳайвонлик даражасида юравериши керак бўлганида, унга ақл бермас, Пайғамбарлар юбормас, китоблар туширмас ва шариатлар жорий қилмас эди.

Аллоҳ таоло инсонни чин инсон бўлишини хоҳлайди. Унинг фаришта бўлишини ҳам, ҳайвон бўлишини ҳам хоҳламайди. Аллоҳ инсонга ҳам ҳайвоннинг, ҳам фариштанинг хусусиятларидан берган. Жисм, емоқ-ичмоқ, жинсий шаҳватга эҳтиёжлар ҳайвонлик сифатларидир.

Рухонийлик, ақл, тоат, ибодатга лаёқатлик фариштанинг сифатларидир. Фаришталик сифатлари ҳайвонлик сифатларидан устун бўлиб, шариат йўлида юрган инсон фариштадан устундир. Ҳайвонлик сифатлари фаришталик сифатларидан устун бўлиб, еб-ичиш ва дунё ташвишидан бошқани билмаган инсон ҳайвондан бадтардир.

Ислом инсонни ҳайвонлик даражасига тушишига рози эмас. Шунингдек, уни фаришталик даражасига кўтарилишига ҳам рози эмас. Ислом инсондан чин инсон бўлишини талаб қилади, холос. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг амрини бажармаганлардан қанчалик ғазаблансалар, Аллоҳнинг амрига зиёда қилишни хоҳлаганлардан ҳам шунчалик ғазабланар эдилар. Ушбу ҳадисда зиёда ибодат қилишга изн сўраган саҳобаи киромлардан ғазабланишлари ҳам шундан. У зот уларга:

«Сизларнинг энг тақводорингиз, Аллоҳни энг яхши билувчингиз менман!» дер эдилар.

Яъни, бирортангиз менчалик тақводор бўла олмайсиз, менчалик Аллоҳни таний олмайсиз. Нега энди мен қилмаган ибодатларни қилмоқчи бўласиз?!

Демак, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларида келган ибодатдан ортиқча ибодат қилиш нотўғри ҳисобланади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз ҳеч қачон, ҳеч кимни тоқатидан ташқари амалга буюрмаганлари.

2. Бировни тоқатидан ташқари амалга буюриб бўлмаслиги.

3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдингию кейинги гуноҳлари Аллоҳ томонидан мағфират қилингани. Албатта, гуноҳ сўзи у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам учун шартли равишда ишлатилади. Чунки у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларга

ишлатиладиган гуноҳлардан маъсум, яъни, сақлангандирлар.

Уламоларимиз у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ишлатиладиган гуноҳни, баъзи амалларни баъзи вақтларда камоли ниҳоясига етмай қолиши, деб таъвил қиладилар.

4. Яхши амаллар кишининг даражасини кўтариши. Шунинг учун саҳобалар зиёда амал қилишга изн сўрадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, зиёда амал даражани кўтармайди, демадилар, балки, шариатда кўрсатилганидан зиёда қилишга қарши бўлдилар.

5. Нафл ибодатларни ўртача ҳолда олиб бориш яхшилиги.

6. Маълум даражага эришган одам шу даража билан кифояланиб қолмай, яна нафл ибодатларда бардавом бўлиши лозимлиги.

7. Шариатга хилоф нарсани кўрганда ғазаб қилишнинг жоизлиги.

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам энг тақводор шахс эканликлари.

9. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳни энг яхши билувчи шахс эканликлари.

10. Кези келганда ўз фазли тўғрисида бошқаларга хабар бериш жоизлиги.

Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳикматлари очик-ойдин кўриниб турибди. Албатта, бугунги кунимизда зиёда ибодат қилишга иштиёқмандлар йўқлиги, бу ҳадисга эҳтиёж тушмайди, дегани эмас. Бу ҳадисни Ислом қийинчилик дини, деб иғво қилаётган душманларга қарши ишлатамиз. Исломнинг таклифлари қийинмикан, деб чўчиб турганларга Исломга тарғиб қилиш учун ишлатамиз. Баъзи бир ўзининг бузуқ табиатига берилиб, шариатда йўқ нарсаларни қилиб, ўзини овора қилиб, ўзгаларни Исломдан

чўчитаётганларни йўлга солишда ишлатамиз. Бу ҳадисга эҳтиёжимиз жуда кўп.

78- وَسئِلْتُ عَائِشَةَ: هَلْ كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَخُصُّ شَيْئًا مِنَ الْأَيَّامِ؟

قَالَتْ: لَا كَانَ عَمَلُهُ دِيمَةً وَأَيُّكُمْ يَسْتَطِيعُ مَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَسْتَطِيعُ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

78. *Оишадан:*

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг маълум кунларга бирор нарсани хос қилиб қўйиш одатлари бор эдими?» деб сўралди.

«Йўқ! У зотнинг амаллари доимий эди. Сизлардан қай бирингиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қодир бўлган насага қодир бўла олар эди», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Оиша онамиздан Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг одатлари ҳақида баён келмоқда.

Саҳобаи киромлар доимий равишда Оиша онамиздан турли нарсаларни сўраб туришар эди. У киши жуда кўп нарсаларни билар эдилар. Пайғамбаримиз билан доимо бирга бўлиш, етук ақл соҳибаси бўлиш Оиша онамизга кўп нарсаларни билиб олиш имконини берган эди. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламдан кейин ҳам кўп нарсаларда, катта саҳобалар еча олмай қолган масалаларда ҳам Оиша онамизга мурожаат қилинар эди. Ана шундоқ пайтларда Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг одатлари ҳақида ҳам сўрар эдилар. Шундоқ саволларнинг бирида:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг маълум кунларга бирор нарсани хос қилиб қўйиш одатлари бор эдими?» деб сўралди.

Яъни, маълум бир куни, маълум бир ибодатни хос қилиб қўйишни одат қилган эдиларми, деб сўралди. Оиша онамиз:

«Йўқ», деб жавоб бердилар.

Демак, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундоқ одатлари бўлмаган. Унда қандоқ бўлган? Бу саволга жавоб Оиша онамизнинг жавоблари давомида келади:

«У зотнинг амаллари доимий эди».

Яъни, бир кун амал қилиб, бошқа куни ташлаб қўймас эдилар. Оз бўлса ҳам бардавом амал қилар эдилар.

«Сизлардан қай бирингиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қодир бўлган нарсага қодир бўла олар эди», дедилар.

Яъни, қайси бирингиз ана шундоқ доимий равишда амал қила олар эдингиз.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Олима аёллардан илм сўраса мумкинлиги.
2. Оиша онамизнинг фазллари.
3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маълум кунларни хос қилиб, бирор нафл ибодат учун ажратмаганлари.
4. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ишни қилсалар, доимий равишда қилганлари.
5. Бошқа кишилар ҳар қанча уринсалар ҳам, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам даражасига ета олмаслиги.

79- وَعَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ: أَيُّ الْعَمَلِ أَحَبُّ إِلَيَّ اللَّهُ؟

قَالَ: أَدْوَمُهُ وَإِنْ قَلَّ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

79. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, қандоқ амал Аллоҳ учун энг маҳбубдир, деб сўралди.

«Агар оз бўлса ҳам давомлиси», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Саҳобаи киромларда Аллоҳга маҳбуб бўлган амални қилишга иштиёқ зўр эди. Улар Аллоҳга маҳбуб амалларнинг ичидан ҳам энг маҳбубини қилишга ҳаракат қилар эдилар.

Буни билиб олиш учун Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга савол бердилар:

«Қандоқ амал Аллоҳ учун энг маҳбубдир?» деб сўрадилар.

Расуллулоҳ бу саволга:

«Оз бўлса ҳам давомлиси», деб жавоб бердилар.

Ҳа, Исломда давомсиз кўп амалдан кўра, давомли оз амал яхшидир. Чунки Ислом яхшиликни доимий бўлишини хоҳлайди.

Мусулмон одам ҳафтанинг маълум кунида яхши амал қилиб, мусулмонлик тақозоси билан иш кўриб, қолган кунларида ҳар хил ёмонликларни қилавермайди. Ҳар куни яхши бўлади. Оз бўлса ҳам ҳар доим яхши амал қилади. Ҳамма яхшилик ана ўшанда.

Биз мусулмонлар худди шу ишни ҳаммамиз амалга оширишимиз керак. Афсуски, кўпчилик биродарлар, жума куни, ҳайит кунлари, рамазон ойида ўзларини яхши тутадилар-да, қолган вақтларда турли ҳолатларда бўлишни ўзларига раво кўрадилар. Албатта, мазкур кун ва ойларида кўп яхши бўлиш мақбул ва савобли иш. Аммо бошқа вақтларда ҳам ўша ҳолатда бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Бу бобга хулоса ясар эканмиз, Ислом осонлик динидир, ундан бошқа ҳамма нарса қийинлик, машаққатдир, деймиз. Банда Ислом шариатида кўрсатилган амалларни қилиш билан икки дунё саодатига эришади, деймиз.

МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони Карим.
2. Имодуддин Исмоил Ибн Касир. «Тафсири Қуръони Азим». Дор ихяил кутубил арабийя.
3. Муҳаммад Али ас-Собуний. «Роваиъул Баён тафсири Аятил Аҳкам минал Қуръон», Дор ихяит турсил арабий, Байрут.
4. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол».
5. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий», Тошкент, 1973.
6. Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қурайший. «Саҳиҳул Муслим». Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан.
7. Муҳаммад ибн Йисо ат-Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан, 1987.
8. Сулаймон ибн ал-Ашҳас ас-Сижистоний ал-Аздий. «Сунани Абу Довуд», Дорул Боз, Марва, Макка.
9. Аҳмад ибн Шухайб ан-Насайй. «Сунани Насайй». Мактабут тарбиятил арабий лидувалил халийж, Риёз, 1988.
10. Муҳаммад ибн Ёазид ал-Қазвиний. «Сунани Ибн Можа», Дор ихяит турсил арабий, Байрут, 1975.
11. Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Хумайрий. «Мувааттоъ Имоми Молик», Дорун нафаис, Байрут, 1987, 10-босма.
12. Абдуллоҳ ибн Баҳром ад-Доримий. «Сунани Доримий», Дорул фикри.
13. Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснади Имом Аҳмад ибн Ҳанбал», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1978, 2-босма.
14. Муҳаммад Абдурроҳман ал-Муборакфурий. «Тухфатул Аҳвазий би шарҳи жомеъит Термизий», Дорул кутубил илмийя, Байрут.
15. Муҳаммад Юсуф ал-Ҳусайний ал-Банурий. «Маҳарифус сунани шарҳи сунанит Термизий», Ал-

Мактабатул банурийя, Карачи.

16. Шох Валийуллоҳ ад-Дехлавий. «Хужжатуллоҳил болиға», ал-Мактабатус салафийя, Лоҳур.

17. Саҳийд Ҳавва. «Ал-Асасу фис Сунна», Дорус салом. Қоҳира, 1994, 1-босма.

18. Муҳаммад Фуад Абдулбоқий. «ал Муъжам ал Мифеҳрис ли Алфозил Куръонил Карим», Дорул кутубил мисрийя, Қоҳира, 1945.

19. Аҳмад ибн Халликон. «Вафиятул аъйан фи анбаи абнаиз заман», Ал-Матбаъатул маймуна, Қоҳира, 1310 ҳ.й.

22. Жалолиддин ас-Суютий. «Танвийрул ҳаволик шархун ала Муваттоъ Молик», Дорул ихъил кутубил арабийя, Миср.

21. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. «Мирқотул Мафотийҳ шарху Мишкотил Масобийҳ», Дорул ихъит туросил арабий, Байрут.

22. Бадриддин Айний. «Умдатул Қорий шарху Саҳихил Бухорий», Дорул фикр.

23. Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатҳул Борий шарху Саҳихил Бухорий», Дорул райяни лит турос. Қоҳира, 1986, 1-босма.

24. Аҳмад ибн Юсуф ал-Ҳалабий. «Умдатул хуффош фи тафсири ашрафил алфоз», Дорул кутубил ватанийя, Банғозий, 1995.

25. Аҳмад ибн Абдурроҳман ал-Мақдисий. «Мухтасари мин-ҳожил қосидийн», Мактабату дорул баён, Дамашқ, 1978.

26. Муҳаммад ибн Абу Бакр ар-Розий. «Мухторус Сиҳоҳ», ал-Ҳайъал мисрийятил оммати лил китаб, Қоҳира, 1976.

27. Зафар Аҳмад ал-Усмоний ат-Таҳонавий. «Эълоус Суннан», Идоратул Куръани вал улумил Исламийя, Карачи, Покистон, 1415 ҳ. й.

28. Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовий ал-Ҳанафий.

«Шарҳи маъоний ал-Осор», Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан, 1987.

29. Мулло Али Қори Ҳанафий. «Шарҳи Китоби ал-Фикҳил Акбар», Дорула Кутубил имлийя, Байрут, 1995й.

30. Маҳмуд Шалтут. «Ал-Ислому ақийдатан ва шарийъатан», Доруш шурук, Қоҳира, 1968 й.

31. Абдуллоҳ ибн Муборак. «Китобуз зуҳд».

32. «Назратун наъйим фии ахлоқин набиййил карийм».

33. «Ал-мавсуъа ал-Фикҳийя».

34. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Тасаввуф ҳақида тасаввур».

35. Саййид Рамазон Бутий. «ал-Ҳикам ал-Атоийя шарҳун ва таҳлил».

36. Саид Ҳавво. «Нафсни поклашликда хулоса». 1405 х, 27-муҳаррам, учинчи нашр Доруссалом.

37. Саид Ҳавво. «Рухий тарбиямиз», 1399 х, Дорул кутуб ал-арабийя.

38. Абулҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавий. «Раббонийлик, раҳбонийлик эмас», 1404 х, иккинчи нашр, муассасату ар-Рисола.

39. Абу Абдуллоҳ Ҳорис ибн Асад ал-Муҳосибий. «Нафс одоблари», 243 ҳижрий.

40. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад. «Нафсни ҳисоб-китоб қилиш», 1408 х, биринчи нашр Муассасатул Кутуб ас-Сикофийя.

41. Муҳаммад Шайхоний. «Рухий тарбия», 1416 х, иккинчи нашр Дору Кутайба.

42. Соиҳ Али Ҳусайн. «Тасаввуф ва унинг тарихидан кўринишлар» 1994 м, Маншуроту куллийяту даъва ал-Исломия.

43. Абу Ҳомид ал-Ўаззолий. «Охират илмини кашф қилишда фахрли дурлар», 1407 ҳижрий, Муассасатул кутуб ас-Сикофия.

44. Бурҳониддин ал-Буқоий. «Тасаввуф борасидаги

тортишув», 1400 х, Дорул кутуб ал-Илмийя.

45. Муҳаммад Закий Иброҳим. «Исломий тасаввуф алифбоси». 1415 х, бешинчи нашр Мактабатул Одоб.

46. Абдулкарим ал-Қушайрий. «Кичик қалб томон», 1397 х, Дорул арабийяту лилкитоби.

47. Хусайн ал-Қувватлий. «Ислолдаги ақлий тасаввуф». 1998 м, биринчи нашр, Маншуроту дору икраъ.

48. Муҳаммад Маҳмуд Алвон. «Ислом ва Тасаввуф журнали», Журнал соҳиби: 1959 м, 1 март, 10-сон.

49. Холид Бағдодий. «Рисолаи холидия ва одои зикр», Истанбул, 1993.

50. Ҳасан Муҳаммад Саъид аш-Шанновий. «Фи риёзит тасаввуфи». 2003 й.

51. Муҳаммад Мозий Абул Азоим. «Рисолатул муршидийн вал мустаршидийн», Дорул Мадина ла-Мунаввара, Қоҳира, 1983 й.

52. Абул Ҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавий. «Рижолул Фикри вад Даъвати фил Исломи», Дору Ибн Касир, Байрут, 1999 й.

53. Фахруддин Али Сафий. «Рашахот айн ал-ҳаёт», Ибн Сино, Тошкент, 2003 й.

54. Яхъя ибн Шарофиддин Нававий. «Риязус солихийн».

55. Абу Ҳомид Ғаззолий. «Ихяу улумиддийн».

56. Имом Қушайрий. «Рисолаи Қушайрия».

57. Абулҳасан Мавардий. «Адабуд дуня вад дийн».

58. Абдулазм ибн Абдулқовий ал-Мунзирий. «ат-Тарғийб ват тарҳийб».

59. Абу Нуъайм Исбаҳоний. «Хулятул авлиё».

60. Ибн Жавзия. «Сифатус Сафва».

61. Абулфараж Абдурроҳман ибн Аҳмад. «Жомиъул улумвал ҳикам».

62. Ҳофиз ибн Абуд Дуня. «Заммуд Дуня».